

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Р.Х.Алимов, Ў.Т.Хайитматов, А.Ф.Хакимов, Г.Т.Юлчиева,
О.Х.Азаматов, У.А.Отажанов**

АҲБОРОТ ТИЗИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи
кенгаши томонидан олий ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган

Р.Х. Алимов, Ў.Т. Хайитматов, А.Ф.Хакимов, Г.Т. Юлчиева, О.Х. Азаматов, У.А.Отажанов “Ахборот тизимлари” Ўқув қўлланма - Т.: ТДИУ. 2013 й.

Ушбу ўқув қўлланмада ахборотлашган жамиятни шакллантиришда ахборот тизимларига замонавий ахборот технологияларини тадбиқ этишнинг назарий, хам амалий асослари, яни технология, ахборот технологияси, ривожланиш босқичлари, ахборот, тизим, бошқарув тизими, ахборот тизими, автоматлаштирилган ахборот тизимларининг таснифи, уларнинг ахборот, дастурий, технологик таъминоти, электрон тижорат, электрон хужжат алмашув, компьютер тармоқлари, ахборот хавфсизлиги масалалари тўлиқ ёритилган. Бундан ташқари иқтисодий соҳаларда амалий дастурлар пакетларидан фойдаланиш, хамда иқтисодиётнинг статистика, бухгалтерия, банк, маркетинг соҳаларида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари баён этилган.

Мазкур ўқув қўлланма иқтисодий таълим йўналишида таълим олаётган магистратура талабалари учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

М.А. Исмоилов – т. ф. д., проф. “Дастурий махсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш” маркази бўлим мудири
С.Х. Файзуллаев – т.ф.н., доц. ТКТИ “Информатика. Автоматик бошқарув” кафедраси доценти

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----------|
| Кириш | 6 |
| 1- боб. Жамиятни ахборотлаштириш | |
| 1.1. Ахборотлашган жамиятни шакллантириш жараёнлари. | 9 |
| 1.2. «Ахборот тизимлари» фанини ўқитиш мақсади ва асосий вазифалари | 16 |
| 1.3. Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш миллий тизимиши шакллантиришнинг хуқуқий базаси | 17 |
| 1.4. Ўзбекистонда ягона иқтисодий ахборот тизимларини қуриш концепцияси | 20 |
| 1.5. Ахборот - коммуникация бозорининг жамият иқтисодидаги роли | 27 |
| 1-боб бўйича хulosалар | 31 |
| 2-боб. Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг асосий компонентлари | |
| 2.1. Ахборот тизимлари тушунчаси | 32 |
| 2.2. Бизнесда ахборот тизимлари | 35 |
| 2.3. Автоматлаштирилган ахборот тизимлари | 38 |
| 2-боб бўйича хulosалар | 41 |
| 3-боб. Ахборот технологиялари | |
| 3.1. Ахборот технологияси иқтисодий информатиканинг қисми сифатида | 42 |
| 3.2. Ахборот технологиялари тараққий этишининг асосий босқичлари | 47 |
| 3.3. Технология, ахборот технологияси ва замонавий ахборот технологияларининг имкониятлари | 53 |
| 3.4. Автоматлаштирилган ахборот технологияларининг туркумланиши | 55 |
| 3-боб бўйича хulosалар | 57 |
| 4-боб. Ахборот тизимларини бошқариш | |
| 4.1. Иқтисодий ахборот тизими. Иқтисодий тизимларни ўрганишда тизимли ёндашув | 58 |
| 4.2. Иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими | 61 |
| 4.3. Қарор кабул килишни қуллаб-куватлаш ахборот технологияси | 67 |
| 4.4. Иқтисодий ахборот тизимларининг моделлари | 70 |
| 4-боб бўйича хulosалар | 75 |
| 5-боб. Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари | |
| 5.1. Маълумотлар банки тушунчаси ва унинг таркиби | 76 |
| 5.2. Маълумотлар базасини ташкил қилиш тамойиллари | 81 |
| 5.3. Ахборотлар базасини ташкил этиш ва юритишнинг дастурий | 83 |

| | |
|---|-----|
| воситалари | |
| 5.4. Реляцион маълумотлар базаси ва унинг имкониятлари | 87 |
| 5-боб бўйича хулосалар | 93 |
| 6-боб. Компьютер тармоқларининг моделлари ва технологиялари | |
| 6.1. Компьютер тармоқларининг турлари | 94 |
| 6.2. Телекоммуникация. Глобал компьютер тармоғи – Internet | 95 |
| 6.3. Internetнинг афзаликлари ва камчиликлари. Internet тармоғида ишлаш | 99 |
| 6-боб бўйича хулосалар | 105 |
| 7-боб. Компьютер тизимларининг ахборот ҳавфсизлиги | |
| 7.1. Замонавий ахборот жамиятида ахборот ҳавфсизлиги | 106 |
| 7.2. Ахборотни ҳимоялаш тизимлари | 110 |
| 7.3. Компьютер вируслари ва уларнинг турлари | 112 |
| 7.4. Вирусдан ҳимояланиш дастурий воситаларининг тавсифи | 116 |
| 7.5. Ахборот ҳавфсизлигини таъминлашда биометрик усуллардан фойдаланиш | 117 |
| 7-боб бўйича хулосалар | 120 |
| 8-боб. Амалий дастурлар пакетлари | |
| 8.1. Амалий дастурлар пакетларининг таснифланиши | 122 |
| 8.2. Сервис дастурий таъминот | 126 |
| 8.3. Дастурий маҳсулотлар тавсифи | 128 |
| 8-боб бўйича хулосалар | 130 |
| 9-боб. Иқтисодий соҳаларда амалий дастурлар пакетларидан фойдаланиш | |
| 9.1. БЭМ – Бухгалтерга Электрон Мадад амалий дастур пакетида ишлаш | 131 |
| 9.2. 1С: Бухгалтерия 8,0 амалий дастур пакети имкониятлари | 135 |
| 9.3. TSP амалий дастур пакетида ишлаш | 136 |
| 9-боб бўйича хулосалар | 148 |
| 10-боб. Давлат секторида электрон бошқарув усуллари | |
| 10.1. Давлат секторида бошқаришнинг электрон усулини қонунчилик асосида ривожлантириш | 149 |
| 10.2. Электрон хужжат алмашуви тизими | 151 |
| 10.3. Ўзбекистон Республикасида электрон хокимиятнинг холати ва равнақи | 153 |
| 10.4. Ўзбекистон Республикасида электрон хокимият моделининг ривожланиш босқичлари | 155 |
| 10-боб бўйича хулосалар | 158 |

| | |
|--|-----|
| 11-боб. Электрон тижорат - бизнес самарадорлигини оширувчи манба | |
| 11.1. Интернет – электрон тижоратнинг асоси | 159 |
| 11.2. Электрон тўлов технологияси | 160 |
| 11.3. Интерактив молиявий амаллар | 161 |
| 11.4. Электрон тижорат ва электрон тўлов тизими | 162 |
| 11.5. Интернет – логистика | 163 |
| 11-боб бўйича хуносалар | 164 |
| 12-боб. Интеллектуал тизимлар ва технологиялар | |
| 12.1. Сунъий интеллектнинг ривожланиш тарихи | 165 |
| 12.2. Сунъий интеллект ривожланишининг йўналишлари | 169 |
| 12.3. Маълумотлар ва билимлар | 170 |
| 12.4. Билимларни тақдим этишнинг моделлари | 172 |
| 12-боб бўйича хуносалар | 177 |
| 13-боб. Нейрон тармок технологиялари | |
| 13.1. Нейрон тўрларини ташкил қилиш тўғрисида маълумот | 178 |
| 13.2. Нейрон тўрларининг тарихи | 183 |
| 13.3. Нейрон тўрларини ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига тадбиқи | 184 |
| 13.4. Нейрон тўрларини компьютер дастури сифатида намоён бўлиши | 185 |
| 13-боб бўйича хуносалар | 185 |
| 14-боб. Иқтисодий соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш | |
| 14.1. Статистика соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари | 187 |
| 14.2. Бухгалтерия ҳисобида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари | 196 |
| 14.3. Банк фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари | 203 |
| 14.4. Маркетинг фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари | 213 |
| 14-боб бўйича хуносалар | 218 |
| 15-боб. Замонавий ахборот технологиялари ва тизимларининг ривожланиш тенденциялари | |
| 15.1. Замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг самараси | 219 |
| 15.2. Ахборот технологиялари ривожланишининг тенденциялари | 222 |
| 15.3. Масофавий таълим - электрон таълим тизими | 223 |
| 15-боб бўйича хуносалар | 232 |
| Глоссарий | 233 |
| Назорат саволлари | 238 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 240 |

К И Р И Ш

Мамлакатимиз ишлаб чиқариш соҳаларини ахборотлаштириш жамият ривожланишининг объектив жараёни ҳамда зарур бўлган ахборотларни йифиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этишнинг табиий давомидир. Иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, алоқа, илмий-тадқиқот, таълим, тиббиёт ва бизнес соҳаларидаги меҳнат сифати, меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик даражасини юксалтириш уларда тадбиқ қилинаётган энг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлик.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тўпланган ахборот маҳсулотларини кишиларга тезкор суръатда етказиб сермеҳнатлик даражасини камайтирган ҳолда мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Шунинг учун ҳам ахборот-коммуникациялар технологияларини иқтисодиётнинг барча тармокларида самарали қўллаш мамлакатни технологик ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни ифодаловчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қуидагиларни айтиб ўтдилар:

“биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўплаб турлари бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур”¹.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида ҳам юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланиш қўлламиларни қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигини ошишида қандай роль ўйнашига боғлик. Бу борада Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганлариdek: «*Бугунги кунда миллий ахборот тизимини шакллантириши жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан фойдаланиши, айниқса, муҳим ахамиятга эга. Бунга эришиши XXI асрда мамлакат таракқиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади* ».

Ахборотлашган жамият иқтисодий ва илмий-техникавий жиҳатдан янада юксалишга, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ва меҳнат унумдорлигини оширишга, иқтисодиётни макро ва микро даражада бошқаришни такомиллаштириш ҳамда истиқболли илмий йўналишларни ривожлантиришга катта замин яратиб беради. Бундай жамиятни барпо этиш илмий-техника тараккиёти

¹ бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. ўзбекистон республикаси президенти ислом каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

ютуклари ва ахборот-коммуникациялар технологияларини илфор ишлаб чиқариш соҳаларида қўллаш ҳамда материаллар ва хом-аёш яратиш билан чамбарчас боғланган. Жамиятнинг асосий ижтимоий ишлаб чиқарувчи кучи саналмиш инсон баркамоллиги йўлида ахборотлаштириш жараёнлари асосий негиз бўлиб хизмат қиласи. У инсонларга энг замонавий компьютер техника воситаларини амалиётда кенг қўллаш бўйича малакасини оширишга ва ўзининг туганмас қобилиятини амалда синаб кўришга катта имконият тутдиди.

Инсоннинг ахборотни қайта ишлаш бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар билан қуроллантириш - ахборотлаштириш саноатини жадал ривожлантиришни талаб этувчи энг мухим техник, иқтисодий вазифа ҳисобланади. Иқтисодиётда ахборот технологияларидан фойдаланиш иқтисодий ахборотлар сифати, унинг аниқлиги, об'ективлиги, тезкорлигини ва бунинг натижаси сифатида эса бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконияти ошишини таъминлади.

Демак, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш шу куннинг энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, жамият тарақиётининг асосий омили ҳисобланади.

Ахборот технологияларини жорий қилишнинг асосий мезони ҳар бир инсоннинг, ҳар қандай бозор муносабатида ва давлат бошқарувида йўналтирилган бўлиши керак. Ахборот технологиялари инсон фаолиятининг барча соҳаларида қўлланиладиган, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий тузилишга эга бўлган ахборот тизимини ўз ичига олади.

Ахборот тизимлари ва технологиялари йилдан-йилга кишилик фаолиятининг турли соҳаларида янада кенг қўлланилиб борилмоқда. Уларни яратиш, ишга тушириш ва кенг қўллашдан мақсад — жамият ва инсоннинг бутун хаёт фаолиятини ахборотлаштириш борасидаги муаммоларини ҳал этишдир.

“Барчамиз бир хақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тоборо кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин”, деб таъкидлаган эди республикамиз Президенти И.А. Каримов.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар кўп жихатдан узлуксиз иқтисодий таълим тизимини шакллантиришни тақозо етади. Янгича фикрлайдиган, бозор шароитларида муваффақиятли хўжалик юрита оладиган малакали, чуқур билимли мутахассисларни, айниқса, ахборот технологияларидан кенг фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

2005 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш

тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарорни қабул қилишдан мақсад кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни бажариш, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутаҳассислар тайёрлаш, шунингдек, замонавий компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида мутаҳассислар, касб-хунар коллажлари ва умумталим мактаблари учун олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш ва уларнинг сифатини ошириш хисобланади.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиёти самарадорлигини ўсишида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот-технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолият ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жихозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон жараёнларига муваффақиятли интеграциялашуви имконини беради.

Демак, иқтисодий мутаҳассисликлар бўйича таълим олаётган талабаларни давр талабига жавоб бера оладиган етук мутаҳассис, комил инсон бўлиб тарбияланишларида, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришда, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникиси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этишда ҳамда улардан фойдаланишда, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эхтиёжларини янада тўлиқроқ қондиришда, жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришда ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгайтиришда «Ахборот тизимлари» фанини ўқитиш катта ахамиятга эгадир.

Президентимиз И.А. Каримов “Баркамол авлод йили” давлат дастури тўғрисидаги Қарорида таъкидлаганларидек: “**Таълим жараёнига янги ахборот коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мултимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллажлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лабаратория базасини замонавий турдаги ўқув ва лабаратория ускуналари, компьютер техникиси билан мустахкамлаш; замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш ...**” шу куннинг долзарб вазифаларидир.

1- боб Жамиятни ахборотлаштириш

1.1. Ахборотлашган жамиятни шакллантириш жараёнлари

Янги XXI асрда мамлакатларнинг миллий иқтисоди глобаллашиб, ахборотлашган иқтисод шаклига айланмоқда. Яъни миллий иқтисоддаги ахборот ва билимларнинг тутган ўрни тобора юксалмоқда ва улар стратегик ресурсга айланган. Дунёда жамғарилган ахборот ва билимларнинг 90 % и сўнгги 30 йил мобайнида яратилган. Ахборот ва билимлар ҳажмининг кундан-кунга ортиб бориши миллий иқтисоднинг барча соҳаларида, жумладан, таълимда ҳам ахборот-коммуникациялар технологияларидан кенг кўламда самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

Ахборот худди анъанавий ресурслар каби излаб топиш, тарқатиш мумкин бўлган ресурсга айланди. Ушбу ресурснинг фойдаланадиган умумий ҳажми келгусида давлатларнинг стратегик имкониятини, шунингдек мудофа кобилиятини ҳам белгилаб беради, дейишга жиддий асос бор [13,18,19].

Ахборот, компьютерлаштириш, ҳисоблаш техникаси, замонавий ахборот технологияси, моделлаш, маълумотлар манбаи, дастурлаштириш, шахсий компьютерлар, дастур билан таъминлаш ва бошқа шу каби илмий тушунчалар жамиятни ахборотлаштиришнинг энг муҳим хусусиятларини ифода этади.

Ахборот - ижтимоий, иқтисодий табиий фанларнинг, тафаккур илмининг тараққиёти натижасида юзага келган билим ва маълумотлар, кишиларнинг амалий фаолияти давомида тўплаган тажрибалари мажмуи демакдир. Инсон ахборот оқими ичра яшар экан, турли-туман воқеа, ходисалар ва жараёнларнинг бир - бирига алоқадорлигини, ўзаро муносабати моҳиятини таҳлил этиш, мушоҳада ва мулоҳаза қилиб кўриш мақсадида қўпдан кўп далил ва рақамларга мурожаат қиласи. Ахборот туфайли назарий билимлар амалиёт билан бирлашади.

Хозирги замон фан-техника тараққиёти ахборот оқимининг жуда ҳам кенгайишига олиб келди. Ахборот оқимининг тобора кенгайиб борганидан шу нарса ҳам далолат бера оладики, ўтган асрнинг 70-йиллар ўрталарига келибоқ ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти шундай даражага етган эдики, улардан оқилона фойдаланиш, ижтимоий ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун йилига 10^{16} арифметик амални бажариш керак бўлади. Табиийки, бундай мураккаб ҳисоб - китобни чўт қоқиб амалга ошириб бўлмайди. 10 миллиард киши бир йил давомида тинмай ишлаган тақдирдагина шунча арифметик амални еча олиши мумкин.

Ахборот ресурсларини оқилона ташкил этиш ва фойдаланишда улар меҳнат, моддий ва энергетик ресурслар эквиваленти сифатида намоён бўлади. Айни пайтда ахборот — бу бошқа барча ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда уларни асрраб-авайлашга қўмаклашувчи ягона ресурс туридир.

XXI асрга келиб инсоният тарихида илк бор саноати ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқаришида ахборот иш қуролига айланди. Моддий ишлаб чиқариш соҳасидан меҳнат ресурсларининг оғишмай ахборот соҳасига ўтиб

бориши тенденцияси тобора яққол сезилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, ишлаб чиқариш суръати ўсиши ва ривожланиши жараёнида қарорлар қабул қилиш ҳамда бошқариш учун зарур бўлган ахборот ҳажми ошиб бормоқда. Бу ўсиш аввало, иқтисодий, техник, илмий, технологик ва ижтимоий тизимлар ва жараёнларда намоён бўлмоқда.

Ахборот ҳажмининг ортиши ва уни қайта ишлаш воситаларининг ривожланмаганлиги инсоннинг у тўғрисида таъсавурга эга бўлиши ва улардан фойдаланишини қийинлаштиради. Кўплаб вақт ахборотни қидиришга, ажратишга ва фойдаланишга кетади. Ахборот фондлари ҳар бир инсонга хизмат қилиши учун янги, замонавий воситалар керак бўлади. Шунинг учун XX аср ўрталарига келиб ахборотни ишлаш соҳасида кўп одамлар шуғуллана бошлади. Ахборот билимлар манбаи сифатида жамият учун стратегик ресурсга айланди. Бу ресурслардан самарали фойдаланиш эса жамиятни ахборотлаштириш жараёни билан боғлиқ.

Ахборотлаштириш жараёни деганда – инсон фаолиятининг муҳим йўналишларида олинган билимлардан самарали фойдаланиш учун кўрилган комплекс чора-тадбирлар тушунилади.

Замонавий ва самарали ечимлар топиш учун кўплаб, структура жиҳатидан мураккаб ахборот тизими яратилмоқда, натижада, ахборотлаштириш жараёнида иштирок этувчилик сони кун сайн ортиб бормоқда. Бу жамият ва моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг кўплаб маблағларини шу соҳага жалб қилишга олиб келмоқда. Бу ўз навбатида инсонларни ахборот ресурсларидан рационал фойдаланиш йўлларини қидиришга мажбур қилмоқда. Замонавий шароитда янги ахборот оқими қанчалик тез кўпайса шу билан бирга уларнинг эскириш муддатлари ҳам тезлашмоқда, бу ўз навбатида, ахборотни танлаш, унга эришиш қийинчиликларини келтириб чиқармоқда.

Ҳар бир инженер, хизматчи, раҳбар ўз фаолияти давомида кўплаб қоғозларга битилган ахборотни таҳлил қилишига тўғри келади. Бу эса ахборотга эришиш учун кўплаб вақт сарфлашга тўғри келиб, ишни ташкил қилиш унумдорлигига салбий таъсир қиласи. Бундай муаммоларни самарали ечиш жамиятни ахборотлаштириш масаласини кўндаланг қилиб қўймоқда.

Жамиятни ахборотлаштириш – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёнидир².

Жамиятни ахборотлаштириш жараёни қуйидаги қатор муаммоларни ҳал этилишини талаб этади:

1. Ҳисоблаш техника воситаларини жамият фаолиятининг барча тармоқларига тадбиқ қилиш.

² Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент шаҳри, 2003 йил 11 декабрь

2. Жамият аъзоларини ҳисоблаш техникаси воситаларидан самарали фойдаланишга ўргатиш.

3. Жамият аъзоларининг турли хил эхтиёжларини қондиришда ахборот ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланишларини таъминлаш.

Ахборотлашган жамият – кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айниқса унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш билан банд бўлган жамиятидир.

Ахборотлашган жамиятнинг ўзига хос жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- ахборот иқтисодиётининг ривожланиши;
- ахборот танглигини бартараф этиш;
- ахборот технологиясининг глобаллигига эришиш;
- турли ахборот ресурсларига эркин кириб борилиши;
- ахборот ресурсларининг устунлигини таъминлаш;
- янги ахборот техникаси ва технологияларини кенг қўллаш;
- бошқарув фаолиятида ахборотдан самарали фойдаланиш.

Ахборотлашган жамиятда инсон ахборот билан ишлаш бўйича маълум даражадаги ахборот маданиятига эга бўлиши зарур. Бунинг учун шахсни ахборотни тез қабул қилиш ва катта ҳажмини қайта ишлаш, замонавий воситалар, усуллар ва технологиялардан фойдаланишга тайёрлаш лозим.

Ахборот маданияти деганда – жамият аъзоларининг ахборотдан мақсадли фойдаланиш, ахборотни қайта ишлаш ва узатиш, замонавий техникатшкилий воситалардан ва усулларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши тушунилади.

Ахборотлашган жамият қўйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

- техник қурилмалардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ўз фаолиятида компьютер, ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- турли манбалардан ахборотни олишни билиш ва ундан самарали фойдаланиш;
- ахборотни таҳлилий қайта ишлаш асосларини эгаллаш;
- ўз фаолиятига тааллуқли ахборотни билиш ва у билан ишлашни ундилаш.

Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиш ва такомиллашиш муаммоларига бағишланган чет эл ва мамлакатимиз олимларининг илмий ишлари салмоғи оз эмас.

«Ахборотлашган жамият» тушунчасини биринчилар қаторида америкалик иқтисодчи олим Ф. Махлуп илмий доирага киритган. У монополия рақобатида патентлаштириш тизимининг тутган ўрнини статистик усуллар асосида ўрганиб, АҚШ ялпи ички маҳсулотида ахборотнинг микдорий жиҳатдан тавсифланишини кўриб чиқди. Олим ахборотни товар сифатида қабул қилиш концепциясига асосланган ҳолда Америкада келажакда жамият ривожланишининг асосий шарти «ахборотлашган иқтисод» бўлиши ғоясини илгари сурди.

Ўз концепциясида Ф. Махлуп АҚШ да нафақат илмий-техник ахборотнинг, балки ҳохлаган ижтимоий ахборотнинг тарқатилиши ва ишлаб чиқарилишининг ўсишини тавсифловчи аниқ эмпирик материаллардан фойдаланди. Кейинчалик АҚШ ва бошқа мамлакатларда «ахборотлашган жамият» концепциясини П.Драккер, Д.Белл, Э.Паркер, М.Порат, А.Тоффлер, А.Мол, Ж. Стиглер, К.Эрроу каби бир қатор иқтисодчилар олдинга сурошди. Ҳозирги кунда улар олиб борган тадқиқотлар натижаси ўлароқ миллий иқтисодда «ахборот тармоғи», «ахборот иқтисоди» ва «ахборотлашган жамият» каби концепциялар вужудга келган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон амалиётида ахборот соҳасининг миллий иқтисоддаги ўрнини аниқлаш бўйича иқтисодий ҳисоб принципларига асосланган иккита энг машҳур илмий қарааш мавжуд бўлиб, улар Ф. Махлуп ва М. Поратларга тегишли.

Ф. Махлуп билимларнинг у ёки бу соҳа фаолиятида тутган ўрнини ҳар томонлама ўрганган ҳамда миллий иқтисод соҳаларини янгича гурухлаштиришнинг синтезини ва билимлар индустрясини моҳият жиҳатидан белгилаб олди.

Иқтисодчи олим Ф. Махлуп биринчилардан бўлиб миллий бойликнинг қандай қисми ахборот маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳисобига вужудга келишини ҳамда билим, умуман у билан боғлиқ бўлган ялпи миллий маҳсулот қисмини аниқлаш масаласини кўндаланг қўйди. У АҚШ миллий иқтисодини тўла тадқиқ қилди ва билимлар яратадиган 30 та тармоқни белгилаб олди ҳамда уларни 5 та гурухга ажратди: маориф; илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш; алоқа ва оммавий ахборот воситалари; ахборот машиналари ва воситалари; ахборот хизматлари.

Доктор Марк Ури Порат эса мавжуд миллий ҳисоблар тизимиға асосланган ҳолда миллий иқтисодда ахборот фаолиятининг ҳажмини белгилашга интилди. Унинг илмий қараши қабул қилинган статистика тизими асосида миллий иқтисоддаги мавжуд ахборот фаолияти турларини аниқлашдан иборат бўлган. Ушбу тадқиқотнинг асосида «ахборот билан боғлиқ фаолият замонавий жамиятнинг энг асосий элементлариданdir» деган фикр ётади. Унинг фикрича, ривожланган мамлакатларнинг иқтисоди мазмунан ишлаб чиқаришдан «ахборотлашган»га айланмоқда. М. Поратнинг тадқиқоти асосан иккита мақсадни кўзлаган, яъни ахборот билан боғлиқ фаолиятни аниқлаш ва унинг ҳажмини ҳисоблашдир. Ахборотни ишлаб чиқараётган тармоқлар қўллаётган технология, ишлаб чиқаётган маҳсулот ва кўрсатаётган хизматлари шунчалик хилма-хилки, уларни битта ягона тармоққа бирлаштириш ўта мушкул. Аммо уларнинг барчаси ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатишга хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам улар «ахборотлашган» деган ягона фаолиятда бирлашади.

Амалиёти ривожланган мамлакатларда фан ва ахборот-коммуникациялар технологияларининг такомиллашиб бориши ахборотлашган жамиятни шакллантириш бўйича ўзининг назарий таклифларини берган олимларнинг ғоялари ўз ўрнини топаётганини кўрсатмоқда. Башорат қилишларига қараганда,

бутун жаҳон мамлакатлари ягона компьютерлаштирилган ва ахборотлаштирилган кишилар жамиятига айланиб боради. Тадқиқотлар ахборотлашган жамиятга хос бўлган қуидаги хусусиятларни белгилаб берди:

- ахборот танқислиги муаммоси ҳал этилади;
- бошқа ресурсларга нисбатан ахборот ресурслари бирламчи ўринга чиқади;
- ахборотлашган иқтисод ривожланишнинг асосий шакли бўлиб хизмат килади;
- жамият тараққиётининг негизи бўлиб ахборот-коммуникациялар бозори товарларини кенг қўллаш шартлари қўйилади;
- инсоният тараққиётининг ягона ахборот майдони шаклланмоқда.

Ҳозирги босқичда илмий-техникавий ривожланишнинг асосий хусусиятларидан бири - ахборотнинг жамиятдаги ролини белгилаб олишдир.

Шу ўринда мазкур муаммога бағишлиланган республиканизнинг таникли олимлари академиклар В.Қ.Қобулов, С.С.Ғуломов, профессорлар А.А. Абдуғаффоров, Р.Х.Алимов, М.И.Ирматов, Т.Ш. Шодиев, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов ва бошқаларнинг илмий ишларини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Академик В.Қ. Қобулов таъкидлаганлариdek, «Иқтисодий кибернетика, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг сиёсий-иқтисодий таҳлилига асосланган ҳолда, ахборот ва материалларни тубдан ўзгартириб юборишнинг иқтисодий тизими доирасида кўради».

Ахборот танқислиги билан боғлиқ бўлган бошқарув хатолари жуда қимматга тушади. Айни пайтда, бошқарув ва ишлаб чиқариш самарадорлиги, илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва фойдаланиш бўйича энг кўп ахборотга эга бўлган тизим ютиб чиқмоқда.

Мутахассислар, биринчи галда иқтисодчиларнинг ахборотга эркин кириб боришини саноат ривожланиши шароитида бозор иқтисоди самарадорлигининг асосий шартларидан бири деб ҳисоблайди. Уларнинг фаолияти ва жамият ишлаб чиқаришининг асосий соҳалари у ёки бу маънода ахборот билан боғлиқ бўлиб, иш билан банд бўлганларнинг 40-60 % ини ташкил этади. Ахборот хизматлари жаҳон ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадининг 10 % ини ташкил қилмоқда. Шунинг 90 % и АҚШ, Япония ва Фарбий Европа ҳиссасига тўғри келади.

Ахборот интеллектуал фаолиятнинг муҳим маҳсулоти саналади. Саноати ривожланган барча мамлакатларда ушбу маҳсулотларни ўз фойдаланувчиларига етказишнинг «усуллари ва воситалари» ни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш жадал суръатларда олиб борилмоқдаки, бу ахборот тизимлари ва технологиялари саноатини яратишда ўз аксини топган.

Ахборот технологияси - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар мажмуи.

Ахборот технологиялари индустриясининг юзага келиши уларнинг ахборот жамиятини яратишни қандай таъминлашига боғлиқ. Ахборот

технологиялари индустряси ахборот маҳсулотлари ва воситаларини ишлаб чиқаради ҳамда истеъмолчиларга етказади.

Ахборот маҳсулотлари деганда аввало, анънавий йўл билан ёки электрон техника ёрдамида олинган турли билимлар соҳаси, шунингдек маълумот ва ахборотнинг бошқа шакллари тушунилади.

Шахсий компьютерларнинг оммавий равишда ишлаб чиқарилиши айниқса ахборот технологиялари саноати учун кенг имкониятлар очиб берди. Шахсий компьютерлар инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларига кириб борди ва мутахассисларнинг билимлар манбаига кириб бориши ҳамда уни бевосита қайта ишлаш жараёнида қатнашиш имкониятини кенгайтирди.

Ахборот технологиялари ривожланиши бевосита иқтисодий обьектларнинг ахборот тизимларидан фойдаланиши билан боғлиқ. Замонавий ахборот технологиялари раҳбарларга, мутахассисларга, техник ходимларга ахборотни қайта ишлаш ва қарорлар қабул қилишда ҳамда тўлиқ ва ишончли бўлган замонавий ахборот тизимини яратишда кўмак беради[18].

Ахборот технологиялари маълумотларни қайта ишлашнинг мустақил тизими сифатида ҳам, функциявий таркибий қисм сифатида ҳам ишлайди ва янада йирик тизим доирасида бошқарув жараёнини таъминлайди. Бундай тизимлар қаторига саноат корхоналари, фирмалар, корпорациялар, молия-кредит ва тижорат-савдо ташкилотлари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жараёнларининг автоматлаштирилган бошқариш, илмий тажрибалар, иқтисодий-математик модели, маълумотларни қайта ишлаш тизими, кутубхона хизмати ва бошқа бир қатор соҳалар киради.

Хозирги кунда нафакат таълим соҳасига, балки миллий иқтисоднинг барча тармоқларига: тижорат, бизнес ва бошқаларга замонавий ахборот технологиялари кенг кўламда кириб келмоқда.

Ахборот-коммуникациялар технологияларининг ҳаётимиз барча жабҳаларига кириб келиши бизнес ва таълимни йўлга қўйиш механизмларини тубдан ўзгартириб бормоқда. Шуни таъкидлаш керакки, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашиб бораётганида Интернет орқали таълим хизматларини таклиф этиш борасида меҳнат бозорининг ҳажми чексиздир.

Ўзбекистонда юзага келган вазият иқтисодиётнинг ривожланишини интенсив йўлга ўтказиши, ресурсларнинг барча турларидан оқилона фойдаланиши, ишлаб чиқаришга тобора такомиллашган меҳнат қуролларини жорий этишни жуда ҳам муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришини ва замонавийлаштириш республикамизда устувор ўринларга чиқмоқда. Иқтидорли ёшлар иштирокида республикада Интернет – фестиваллар, Интернет – форумлар ўтказиш одат бўлиб қолди, шаҳарлар ва қишлоқларда Интернет тармоғидан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктларининг сони табора кўпаймоқда, ахборот хизматлари турлари сезиларли даражада кенгаймоқда, уларнинг хизматлари янада интеллектуалроқ бўлиб бормоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов 2001 йил май ойида Олий Мажлиснинг V сессиясида сўзлаган нутқида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ишлаб чиқаришга, мактаблар ва олий ўқув юртларининг дастурларига, одамларнинг кундалик турмушига жорий этиш бўйича Ўзбекистоннинг юксак даражаларга эришиши юзасидан аниқ вазифаларни қўйди.

Жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизмлари барпо этилишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди, жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширади.

Фармонда ва хукумат қарорида белгиланган дастурий чора-тадбирларнинг амалда рўёбга чиқарилиши бошқарувнинг барча тармоқ ва минтақавий органларига, иқтисодий ва маданиятнинг барча соҳаларига, умуман, жамиятга дахлдордир. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун маҳсус «Компьютерлаштиришни ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш» ташкил этилди. Жорий йилда Кенгашга 2010 йилгача бўлган даврда телекоммуникациялар ва маълумотлар узатишнинг миллий тармоғини ривожлантириш; давлат бошқарувига электрон технологияларни жорий этиш; электрон тижоратни ривожлантириш бўйича дастурларни тайёрлаш топширилди.

Президент Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ва 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот – коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади, Унда телекоммуникациялар ва маълуматлар узатишни ривожлантириш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш, Интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятнинг ахборотни тезкор айирбошлишга, жаҳон ахборот ресурсларига кириб боришга бўлган юқори эҳтиёжи, таълим жараёнларини ва кишиларнинг кундалик турмушини компьютерлаштириш зарурияти, шунингдек, ахборот ва маълумотлар базаси ташкил этилишини таъминлаш эҳтиёжи ушбу муҳим қарорларнинг қабул қилиниши учун асос бўлди.

Корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, кам чиқитли ва чиқитсиз технологиялардан, илғор конструкцияли материаллардан фойдаланиш дастурларини амалга ошириш асосидагина меҳнат унумдорлигини ўстириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, аҳолининг ҳарид талабини қондириш, илм - фан ишлаб чиқариш тармоқларини, айниқса, электроника, асбобсозлик, янги

ҳисоблаш техникаси, замонавий алоқа воситалари ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва уларни амалиётда қўллаш вазифаси келиб чиқади.

Буларнинг ҳаммаси ахборотлаштиришнинг улкан имкониятларидан энг самарали фойдаланишни, унинг бозор муносабатларига ўтиш давридаги жараёнларига таъсирини кучайтиришнинг энг долзарб вазифасига айлантирмоқда.

Ахборот жараёнларини ташкил этиш услубларини такомиллаштириш ҳозирги вақтнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади, уни муваффақиятли ечимини топиш иқтисодий тизимларни бошқаришнинг кейинги ривожланиш даражасини белгилайди. Уни бозор услублари билан тараққий топтирилиши иқтисодиётда катта ижобий ўзгаришларга олиб бориши зарур.

Ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнларининг замонавий услублар ва воситалар асосида такомиллаштирилиши нафақат ахборотга эришиш тезкорлигини кўтаради, балки сифатли ахборотга эришиш ҳисобига бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қиласи. Шунинг учун ахборот жараёнларининг рационал ташкил этилиши бошқаришни мукамаллаштиришда марказий бўғин ҳисобланади ва иқтисодий субъектлар стратегик курсини номоён этади.

Автоматлашган ахборот тизимида маълумотларни қайта ишлашнинг тезкорлигини оширишда бошланғич ахборот ҳажмининг ортиқчалиги, яъни бошқариш обьекти ҳақидаги тушаётган маълумотларни тартиблашмаганлиги салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумотларни тақдим этиш процедураларини оддийлаштириш, обьект алоҳида бўғинларини фаолиятини келиштириш автоматлаштирилган ахборот технологиялари самарадорлигини оширишга хизмат қиласи.

Шундай қилиб, инсонларни ижтимоий-иктисодий ва маънавий муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилмоқ учун тегишли ахборотни ўз вақтида тўплаб, қайта ишлаб, муайян бир тартибга солиш ва зудлик билан кишиларга етказиш керак бўлади. Бунинг учун жамиятни ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш ва илғор ахборот технологиясини жорий этиш зарур.

1.2. «Ахборот тизимлари» фанини ўқитиш мақсади ва асосий вазифалари

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида юқори натижаларга эришиши, жаҳон иқтисодий тизимида тўлақонли шериклик ўрнини эгаллай бориши, инсон фаолиятининг барча жабҳаларида замонавий ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланиш кўламлари қандай бўлишига ҳамда бу технологиялар ижтимоий меҳнат самарадорлигини ошишида қандай роль ўйнашига боғлиқ. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганлариdek: “Биз тезкор техникавий тараққиёт, шиддат билан ривожланаётган ва мунтазам янгиланаётган замонавий юқори технологиялар, ахборот – компьютер тизимлари асосида яшаётганимизни унутмаслигимиз керак.”[6].

Инсоннинг ахборотни қайта ишлаш бўйича имкониятларини кучайтирувчи замонавий технологиялар билан қуроллантириш - ахборотлаштириш саноатини жадал ривожлантиришни талаб этувчи энг мухим техник, иқтисодий вазифа

ҳисобланади. Иқтисодиётда ахборот технологияларидан иқтисодий ахборотлар сифати, унинг аниқлиги, объективлиги, тезкорлигини ва бунинг натижаси сифатида эса бошқарув қарорларини ўз вақтида қабул қилиш имконияти ошишини таъминлайди.

Демак, иқтисодий мутахасисликлар бўйича таълим олаётган талабаларни давр талабига жавоб бера оладиган етук мутахассис, комил инсон бўлиб тарбияланишларида, уларга «Ахборот тизимлари» (АТ) фанини ўқитиш – давр талабидир.

Мазкур фаннинг мақсади – талабаларга ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият хаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини қўллашни назарий ҳамда амалий асосларини ўргатишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда мазкур **фаннинг асосий вазифалари** этиб қўйидагилар белгиланади:

- ахборот, ахборот технологияси, ахборот тизими ва уларнинг тузилиши, туркумланишини ўрганиш;
- ахборот технологиясини яратиш тамойилларини аниқлаш;
- ахборот технологиясини ривожланиш босқичларини белгилаш;
- ахборот тизимлари эволюциясини белгилаш;
- ахборот технологиясини концептуал ва функционал модели билан танишиш;
- компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларидан ташкилий, иқтисодий соҳадаги масалаларни ечишда фойдаланиш;
- ахборот тизимларини дастурий, техник таъминотларини ўрганиш ва миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига қўллаш;
- Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг хуқуқий базасини ўрганиш;
- жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш;
- фуқороларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўллароқ қондириш ва ҳ.к.

Ўқув курсининг предмети бўлиб, ахборот технологияларини жорий қилиш усуллари, техник ва дастурий воситаларнинг назарий асослари ва уларни тегишли соҳаларда тадбиқ қилиш усуллари ҳисобланади.

1.3 Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришнинг хуқуқий базаси

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришга эътибор берила бошланди ва бу соҳа босқичма-босқич ривожлантирилмоқда.

2003 йилда қабул қилинган янги таҳирдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун билан унинг хуқуқий таянчи яратилиб, ахборотлаштиришнинг иқтисодий, хуқуқий ва ташкилий асослари аниқланди ва ахборотлаштириш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

1995 йил февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «UzPAK» маълумотлар узатиш миллий тармоғини яртиш (МУМТ) ва халқаро тармоқларга, шу жумладан, Интернетга чиқиш тўғрисидаги қарори қабул

қилинди. Ушбу қарорга асосан, корхона телекоммуникация хизматларини кўреатиш бўйича «Миллий оператор ва провайдер» мақомини олди ва хўжалик ҳисобидаги «UzNET» ахборот-компьютер хизмати унинг таркибига киритилди.

Хозирги кунда ушбу қонунга мувофиқ, вазирликлар, идоралар, муассаса ва ташкилотлар мамлакат ҳудудида жойлашган бир қатор ҳалқаро ташкилотларнинг ахборот тизимлари ва тармоқларини маълумотлар узатиш миллий тармоғига бирлаштириш йўли билан ягона ахборот майдони яратилмоқда.

1991-2003 йилларда 300 дан ортиқ норматив-хуқуқий ҳужжатлар чиқарилди. Улардан 15 дан ортиғи тўлиқ ахборотлаштириш амалиётига тегишлидир, қолганлари эса муайян муаммолар бўйича алоҳида меъёрларни ўз ичига олади [13].

Тавсия характеристидаги қонунчилик ҳужжати «Иштирокчи-давлатларда ахборотлаштириш муносабатларини тартибга солиш тамойиллари тўғрисида», «Давлат сирлари тўғрисида», «Архив фондлари ва архивлар тўғрисида», «Компьютер учун дастурлар ва маълумотлар базасини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди ва қилиниш арафасида. Қуйидаги базавий қонунларни ривожлантиришда маҳсус қонунлар блоки ишлаб чиқилди, булар: «Иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминлаш тўғрисида», «Ҳалқаро ахборот алмашинуvida иштирок этиш ва ахборот маҳсулотларини экспорт қилишини назорат қилиш тўғрисида», «Фуқароларнинг ахборотга кириш ҳуқуқи ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Илмий-техникавий ахборот тўғрисида», «Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республика кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси жиноят ва фуқаролик кодексида ахборот билан ишлашдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилаш тўғрисида».

Ҳаттоқи қонунчилик ҳужжатларининг саралangan рўйхати ҳам ахборотлаштиришни ҳуқуқий таъминлаш муаммосининг мураккаблиги ва қўп тармоқлилиги тўғрисида тасаввур бера олмайди.

Ахборотлаштириш фаолияти соҳасида қонунчилик яратиш йўлидаги муҳим қадам сифатида - 1995 йил 25 январда қабул қилинган «Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилинишини ва кучга киритилишини кўрсатиш лозим. Бу Қонун ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларни қуйидагича тартибга солди:

- ахборот ресурсларини яратиш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш асосида шакллантириш ва ундан фойдаланиш ва истеъмолчиларга тақдим этиш;
- ахборот технологияларини ва уларни таъминлаш воситаларини яратиш ва ундан фойдаланиш;
- ахборотни, ахборот жараёнлари ва ахборот алмашинuvida иштирок этувчи субъектлар, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг олти устивор йўналиши қуйидагилардан иборат:

1. Давлат статистика тизими, кредит-молия ва банк тизимлари.

2. Электрон маълумотлар базаси.
3. Фан-техника ахборот (ФТА) тармоғи.
4. Таълим, кадрлар тайёrlаш ва қайта тайёrlаш, ижтимоий мухофаза ва соғлиқни сақлаш соҳалари ахборот тизимлари.
5. Маълумотларни узатиш ва алоқа тизимлари.
6. Фавқулотда ҳолатларнинг олдини олиш ва хабар беришнинг ахборот тизимларини яратиш.

Мазкур дастурда Вазирлик ва Маҳкамаларнинг ахборот тармоқлари, Миллий ахборотни ҳисоблаш тармоғини яратиш, компьютерлар ва ҳисоблаш техникаси воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёrlашни такомиллаштириш, ҳужжатлаштиришнинг меъёрий-услубий ва ҳукукий тизимини яратиш ва бошқалар жой олган. Юқоридаги қўрсатилган вазифаларни бажариш бир неча босқичда амалга ошириш кўзда тутилган.

Республикамизда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларда компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёrlаш, уларни қайта тайёrlашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари олдинга қўйилган ва мақсадли йўналишлари ифодалаб берилган. Жумладан, Тошкент элётротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди. Ушбу университетда янги мутаҳассисликларнинг кенг доираси бўйича кадрлар тайёrlаш тизимини анча кенгайтириш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, ўқув юртларининг моддий-техник ва илмий-тадқиқот базасини кенгайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги мавжуд қонунчилик тизими умуман олганда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш даражасига ижобий таъсир қўрсатмоқда. Республикаиздаги кўргина фирмалар телекоммуникация ахборот технологиялари бозорларига дадил кириб бормоқдалар.

Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича жаҳон ҳамжамиятига кириш фаоллигини ошириш мақсадида қомусимизга, фуқаролик кодексига, жиноий процессуал кодексларга ўзгартиришлар киритилди.

Ҳукуматимиз томонидан сўнгги йилларда ахборотлаштиришга оид қўйидаги қонунлар ишлаб чиқилди:

1. Телекоммуникациялар тўғрисида.
2. Ахборотлаштириш тўғрисида.
3. Алоқалар тўғрисида.
4. Радиочастоталар спектори тўғрисида.
5. Почта алоқаси тўғрисида.
6. Электрон ҳужжат айланиш тўғрисида.
7. Электрон тўловлар тўғрисида.
8. Электрон рақамли имзо тўғрисида.
9. Электрок тижорат тўғрисида.
10. Компьютер жиноятчилиги тўғрисида.

11. Электрон ҳисоблаш машиналари ва маълумотлар базаси дастурларини ҳуқуқий ҳимояси.
12. Топология ва интеграл схемаларни ҳуқуқий ҳимояси.
13. Ахборотга киришни кафолатлаш ва эркинликлари тўғрисида.
14. Стандартлаштириш тўғрисида.
15. Кашфиётлар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида.
16. Алоҳида олинган фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида.
17. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида.
18. Илмий-техник ахборот тизими тўғрисида.
19. Шахсий маълумотларни ҳимоялаш тўғрисида.
20. Ахборот хавфсизлиги тўғрисида.

Яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессияси томонидан қабул қилинган «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон хужжат айланиши тўғрисида» ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг лойиҳалари биринчи ўқишида қабул қилинди. Назаримизда бу қонунлар Республикамиздаги тадбиркорлик фаолиятини ахборот билан таъминланиш ҳуқуқий базасини яратишга хизмат қилувчи асосий воситалардан ҳисобланади.

«Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуннинг 3-бандида «Товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш бўйича ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти электрон тижоратдир» деб кўрсатиб берилиши фикримизнинг исботи ҳисобланади. Ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришни тўлақонли амалга ошириш учун юқорида келтирилган қонунларнинг бажарилишини таъминлаш зарурый омил ҳисобланади.

Шахсий маълумотларни ҳимоялаш, ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги қонунларни ахборотлашган жамиятда тўлақонли қўлланиши муҳим ҳисобланиб, Республикамизда тадбиркорлик фаолиятини ахборотлаштириш тизимини шакллантириш учун асосий бўлган қонунлардан ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар ва компютерлаштириш жараёнини ривожлантириш йўналишлари мамлакат иқтисодиёти самарадорлигининг ўсишида телекоммуникациялар, Компьютер ва ахборот технологияларининг фаол роли ошишини, одамларнинг фаолият ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жихозланишини таъминлаш, республиканинг жаҳон ахборот жараёнларига муваффақиятли интеграциялашувига имконият яратади.

1.4. Ўзбекистонда ягона иқтисодий ахборот тизимини қуриш концепцияси

Республикамизда ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш бу миллий иқтисодиёт ахборотлаштириш маконини ташкил қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади.


Ягона иқтисодий ахборот тизимини яратишдан асосий мақсад ҳозирги шароитда вазирликлар, идоралар ва банк тизимини бир-бирлари билан алоқаларини замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил қилишдан иборат бўлиб, бунда ахборотни йиғиш, жамғарish, сақлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини шакллантириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ягона иқтисодий ахборот тизимини яратишнинг асосий шарт-шароитлари ва зарурияти шундан иборатки, мавжуд вазирлик идоралар ва молиявий соҳалар ишончли ахборот билан таъминланиб иқтисодий ўсишни таъминлаши зарур. Бу ўз навбатида ягона кенг кўламли тўлов баланси базасини амалга оширишни таъминлаб беради. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг ташкил қилувчи ахборот базасини асосан қуйидаги вазирлик, ташкилот ва идоралар таъминлаб беради. Буни Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг ахборот базаси яққол кўрсатиб турибди (1.1- расм).

Кўрсатилган манбалар ахборот базасини бирламчи ахбороти ҳисобланиб, бунда Молия вазирлиги асосий ахборот етказиб берувчилардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ягона иқтисодий ахборот тизимини қуриш концепцияси, бизнинг фикримизча, қуйидаги вазирлик ва идораларда ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш асосларини тақозо қиласида ва булар қаторига қуйидагилар киради:

- Иқтисодиёт вазирлиги (ИВ);
- Молия вазирлиги (МВ);
- Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши вазирлиги (МАИҲВ);
- Давлат солиқ қўмитаси (ДСҚ);
- Давлат божхона қўмитаси (ДБҚ);
- Давлат статистика қўмитаси (ДСтҚ);
- Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги (ТИАА);
- Марказий банк (МБ).



1.1-расм. Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси ахборот базаси таркиби

Иқтисодиёт вазирлигига ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш республикада ягона ахборотлаштириш миллий тизимини ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади.


Иқтисодиёт вазирлиги яқиндагина ташкил топган ташкилот бўлиб, макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигини қайтадан ташкил қилиш натижасида вужудга келди.

Иқтисодиёт вазирлиги республикамиздаги барча вазирликлардан, идоралардан ахборотни қабул қилиб, олинган ахборотни таҳлили асосида карорлар қабул қилиш учун шарт-шароит яратиб бермоқда.

Мамлакатдаги асосий ахборот базаси тадқиқ қилиниб, таҳлиллар бу соҳада банк сектори етакчи эканлигини кўрсатмоқда (1.2-расм). Ягона иқтисодий ахборот тизимини иқтисодиёт вазирлигига яратиш, ахборотни тезкор равишда олиб, бу соҳада ишловчиларни ҳисботлар йиғишдаги машшаққатли меҳнатларига амалий ёрдам беради.

2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон Молия вазирлигига глобал интегрирлашган ахборот-аналитик тизими ишга тушиб республикамиз бюджетига оид фаолиятни ахборот билан таъминлаб, қуйидаги ишларни амалга оширишни назарда тутади:

- республика бюджети (РБ) харажатларини шакллантириш;
- республика бюджети харажатларини аниқлаш;
- республика бюджети бўйича режалаштириш ва индексацияни аниқлаш;



1.2-расм. Иқтисодиёт вазирлиги ахборот базаси ташкил қилувчилар

- пул маблағлари билан молиялаштириш;
- мақсадли молиялаштириш схемалари бўйича ҳисоб олиб бориш;
- республика бюджети ғазна ва ҳақиқий харажатларини ҳисоблаш;
- маҳаллий бюджет тушумларини ҳисоблаш;
- республика бюджети харажатларини аниқлаш ва башорат қилиш;

- бюджет ташкилотлари ўртасида қисқа муддатли судалар, субвенциялар ва ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш.

Глобал интегрирлашган ахборот-аналитик тизими ёрдамида ҳар куни республикамиз Молия вазирлигига 214 та тижорат банкларидан, валюта биржасидан, Марказий банкдан ахборот узатилиб, Молия вазирлигидан эса бу ташкилотларга қайта ишланган ахборот ва маълумотлар юборилади. Бундан кўриниб турибдики, республикамиз молия тизими ягона иқтисодий ахборот тизимини қуришга ҳар томонлама тайёр турибди[17,18].

1997 йилдан бошлаб меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ягона иқтисодий ахборот тизими соҳасидаги ишларни бошлаб юборган. Республикализ аҳолисини нафақа билан таъминлашда маълумотлар базаси шакллантирилган, нафақалар ҳажмини ҳисоблаш ва уларни индексацияси тўлов ҳужжатлари шакллари бир меъёрга келтирилган.

Бу вазирлик ташкилотларининг ахборот таъминоти бўйича ўзаро алоқалари ҳозирги кунда алоқа коммутация каналлари орқали модемлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Вазирликдаги мавжуд компьютер воситаларини янгилаш, модернизация қилиш ва уларнинг сонини қўпайтириш зарурдир, чунки ягона иқтисодий ахборот тизими талаблари шуни тақозо этади.

Давлат солик қўмитасида ахборотни қайта ишлаш учун шу соҳанинг ягона компьютер тизими мавжуд. Ҳозирги кунда давлат солик қўмитаси тизимида 6000 тадан ортиқ компьютер ва 300 тадан ортиқ серверлари иқтисодий ахборотни, юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотни қайта ишлашда хизмат қилиб келмоқда. Бундан ташқари локал ахборот ҳисоблаш тармоқлари бу соҳа барча бўлимлари фаолиятида ишлатилиб, спутник тизими асосида ишловчи телекоммуникация воситаларидан солик ахборотини ўзаро алмашинувида фойдаланиб келинмоқда.

Давлат солик қўмитасининг жойлардаги бўлинмаларида 25 та маҳсус яратилган дастурлар мажмуи ва модуллари ахборотни сақлаш қайта ишлаш, узатиш ва архивлаш жараёнларини амалга оширмоқда.

Шунга қарамасдан бу соҳада ечимини кутаётган масалалар, муаммолар жуда кўп. Ҳозирги пайтда солик ахборотини қайта ишлаш вазифасини бажарувчи техник воситаларининг 50 фоиздан кўпроғи маънавий эскирганлиги сабабли ягона иқтисодий ахборот тизими талабларига жавоб бера олмайди. Шу сабабли бу соҳага қўшимча замонавий компьютерларни жалб этиш масалалари ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Республикализдаги давлат солик қўмитасида ишлатилаётган 100 дан ортиқ локал ҳисоблаш тармоқлари эскирганлиги сабабли уларни янгилаш зарурияти туғилмоқда. 2004 йилда давлат солик қўмитаси томонидан экспорт-импорт ташқи савдо операцияларини амалга оширувчи ахборот тизими мавжуд бўлиб, Марказий банк, Молия вазирлиги, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва тижорат банклари ахборот ресурсларини интеграция фаолиятини мужассамлаштиради.

Ҳамкорлик битимлари шартлари асосида Ўзбекистон Республикаси фойдаланувчилар учун замонавий web технологиялар асосида ўзининг марказий ахборот ресурсларга киришни таъминлай оладилар. Ўтказилган

тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, ташқи савдо ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш жараёни қўйдаги ишларни амалга оширишни тақозо қиласди:

- турли хилдаги маълумотлар базасини бошқариш тизимларини электрон хабарлар бўйича ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;
- вазирлик ва идоралар ахборот ресурслари ёрдамида ташқи савдо маълумотлар базаси бўйича ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш.

Кейинги босқичларда эса, тизимни шакллантириш жисмоний шахслар билан ишлаш, биржва бартер битимларини расмийлаштириш ҳисоботини амалга ошириш жараёнлари билан боғлик равишда олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида ҳозирги кунда 15 та локал ҳисоблаш тизимлари ва 203 та алоҳида компьютер тармоқлари фаолият юритмоқда. Улар З поғонали корпоратив ҳисоблаш тармоғидан ташкил топиб, тармоқлар ўртасида ахборот айирбошлиш ички электрон почта ёрдамида бажарилади.

Мазкур тармоқда ҳам ҳисоблаш ускуналарини янгилаш зарурияти мавжуд бўлиб, бу тармоқ учун битта ходимга битта компьютер тўғри келиши шарт. Тахминларга кўра ҳар бир туман бўлимига яна 3 тадан компьютер, Қорақалпогистон статистика бошқармасига ва Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри статистика ташкилотларига 30 дан ортиқ замонавий компьютерлар ўрнатиш зарурдир. Шундан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қошида ягона иқтисодий ахборот тизимини жорий қилиш учун 120 дан ортиқ замонавий компьютерлар ажратиш керак бўлади. Статистика соҳасида туманлар бўйича меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида компьютерларнинг кичик тармоқлари ва терминал мажмуалар яратилиши даркор.


Республика ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантиришда Марказий банк ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш зарурияти энг долзарб муаммолардан бўлиб, бу соҳадаги тижорат банклари ҳам энг йирик ахборот етказиб берувчилардан ҳисобланади. Уларнинг банк сектори ахборот базаларидағи улуши 1.3-расмда келтирилган.

Ҳозирги пайтда Марказий банк томонидан электрон тўловлар тизими тўлақонли ишлаб турибди. Бу тизим банклар ўртасида ахборотни юқори даражада ўтказиш лаёқатлилиги, хужжатларни тезкор қайта ншлаш қобилияти билан донг таратган.

Республикамиздаги барча тижорат банклари Марказий банкнинг ахборот маркази билан банк телекоммуникацион тармоғи орқали уланган. Марказий банк томонидан банк ахборотини узатиш тармоғи яратилган бўлиб, у рақамли ва коммутация пакетлари тармоқлари мажмуасидан иборат. Ушбу телекоммуникация тармоғи Тошкент шаҳрида 1996 йилдан бери самарали фаолият қўрсатиб келяпти. Тармоқ ёрдамида тижорат банкларининг барча филиалларидан Марказий банкнинг бош ахборотлаштириш марказига 64 Кбит/сек тезликда маълумотлар узатилиб, тизим рақамли оптик толали ва радиорелели алока тармоқлари ёрдамида фаолият юритади. Ушбу тармоқ Марказий банк ва Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банклари маблағлари

ҳисобидан молиялаштирилган. Юқоридаги қайд этиб ўтилган далиллар банк ва молия тизимини ҳам ягона иқтисодий ахборот тизимиға ўтиш учун тайёр эканлигини кўрсатиб турибди.

Ахборотлаштириш миллий тизимини яратишнинг асосий мақсади ва вазифаси ягона иқтисодий ахборот тизимини босқичма-босқич иқтисодиётга жорий қилишдан иборат.



1.3-расм. Вазирликлар ва идораларни таъминловчи банк сектори ахборот базалари

Ягона иқтисодий ахборот тизимини қуриш барча қатнашувчилар учун қўйидагиларни назарда тутади:

- ахборотни қайта ишлашнинг автоматлашган тизимини ташкил қилиш;
- ахборотни олиш ва узатиш жараёнларини автоматлаштириш;
- олинадиган ва узатиладиган ахборотни ўз вақтида қайта ишлаш;
- ҳисботларни узатиш ва олишда инсонлар иштирокини камайтиришни.

Курилаётгн ягона иқтисодий ахборот тизимиға турли хилдаги талаблар қўйилади ва бу талабларни энг муҳим шартларидан бири тизимни ташкил қилишда бошқарувчилар томонидан тўғри ечим қабул қилишdir. Тизим учун шунчаки дастурлар керак эмас, балки амалий дастурлар, компьютерлар, коммуникация ускуналари, алоқа каналларидан иборат бўлган яхлит технология керак.

Тизим ахборот таъминоти тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, бу тизим маълумотлар базаси қўйидагилардан ташкил топиши керак:

- тижорат банклари ҳисботлари маълумотлар базаси (МБ);
- тижорат банклари (ТБ);
- тилла ва валюта заҳиралари бўйича маълумотлар базаси;

- банк тизимини кадрлар билан таъминлаш маълумотлар базаси;
- Марказий банк ҳужжат айланиши тезкор маълумотлар базаси;
- тизим администратори маълумотлар базаси;
- солиқ ташкилотларида хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга оловчи маълумотлар база;
- хўжалик юритувчи субъектлари бюджет ва нобюджет фондлари билан ўзаро муносабатлари маълумотлар базаси;
- ягона маълумотнома;
- импорт ва экспорт бўйича Давлат солиқ қўмитаси битимлари маълумотлар базаси;
- автомобил воситаларини давлат рўйхатига оловчи ички ишлар вазирлиги маълумотлар базаси;
- ички ишлар вазирлигининг фуқаролар паспортлари бўйича маълумотлар базаси;
- хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатга олиш бўйича адлия вазирлиги маълумотлар базаси;
- маҳаллий ижро этувчи хукумат ташкилотларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг рўйхатга оловчи маълумотлар базаси ва бошқалар.

Бундан ташқари бошқа вазирликлар ва идоралар ҳам ягона иқтисодий ахборот тизимида уланиш учун ўз маълумотлар базасини яратишлари лозим.

Республика ягона иқтисодий ахборот тизимининг тўлақонли фаолияти учун қўйидаги асосий талаблар бажарилиши лозим:

- ахборот ҳаракатини таркибий қисмларига қўйиладиган талаблар;
- ахборот ҳаракати қўшма тизимларига талаблар;
- тизимдаги ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш технологияларига талаблар;
- тизимни ташкил қилувчилар ўртасида маълумотлар базасини узатишга бўлган талаблар;
- техник ва дастурий таъминотга бўлган талаб;
- техник ва дастурий воситаларнинг носозлик жараёнлари;
- маълумотлар базасининг яхлитлигини тиклашга талаблар.

Ягона иқтисодий ахборот тизими учун ҳозирги кунда локал ҳисоблаш тизими ва телекоммуникация таъминоти жуда муҳим ҳисобланиб, қўйидагиларни амалга оширишни талаб қиласди:

- республика аппаратида 200 дан кам бўлмаган компьютерларни бирданига уланиши ва 10 дан кам бўлмаган фойдаланувчиларнинг қути тизимларда мавжуд бўлиши;
- тармоқ ускуналари сифатида замонавий юқори тезликдаги тармоқ технологияларидан фойдаланишининг ташкил қилиниши;
- виртуал тармоқлар бўйича трафикларни узатиш ҳолати;
- локал ҳисоблаш тармоғи иштирокчиларини глобал тармоқка 64 Кбит/с. дан 2 Мбит/с. гача тезликда уланиш имконияти;

- худудий тақсимланган тармоқ ва локал ҳисоблаш тармоғи ёрдамида маълумотларни сифатли узатишни таъммиланиши.

Шундай қилиб, ягона иқтисодий ахборот тизимини босқичма-босқич иқтисодиётга жорий қилиш – миллий ахборот тизимини яратишга олиб келади.

1.5. Ахборот – коммуникация бозорининг жамият иқтисодидаги роли

Сўнгги йигирма йил давомида ривожланган мамлакатлар ахборот фаолиятининг кўп қисми бозор инфратузилмасининг асосий элементларидан бўлиб, бозор муносабатлари таркибига сингиб кетган. Ахборот-коммуникациялар бозорининг бозор инфратузилмаси сифатида шаклланиши ўтган аср 50 йилларининг иккинчи ярмидан бошланди. Ҳозирги кунда бозорнинг ушбу тармоғи ҳар бир мамлакат миллий иқтисодининг асосий негизи бўлиб ҳисобланмоқда. Чунки глобал иқтисодиётни таркиб топтириш учун замонавий ахборот-коммуникациялар инфратузилмаси талаб этилмокда. Ишбилармонлик фаолиятининг мақбул мухитини шакллантиришда зарур бўлган турли ахборот, таҳлилий материаллар ва уларни тезкор усулда олиш ахборот-коммуникациялар технологияларининг ривожланиб бораётганлиги эвазига эришилмоқда.

Барча мамлакатларда телекоммуникация ахборот тармоқлари кенг тарқалаяпти. Айниқса «Интернет» ахборот тармоғининг салмоғи кундан-кунга ортиб бориб дунё бўйича глобал ахборот инфратузилмаси, унинг асосида эса ахборотлашган жамият шаклланаётгани маълум. Хусусан:

- а) халқаро ахборот тармоқларига уланган шахсий компьютерлар ҳар бир хонадонга кириб бормоқда;
- б) ахборот тармоқларида янги хил фаолият турлари вужудга келаяпти. Жумладан: тармоқда ишлаш, тармоқ мухитида дам олиш, ижод ва кўнгил очиш, тармоқда маориф ва тарбия;
- в) жамиятнинг ҳар бир аъзоси қаерда бўлишидан қатъий назар ахборот тармоқлари асосида хохлаган мамлакатидан турли хил мавзу ҳамда йўналишдаги ахборотни тўлиқ ва тезкор суръатда олиш имкониятига эга бўлмоқда;
- г) ахборот тармоқлари доирасида мамлакатлар ўртасидаги географик ва геосиёсий чегаралар йўқолиб бораяпти.

Мутахассисларнинг фикрича, ахборотлашган жамиятда компьютерлаштириш жараёни кишиларга ишончли ахборот манбаига киришга кенг имконият яратади ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ахборот маҳсулотларини қайта ишлашнинг юқори даражасини таъминлаш орқали уларни кўп меҳнат ва вақт талаб этувчи ишлардан озод этади. Ахборотлашган жамиятда нафақат ишлаб чиқариш жараёни тубдан ўзгаради, балки ҳаёт мазмуни, хусусан моддий бойликка қараганда маданий хордик чиқаришнинг ахамияти ортади. Товар ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишга йўналтирилган индустрiali жамиятга нисбатан, ахборотлашган жамиятда кўпроқ ақлий меҳнат улушини ортирувчи билим, интеллект, ахборот ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Турли хилдаги компьютер техникаси асосидаги тизим ва тармоқлар, ахборот технологиялари ҳамда алоқа телекоммуникациялари ахборотлашган

жамиятнинг материал ва технологик базаси бўлиб хизмат қиласи. Бошқача қилиб айтганда, ахборот-коммуникациялар бозори товарлар ушбу жамият шаклланишининг негизи саналади.

Ахборот-коммуникациялар бозорида асосий товар бўлиб **ахборот маҳсулотлари ва хизматлари** саналади. Яъни ахборот-коммуникациялар технологияси ёрдамида фойдаланувчиларга кўпроқ ахборот хизматини кўрсатиш лозим. Ахборот маҳсулотлари мутахассислар томонидан турлича талқин қилинади.

Ахборот хизматлари - бу фойдаланувчиларнинг талабларига мос равиша қаерда бўлишларидан қатъий назар ахборот маҳсулотларига кириш, зарурларини қидириш ва тақдим этишни таъминлаш демакдир.

Ахборот хизмати турларининг вужудга келиши ахборот маҳсулотларига бўлган талабни юксалтириб юборди. Чунки улар фойдаланувчиларнинг шахсий талабидан келиб чиқсан ҳолда маълумотларни таклиф қила бошлашди ва бу билан ишлаб чиқарувчилар ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборот моделларини яқинлаштиришга имкон яратди. Шундай қилиб, ахборот хизматлари ахборот маҳсулотлар қаторида замонавий ахборот-коммуникациялари технологияси асосий тавсифловчиларидан бўлиб ҳисобланади.

Телекоммуникация воситалари асосида маълумотлар базасига тезкор киришнинг амалга ошганлиги, интерактив хизматлар индустрясининг жадал ривожланишига ва ахборот истеъмолчиларига янги имкониятларни яратиб берди. Ахборотлаштириш жараёнлари ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиётига фаол таъсир эта бошлаган 1970 йиллар бошида бу соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Дунёда 1990 йиллар бошида маълумотлар базасига киришга имкон берувчи юздан ортиқ интерактив хизматлар мавжуд эди.

АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва Японияда охирги йилларда «on-line» (реал вақт бирлигига ишлаш) хизматлари индустряси иқтисодиётнинг ахборот тармоғидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Оммавий фойдаланувчилар учун мўлжалланган «on-line» таркибига кирадиган маълумотлар базаси 1979-1988 йиллар оралиғида 40 тадан 4000 тагача етди. Хозирги кунда уларнинг сони 5000 дан ортиб кетган.

Бозор муносабатлари ахборот маҳсулотларининг янгилиги, ишончлилиги ва тўлиқлиги даражаларига юқори талаблар кўймоқда, чунки бусиз самарали маркетинг, молия-кредит ва инвестиция фаолиятини юритиш мумкин эмас.

Дунё миёсида ахборот хизматларининг шаклланиши 50-йиллар бошига тўғри келди. Шу билан бирга дунёдаги ривожланган мамлакатлар бозорида асосан академик, профессионал, давлат корхоналари, ўқув юрти, илмий-техника жамиятлари нотижорат ахборот хизматларини тақдим этишди. Бир вақтнинг ўзида тижорат ахборот хизматлари ҳам шаклана бошланди.

1970 йиллар ўрталарига келиб маълумотларни узатишнинг миллий ва глобал тармоқларининг таркиб топиши, фойдаланувчиларга узоқ масофада жойлашган маълумотлар базасига кириб мулокјт асосида керакли ахборотни қидиришга имкон яратиб берди. Ахборот маҳсулотларининг кўп қисмини иқтисодий ахборот эгаллай бошлади. Ушбу даврда фоқдаланувчиларга тижорат

асосида хизмат кўрсатадиган ахборот воситачилари кенг фаолият кўрсата бошлади.

1980 йил бошларига келиб ахборот хизматлари бозорида маълумотлар базасини оптик дискларда таклиф этадиган, телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда телематн ва видеоматн хизматларини кенг кўламда кўрсатувчи ахборот марказлари пайдо бўла бошлади. Шу вақтнинг ўзида маълумотлар базасини шакллантириш йўлида ахборот хизматлари, йирик нашриётлар ва тадқиқот фирмалари ўз ишларини бошлади. Ахборот хизматларига бўлган талаб даражасининг ўсиб бориши, уларнинг юқори даражадаги рентабеллиги ушбу бизнес соҳасида хисоблаш техникалари ишлаб чиқараётган фирмалар, нашриётлар ва давлат ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятини кучайтириб юборди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг марказдан узоқда жойлашган районларида ахборот ва телекоммуникация хизматлари даражасининг ўсиб бориши аниқ ижтимоий ва иқтисодий фойда олишга замин яратмоқда. Интерактив хизматлар тармоқларга киришга имкон бўлган фермерлар бозордаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари ҳақида аниқ ахборотга эга бўлишга; қишлоқ шароитида яшаётган кишилар эса телетиббиёт воситалари асосида шаҳарлик врачлар маслаҳатларини олиш ва қишлоқ болалари ахборот тармоқлари асосида олдин ололмаган билимларга кириб, зарурларини танлаб олиш ва фойдаланиш имкониятига эга бўлишмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай имкониятга эришиш учун қўйидагиларни амалга ошириш лозим:

- а) миллий иқтисоднинг турли тармоқларига хусусий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш;
- б) барча ахборотдан фойдаланувчи ва уларни етказиб берувчиларга глобал компьютер тармоғига эркин киришларига имкон яратиш;
- в) ахборот-коммуникациялар бозоридаги динамик ўзгаришларга мослашадиган меъёрий-хуқуқий базани таркиб топтириш;
- г) тақдим этилаётган хизматларнинг хилма-хиллигини таъминлаш;
- д) интеллектуал мулк хуқуқини ҳимоя қилиш.

Ахборот-коммуникациялар бозорига ўз маҳсулотлари билан турли хилдаги ташкилотлар, давлат агентликлари, тижорат фирмалари, савдо ассоциациялари ва нотижорат корхоналар ҳам чиқиши мумкин.

Ўзининг ахборот-коммуникациялар инфратузилмасини шакллантирган мамлакатларгина глобал иқтисодга кириб бориши мумкин. Ушбу жараёнларга тўскинлик қилган мамлакатлар эса бутун ишлаб чиқариш фаолиятига, тадбиркорларга ва умуман жамият ривожига турли шаклда заар келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпгина мамлакатлар замонавий ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ёки ахборот-коммуникациялар технологияларини кенг кўламда қўллашга қарор қилди. Чунки улар қўшимча иш жойларини ташкил этиш ва ходимларни қайта тайёрлашда чет эл инвестицияларини жалб қиласидиган «ядро» бўлиб хизмат қиласиди.

Кўпгина мутахасисслар телекоммуникация индустрясини кенг ривожлантириш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар беришмоқда, лекин бу жараён катта молиявий маблағларни талаб қиласиди. Бутунжаҳон банки ҳисоб-

китобларига қараланда, XXI аср бошларида замонавий ахборот-коммуникациялар технологиялари керакли ахборотни йиғиш, узатиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш учун зарур бўлган бутунжаҳон ахборот инфратузилмасини барпо этишга ҳар йили 60 млрд. АҚШ доллари керак бўлади.

Жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат ресурсларининг кундан-кунга ахборот тармоғига қўчиб ўтиш тенденцияси ортиб бормокда. 1990 йил охирига келиб АҚШ нинг барча меҳнат билан банд аҳолисининг ярми, яъни 60-70 млн. киши ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, саклаш, тарқатиш ва интерпретация қилиш билан машғул бўлган. Ғарб иқтисодчилари ахборот маҳсулотларига эркин киришни эркин рақобат билан бир қаторга қўядилар. Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг жаҳон ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаддаги улуси 10 % ни ташкил қилаётгани, шунинг 90 % и АҚШ, Япония ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғри келаётгани бежиз эмас.

Ахборот асри иш жойларини замонавий ҳисоблаш воситалари билан жиҳозлаш ва тадбиркорлик мухитидаги истеъмолчиларга алоқа хизматларидан жорий даражада фойдаланишга имконият яратиб бериши лозим. Чунончи:

а) ҳар бир инсон ер шарининг ҳоҳлаган нуқтасидан туриб ишдами, уй шароитида ёки транспортдан туриб бошқа киши билан уланиш имкониятига эга бўлиши;

б) узатилаётган ахборот турининг қанақа бўлишидан қатъий назар «бир киши - бошқа киши билан» туридаги алоқанинг амалга ошиши;

в) кенгаш аъзоларининг ҳоҳлаган шаҳар ёки мамлакатда бўлишидан қатъий назар конференция, ишбилармонлик кенгашларини ўтказиш имконияти;

г) ихтисослашган ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган автоматлаштирилган маълумотлар банкидаги турлича ахборотга кириш имкониятининг туғилганлиги;

д) уйдан туриб тиббий ёрдам, кўрсатишнинг мумкинлиги;

е) электрон почта ва ахборотни факсимил алоқа асосида узатиш.

Ушбу соҳа олимларининг фикрича, ахборот-коммуникациялар технологияларининг ривожланиш даражасига таъсир этувчи куйидаги омилларни келтириш мумкин:

- жамият тараққиётида коммуникация воситалари аҳамиятининг ортиб бориши ушбу соҳага катта микдордаги капитал маблағ жалб этишни талаб этмокда. Коммуникациялар ривожжи учун сарф қилинган харажатлар бошқа соҳаларда иқтисодий самарадорликка эришишга имкон яратади. Бу самарадорлик харажатга нисбатан 12-15 баробар кўп бўлиши мумкин;

- алоқа воситалари тўлиқ автоматлаштирилган бўлиши шарт;

- компьютер технологиялари ва алоқанинг ўзаро чамбарчас боғланиб кетиши илмий-техника тараққиётини ҳамда ривожланиш даражасида турлича бўлган мамлакатлар иқтисодини рағбатлантиради. Шунинг учун ҳам ташкилот, корхона ва илмий-тадқиқот институтларида меҳнат унумдорлигини бирданига ошириш учун зарур бўлган маълумотларни узатиш тармокларининг ривожланиш суръати жадаллик билан бормокда;

- турли соҳаларда меҳнат унумдорлигини кўтаришга интилиш турли маълумотлар базасидан ахборотни олиш имкониятини берувчи ахборот-коммуникациялар технологиясини амалиётда кенг тадбиқ этишга олиб келмоқда.

Шундай қилиб, жамиятимизнинг барча жабҳаларида ахборот-коммуникациялар технологияларини қўллаш иқтисодий ўсиш, меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида катта имкониятлар туғдиради. Шунингдек, мамлакатни ахборотлаштириш даражаси унинг иқтисод борасидаги рақобатбардошлигини ва қудратини баҳолашнинг ўлчови бўлиб хизмат қиласди.

1 боб бўйича хулосалар

Жамиятни ахборотлаштриш – юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит ратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёнидир.

Ахборотлашган жамият – кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айниқса унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқариш, саклаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш билан банд бўлган жамиятидир. Ахборот жараёнларини ташкил этиш услубларини такомиллаштириш ҳозирги вақтнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади, уни муваффақиятли ечимини топиш иқтисодий тизимларни бошқаришнинг кейинги ривожланиш даражасини белгилайди. Уни бозор услублари билан тараққий топтирилиши иқтисодиётда каттаижобий ўзгаришларга олиб бориши зарур.

Шундай қилиб, одамларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилмоқ учун тегишли ахборотни ўз вактида тўплаб, қайта ишлаб, муайян бир тартибга солиш ва зудлик билан кишиларга етказиш керак бўлади. Бунинг учун жамиятни ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш ва мамлакатнинг ахборот-коммуникация инфротузилмасини шакллантириш зарур.

2 -боб Автоматлаштирилган ахборот тизимларининг асосий компонентлари

2.1. Ахборот тизимлари тушунчаси

«Тизим» деганда бир вақтнинг ўзида ҳам ягона яхлит деб қараладиган ҳар қандай объект, ҳам қўйилган мақсадларга эришиш манфаатларида бирлаштирилган турли элементлар мажмуй тушунилади.

Маълумки, бугунги кунда кўплаб турли хил тизимлар яратилган бўлиб, улар ўз таркиби ва бош мақсадлари бўйича бир-биридан фарқланади. Масалан, қўйидаги жадвалда бир неча тизимларга намуналар келтирилган.


1.1-Жадвал

| Тизим | Тизим элементлари | Тизимнинг бош мақсади |
|-------------------------|--|-------------------------------------|
| Фирма | Одамлар, жиҳозлар, материаллар, бинолар ва бошқалар | Товарлар ишлаб чиқарish |
| Компьютер | Электрон ва электр меканик элементлар, алоқа линиялари ва бошқалар | Маълумотларга ишлов бериш |
| Телекоммуникация тизими | Компьютерлар, модемлар, кабеллар, тармоқ дастурний таъминоти ва бошқалар | Ахборот узатиш |
| Ахборот тизими | Компьютерлар, компьютер тармоқлари, одамлар, ахборот ва дастурний таъминот | Профессионал ахборот ишлаб чиқарish |

«Тизим» тушунчаси кенг тарқалган ва жуда кўплаб маъноларда қўлланилади. Ахборот тизимларига нисбатан қўлланилганда аксарият ҳолларда техник воситалар ва дастурлар тўплами назарда тутилади. Компьютернинг фақат аппарат қисмини тизим деб аташ мумкин. Муайян амалий вазифаларни бажариш учун хужжатларни юритиш ва ҳисоб-китобларни бошқариш жараёнлари билан тўлдирилган кўплаб дастурларни ҳам тизим деб ҳисоблаш мумкин.

Хар бир тизим тўрт асосий қисмдан иборат:

- киритиш;
- ишлов бериш;
- чиқариш;
- тескари алоқа.



Ахборот тизимининг мақсади – муайян профессионал фаолият билан боғлиқ бўлган профессионал ахборот ишлаб чиқариш. Ахборот тизимлари ҳар қандай соҳадаги вазифаларни ҳал қилиш жараёнида зарур бўладиган ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш, чиқариб беришни таъминлайди.

Ахборот тизими – қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш ва чиқаришда фойдаланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуи.

Бугунги кундаги замонавий ахборот тизими тушунчаси ахборотга ишлов беришнинг асосий техник воситаси сифатида шахсий компьютерлардан фойдаланишни кўзда тутади. Йирик ташкилотларда шахсий компьютерлар билан бир қаторда ахборот тизимининг техник базаси таркибига мэйнфрейм ёки супер электрон ҳисоблаш машиналари кириши мумкин. Бундан ташқари, агар ишлаб чиқарилаётган ахборот фойдаланувчиси бўлган ва усиз бу ахборотни олиш ва тақдим этиш мумкин бўлмаган одамнинг роли ҳисобга олинмас экан, ахборот тизими техникавий тимсолининг ўзи ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай қолади.

Ташкилот деганда умумий мақсадлар йўлида бирлашган ва умумий моддий ҳамда молиявий воситалардан моддий ва ахборот маҳсулотларини ҳамда хизматларини ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган одамлар ҳамжамияти тушунилади. Матнда икки сўз - «ташкилот» ва «фирма» сўzlари тенг маъноларда қўлланилади.

Компьютерлар ва ахборот тизимлари ўртасида фарқ мавжудлиги равшандир. Компьютерлар ихтисослашган дастурий воситалар билан жиҳозланган бўлиб, ахборот тизимлари учун техникавий база ва восита ҳисобланади. Компьютерлар ва телекоммуникациялар билан иш олиб борадиган ходимлар ҳар қандай ахборот тизимининг мажбурий таркиби ҳисобланади.

Ахборот тизимларининг қўлланиш соҳалари турли-тумандир. Шунингдек, ҳар бир тизимга хос бўлган хусусиятлар ва ўзига хосликлар ҳам турли-тумандир. Муайян ахборот тизимининг хусусиятлари мажмуини белгиловчи кўплаб омиллар орасида учта асосий омилни ажратиб кўрсатиш мумкин, булар: тизимнинг техник даражаси; ишлов берилаётган ахборот характеристи; ахборотнинг ишлатиш мақсадлари, яъни ушбу тизим ҳал қилишда ёрдам бериши мўлжалланган вазифалар доираси. Санаб ўтилган омиллар ҳам тизимнинг ўзида, ҳам фойдаланувчилар учун тақдим этиладиган ахборот шаклининг, ахборотга ишлов бериш жараёнлари характеристерининг ва тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқасининг, тизимнинг алгоритмик ва дастурий таъминотинг таркибини белгилаб беради.

Техника даражаси бўйича ахборот тизимлари куйидаги тизимларга бўлинади:

- дастаки;
- механизациялашган;
- автоматлаштирилган;
- автоматлашган.

Тизимни санаб ўтиши тартиби улар яратилишининг тарихий кетма-кетлигини акс эттиради.

Дастаки ахборот тизимларида ахборотга ишлов беришнинг барча жараёнлари қўлда бажарилади. Қўлда ишлов бериладиган тизимларнинг ахборот массивлари ҳажми унча катта бўлмайди, маълумотлар турли типдаги элтувчиларда сақланади. Бундай тизимларда ахборотни қидириш учун оддий селектив мосламалардан фойдаланилади. Аслини олганда дастаки ахборот тизимлари тизим эмас, балки маълум белгилар мажмуи бўйича зарур ахборотни қидиришни енгиллаштирувчи қурилмалар ҳисобланади. Бу қурилмалар арzon, улар билан ишлаш оддий, уларни ишлатиш учун олий малакали хизмат кўрсатувчи ходимлар талааб этилмайди.

Механизациялашган ахборот тизимларида ахборотга ишлов бериш ва қидириш учун турли механизациялашган воситалардан фойдаланилади, улар орасида ҳисоблаш-перфорация машиналари энг кенг тарқалгандир. Механизациялашган ахборот тизимларида ахборот элтувчилари бўлиб, перфокарталар ҳисобланади. Бундай механизациялашган тизимларнинг техник воситалари таркибига перфорация машиналари тўплами киради, уларнинг ҳар бири муайян бир вазифани бажаради. Перфоратор ёрдамида ахборот дастлабки ҳужжатлардан перфокарталарга ўтказилади. Сараловчи умумий белгиларга эга бўлган перфокарталарни алоҳида гурухлар бўйича жойлаштиради.

Автоматлаштирилган ва автоматлашган ахборот тизимларидаги ахборотни сақлаш, унга ишлов бериш ва қидириш учун ҳамда компьютерларда ахборотни тўплаш, тайёрлаш ва узатиш, шунингдек ахборотни истеъмолчига чиқариб бериш билан боғлиқ операцияларни бажариш учун ҳам фойдаланилади. Бу тизимлар кенг функционал имкониятларга эга ва ахборотнинг жуда катта ҳажмларини сақлаш ҳамда ишлов беришга қодир. Бу ерда ахборот элтувчилар компьютерларнинг хотира қурилмалариdir.

Энг кенг тарқалган автоматлаштирилган ахборот тизимлари (ААТ) ишида ахборотга ишлов бериш технологик жараёнининг турли босқичларида (ахборотни тўплаш ва уни компьютерга киритишга тайёрлаш, қидириш жараёнида) одам иштирок этади. Инсон ААТ нинг ташқи муҳит томонидаги шериги ҳисобланади ва чиқадиган ахборот тизими айнан унга мўлжаллангандир.

ААТда барча жараёнлар одам иштирокисиз ўтади. Одатда автоматлашган тизимлардан анча йирик тизимлар таркибида, масалан обьектлар ва технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлашган тизимларида фойдаланилади. Автоматлашган тизимларнинг «шериклари» роботлар, дастур воситасида бошқариладиган станоклар, технологик жараёнлар, ишлаб чиқариш обьектлари ва бошқалар ҳисобланади. Бундай тизимларда киритиладиган ахборот сигналлар ёки бирор-бир физик катталиклар шаклида тақдим этилади, чиқадиган ахборотдан эса бошқариш ва созлаш учун фойдаланилади.

Хозирги вақтда турли мақсадларга мўлжалланган қўплаб ахборот-маълумот тизимлари муваффақиятли ишлаб турибди, улар фойдаланувчиларнинг ахборот сўровларини қондириш учун йўналтирилган. Бундай тизимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда сўровга мувофиқ равишда топилган ахборотдан айнан шу тизимнинг доирасида бевосита фойдаланилмайди, балки фойдаланувчига берилади, у олинган ахборотдан

ўзига зарур исталган мақсадларда фойдаланади. Аэрофлот ва темир йўл транспортида жойларни олдиндан банд қилишнинг автоматлаштирилган тизими ана шундай ахборот-маълумот тизими учун мисол бўлиб хизмат қиласди. Бу тизимлар оператив тизимларнинг типик мисоли ҳам бўла олади, чунки тизимга деярли ҳар бир мурожаат қилиш ахборот фондининг жорий ҳолати ўзгаришига олиб келади (жойлар банд қилинади, янги рейслар қўшилади ва х.к.).

Ахборот-маълумот тизими сўровга мувофиқ равишда унинг ахборот фондида сақланаётган маълумотлар ичидан зарур ахборотларни қидириш ишларини амалга оширади. Қидириш бундай тизимларда асосий операциялардан бири ҳисобланади, шунинг учун улар ахборот-қидириув тизимлари (АҚТ) ҳамдир.

2.2. Бизнесда ахборот тизимлари

Бизнесда ишлатиладиган куйидаги ахборот тизимлар турлари мавжуд: электрон тижорат тизимлари, транзакцияларни кайта ишлаш (processing), бошкарув АТ, қарорларни қабул қилишни қўллаб-куватлаш тизимлари. Ундан ташқари бальзи ташкилотлар махсус-мақсадли тизимларни ишлатадилар: сунъий интеллект, эксперт тизимлар, виртуал воқелик ва бошқалар [20,21].

Электрон тижорат – ахборот технологиялари ёрдамида амалга ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизмат қўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти. Электрон тижоратни тўрт йўналишга ажратиш қабул қилинган: бизнес бизнесга (business-to-business, B2B); бизнес истеъмолчига (business-to-consumer, B2C); бизнес маъмуриятга (business-to-administration, B2A); истеъмолчи маъмуриятга (consumer-to-administration, C2A). Шунингдек, кейинги вақтда истеъмолчи истеъмолчига (consumer-to-consumer, C2C) ва истеъмолчи бизнесга (consumer-to-business, C2B) моделлари ривож топмоқда.

Адрес: <http://www.uzex.uz/>

18:13:41 16:13:41 8:13:41 8:13:41 13:13:41 22:13:41 23:13:41 20:13:41 21:
Tashkent Moscow NewYork Chicago London Tokyo Sydney Shanghai Ног

сум/кг: 0% Шелуха (от хлопковых семян) Денau 35 0% Мука пшен. витам. 1-сорт для ИП
Начало | Онлайн | Клиринговая панель | Торговая платформа | Выбор брокера | Контракты и продукт

Новости и события | Руководство и структура | Нормативно-правовые документы | Вакансии

> Торговые площадки УзРТСБ

| Новости | | Текущие котировки | | 30-03-06 | |
|--|--|---|------------|----------|--------|
| 2006-03-30 Открылись новые региональные торговые площадки УзРТСБ | Посмотреть все новости | Хлопковый линт | 195 | 0 | 0 |
| 2006-03-29 На рынке газа появился новый игрок | | Хлопковое воло | 52263 | 0 | 0 |
| 2006-03-24 Новости с биржевого рынка цемента | | Хлопковое воло | 53876.5 | 0 | 0 |
| | | Полиэтилен ма | 1091889.56 | 0 | 0 |
| | | Масло раститель | 90287.92 | 0 | 0 |
| | | Мука пшеничная | 28000 | 0 | 0 |
| | | Шрот хлопковый | 135000 | 27274.94 | 25.32% |
| | | Шелуха хлопков | 65000 | 10812.5 | 19.95% |
| | | Масло хлопково | 86000 | 0 | 0 |
| | | Жмых хлопковый | 105200 | -4801 | -4.36% |
| | | Шелуха хлопков | 39100 | 8097 | 26.12% |
| | | Корма смесь КС | 69532 | -923.13 | -1.31% |
| | | Полный список котировок | | | |
| | | Полный список котировок ГСМ | | | |
| | | Просмотр истории котировок | | | |

Валюта USD/UZS 1210.00 2006-03-26

2.1 -расм. Электрон тижорат: Ўзбекистон хом-ашё биржасининг веб-сайти


Транзакцияларни қайта ишлаш (transaction processing) тизимлари.

Үтган асрнинг 50-чи йилларидан бошлаб компьютерлар бизнесда ҳар кунги майда, кўп меҳнатни талаб киладиган ишларда ишлатила бошланган. Транзакция – any business related exchange. Масалан: мижоз амалга оширган тўлов, ишчига тўланган иш ҳақи. Транзакцияларни қайта ишлаш тизими бу бизнес транзакцияларини сақлаб қолиш ва қайта ишлаш учун фойдаланиладиганодамлар, жараёнлар, дастурлар, маълумот базалари ва ускуналар билан ташкил этилган тўпламдир.

Бошқарув тизимлари турли-туман бошқарув ва техник-иктисодий масалаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган. Одатда бу тизимлар корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар (масалан, касалхоналар, автоматлашган омборлар, моддий-техника таъминоти ва захира қисмларини бошқариш, кадрларни ҳисобга олиш ва бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимлари) автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (АБТ) доирасида ишлайди. Кўпинча бу тизимлар айrim соҳаларга хизмат қўрсатади ва мустақил ҳисобланади, яъни ўзининг ахборот фонди, алгоритми ва дастурий таъминотига эга бўлади.

Бошқарув тизимлари интеграциялашган, маълумотлар базаси тамоили бўйича қурилган бўлиши мумкин. Бундай тизимлар корхонадаги айланиб юрувчи бутун ахборот оқимиға ишлов беради ва корхонанинг ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда унинг бир маромда ва режали ишлашини таъминлашга йўналтирилган бўлади.

Техник воситалар ёрдамида фақат ахборот операцияларини автоматлаштиришга эришилади. Бевосита қарорлар қабул қилиш функцияларини ва бошқа бошқарув операцияларини одамнинг ўзи бажаради. Шунинг учун бошқарув тизимлари одатда алоҳида хизматлар ва корхона раҳбариятига турли маълумотномалар ва ҳисбот шаклларини беришга йўналтирилган бўлади.



2.2 -расм. OpenOffice дастурининг бошқарув тизимида қўлланилиши

Демак, бошқарув тизимлари бир вақтнинг ўзида ахборот-маълумот тизимларининг вазифаларини ҳам бажаради. Бу тизимларда сўровлар одатда доимий ва регламентли характерга эга бўлади. Ахборот тизими бу сўровларни амалга ошира бориб, назорат қилинадиган жараёнларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотга мунтазам равишда (хар куни, ҳар хафтада ва ҳоказо) ишлов бериш натижасида маълумот шаклларининг муайян рўйхатини беради, шунингдек бошқа турдаги сўровларга ҳам хизмат қўрсатади.

Ахборот-ҳисоблаш тизимларида сақланаётган ахборотдан турли ҳисоблаш операциялари билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланилади. Бундай вазифаларга статистик ҳисбот ва таҳлил, об-ҳаво ва конларни прогнозлаш, ташхислаш (касалликларга ташҳис қўйиш, ускуна ва приборларнинг носозликлари сабабларини аниқлаш) кабилар киради. Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари (АЛТ) доирасида ишлайдиган ахборот тизимларини ҳам ахборот-ҳисоблаш тизимларига киритиш мумкин. Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари асбобсозлик ва машинасозлик, радиоэлектроника ва кемасозликда турли лойиҳалар ҳисоб-китобларини бажаради, элементлар, схемалар, қурилмаларнинг параметрларини мақбуллаштириш вазифаларини ҳал қиласди.

Ҳисоблаш тизимларининг функциялари ахборот тизимларининг бошқа турларига ҳам хос бўлиши мумкин. Масалан, кутубхоналарда фойдаланиладиган ҳужжатли ахборот-қидирув тизимлари доирасида қидириш вазифалари билан бир қаторда қўплаб ҳисоблаш-статистика вазифалари ҳам бажарилиши, китоб фондининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар қайд этилиши, китобхонлар контингенти тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинниши, ҳисботлар учун материаллар тайёрланиши мумкин ва ҳоказо.

Юқорида кўриб чиқилаётган ахборот тизимларининг барча турлари фойдаланувчини фақат қачонлардир тизимга киритилган ва унинг ахборот массивларида сақланаётган маълумотлар ҳамда фактлар орасидаги зарур ахборот билан таъминлайди.

Ахборот-мантиқий тизимлар бошқа тизимлардан фарқли ўлароқ илгари бевосита шаклда тизимга киритилмаган, балки тизимдаги мавжуд ахборот массивларини мантиқий таҳлил қилиш, умумлаштириш, маълумотларни қайта ишлаш асосида ишлаб чиқиладиган ахборотни бера олади. Бундай тизимлар муайян даражада мутахассис-тадқиқотчи меҳнатининг ўрнини босиб, илмий-тадқиқот масалаларини ҳал қилиши мумкин. Уларни баъзан интеллектуал тизимлар деб атайдилар, чунки уларни ишлаб чиқишида сунъий интеллект назарияси қоидаларидан фойдаланилади.

Юқорида кўриб чиқилган барча тизимларда фойдаланувчиларнинг, шу жумладан, ҳисоблаш техникаси соҳасида мутахассис бўлмаган фойдаланувчиларнинг тизим билан ўзаро муомала қилиш воситаларини ривожлантириб бориш зарур. Бу воситалар ёрдамида фойдаланувчи ўз сўровларини шакллантиради, уларни тизимга киритади, тизим унга бераётган ахборотни қабул қилиб олади.

Турли тизимларда бу вазифа турлича ҳал қилинади. Баъзи тизимларда амалга оширилиши мумкин бўлган сўровларнинг қатъий белгиланган рўйхати


мавжуд бўлади. Фойдаланувчи унинг талабларига имкон қадар тўла жавоб беради олиши мумкин бўлган сўровни танлайди ва уни тизимга кўрсатади. Бундай тизимлар намунали (стандарт) сўровли тизимлар деб аталади.

Ҳар қандай ихтиёрий сўровларни амалга ошира оладиган тизимлар фойдаланувчилар учун катта имкониятлар очиб беради. Сўровларни шакллантириш учун тизим сўровлар тилига, уларни тузиш қоидаларига эга бўлиши керак. Фойдаланувчининг тизим билан муомаласи инсоннинг машина билан мулоқоти шаклидаги муомаласидан қулайдир. Бунда фойдаланувчи олинаётган ахборот билан танишиб, ўз сўровини тузатиш имкониятига эга бўлади[20].

Шуни қайд этиб ўтиш зарурки, ҳар қандай муайян ахборот тизими тизимларнинг алоҳида ажратиб кўрсатилган турларига хос бўлган хусусиятлар мажмуи билан тавсифланиши мумкин. Шу билан бир қаторда ахборот тизимлари қўлланиш соҳасига боғлиқ ҳолда тизимнинг ўзигагина хос хусусиятларга эга бўлади.

2.3. Автоматлаштирилган ахборот тизимлари

Ҳар қандай автоматлаштирилган ахборот тизимлари (ААТ) ташқи муҳит қуршовида ишлайди, у ААТ учун киритиладиган ахборот манбаи ва чиқадиган ахборотнинг истеъмолчиси ҳисобланади. Ахборот оқими ААТ доирасида, тизимга киришдан бошлаб ундан чиқишгача ишлов беришнинг бир нечта босқичидан ўтади. Ахборотга ишлов беришнинг энг йирик босқичи ахборотни тўплаш, рўйхатга олиш ва дастлабки ишлов бериш, алоқа канали бўйича манбадан компьютерга узатиш, машина элтувчиларига ўтқазиш, ахборот фондларини яратиш ва сақлаб туриш, машина ичида ишлов бериш ва чиқариладиган шаклга келтириш, алоқа канали бўйича компьютердан фойдаланувчига узатиш, фойдаланувчи қабул қилиши учун яроқли шаклга ўзгартиришдан иборат.



2.3 -расм. ААТ нинг намунавий тузилиши

Ишлов беришнинг алоҳида босқичлари тегишли ААТ кичик тизимлари орқали амалга оширилади, улар ичида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: киритиладиган ахборотни тўплаш ва дастлабки ишлов бериш, алоқа,

ахборотни компьютерга киритиш, ахборотни сақлаш ва ишлов бериш, ахборотни чиқариш ва уни акс эттириш (чиқариш кичик тизими). ААТ нинг намунавий тузилиши 2.3 -расмда келтирилган.

Ахборотни тўплаш ва дастлабки ишлов бериш кичик тизими ахборотга дастлабки ишлов бериш бўйича бир қатор операцияларни бажаради. Бу кичик тизим доирасида обьектлар тўғрисида обьект учун табиий бўлган шаклда, яъни табиий тилнинг сўзлари ва символлари, умумқабул қилинган саноқ тизими рақамларида тақдим этилган дастлабки ахборотни (масалан, кадрларни хисобга олиш бўйича варақа мазмуни, беморни тиббий текшириш натижалари, мақолаларнинг матнлари, товар-транспорт юкхатлари мазмуни ва ҳоказо) тўплаш амалга оширилади.

Махсус текширувлар натижасида ахборот тизимининг ахборот фондида ҳали мавжуд бўлмаган маълумотлар танлаб олинади. Бу билан тизимда ахборот такрорланишининг олди олинади. Дастлабки ахборотнинг тизимга кейин киритилиши зарур бўлган элементларига дастлабки ишлов берилади, яъни тизимда қабул қилинган муайян шаклга ва форматга келтирилади: махсус бланкаларга ёзилади, белгиланган шаклдаги жадвалларга киритилади, ҳужжатли ахборот учун муайян қоидалар бўйича аннотация ва библиографик баёни тузилади, физик параметрлари бирликларнинг ягона тизимига келтирилади. Дастлабки ишлов беришдан ўтган ва муайян тарзда шаклга келтирилган ахборот элтувчиларда, аксарият ҳолларда, қоғозда қайд этилади.

Ахборотни тўплаш ва дастлабки ишлов бериш кичик тизимидан олинадиган ахборот компьютерга бевосита киритиш учун ярамайдиган шаклда берилади. Киритиш кичик тизимининг вазифаси уни компьютерга киритиш, шунингдек ахборотнинг тўғри кўчирилиши ва юзага келган хатоларни назорат қилиб туришдан иборат бўлади.

Замонавий компьютерларда ахборотни киритиш учун кўпинча компьютер билан махсус тармоқ воситалари орқали боғланган дисплей ва алоқа каналларидан фойдаланилади.

Компьютерга киритилган ахборот машина хотирасига жойлаштирилади ва ахборот тизимининг ахборот фондини ҳосил қиласи. Ахборот фондининг элементлари билан ишлов беришнинг турли операциялари: мантиқий ва арифметик, саралаш ва қидириш, юритиш ва тузатиш операциялари бажарилади. Натижада ахборот фондининг долзарб ҳолатда сақланиши таъминланади, шунингдек ишлов бериш топшириғига мувофиқ бўлган чиқиш ахбороти шакллантирилади. Ахборот массивларини шакллантириш (структуралаштириш) ва сақлаб туриш, шунингдек ахборотга ишлов бериш бўйича барча амаллар ахборотни сақлаш ва ишлов бериш кичик тизими таркибиға кирадиган дастурлар мажмуи бошқарувида амалга оширилади. Бу кичик тизим ташқи хотира қурилмаларида ахборотни жойлаштириш ва ундан фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Ахборотни сақлаш ва ишлов бериш кичик тизими, кичик тизимининг ишини амалга оширувчи техник воситалар (шу жумладан, компьютернинг ўзи ҳам), шунингдек ахборот массивлари ахборотга ишлов бериш ва сақлаш тизими (АИСТ) га бирлашади. АИСТ ўз ичига ахборот массивлари, уларни ташкил этиш ва ишлов бериш усуслари, методлари ва

алгоритмлари, тегишли дастурий ва техник воситалар мажмуини олади. АИСТ ташки мухит билан киритиш-чиқариш воситалари ёрдамида алоқа қилиши АИСТ доирасида ҳал қилинадиган бир қатор вазифаларни кўриб чиқишида бу воситаларни ҳам албатта ҳисобга олиш зарур.

Ахборотга ишлов бериш кичик тизими адабиётларда кўп ҳолларда маълумотларга ишлов беришнинг автоматлаштирилган тизими (МИАТ) деб аталади, бунда «маълумотлар» тушунчаси «ахборот» тушунчаси билан синоним деб ҳисобланади.

«Ахборот» тушунчасидан одатда хабарнинг мазмун-моҳиятини таъкидлашни истаган ҳолатларда фойдаланилади. Лекин АИСТ нинг асоси бўлган компьютер ҳозирча ишлов берилаётган хабарларнинг маъносини идрок қилишга қодир эмас. Компьютерларга нисбатан кўпинча «маълумотлар» тушунчаси қўлланилади ва компьютер машина элтувчиларда тақдим этилган маълумотлар билан операцияларни бажаради, дейилади. Бунда ҳар қандай белгилар тўплами, унинг мазмунидан қатъи назар, маълумотлар ҳисобланади. Маълумотларга муайян маъно бериб, уларга ишлов беришни ахборотга ишлов бериш деб қабул қилинади. Шунинг учун бундан буён «ахборот» тушунчасидан асосан маъновий мазмунни муҳимлигини таъкидлаш зарурияти юзага келган ёки у ўзбек адабиётида кенг қўлланиладиган ва ўрнашиб қолган сўз бирикмалари таркибиға кирган ҳоллардагина фойдаланамиз.

Ахборотни чиқариб бериш ва тасвирлаш кичик тизими (чиқариш тизими) берилган сўровга жавобни чиқариб беришни таъминлайди, бунда уни фойдаланувчи қабул қилиши учун қулай шаклда тақдим этади. Кичик тизим таркибиға чиқариб бериладиган хабарнинг зарурий шаклини таъминлаб берадиган дастурлар мажмуи ва чиқариб берилаётган ахборот қайд этиладиган (акс этадиган) техник воситалар киради. Сўровга жавоб босиш қурилмаси, дисплей, график тузгич, турли табло ва индикаторлар ёрдамида чиқариб берилиши мумкин.

Кичик тизимларнинг ўзаро алоқаси ахборот манбалари ва фойдаланувчилар ҳудуд жиҳатдан марказий компьютер яқинида жойлашган, деган нуқтаи назардан келиб чиқиб баён этилди. Мавжуд ахборот тизимларида ахборот манбалари ва (ёки) фойдаланувчилар аксарият ҳолларда марказий компьютердан юз метрдан юзлаб километргача бўлган масофада жойлашган бўлади. Бундай ҳолларда марказий компьютер билан алоқа таркибиға маълумотларни узатиш канали ва узоқда жойлашган терминаллар (улар ҳозир ўзи компьютер ҳисобланади) кирадиган кичик алоқа тизими орқали амалга оширилади.

Узоқлашган терминалларни – шахсий компьютерларни улаш учун алоқа каналларидан фойдаланилади, улар телефон тармоқлари, умумфойдаланиладиган маълумотларни узатиш тармоқлари ва маълумотларни узатишнинг махсус тармоқларидан иборатдир. Канал белгиланган йўналишда ва зарурий тезликда маълумотлар билан алмашинишни таъминлаши зарур. Маълумотларни узатиш каналлари маълумотларни факат бир йўналишда узатишни таъминлайдиган – симплекс; маълумотларни ҳар икки йўналишда, лекин вақтнинг ҳар бир моментида факат бир йўналишда узатишни

таъминлайдиган – яримдуплекс; бир вақтнинг ўзида ҳар икки йўналишда маълумот узатишни таъминлайдиган дуплекс каналларга бўлинади. Манбаларнинг компьютер билан алоқа қилиши учун симплекс каналлардан фойдаланиш мумкин. Фойдаланувчининг марказий компьютер ёки компьютерлар билан алоқаси маълумотларни узатишнинг яримдуплекс ёки дуплекс каналлари орқали амалга оширилиши зарур, акс ҳолда, фойдаланувчининг компьютер билан диалог олиб боришининг имкони бўлмай қолади.

Узоклашган терминал — бу марказий компьютердан уни бевосита улаш имкониятини истисно этадиган масофада узоқда жойлашган киритиш-чиқариш қурилмасидир.

2- боб бўйича хulosалар

Ҳозирги вақтда турли мақсадларга мўлжалланган қўплаб ахборот-маълумот тизимлари муваффақиятли ишлаб турибди, улар фойдаланувчиларнинг ахборот сўровларини қондириш учун йўналтирилган. Бундай тизимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда сўровга мувофиқ равишда топилган ахборотдан айнан шу тизимнинг доирасида бевосита фойдаланилмайди, балки фойдаланувчига берилади, у олинган ахборотдан ўзига зарур исталган мақсадларда фойдаланади. Бошқарув тизимлари турлитуман бошқарув ва техник-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган. Одатда бу тизимлар корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар (масалан, касалхоналар, автоматлашган омборлар, моддий-техника таъминоти ва заҳира қисмларини бошқариш, кадрларни ҳисобга олиш ва бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизимлари) автоматлаштирилган бошқарув тизимлари (АБТ) доирасида ишлади

3- боб Ахборот технологиялари

3.1. Ахборот технологияси иқтисодий информатиканинг қисми сифатида

Бозор муносабатларини шакллантириш бўйича олиб борилаётган туб ислоҳотларни амалга ошириш, энг аввало ходимларнинг иқтисодий билимига боғлиқдир. Кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан туриб, чуқур ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Бу борада иқтисодий информатиканинг таркибий қисми бўлган замонавий ахборот технологияларини қўллаш давр талабидир.

Ахборот технологиялари (АТ) – бу ахборот жараёнларини (ахборотни йиғиш, сақлаш, излаш, қайта ишлаш, узатиш ва ҳ.к) турли хил воситалар ёрдамида бошқаришни ташкил этиш усулларидир.

Ахборот технологиялари информатиканинг предмети ҳисобланади, ҳамда бошқарув амалиётини ўтказиш, ишлаб чиқаришни бошқариш, илмий изланишлар ва иқтисодиётда корхоналарнинг ташкил топиши, уларнинг техник ривожланиши натижасида миллий иқтисоднинг янги тармоқларини юзага келтиради. Ахборот технологиялари иқтисодий масалаларни ҳал этишда қўйидаги асосий жараёнларни ўз ичига олади:

1. Ахборотни йиғиш ва рўйхатдан ўтказиш;
2. Ахборотни тартиблаш, таҳлил қилиш ва узатиш;
3. Маълумотларни кодлаштириш;
4. Маълумотларни сақлаш ва излаш;
5. Иқтисодий ахборотни қайта ишлаш;
6. Ахборотни чоп этиш ва ахборотдан фойдаланиш;
7. Қарор қабул қилиш, бошқарув таъсирини ишлаб чиқиш.

Ахборот хусусиятларини ўрганиш ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларида фойдаланиш ва тарқатиш билан шуғулланадиган фан **информатика** деб аталади. Информатиканинг асосий **вазифаси** – давлат бошқарув органларининг, саноат ва тадбиркорлик ҳамда бошқа соҳалардаги ахборот эҳтиёжини қондириш учун моддий-техник базани яратишdir.

Информатиканинг асосий учта **йўналиши** мавжуд.

Биринчи йўналиши - ахборотни узатиш, йиғиш ва қайта ишлашнинг техник воситаларини ривожлантириш назарияси билан боғлиқ. У ўз ичига ҳисоблаш комплексларини, локал ва глобал ҳисоблаш тармоқлари, алоқа назариясини олган кенг илмий-оммавий соҳадир.

Иккинчи йўналиши маълумотларини қайта ишлаш бўйича ҳар хил амалий вазифаларни ҳал этиш юзасидан турли категориядаги фойдаланувчилар учун техник воситалар билан самарали ишлашни ташкил қилиш имконини берадиган, дастурий таъминотни ишлаб чиқишга йўналтирилган, математик ва амалий фанлар комплексини ўз ичига олган дастурлаштиришdir.

Бу йўналишга алгоритмлаштириш тиллари назарияси, маълумотларни ташкил этиш, сақлаш, қидириш ва қайта ишлаш назарияси, тизимли ҳамда амалий дастурлаштириш назарияси киради.

Ахборот тизимини яратишда иккинчи йўналишни умумий ва амалий дастурний таъминот деб аташ қабул қилинган.

Учинчи йўналиш – автоматлаштирилган усулда турли даражадаги вазифаларни ҳал этиш моделлари, алгоритмлар тартиби, технологиясини ишлаб чиқиши ва ташкил қилишдир.

Информатика 1960 йилларда Францияда электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида ахборотни қайта ишлаш билан шуғулланувчи соҳани ифодаловчи атама сифатида юзага келди. Информатика атамаси лотинча *informatic* сўзидан келиб чиккан бўлиб, тушунтириш, хабар қилиш, баён этиш маъноларини англатади. Французча *informatique* (информатика) сўзи ахборот автоматикаси ёки ахборотни автоматик қайта ишлаш маъносини англатади. Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда бу атамага *Computer science* (компьютер техникаси ҳақидаги фан) синоними мос келади.

Информатиканинг инсон фаолиятининг мустақил соҳаси сифатида ажralиб чиқиши биринчи навбатда компьютер техникасининг ривожланиши билан боғлиқ. Бунда асосий хизмат микропроцессор техникасига тўғри келади. Унинг пайдо бўлиши 1970 йиллар ўрталарида иккинчи электрон инқилобини бошлаб берди.

Шу даврдан бошлаб ҳисоблаш машинарининг элемент негизини интеграл чизма ва микропроцессорлар ташкил этди. Информатика атамаси нафақат компьютер техникаси ютуқларини акс эттириш ва фойдаланиш, балки ахборотни узатиш ва қайта ишлаш жараёнлари билан ҳам боғланади.

Информатика ахборотни қайта ишлаш, уларни қўллаш ва ижтимоий амалиётнинг турли соҳаларига таъсирини ЭҲМ тизимларига асосланган ҳолда ишлаб чиқиши, лойиҳалаш, яратиш, баҳолаш, ишлашнинг турли жиҳатларини ўрганувчи комплекс илмий ва муҳандислик фани соҳасидир.

Информатика бу жиҳатдан ахборот моделларини қуришнинг умумий методологик тамойилларини ишлаб чиқишига йўналтирилган. Шу боис ахборот услублари обьект, ҳодиса, жараён ва ҳоказоларни ахборот моделлари ёрдамида баён этиш имкониятига эгадир.

Информатиканинг вазифалари, имкониятлари, восита ва услублари кўп қиррали бўлиб, унинг кўплаб тушунчалари мавжуд. Уларни умумлаштириб қўйидагича талқин этиш мумкин.

Информатика ва кибернетика тушунчаларида кўпинча чалкашликлар учраб туради. Уларнинг ўхшашлиги ва фарқини тушунтиришга ҳаракат қиласиз.

Информатика - (информация), яъни хабар, ахборот маълумотларни жамлаш, қидириш, сақлаш, қайта ишлашнинг қонунлари ва усулларини ўрганади.

Н. Виннер томонидан кибернетикага киритилган асосий фикр инсон фаолиятининг турли соҳаларида мураккаб динамик тизимларни бошқариш назариясини ишлаб чиқиши билан боғлиқ. Кибернетика компьютерлар мавжудлиги ёки йўқлигидан қатъий назар мавжуддир.

Кибернетика – техник, биологик, ижтимоий ва бошқа турли тизимларда бошқарувнинг умумий тамойиллари ҳақидаги фандир.

Информатика янги ахборотни анча кенг, кибернетика каби турли обьектларни бошқариш вазифаларини амалий ҳал этмай, ўзгартириш ва барпо

этиш жараёнларини ўрганади. Шу боис информатика ҳақида кибернетикадан анча кенг фан соҳаси деган тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Бироқ, бошқа жиҳатдан, информатика компьютер техникаси билан боғлиқ бўлмаган муаммолар ечими билан ифодаланмайди. Бу, шубҳасиз, унинг умумлаштирувчи хусусиятини чеклайди.

Кибернетика нуқтаи назаридан ахборот объектни бошқа бир объектда акс эттириш жараёнини ўзига мужассамлаштиради, бу нарса бошқарувни амалга оширади, иқтисодиётни режалаштиришнинг иқтисодий математик усулларидан фойдаланиш, уни интенсив тарақиёт йўлига солиш имкониятини беради.

Информатика компьютер техникаси ривожланиши туфайли юзага келди, унга асосланади ва усиз мавжуд бўла олмайди. Кибернетика компьютер техникасининг барча ютуқларидан унумли фойдаланса ҳам, лекин объектларни бошқаришнинг турли моделларини яратган ҳолда ўз-ўзича ривожланаверади. Кибернетика ва информатика ташқи жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш бўлса ҳам, лекин:


- информатика — ахборот ва уни қайта ишловчи техникавий, дастурий воситалар хусусиятларига асосланади;
- кибернетика эса — объектлар моделларининг концепцияларини ишлаб чиқиши ва қуришда хусусан ахборотдан кенг фойдаланиши жиҳатидан фарқланади.

Информатика кенг маънода инсоният фаолиятининг барча соҳаларида асосан компьютерлар ва телекоммуникация алоқа воситалари ёрдамида ахборотни қайта ишлаши билан боғлиқ фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг хилма-хил тармоқлари бирлигини ўзида намоён этади.

Информатикани тор маънода ўзаро алоқадор уч қисм — техник воситалар (hardware), дастурий воситалар (software) ва алгоритмли воситалар (brainware) сифатида тасаввур этиш мумкин. Ўз навбатида информатикани ҳам умуман, ҳам қисмлари бўйича турли жиҳатлардан: ҳалқ хўжалиги тармоғи, фундаментал фан, амалий фан соҳаси сифатида кўриб чиқиши мумкин (3.1-расм).

Информатика ҳалқ хўжалиги тармоғи сифатида компьютер техникаси, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ахборотни қайта ишлаш замонавий технологиясини ишлаб чиқиши билан шуғулланадиган хўжалик юритишнинг турли шаклларидаги корхоналарнинг бир турда жамланишидан иборат бўлади. Информатиканинг **ишлаб чиқариш тармоғи сифатидаги** ўзига хослиги ва аҳамияти шундаки, ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари меҳнат самарадорлиги кўп жиҳатдан унга боғлиқдир.

Бундан ташқари, бу тармоқлар меъёрида ривожланиши учун информатиканинг ўзида меҳнат самарадорлиги анча юқори суръатларда ўсиб бориши лозим, чунки ҳозирги даврда жамиятда ахборот кўпроқ сўнгги истеъмол предмети сифатида намоён бўлмоқда: одамларга дунёда рўй бераётган воқеалар, уларнинг касбий фаолиятига доир предмет ва ҳодисалар, фан ва жамиятнинг ривожланиши ҳақида ахборот зарур.



3.1-расм. Информатиканинг тармоқ, фан, амалий фан соҳалари сифатида тузилиши

Информатика **фундаментал фан сифатида** компьютер ахборот тизимлари негизида исталган объектлар билан бошқарув жараёнларини ахборот жиҳатидан таъминлашни барпо этиш методологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Шундай фикр ҳам мавжудки, фаннинг асосий вазифаларидан бири — ахборот тизимлари нима, улар қандай ўринни эгаллайди, қандай тузилмага эга бўлиши лозим, қандай ишлайди, унинг учун қандай қонуниятлар хос эканлигини аниқлашдир. Европада информатика соҳасида қўйидаги асосий илмий йўналишларни ажратиб кўрсатиш мумкин: тармоқ тузилмасини ишлаб чиқиш, компьютерли интеграциялашган жараённи ишлаб чиқариш, иқтисодий ва тиббий информатика, ижтимоий суғурта ва атроф муҳит информатикаси, профессионал ахборот тизимлари.

Информатикада фундаментал тадқиқотлар мақсади исталган ахборот тизимлари ҳақида умумлаштирилган ахборотни олиш, уларнинг қурилиши ва ишлашининг умумий қонуниятларини аниқлашдир.

Информатика амалий фан соҳаси сифатида қуидагилар билан шуғулланади:

- а) ахборот жараёнларидағи қонуниятларни ўрганиш (ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тарқатиш);
- б) инсон фаолиятининг турли соҳаларида коммуникацион — ахборот моделларни яратиш;
- в) аниқ бир соҳаларда ахборот тизими ва технологияларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳаётий босқичини, уларни ишлаб чиқариш, ишлашни ва ҳоказоларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиши босқичлари учун тавсиялар тайёрлаш.

Демак, информатиканинг бош вазифаси ахборотни янгилаш, услуг ва воситаларни ишлаб чиқиш ва ахборотни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини ташкил этиш, улардан фойдаланишни ишлаб чиқишидир.

Информатиканинг асосий вазифалари қуидагиларни ўз ичига олади:

- исталган хусусиятдаги ахборот жараёнларини тадқиқ этиш;
- ахборот жараёнларини тадқиқ этишдан олинган натижалар негизида ахборотни қайта ишлайдиган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва янги технологияни яратиш;
- жамият ҳаётининг барча соҳаларида компьютер техникаси ва технологиясидан самарали фойдаланишнинг илмий ва муҳандислик муаммоларини яраташ, татбиқ этиш ва таъминлашни ҳал этиш.

Информатика ўз-ўзича мавжуд бўлмай, балки бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал этиш учун янги ахборот техника ва технологаяларини яратишга қаратилган комплекс илмий — техник соҳадир. У бошқа еоҳалар, ҳатто жараёнлар ва ҳодисалар ноформаллашуви туфайли миқдорий услубларни қўллаш мумкин эмас деб ҳисобланадиган соҳаларга ҳам тадқиқот услуб ва воситаларини тақдим этади. Информатикада компьютер техникаси шарофати туфайли амалий рўёбга чиқиши мумкин бўлган математик моделлаш услубларининг ҳал қилинишини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Иқтисодий информатика деб компьютер, коммуникацион ва ташкилий техника воситалари ёрдамида иқтисодий ахборотни автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш усусларини ўрганувчи фанга айтилади.

Иқтисодий информатика фани технология ва уни яратиш босқичлари, автоматлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш, муаммо соҳасининг функционал таҳлили, иқтисодий масалаларни қўйилишини алгоритмик ҳал этиш, турли воситалар ёрдамида дастурларни қўллаш муаммолари билан шуғулланади [17].

Ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, иқтисодий информатиканинг муҳим вазифалари қуидагилардан иборатdir:

1. Билимлар даражасини орттириш.
2. Тарбиявий вазифа.

Билимлар даражасини орттириш учун одамларни зарур ахборотдан воқиф қилиш, билимларни мунтазам равишда эгаллаб, янгилаб боришга нисбатан уларда иштиёқ уйғотиш, ижодий тафаккурни кучайтириш керак.

Тарбиявий вазифаси шундан иборатки, яъни инсон информатика ёрдамида авлод аждодларимиз тўплаган ва умумлаштирган ижтимоий

ҳамда ишлаб чиқариш тажрибаларни, илмий билимлар, ижтимоий ғоялар, эстетик бойликлар ва бошқаларни ўзлаштирар экан, онгида янги дунёқарашни шакллантиради.

Ахборот инфратузилмаси - ахборотни тўплаш, қайта ишлаш ва оммага етказиш шарт-шароитларни ривожлантириш имконини берувчи воситалар мажмуасидир.

Ахборот инфратузилмаси ўз ичига қўйидагиларни олади:

1. Маълумотларнинг давлат миқёсидағи ва маҳаллий манбалари тизимларини. Бу тизим ЭҲМ операцион тизимлар ёрдамида турли туман ахборотни автоматлаштирилган тарзда ишлаб чиқади. У ахборот-ҳисоблаш марказларининг минтақавий тармоқлари, ташкилотлар, корхоналар, бирлашмалар ва уларнинг бўлинмалари инфратузилмаларини, ҳамда автоматлашган иш жойларини ўз ичига олади.

2. Алоқа тизимларини - бу электрон почта, телекс, видеотекс, телефакс, алоқа воситалари ва ҳисоблаш техникасининг бир-бирига муштарак бўлиб кетиши ва бошқалар. Булар тарақий эта бориб, маълумотлар билан тамиллашнинг умумдавлат ягона тизимиға айланади.

Ахборот инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори билан Фан ва Техника Давлат қўмитаси қошида Ахборатлаштириш бўйича бош Бошқарма тузилди.

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги “Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлилигига айлантирилди, унга республикада ахборотлаштиришни ривожлантириш бўйича қўшимча функциялар юкланди. Ахборот хизматлари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиши мақсадида “Компьютер ва ахборот-технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази” ташкил этилди.

Демак, ахборот технологияларининг ривожланиши иқтисодий информатиканинг ривожига, иқтисодий информатиканинг ривожланиши ахборот инфратузилмасини кенгайишига, яъни ахборотлашган жамиятнинг шаклланишига олиб келади.

3.2 Ахборот технологиялари тарақкий этишининг асосий босқичлари

Ахборот технологиясининг ривожланиши бир нечта босқичларни ўз ичига олади. XIX асрнинг иккинчи яримигача ахборот технологиясининг асосини перо, сиёҳдон ва бухгалтерия дафтари ташкил этган (қўл ахборот технологияси). Коммуникация (алоқа) пакет (расмий хужжатлар солинган конверт) юбориш орқали амалга оширилар эди. Ахборотни қайта ишлаш маҳсулдорлиги ўта паст бўлиб, ҳар бир хат алоҳида, қўлда кўчириб олинган. Қарор қабул қилиш учун бир-бирига қўшиладиган ҳисоб-китобдан бошқа ахборот ҳам бўлмаган.

«Қўл» ахборот технологияси ўрнига XIX аср охирида «**механик**» технология кириб келди. Ёзув машинаси, телефон, диктафоннинг кашф этилиши, жамоа почтаси тизимининг такомиллашуви – булар бари аввалига ахборотни қайта ишлаш технологиясида, сўнг иш маҳсулдорлигига сезиларли

ўзгаришлар юз беришига замин бўлди. Моҳиятан, механик технология мавжуд муассасаларда ташкилий таркибининг шаклланишига йўл очиб берди. XX асрнинг 40-60 йилларида «электр» технологияси пайдо бўлиб, у ечиб алмаштириладиган элементларга эга электр ёзув машинкалари, оддий қоғоздан фойдаланувчи нусха кўчириш машинаси, портатив диктафонлардан иборат эди. Айнан шу воситалар ҳужжатларни қайта ишлаш сифати, сони ва тезлигини ошириш ҳисобига бошқариш фаолияти яхшиланди. Кўпгина замонавий муассасалар «электр» технологиясига асосланади.

1960 йилларнинг иккинчи ярмидан эса «электрон» (ёки «компьютер») технологияси юзага кела бошлади ва ахборотнинг шаклини эмас, мазмунини ўзгартиришга урғу берила бошланди.

Маълумки, бошқарувнинг ахборот технологияси ахборотни қайта ишлаш бўйича энг камида қуйидаги муҳим учта таркибий қисмга эга бўлиши лозим: ҳисобга олиш, таҳлил ва қарор қабул қилиш. Буларни компьютерларда амалга ошириш тобора муракқаблашиб бормоқда. Чунки, ўзида саноқсиз маълумотларни жамлаган «қоғозлар денгизи» тобора кенгайиб бормоқда.

Ахборотни тақдим этиш тизимиning ривожланиши. Айтиш мумкинки, ахборот технологияси бир неча миллион йиллар аввал одамзод ўртасида илк бор ўзаро **мулоқотга киришиш усуллари** (турли товушлар чиқариш, имо ишора, ҳатти-ҳаракатлар қилиш) пайдо бўлиши билан бирга юзага келган деб айтиш мумкин. Бунда ахборот алмашинуви фақат якка шахслар ўртасидагина амалга оширилган. **Нутқ пайдо бўлиши** билан бирга(тахминан 100 минг йил олдин) одамлар миясида ахборот тўпланиши имконияти юзага келди.

Кейинги босқичда, яъни ёзувнинг пайдо бўлиши (5-6 минг йил аввал) инсониятнинг умумий, жамоа хотирасининг юзага келишига сабаб бўлди.

Айнан ёзувнинг пайдо бўлиши ахборотни тўплаш, узатиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиш каби тўлиқ жараённи амалга оширишга имконият яратиб берди. Бу имконият туфайли ахборот моддий ташувчиларда қайд этила бошланди.

Ахборот тизими ва технологиясининг кейинги тараққиёти асосан **коммуникация воситалари** билан боғлиқ.

Коммуникация тизимиning ривожланиши. Ахборот технологиясининг ривожланиши ахборотни тақдим этиш тизимидан ташқари, ахборот коммуникация воситаларини такомиллаштириш билан боғлиқ эди. Улар ахборотнинг номоддий ташувчиси, яъни нутқ пайдо бўлгандан сўнг юзага келган. Буни ахборот технологиясининг ривожланиши тарихидаги илк «портлаш» деб баҳолаш мумкин эди. Тараққиётнинг кейинги фазаси – **қоғоз** кашф қилингунга қадар ахборотнинг моддий ташувчи воситалари ўзгариб борди. Яъни, сўзларни тошга ўйиб ёзиш орқали биринчи марта ахборотни кўз билан кўриб қабул қилиш имконияти юзага келди. Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликда аввалига лойдан, сўнг ёғочдан ясалган табличкаларга ёзишга ўтилди ва бу ахборот-коммуникацияларга динамик мазмун касб этди. Папируснинг кашф этилиши ахборот ташиш воситасининг ҳажмини оширди ва унга буёқ қўллаш имконияти мавжудлиги боис аҳамияти ҳам ошиб борди.

Пергаментнинг пайдо бўлиши (эрамиздан аввалги III аср) билан эса янги ахборот «портлаши» рўй берди: ахборотнинг энг мақбул ташувчиси – **китоб** юзага келди (IV аср).

Ахборот технологиясининг қоғоз фазаси V асрдан бошланади. Бу пайтда қоғоз (II асрда Хитойда кашф этилган) Европа мамлакатларининг саноат ишлаб чиқариш обьектига айланган эди. Шундан кейинги давр ахборот технологияси ривожланишида катта рол ўйнади. Шундан сўнг савдо ва ҳунармандчилик ривожлангач шаҳар почтаси, XV асрдан бошлаб эса хусусий почта (Фарбий Европа), XVI-XVII асрларда марказий қироллик почтаси (Франция, Швеция, Англия ва бошқалар) юзага келди. Ушбу барқарор коммуникация туфайли ахборот фаолиятига янада қўпроқ одамлар жалб этилмоқда ва у йирикроқ минтақаларни қамраб олмоқда.

Германияда китоб чоп этилишининг кашф этилиши (XV аср ўртасида) ахборот технологияси ривожланиши жараёнида кашфиёт бўлди. Бу ҳол унга оммавийлик олиб келди. Моҳияттан бу табиатшуносликда илмий-техник тараққиётининг янги босқичи бўлиб қолди. Илмий-техник атаманинг пайдо бўлиши ахборот технологиясида сифат ўзгаришини, кўп нусҳада китоб, журнал, газета, географик ҳарита, техник чизмаларнинг чоп этилиши эса миқдор ўзгаришини келтириб чиқарди.

XIX аср охиридаги техник инқилоб билан боғлиқ ахборот технологияси ривожланишидаги янги босқич барқарор ҳалқаро коммуникация шакли сифатида **почта алоқасининг юзага келиши** билан изоҳланади. Айни даврда фотография (1879 й.), телеграф (1832 й.), телефон (1876 й.), радио (1895 й.) кашф қилинган эди. Ахборот технологияси ривожланишида фойдаланувчи учун қулай шаклда ахборотни олиш, сақлаш ва тезда узатишнинг умумжаҳон тизимини яратиш даври юзага келди. Бу эса ахборотни техник, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг ҳаракатланувчи кучига айлантирди ҳамда замонавий техник инқилоб босқичида унинг етакчилик кучини белгилаб берди. Натижада узоқ йиллар давомида жамиятда жуда катта ҳажмда ахборот тўпланиб қолиши ва ундан оқилона фойдалана олмаслик масаласини ҳал этиш имконияти юзага келди.

Ахборот ҳам мазмун, ҳам миқдор жиҳатидан инсоният истеъмол қиласидаги энг қимматли маҳсулотлардан бирига айланди. Ахборот инқилобининг тараққиёти XX аср иккинчи ярмида янги босқичга келди. Бу даврда ахборот технологияси ривожланиб, қоғоз ўрнини техник воситалар эгаллади. Энди ахборотни узатиш (электромагнит тўлқинлар ёрдамида) тезлиги оғзаки нутққа нисбатан миллион марта ортиб келди.

Интиуцияси (эксперт тизими) ишлаб чиқариш кучига айланди, сунъий интеллект эса техник тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги вазифаларини ҳал этиш имконияти юзага келди. Машинавий динамик ахборот тизимининг алоҳида аҳамияти жамият ҳаётида энг олдинги режага янада замонавий ЭҲМ ва у билан боғлиқ технологияларни яратиш муаммосини қўйди. Инсонлар ўртасида (эндиликда инсон ва машина ўртасида) ўзаро ахборот ҳаракати механизмининг ривожланиш тарихи ахборот технологиясини барча илм

соҳалари ривожланишининг ягона интеграция тизими сифатида тушунишга асос беради.

ХХ асрнинг 50 йилларида ЭҲМ нинг пайдо бўлиши ва улардан фойдаланиш имкониятининг жадал ошиб бориши билан меҳнатни автоматлаштириш, ахборот маҳсулотлари ва хизмати бозорининг юзага келишига асос бўлди. Автоматлаштирилган ахборот технологиясининг ривожланиши ахборотни қайта ишлаш ва узатиш бўйича янги техник воситаларнинг пайдо бўлиши, ЭҲМ дан фойдаланишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш, инфратузилмани янги коммуникация воситалари билан бойитиш билан бир қаторда кечди. Автоматлаштирилган ахборот технологиясининг эволюция жараёни 3.1-жадвалда берилган.

3.1-жадвал

ААТ ривожланишининг босқичлари, техник воситалар ва ҳал этиладиган вазифалар

| Йил | ЭҲМ | Ҳал этиладиган масалалар | ААТ турлари |
|---------------------------------------|-----------------|---|--|
| 1950 й. охири, 1960 й. боши | I ва II авлод | ЭҲМ дан алоҳида, иш ҳақини ҳисоблаш, моддий ҳисоб-китоб, айрим оптималлашган, нисбатан кўп меҳнат талаб қилувчи вазифаларни ҳал этиш | Маълумотларни қисман электрон қайта ишлаш |
| 1960 й. 1970-йиллар охири | II ва III авлод | Режадаги ва жорий ахборотни электрон қайта ишлаш, ЭҲМ хотирасида меъёрий-маълумотнома хабарларини сақлаш, машинаграммларни қоғоз кўринишидаги ахборот ташувчиларни чакириб бериш | Маълумотларни қайта ишлаш электрон тизими |
| 1970 йиллар | III авлод | Корхоналар, иқтисодий обьектлар фаолиятининг барча бошқарув жараёни босқичларида ахборотни комплекс қайта ишлаш, АБТ кенжа тизимини ишлаб чиқишига ўтиш (моддий-техник таъминот, товарлар харакатланиши | ҲМ, жамоа фойдаланиш ҳисоблаш марказлари шароитида ахборотни марказлаштирилган автоматлаштирилган қайта ишлаш |
| 1980-йиллар | IV авлод | Бошқарув тизимини автоматлаштириш (технологик жараёнлар билан), автоматлаштирилган лойиха тизимини, корхоналар билан БТА ни, режа ҳисоб-китоби, статистика, моддий-техник таъминот, фан ва техникини ривожлантириш. Маълумотларни марказлашмаган ҳолда қайта ишлаш тенденцияси, вазифаларни кўп фойдаланиладиган режимда ҳал этиш, ҳисоблаш техникасидан қоғозсиз фойдаланиш | Мини-ЭҲМ базасида технологик масалаларга ихтисослашиши ва маълумотлар массивига узоқдан туриб кириш, айни пайтда кучли супер ЭҲМ лар базасида ахборотларни қайта ишлаш усусларини автоматлаштириш ва универсаллаштириш |
| 1980-йиллар охирдан ҳозирги пайтга-ча | V авлод | Иқтисодий масалаларни комплекс ҳал этиш; предмет соҳасининг тизими тавсифига боғлиқ ҳолда обьектга мўлжалланган ёндошув; иловаларнинг кенг кўлами; ахборот тузилмасини тармокли ташкил этиш; ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш давомида фойдаланувчининг интерактив ўзаро ҳаракатни ўзлаштириши. Интеллектуал инсон-машинали интел-лектуал интерфейсини ривожлантириш, қарор қабул қилишни кўллаб-куватлаш тизими, ахборот-маслаҳат бериш тизими | Замонавий ахборот-технологияси-ҳисоблаш техникаси, алоқа воситаси, оргтехника воситаларининг уйгуналашви |

ЭҲМ авлодлари алмашуви рўй берди. Бу ЭҲМнинг асосий техник фойдаланиш ва иқтисодий параметрлари, биринчи навбатда самарадорлик, хотира ҳажми, ишончлилиги, габарит ўлчами ва нархи каби омиллар ўзгариши билан боғлиқ эди. Машина орқали ечиш учун вазифаларни тайёрлаш иш ҳажмини камайтириш, инсоннинг ЭҲМ билан алоқасини енгиллаштириш ҳамда ЭҲМдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ЭҲМ ривожланишининг асосий омили эди ва шундай бўлиб қолмоқда.

ЭҲМ лар биринчи авлодининг (XX аср 50 йиллари) элемент базасини электрон чироқлар ташкил этар эди. Бундай машиналар анъанавий таркиб чизмасига мос ҳолда, бир-бирига қатъий боғлиқ асосий қурилмалар тўпламидан (арифметик-мантиқан, эслаб қолувчи бошқарув қурилмаси ва кириш-чиқиш қурилмаси) иборат бўлган.

Дастурлар машина тилида тузилган. Ҳар бир фойдаланувчи ўз ихтиёрига ЭҲМ ни маълум бир вақтга олиб, уша вақтнинг бир қисми дастурни тўғирлашга кетар эди. Дастурий таъминот асосан стандарт кенжада дастурлардан иборат бўлган. Ўша пайтда ЭҲМ дан илмий ва мухандислик бўйича эскича масалаларни ечишда фойдаланишган. Биринчи авлод машиналари нисбатан кенг ўлчами, энергияни кўп сарфлаши, сустроқ ҳаракатланиши ва ишончлилигининг пастлиги билан ажралиб туради.

Иккинчи авлод ЭҲМ лар яримўтказгичларга асосланиб, XX асрнинг 50 йиллари охирги ва 60 йиллар бошларида яратилган.

Мазкур ЭҲМ лар авлоди марказлашмаган ҳолда кириш-чиқишини бошқарув хусусиятига эга бўлди. Бу турли ташқи қурилмаларнинг марказий процессорга осонгина уланиш имкониятини берди. Кириш-чиқиш қурилмасини тўплами кўпайди, ташқи қурилмасининг ҳажми кенгайди. Дастурий таъминот сезиларли даражада кенгайди. Унинг таркибиага алгоритмик тилли трансляторлар, операцион тизимлари кира борди. Айни пайтда бир дастурли ЭҲМ лар билан бирга икки дастурли ЭҲМ лар ҳам пайдо бўлди. Улар битта процессор билан машиналар асосий қурилмаларининг параллел ишланиши ташкил этиш ҳисобига бир неча дастурларни биргалиқда амалга ошириш имконини беради.

ЭҲМ ларнинг иккинчи авлоди нафақат мухандислик ва илмий вазифаларни, шунингдек, келадиган ҳамда чиқадиган катта ҳажмдаги ахбороти билан фарқланувчи иқтисодий, ахборот масалаларини ҳал этишда ҳам қўлланила бошланди. Уларнинг нисбатан такомиллашган элемент базаси сезиларли даражада процессорнинг тезроқ ҳаракатланишига ва хотира ҳажмини оширишга, ЭҲМ ўлчами қисқариб энергия сарфининг камайишига имкон берди. Бунга кўп даражада ахборотни босиб чиқариш монтажининг қўлланиши сабаб бўлди.

ЭҲМ лар учинчи авлоди 1960 йиллар охири ва 1970 йиллар бошларида пайдо бўлди. Ушбу машиналар интеграл ҳолда ишлайдиган ярим ўтказгичлар асосига қурилган. Интеграл схема анча мураккаб транзисторли схемага мос туталланган мантиқий функционал блокларни ифодалайди. Ушбу схемаларнинг қўлланилиши ЭҲМ лар ўлчамининг кескин қисқаришига, ишончлилиги

унумдорлигининг ошишига олиб келди. Бунга кўп қатламли чоп этиш монтажининг қўлланиши кўмак берди.

Айни турдаги ЭҲМ лар машиналар тузилмасининг номарказлашув тенденцияси давом этишига олиб келди. Шундан кейин бир неча, жумладан ихтисослашган процессорли ҳисоблаш тизимлари кенг қўлланила бошланди. Ташки қурилмалар номенклатураси ўзгарди. Уларнинг таркибида асосий ўринни терминал ва терминал станциялар, катта ҳажмни сифдира оладиган магнитли дисклар эгаллайди.

Таъкидлаш жоизки, бу даврда ЭҲМ нинг мантиқий тузилмаси билан боғлиқ бўлган тавсифлар мажмуини англатувчи ЭҲМ «архитектураси» (меъморчилиги) атамаси жорий этилди. «Архитектура» тушунчасига ЭҲМ элементлари (аппаратура ва дастурий таъминот), фойдаланувчи нуқтаи назаридан ЭҲМ хусусиятини белгиловчи элементлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро ҳаракатлар тамойиллари киради. Учинчи авлод ЭҲМ ларида илк бор ЭҲМ лар оиласини яратишга нисбатан архитектура жиҳатдан ягона ёндашув қўлланилган. Бундай ёндошув биринчи галда бир оила таркибига кирувчи ЭҲМ моделларининг ягона конструкторлик-технологик базаси ва дастурий мувоффиклигини англатади.

Дастурий таъминот ва биринчи галда операцион тизимларнинг роли кучайди. Операцион тизимларининг ривожланиши машиналарнинг турли режимда пакетларни қайта ишлаш, вақтни бўлиш, сўров-жавоб режими ишларини бошқаришни таъминлади. Айтиш жоизки, дастурий таъминот қиймати туфайли аппаратуралар нархи ошди.

Ушбу авлод машиналарида уларга узоқ масофада бўлган абонентларнинг бевосита кира олиш имконияти кенгайди. Абонентларнинг ЭҲМ лар билан мулоқоти машина-ахборот алоқа каналлари (телеграф, телефон, радиоалоқа ва ҳаказо) билан боғлиқ абонент пунктларининг ривожланган тармоғи ҳисобига амалга оширилади.

ЭҲМ дан фойдаланиш соҳалари анча кенгайди. Масалан, самарали ишлаш нуқтаи назаридан мумкин бўлмаган вазифалар борасидаги чеклашлар деярли йўқ бўлди. Улардан фойдаланувчилар ўртасида вақтни автомат равишда аниқлаш режимида гина эмас, бошқарувчи тизим таркибида вақтнинг аниқ бир кўламида ҳам ишлашга қодир универсал машиналар сифатида фойдаланила бошланди.

ЭҲМ нинг тўртинчи авлодига катта интеграл тизим (КИТ) кўринишидаги элемент базасига эга бўлган ҳисоблаш тизимлари киради. Бу 1970 йиллар ўртасида электрон ҳисоблаш техникаси ривожида кескин «сакраш» бўлганлиги, яъни, катта интеграл схемаси базасида микропроцессорлар пайдо бўлганлиги билан боғлиқ. Улардан фойдаланиш туфайли барча ЭҲМ ларнинг техник-эксплуатация ва иқтисодий қўрсаткичлари ўлчами, энергия сарфи, қиймати ва ҳаказолар кескин яхшиланди.

Шахсий компьютерлар (ШК) ларни оммавий ишлаб чиқариш бошланди. Замонавий ЭҲМ ларнинг 4-авлоди икки йўналишда ривожланди. Биринчи йўналиш - секундига бир неча минг миллион операцияларни амалга оширувчи

кучли, кўппроцессорли ҳисоблаш тизимини яратиш, иккинчиси-микропроцессорлар базасида нисбатан арzon ва ихчам микро ЭХМ лар яратиш.

ЭХМ ларнинг бешинчи авлоди 1980 йиллар ўрталарида ўта катта интеграл схемалар базасида ишлаб чиқарила бошланди. Бешинчи авлод машина моделлари меъморчилик (архитектура) оқимига, интеллектуал «инсон-машина» интерфейсini ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Улар масалаларни тизимли ечишни машиналарнинг мантиқан фикрлашини, ахборотни ассоциатив қайта ишлаш ва мантиқий хулосалар олишни ҳам таъминлайди. Эндиликда инсоннинг ЭХМ билан ягона тилдаги мулоқотини (жумладан, оғзаки нутқини) амалга ошириш мўлжалланмоқда.

3.3 Технология, ахборот технологияси ва замонавий ахборот технологияларининг имкониятлари

«Технология» атамаси грекча *techne* сўзидан олинган бўлиб моҳирлик, усталик, бирор ишни уддалай олишни англатади. Бу маълум бир жараёнга нисбатан қўлланилган. Жараён деганда эса мақсадга эришишга йўналтирилган хатти ҳаракатлар мажмуи тушунилган. Ушбу жараён киши томонидан танланган стратегия билан белгиланади ва турли хилдаги воситалар, усуллар ёрдамида амалга оширилади.

Умумий ҳолларда технология деганда, маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган хом-ашё, материал ёки ярим тайёр маҳсулот шакли, хусусияти, ҳолатининг ўзгариши, уни қайта ишлаш, тайёрлаш усулларининг мажмуи тушунилади. Бу бирор бир ишни юқори даражада уддалаш деганидир.

Ахборот технологиялари тўғрисида гап кетганда, қайта ишлашнинг материали сифатида ҳам, маҳсулот сифатида ҳам ахборот иштирок этади. Бироқ бу обьект, жараён ёки ҳодиса түғрисидаги сифат жиҳатидан янги маълумот бўлади. Технология ходимнинг ахборот билан ишлаш усули ва услуги ҳамда техник воситалар орқали намоён бўлади.

Саноат ишлаб чиқаришида ҳар қандай технология маҳсулотни яратишнинг бошидан охиригача бўлган технологик жараённи қамраб оловчи таркибий элементлари мажмуининг баёнини ифодалайди. Таркибий элементларининг (технологик операциялар) таркиби икки асосий омил билан аниқланади: биринчидан, мазкур технологик жараён асосига нисбатан сифатли усуллар ва принциплар орқали, иккинчидан, маҳсулотни тайёрлашнинг охирги жараёнидаги технологик операцияни бажариш учун жалб этиш мумкин бўлган асбоб-ускуна воситалари орқали.

Услублар айрим маҳсулотларни олишнинг принципиал имкониятини тавсифлаб беради. Уларнинг асосини инсон томонидан ўрганилган (балки тўлиқ эмас) табиий (физик, кимиёвий, биологик) жараёнлар ёки мазкур соҳа мутахассисларининг илмий изланишлари натижасида тўпланган тажрибани акс эттирувчи айрим қонуниятлар ташкил этиши мумкин. Одатда муайян бир технология усуллар ва принципларни белгиловчи бутун мажмууга таянади. Бу мажмуя элементларининг аҳамияти ҳам турлича. Улардан бири ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатларини, иккинчиси ишнинг иқтисодий томонини, бошқа бири ташкилий тузилмани белгилайди.

Услублар ва принципларнинг турлича роли уларнинг технология тузилмасига нисбатан таъсири ҳар хил бўлишини келтириб чиқаради. Баъзан айрим услуг ёки принципларнинг ишлаб чиқаришга нисбатан таъсири ҳисобга олинмаслиги мумкин[17].

Услуб ва принциплар ишлаб чиқаришнинг охирги жараёнидаги маҳсулотни олишни белгилаб беради. Ушбу маҳсулотни олишга эришиш учун, ишни ким ва қандай бажариш давомийлиги аниқ белгиланган бўлади. Маҳсулотни яратиш жараёнида турли хил ишни амалга ошириш учун фойдаланилиши мумкин бўлган асбоб-ускуна воситалари технология таркиби учун алоҳида аҳамият касб этади. Асбоб-ускуна воситаларининг мавжудлиги (ёки бўлмаслиги) тайёр маҳсулот кўринишида натижалар олиш учун зарур бўлган технологик операциялар рўйхатини белгилайди. Агар уни яратиш бўйича белгиланган барча функциялар амалга оширилса (асбоб-ускуна воситалари ёрдамида ёки уларни қўлламасдан), амалда ўша буюмни олиш технологиясини ишлаб чиқиши мумкин. Аксинча, айрим функциялар бажарилмаса ёки мавжуд асбоб-ускуналар билан уни бажариш ўта мураккаб бўлса, у ҳолда тегишли операцияни бажара оладиган асбоб-ускуналарни яратиш вазифаси қўйилади ёки бундай технологияни яратиш имконияти йўқлиги ҳақида қарор қабул қилинади. Моддий ишлаб чиқариш технологияси деганда тайёрлаш, қайта ишлаш воситалари ва усувлари орқали белгиланадиган хомашё, материал ҳолати, хусусияти ва шаклининг ўзгариш жараёни тушунилади. Технология моддий маҳсулот олиш мақсадида материалнинг сифати ёки бошланғич ҳолатини ўзgartирди (3.2-расм).



3.2-расм. Ахборот технологияси моддий ресурсларни қайта ишлаш технологиясининг аналоги сифатида

Ахборот шунингдек, ресурс ҳам ҳисобланади. Уни қайта ишлаш жараёнини худди моддий ресурсларни қайта ишлаш жараёни каби технология сифатида қабул қилиш мумкин.

Ахборот технологияси — объектнинг (ахборот маҳсулотининг) ҳолати, жараён ёки воқеанинг янги хусусияти тўғрисида ахборот олиш учун маълумотларни йиғиши, қайта ишлаш ва узатиш воситалари ва усувлари мажмуuidан фойдаланиладиган жараёндир.

Моддий ишлаб чиқариш технологиясининг мақсади — инсон ёки тизимнинг эҳтиёжини қондирувчи маҳсулот ишлаб чиқариш саналади.

Ахборот технологиясининг мақсади эса — ахборот ишлаб чиқариш бўлиб, уни таҳлил этиш ва унинг асосида бирор бир ҳаракатга қўл уриш учун тегашли қарор қабул қилиш ҳисобланади.

Маълумки, битта ва фақат ўша моддий ресурсга нисбатан ҳар хил буюм ёки маҳсулот олиш мумкин. Ахборотни қайта ишлаш технологиясига нисбатан ҳам шундай баҳони берса бўлади.

Моддий ва ахборот технологиясининг асосий компонентларини қиёслаш 3.2-жадвалда берилган.

3.2- жадвал

Моддий ва ахборот технологиясининг асосий компонентларини қиёслаш жадвали

| Технологик компонентлар | |
|---|--|
| Моддий маҳсулот | Ахборот маҳсулоти |
| Хом ашё ва материаллар тайёrlаш | Маълумотлар ёки бошланғич ахборотни йиғиш |
| Моддий маҳсулот ишлаб чиқариш | Маълумотларни қайта ишлаш ва якуний ахборотга эга бўлиш |
| Истеъмолчиларга ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш | Унинг асосида қарор қабул қилиш учун якуний ахборотни узатиш |

Ахборотни йиғиш, узатиш, тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш, тақдим этиш, фойдаланиш услублари ва усувлари тизими ахборот технологияси деб юритилади.

“Ахборот технологиялари” кейин “Замонавий ахборот технологиялари” деган тушунча ҳам фанга кириб келди.

Замонавий ахборот технологияси – шахсий компьютерлардан кенг фойдаланишга, фойдаланувчиларнинг (дастурлаш бўйича мутаҳассис бўлмаганлар) ахборот жараёнида фаол иштирокига, «дўстона» фойдаланувчи интерфейсининг юқори даражада бўлишига, умумий ва муаммо мазмунидаги амалий дастурлар пакетидан кенг фойдаланишга, ЭҲМ ҳисоблаш тармоқлари туфайли маълумотларнинг узоқдаги базаларига кириб бориш имкониятига асосланган технологиядир.

Замонавий ахборот технологияларини яратишнинг уч асосий тамоиллари қуйидагилар:

1. Компьютерли интерактив мулоқотли иш режими;
2. Бошқа дастурий маҳсулотлар билан интеграциялашиш, ўзаро алоқа;
3. Ўзгариш жараёнларининг маълумотлар ва вазифанинг қутилиши жиҳатидан мослашувчанлиги.

3.4 Автоматлаштирилган ахборот технологияларининг туркумланиши

Автоматлаштириш - бу инсон иш фаолиятини машина ва механизмлар билан алмаштириш демакдир. У техник, ташкилий ва иқтисодий мазмундаги хатти-харакатлар ҳамда тадбирлар комплексидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш жараёни, бошқарув жараёнининг у ёки бу ишини амалга оширишда инсон иштирокини қисман ёки бутунлай чеклаш имконини беради.

Автоматлаштириш қачон зарур бўлади? Куйидаги ҳолларда бошқарувни автоматлаштириш, демак, ахборот тизимини, технологияни автоматлаштириш зарур бўлади:

- инсоннинг физиологик ва психологик имконияти мазкур жараённи бошқариш учун етарли бўлмаса;
- бошқарув тизими инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли муҳитда бўлса;
- бошқарув жараёнида иштирок этиш кишидан ўта юқори малакани талаб этса;
- бошқариш керак бўлган жараён ўта танг ёки авария ҳолатида бўлса.

Автоматлаштирилган ахборот технологияси (ААТ) – бошқарув вазифаларини ҳал этиш учун тизимли ташкил этилган ахборот жараёнларини амалга ошириш усул ва воситалари мажмуидир. У ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларидан фойдаланиш асосида ривожланган дастурий таъминотни қўллаш базасида бажарилади.

Шундай қилиб, автоматлаштирилган ахборот технологияси техник воситалардан, кўпроқ компьютерлар, коммуникация техникалари, ташкилий техника воситалари, дастурий таъминот, ташкилий – услубий материаллар ва технологик занжирга бирлашган персоналдан иборат бўлади. Ушбу ҳаракат занжири ахборотни йиғиш, узатиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлиш, фойдаланиш ва тарқатишни таъминлайди.

Демак, ҳар қандай ахборот технологиясининг мақсади - белгиланган ташувчи воситада талаб қилинган сифат даражасида керакли ахборотни олишdir.

Автоматлаштирилган ахборот технологиясини бир қатор белгиларга, хусусан, ахборот тизимини автоматлаштиришни амалга ошириш имконияти, автоматлаштирилган ахборот технологиясининг бошқарув вазифаларини қамраш даражаси, технологик операциялар синфи, фойдаланувчининг интерфейс тури, ЭҲМ тармоғидан фойдаланиш вариантлари ва хоказо хусусиятларига кўра таснифлаш мумкин (3.3-расм).


Автоматлаштирилган ахборот технологиясини амалга ошириш усулига қўра, ананавий ва замонавий ахборот тизимига бўлинади.

Бошқарув вазифаларини қамраб олиш даражаси бўйича автоматлаштирилган ахборот технологиясининг вазифалари маълумотларни **электрон усулда қайта ишишни** ўз ичига олади.

Бунда ЭҲМ дан фойдаланган ҳолда маълумотлар қайта ишиш натижасида муайян иқтисодий масалалар ҳал этилиб, **бошқарув фаолиятини автоматлаштириши** олиб борилади.

Бошқарув фаолиятини автоматлаштиришда бошқарув қарорларини тайёрлаш учун ахборот – маълумотнома режимида ишларни ва доимий ҳисботни шакллантириш, хизмат вазифаларини комплекс равишда ҳал этиш учун ҳисоблаш воситаларидан (жумладан супер ЭҲМ) фойдаланилади.

Хозирда кенг тадбиқ этилаётган **электрон офис ва қарорлар бўйича эксперт мадади** деб ном олган автоматлаштирилган ахборот технологияси ҳам мазкур гурухга мансуб.



3.3-расм. Автоматлаштырилган ахборот технологиялари таснифи

3 -боб бүйича хуносалар

Демак, ахборот технологиялари ривожланишининг замонавий жаҳон даражаси шундайки, республикада жаҳон ахборот маконининг инфратузилмалари ва миллий ахборот-хисоблаш тармоғи интеграциясига мос келувчи миллий тизимини яратиш иқтисодиёт, бошқариш, ылан ва таъхлим самарадорлигининг муҳим омили бўлмоқда. Бу муаммолар анча мураккаб ва айти пайтда республикамиз учун долзарбдир. Ҳозирда олиб борилаётган иқтисодий, тузилмавий ва бошқа ўзгаришларни амалга ошириш натижалари республикада ахборотлаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг қандай ва қайси муддатларда ҳал этишга ҳам боғлиқдир.

4 - боб Ахборот тизимларини бошқариш

4.1 Иктиносидий ахборот тизими. Иктиносидий тизимларни ўрганишда тизимли ёндашув

Хозирги кунда фан ва техникада кўп қўлланиладиган тушунчалардан бири - тизимдир. **Тизим** – бу ташкил этувчилардан иборат бир бутунлик деган маънени англаади. Умумий ҳолда тизимга қуидагича таъриф келтирамиз.

Тизим - бу ўзаро боғлиқ ва ягона мақсадга эришиш учун маълум қоида асосида ўзаро муносабатда бўладиган элементлар тўпламидир. Бу элементлар тўплами оддий элементлар йифиндисидангина иборат бўлмай, ҳар бир элемент ҳам ўз навбатида тизим бўлиши мумкин.

Тизимларни турли белгиларга кўра туркумларга ажратиш мумкин. Умуман олганда, тизимлар моддий ёки мавхум бўлиши мумкин (мавхум - инсон онги маҳсули).

Моддий тизимлар, асосан моддий обьектлар тўпламидан ташкил топади. Ўз навбатида моддий тизим анорганик (механик, химик) ва органик (биологик) тизимга ёки аралаш тизимга ажратилади. Моддий тизимларда асосий ўринни ижтимоий тизим эгаллайди. Бундай тизимнинг хусусиятларидан бири инсонлар ўртасидаги муносабатларни акс эттиришdir.

Мавхум тизимлар инсон онгининг маҳсули бўлиб, ҳар хил назариялар, билимлар, гипотезалардан иборат. Янги ахборот технологияси ҳам моддий тизим элементларини (компьютерлар, хужжатлар, инсонлар), ҳам но моддий тизим элементларини (математик моделлар, инсон билимлари ва ҳоказо) ўз ичига олади. Шу орада ахборот технологиясига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқdir.

Ахборот технологияси - обьектнинг, ходиса ёки жараёнининг (ахборот маҳсулотининг) аҳволи хақида янгича маълумот олиш мақсадида маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш воситалари ҳамда усуллари мажмуаси (бошланғич маълумотлар) дан фойдаланиш жараёнидир.

Тизимлар тузилиши бўйича оддий ёки мураккаб бўлиши мумкин.


Оддий тизимларни ташкил этувчи элементлар сони кам бўлиб, содда тузилишга эга бўлади.

Мураккаб тизимлар эса, бир нечта элементлардан ташкил топган бўлиб бу элементлар ҳам ўз навбатида алоҳида тизимларга бўлиниши мумкин.

Вақт давомида ўзгаришга қараб тизимлар **статик** ва **динамик** турларга ажратилади. Статик тизимлар маълум вақт оралиғида ўз ҳолатини сақлаб қолади. Динамик тизимда эса, вақт ўтиши билан ҳолат ўзгариб боради.

Тизимларни қиёслаш ва фарқлаш, уларнинг бир-бiriга ўхшашлари ва фарқлиларини ажратиш орқали таснифлаш амалга оширилади.

Таснифлаш – бу фақат борлиқ модели ва уни турли белгилар яъни, кириш ва чиқиш жараёнларининг баёни, уларнинг келиб чиқиши, бошқарув тури, бошқарувнинг ресурслари билан таъминланганлиги ва ҳакозо бўйича амалга ошириш мумкин. Тизимни мазкур белгига кўра таснифлаш 4.1-расмда келтирилган.



4.1 - расм. Тизимлар таснифи

Сунъий тизимлар – бу инсон томонидан яратылған тизимлардир.

Табиий тизимлар бу табиатда ёки жамиятда инсон иштирокисиз юзага келған тизимлар.

Аралаш тизимлар таъбий ва сунъий тизимларни ўз ичига олади.

Эргономик тизимлар – бу, «машина – инсон - оператор» мажмуди.

Биотехник тизимлар – тирик организмлар ва техник қурилмалар кирадиган тизимлардир.

Ташкилий тизимлар – бу, зарурий воситалар билан жиҳозланған кишилар жамоасидан ташкил топған тизимлар саналади.

Халк хужалиги тармокларининг асосий вазифаси - давр талабига жавоб берадиган махсулот ишлаб чиқариш. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ана шу вазифасининг бажарилишини таъминлаш бошкариш зымасига юқлатылған. Бу эса уз навбатида мохиятига кура ахборот жараёнидир. Ахборот - бошқарувнинг негизи хисобланади. Мазкур вактдаги бошкариш тизимининг холати ахборот билан белгиланади. Бошқарув ахборот жараёни сифатида каралар экан, бунда күйидаги асосий уч боскич кузга ташланади:

1. Бошқарылған объект холати түгрисидаги ахборотларни туплаш, чамалаш, кайд килиш, узатиш ва саклаш.
2. Олинган ахборотлар устида ишлаш.
3. Бошқарувчи ахборотни (бошқарув карорини) кабул килиш.

Юкоридаги боскичларни амалга ошириш натижасида объект бир холатдан иккінчи холатта утади ва бошқарув жараёнда турли ахборотлар хосил килинади.

Ахборот тизимлари, деганда куйилган максадга эришиш учун ахборотни саклаш, унга ишлов бериш ва уни узатиш максадида фойдаланиладиган, кулланиладиган воситалар, усуллар ва ходимларнинг узаро боғланган мажмуаси тушунилади.

Иктисадий тизимлар бошқариш нуктаи назаридан ахборот тизими каби каралади ва қупинча автоматлаштирилган тизим, дейилади. Бу тизимларнинг асосий вазифаси фойдаланувчиларнинг талабига мувофик равища ахборотларни туплаш ва тайёрлаш, саклаш, узатиш ва тақдим этишдан иборат. Ахборот тизимларини иккита асосий гурухга ажратиш мумкин:

1. Ахборот таъминот тизими.
2. Максадли фаолият курсатувчи тизим.

Ахборот таъминоти тизими хар кандай АБТнинг таркибиға киради. Хозирги даврга келиб куйидаги автоматлаштирилган тизимлар пайдо булди:

1. Лойихалаштиришнинг автоматлаштирилган кисми;
2. Илмий изланишнинг автоматлаштирилган кисми;
3. корхонанинг автоматлаштирилган бошқариш тизими.

Максадли фаолият курсатувчи тизимлар таркибиға:

1. Ахборот кидирав тизими;
2. Ахборот маълумотнома берувчи тизим;
3. Ахборот бошқарувчи тизим киради.

Ахборот - кидирав ва ахборот - маълумотнома берувчи тизимлар фойдаланувчи томонидан берилган талабга мос равища тегишли ахборотларни саклаш ва тақдим этиш учун мулжалланган. Бундай тизимлар фаолияти икки кисмдан иборат:

1. Ахборотни йигишиш ва саклаш.
2. Ахборотларни кидириш ва фойдаланувчига бериш.

Маълумотларни тарқатиш усулига кура ахборот кидирав тизимлари куйидаги уч турга булинади:

1. Ахборот кидиришни тартибли амалга оширувчи тизим.
2. Берилган талаб буйича кидиришни амалга оширувчи тизим.
3. Умумлаштирилган тизим.

Ахборот - бошқарувчи тизимлардан, асосан, технологик жараёнларнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимларида фойдаланилади.

Замонавий шароитда ахборот тизими ахборотларни кайта ишлашнинг асосий техник воситаси сифатида шахсий компьютерлардан фойдаланишини кузда тутади. Йирик ташкилотларда шахсий компьютерлар билан ахборот тизимининг техник таркибиға Майк Фрейм ёки Супер ЭХМ кириши мумкин. Бундан ташкари, ахборот тизими таркибиға инсон хам киради, чунки ишлаб чикилаётган ахборот унга мулжалланган булади ва у сиз бу ахборотни олиш ёки тақдим килиш мумкин эмас.

Ҳар бир тизим хоссалар (хусусиятлар) тўплами \underline{M} билан таърифланади. Тизим хоссалари (хусусиятлари) t вақт давомида ўзгариб туриши мумкин $\underline{H(t)}$. \underline{M} . Бундай тизимлар юқорида таъкидлаганимиздек динамик тизимлар, деб юритилади. Динамик тизимларда вақт t' ўтиши билан хоссалар тўплами ўзгарар экан, демак тизим ҳолати $A(t)$ ҳам ўзгариб боради.

$H'(t') \neq H(t) \quad M$

Ташқи мухит билан бўладиган алоқасига қараб очик ёки ёпиқ тизимлар бўлиши мумкин. Очик тизимлар ташқи мухит билан актив алоқада бўлади. Ёпиқ тизимларнинг элементлари эса ташқи мухитдан таъсирланмайди.

Ахборот тизимини ишлаб чиқишдан мақсад – ташкилий лойиҳалаштириш, технологик ва ҳоказо жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда тизим фаолиятининг самараадорлигини оширишdir.

Тизимлар таркиби ҳамда асосий мақсадларига кўра фарқланади. Куйида 4.1-жадвалда турли элементлардан иборат бўлган ва турли мақсадларга қаратилган бир қанча тизимлар намуна сифатида келтирилган.

4.1 - жадвал

Тизимлар намунаси

| Тизим | Тизим элементлари | Тизимнинг асосий мақсади |
|-------------------------|---|------------------------------|
| Иқтисодий объект | Одамлар, жиҳозлар, материаллар, бино ва ҳоказо | Товар ишлаб чиқариш |
| Компьютер | Электрон ва электромеханик элементлар, алоқа тармоқлари ва ҳоказо | Маълумотларни қайта ишлаш |
| Телекоммуникация тизими | Компьютерлар, моделлар, кабел, тармоқ дастурий таъминот ва ҳоказо | Ахборот узатиш |
| Ахборот тизими | Компьютерлар, компьютер тармоқлари, ахборот ва дастурий таъминот, одамлар | Касбий ахборот ишлаб чиқариш |

4.2. Иқтисодий объектни бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизими

Ташкилий тизим – бошқариш, шунингдек, ташкилий тузилма, мақсадлар, бошқариш самараадорлиги ва ходимларни рағбатлантириш қоидалари мезонлари учун фойдаланадиган, ходимларнинг юриш-туриши ва техник воситаларнинг ишлатилиш тартибини белгиловчи қоидалар йигиндисидир.

Ташкилий тизимлар ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланувчи кишилар жамоасининг ишлаб чиқариш фаолиятини бошқариш учун мўлжалланган. Охиргиси анча мухим ҳолат ҳисобланади, чунки ташкилий тизимлар техник воситаларнинг ўзига хослигини, хусусан, бошқарув воситаларини ҳисобга олиши лозим.

Тизимда бошқарув обьекти – бу муайян моддий заҳираларга эга ва аниқ маҳсулотни олишга йўналтирилган ишлаб чиқариш операцияларини бажарувчи вазирлик, идора, корхона, цех, ишлаб чиқариш, участкалар, ижрочилар жамоаси ёки айрим шахслардир. Бошқарув обьектининг фаолияти ишлаб чиқариш жараёни чоғидаги турли ҳолатлардаги вазифаларни амалга оширишга бўйсиндирилган.


Бошқарув органи объектни бошқариш учун ташкилий тизимдан фойдаланувчи шахс ёки шахслар гурухи саналади.

Ахборот тизимлари ахборот ва ахборот технологиялари каби жамият пайдо бўлган вақтдан буён мавжуд, чунки унинг ҳар қандай ривожланиш босқичида бошқарувга эҳтиёж бўлади. Бошқарув учун эса тизимлаштирилган, олдиндан тайёрланган ахборот талаб қилинади.

Ахборот тизими тегишли иқтисодий объектлар (объектлар)да фаолият кўрсатувчи ва турлича тузилувчи ахборотлар мажмуи унинг ахборот тизимини ташкил этади.

Ахборот тизимларининг асосий вазифаси – барча ресурсларни самарали бошқариш учун иқтисодий объектларга керакли бўлган ахборотларни ишлаб чиқиши, **иқтисодий объектни бошқариш** учун ахборот ва техникавий муҳитни яратишдан иборат.

Бошқарув тизимини кўриб чиқиши давомида **бошқарувнинг қуидаги учта даражасини** ажратиб кўрсатиш мумкин: **стратегик, тактик ва тезкор** (4.2-расм). Ушбу ҳар бир даражаларнинг ўз вазифалари бўлиб уларни ҳал этишда ахборотга бўлган эҳтиёж, яъни ахборот тизимига нисбатан талаб юзага келади. Бу талаблар ахборот тизимидаги тегишли ахборотларга қаратилган. Ахборот технологиялари талабларни қайта ишлаш ва мавжуд ахборотлардан фойдаланиб жавобларни шакллантириш имконини беради. Шундай қилиб, бошқарувнинг ҳар бир даражасида керакли қарорн-и қабул қилиш учун асос бўлувчи ахборот пайдо бўлади.



4.2-расм. Бошқарув даражасига кўра ахборотнинг тақсимланиши

Бошқарув даражаси аҳамиятлигига кўра қанча юқори бўлса, мутахассислар ва менежерларнинг ахборот технологиялари ёрдамида бажарадиган иш ҳажми шунча кам бўлади. Бироқ, бу ҳолда, ахборот тизимининг мураккаблиги ва интелектуал имкониятлари ҳамда менежернинг

қарор қабул қилиш чоғидаги роли ортади. Бошқарувнинг ҳар қандай даражаси турли миқдор ва турли даражадаги ахборотга муҳтож бўлади.

Пирамида асосини шундай ахборот тизими ташкил этадики, унинг ёрдамида ижрочи – ходимлар маълумотларни қайта ишлаш билан, қўйи бўғиндаги менежерлар эса – тезкор бошқарув билан шуғулланишади. Piрамида юқо-рисида – стратегик бошқарув даражасида ахборот тизимлари ўз ролини ўзгартиради ва белгиланган вазифа ёмон бажарилган шароитда қарор қабул қилиш бўйича юқори бўғин фаолиятини қўллаб-қувватловчи стратегик даражага айланади.

Ахборот ва қарорлар мазмунига мувофиқ иқтисодий объектда маълум бир даражанинг ахборот тизими пайдо бўлади (4.3-расм).

Ахборот тизимидағи ишлар қуйидаги мақсадда олиб борилади:

- ахборотга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;
- ахборот тўплашни амалга ошириш;
- ташқи ёки ички манбалардан ахборот келишини амалга ошириш;
- ахборотни қайта ишлаш, унинг тўлиқлиги ва аҳамиятини баҳолаш ҳамда уни қулай кўринишда тақдим этиш;

Фойдаланувчилар



4.3-расм. Ахборот тизимлари турлари ва бошқарув даражаларининг ўзаро алоқалари

- истеъмолчиларга тақдим этиш ёки бошқа тизимга узатиш учун ахборотни чиқариш;
- йўналишларни баҳолаш, башоратларни ишлаб чиқиш, муқобил қарорлар ва ҳаракатларни баҳолаш, стратегияларни ишлаб чиқиш учун ахборотлардан фойдаланишни ташкил этиш;
- мазкур иқтисодий объект ходими қайта ишлаган ахборотлар бўйича тескари алоқани ташкил этиш, келадиган ахборотларни тузатишни амалга ошириш.

Бу барча ҳаракатлар иқтисодий объектнинг ахборот тизими доирасида у ёки бу ахборот технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

Хар қандай иқтисодий объект учун ахборот эҳтиёжини аниқлашдан тортиб то ахборотдан фойдаланишгача бўлган тизим ишининг кетма-кетлигини белгилаш энг муҳим масала саналади. Бу ўринда гап, иқтисодий объектда ҳал этиладиган масалаларни турларга ажратиш, ахборотларни олиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш даврийлигини белгилаш, келадиган ва чиқадиган ҳужжатларни стандартлаш, ахборотларни қайта ишлаш тартибини стандартлаш тўғрисида кетаяпти.

Ахборот тизимида нисбатан сўровларни, шунингдек, уларга жавобнинг шаклланиш тартибини **эскирган** ва **эскирмаган** турларга бўлиш мумкин. Эскирган вазифаларни ва ахборотни қайта ишлаш тартибини ажратиб олиш уларни шакллантириш, кейинчалик автоматлаштириш имконини беради. Асосий масала, иқтисодий объектда фойдаланиладиган ахборот технологияси бунинг учун инфратузилмани таъминлай олиш ёки олмаслигида.

Автоматлаштирилмаган ахборот тизимида ахборот ва қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ барча ҳаракатлар инсон зиммасига юклатилган. Ахборотни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш алгоритмлар доирасида ҳал қилувчи қоидаларни қайта ишлашнинг юзага келишига олиб келади. Бу ҳам ўз навбатида «соф ахборот тизими»нинг бошқарув ахборот тизимида, яъни бошқарув жараёнида қўлланиладиган маълумотларни йиғиш, сақлаш, тўплаш, қидириш, қайта ишлаш ва узатиш тизимида айланишига олиб келади. Ахборот тизимида бошқариш ва шунингдек инсоннинг қарор қабул қилиш бўйича иши қисман амалга оширилган.

Бошқарув тизимининг тузилиши ва ишлаш тамойиллари

Бошқариш - деб объектнинг асосий хоссаларини сақлаб қолиш ёки маълум бир мақсадга эришиш учун уни ривожлантирувчи тизимнинг функциясига айтилади.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий объектларнинг мавжудлиги жамиятнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш билан белгиланади. Бундай ҳар бир бундай объект ўзгарувчан муҳит (давлат бошқарув органлари, бошқа объектлар) билан муайян муносабатларда бўлади ва ўзаро таъсирнинг мавжудлигини ҳамда ўз вазифасининг бажарилишини таъминлайдиган кўплаб турли элементлардан ташкил топади.

Иқтисодий объект – бу ён-атрофдан захиралар оладиган ва уларни ўз фаолияти маҳсулотларига айлантирадиган баркарор расмий ижтимоий тузилмадир.

Иқтисодий объектнинг муҳит билан ўзаро таъсири натижасида турли хил ўзгаришлар юз беради. Бу ўзгаришлар бир-бириги ўта қарама-қарши икки шаклга эга бўлиши мумкин. Булар: деградация (иқтисодий объектнинг мураккаблашуви, ахборотнинг жамланиши), яъни иқтисодий объектнинг емирилиши ҳамда ривожланиши. Бундан ташқари, иқтисодий объект ва муҳит ўртасида вақтинчалик мувозанат ҳам бўлиши мумкин, шу туфайли иқтисодий объект бир қанча муддат ўзгармай қолади ёки фақат тескари ўзгаришларга

учрайди. Объектда бу ўзгаришлар бошқариш зууриягини юзага келтиради. Бошқача қилиб айтганда, мақсадга йўналтирилган таъсир кўрсатади.

Бошқариш муҳим функция бўлиб, усиз ҳеч бир иқтисодий объект мақсадга йўналтирилган фаолият юрита олмайди. Бошқаришнинг мақсади рақобат курашида обьетни сақлаб қолиш, кўпроқ фойда олиш, муайян бозорларга чиқиш ва ҳоказолардир.

Бошқариш аниқ бир иқтисодий обьектларнинг ўзига хослиги ва бошқариш мақсадларига боғлиқ ҳолда уларни барқарорлаштириш, сифат белгиларини сақлаш, муҳит билан иқтисодий мувозанатни ушлаш, иқтисодий обьектни такомиллаштиришни ва у ёки бу фойдали самараага эришишни таъминлашга имкон беради.

Иқтисодий обьектни тизим сифатида кўрадиган бўлсак, у қуйидаги элементлардан ташкил топган бўлади.


1. Бошқарувчи субъект
2. Бошқарилувчи обьект

Бу элементлар ўртасидаги алоқа хам катта аҳамиятга эга. Иқтисодий обьект деб ишлаб чиқариш корхонасини олсак (акционерлик жамияти, фирмалар, кичик корхоналар ва ҳоказо), бошқарувчи субъектга бу ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбар органлари, бўлинмалари киради (директор, бўлим бошлиқлари ва ҳоказо). Бошқарилувчи обьектга эса корхона цехлари, ишлаб чиқариш бўлимлари мисол бўлади. Агар бошқарувчи субъектдан маълум бир маълумот бошқарилувчи обьектга йўналтирилса, бу алоқа «тўғри алоқа» дейилади. Корхона миқёсида бунга режа ва турли хил кўрсатмалар қарорлар мисол бўлиши мумкин. Агар аксинча, маълумотлар бошқарилувчи обьектдан бошқариш субъектига йўналтирилса, «тескари алоқа» дейилади. Бунга ишлаб чиқарилган махсулотлар миқдори ва ҳоказо мисол бўла олади. **4.4-расмда бошқарувнинг кибернетик модели** келтирилган.

Бошқариш жараёни муайян мақсадга эришишга йўналтирилган. Шундан келиб чиқиб бошқариш жараёнини бошқариладиган обьектдаги жараёнга мувофиқ келувчи мақсад ва ҳажм ўртасидаги фарқни камайтиришга интилиш сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бошқариш жараёнида тўғри ва тескари алоқа каналлари бўйича тизимнинг бошқарувчи ва бошқарилувчи қисмлари ўртасида ахборот алмашинуви кечади. Олдига қўйилган мақсадларни бажариш учун тизимнинг бошқарувчи қисми бошқарилувчи обьектга ахборот узатишнинг тўғри канали бўйича бошқарувчи таъсирлар жўнатади. Тескари алоқа канали бўйича бошқарилувчи обьектдан бошқариш жараёни ҳолати ва бошқарувчи таъсир бажарилиши натижалари ҳақида ахборот келиб тушади.

Демак, бошқариш моҳиятини бошқарилувчи обьектга бошқарувчи таъсир кўринишида етказилувчи қарорлар қабул қилиш учун барча келиб тушувчи ахборотни тизимнинг бошқарилувчи қисмида қайта ишлаш, деб изоҳлаш мумкин.



4.4-расм. Бошқарувнинг кибернетик модели

Иқтисодий объектнинг ахборот тизими. Ахборот контури доирасида бошқариш мақсадлари хақида, бошқарилувчи жараён ҳолати хақида, бошқарувчи таъсирлар хақида ахборотга эга бўлинади ва узатилади. Ахборот контури ахборотларни йиғиш, узатиш, қайта ишлиш ва сақлаш воситалари, шунингдек, ахборотларни ишловчи ходимлар билан биргаликда мазкур *иқтисодий объектнинг ахборот тизимини* ташкил этади. Бу тизим динамик ривожланувчиидир, чунки ахборот ўзгаришларга учрайди, унинг тезлиги иқтисодий объект бажараётган вазифаларга боғлиқ. Ахборот тизимига кирадиган маълумот сифатида ахборотни шакллантирувчи ахборот манбалари ва маълумотларни йиғиш тизими, кўриб чиқилади. Чиқадиган ахборот сифатида эса қарорларни шакллантириш ва қабул қилиш, яъни ахборотдан мақсадли равишда фойдаланиш тизими таҳлил этилади. Демак, ахборот тизими ахборотни бошланғич йиғиш ва ундан иккиламчи фойдаланиш тизими билан ўзаро боғлиқ [13,15]

Ахборот тизими бошқариш тизимининг асоси саналади. Бироқ бутун бошқариш тизими у билан тугамайди. Қарорлар қабул қилиш ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи бошқариш тизимининг бошқа томонини ташкил этади.

Ахборот тизими тушунчаси узлуксиз ахборот тушунчаси ва унинг моддий намоён бўлиши билан боғлиқ. Бунда ахборот тизимининг икки томони, яъни технологик ва мазмуний жиҳатини фарқлаш лозим. Ахборот тизимига технологик ёндошув уни ахборот процедураларини(маълумот йиғиш, рўйҳатга олиш, узатиш, сақлаш, жамлаш, қайта ишлиш ва хаказолар) комплекс амалга ошириш билан боғлиқ бошқарув жараёнларининг бири сифатида кўриб чиқиши кўзда тутади. Процедураларни бажариш ташкилотнинг асосий фаолиятини амалга ошириш жараёнида рўй беради. Бошқаришни автоматлаштириш биринчи галда ахборот процедураларини бажаришга йўналтирилган.

Ахборот тизимиға мазмуний ёндошув у ёки бу ташкилотнинг функционал вазифаси билан боғлиқ ва аниқ бир ахборот бирликларининг (реквизит ва кўрсаткичлар, массив ва оқимлар) таркиби шу билан белгиланади. Ҳал қилувчи ахборот вазифалари доираси ва натижалар рўйхати ахборот тизимининг мазмуни билан белгиланади. Ташкилот ахборот тизимининг мазмунида, асосий фаолиятида қандай роль ўйнамасин, ҳар бир ташкилотнинг тузилиши ва ҳар бир бўлинма фаолиятининг йўналиши акс этади.

Ахборот тизимларига технологик ёндошув ахборотни процедуралар обьекти сифатида кўриб чиқишига имкон беради, мазмуний ёндошув эса ахборотнинг маънавий таҳлили, унинг қийматини белгилайди.

4.3. Қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлаш ахборот технологияси

Ахборотларга асосланган, мақсади олдиндан белгиланган ва шу мақсадга эришиш дастури ишлаб чиқоилган бошқарилувчи жараёнга мақсадли таъсир кўрсатиш - **қарор қабул қилиш** деб аталади. Қарорнинг шаклланиш жараёни эса – **қарор қабул қилиш жараёни** деб юритилади. Иқтисодий обьектни бошқариш доирасида меҳнат тақсимотига мувофиқ қабул қилинадиган қарорлар бошқарувнинг у ёки бу вазифасига киради.

Қарор қабул қилиш жараёнини таъминлаш, яъни айнан, керакли ахборотни керакли вақтда ва керакли жойга тақдим этиш - иқтисодий обьект ахборот тизимининг асосий вазифаларидан биридир. Шу боис ҳам қарор моҳияти, уни қабул қилиш жараёни, қарор қабул қилишнинг барбод бўлиши иқтисодий обьектнинг ахборот тизими фаолиятига, у ерда қўлланиладиган технологияга сезиларли таъсир қиласи ва хатто ахборот тизимининг бутун бошли синфи - қарор қабул қилиш тизимини шакллантириш зарурятини келтириб чиқаради. **Бошқариш** деб обьектнинг асосий хоссаларини саклаб колиш ёки маълум бир максадга эришиш учун уни ривожлантирувчи тизимнинг функциясига айтилади.

Тизимни **бошқариш** максадига маълум бир функцияни амалга ошириш оркали эришилади. Бундай **функцияларга**:

- режалаштириш;
- тахлил этиш;
- назорат;
- хисобот;
- қарор қабул қилиш функциялари киради.

Режалаштириш деб бошқаришнинг максади ва унга эришиш йулларини аниклаш, харакат режасини тузиш ва унинг истиқболини аниклашга айтилади.

Тахлил этиш деганда бошқариш тизими тузилишини танлаш ва шакллантириш, тизим унсурлари уртасидаги муносабатни ва бодликликни аниклаш тушунилади.

Назорат деб ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш ва хакикатда бажарилган ишнинг режа буйича белгиланганини тугрилигини текширишга айтилади.

Хисобот деганда режа бажарилишининг ёки унинг маълум бир боскичи бажарилишининг якуний хисоботи, бошкариш натижаларини баҳолаш тушунилади.

Бошкариш тизимида асосий функциялардан бири - **карор кабул килиш функцияси**. Бошкариш карорини икки хил кабул килиш мумкин:

1. Якка холатда.

2. Коллегиал.

Карорни кабул килиш ва уни тайёрлаш уч боскичда амалга оширилади:

1. Максадни аниклаш.

2. Карорни ишлаб чикиш ва кабул килиш.

3. Карор бажарилишини ташкил килиш ва назорат килиш.

Биринчи боскичда холатни тахлил килиш, холат истикболини аниклаш муаммоли вазиятни аниклаш, максадни аниклаш ишлари амалга оширилади.

Иккинчи боскичда масала куйилади ва карорнинг вариантларини аниклаш, карорни танлаш ва тасдиқлаш ишлари бажарилади. Учинчи боскичда карорни бажариш режаси аникланади, карорнинг бажарилиши хисоботи берилади, у назорат килинади хамда карор бажарилиши бошкарилади.

Карор кабул килиш учун бошкариш тизимида кулланиладиган ахборот объектив тулиқ ва уз вактида етказилиши керак.

Бошкарув жараёнлари ахборот технологиясининг максади карор кабул килиш билан баглик булган ишларни бажарувчи ходимларнинг ахборотга булган эҳтиёжларини кондиришдан иборат. У бошкарувнинг хар кайси боскичидаги булиши мумкин.

Карорларни кабул килишни куллаб-куватлашга каратилган ахборот технологиясининг асосий хусусияти инсон ва компьютернинг узаро муносабатини ташкил килишнинг сифат жихатидан янги усулидан иборат. Бу технологиянинг асосий максади карорни ишлаб чикиш булиб, бунга интеракцион жараён натижасида эришилади. Бундай жараён эса:

- Хисоблаш звеноси ва бошкарув обьекти сифатида келган карорлар кабул килишни куллаб-куватлаш тизими.
- кириш маълумотларини бераётган ва компьютердан хисоблашдан олинган натижани баҳолаётган бошкарувчи звено сифатида келган инсон катнашади.

Интеракцион жараён инсоннинг хоҳиши билан нухоясига етади.

а) таъминловчи кисм

б) функционал кисм

Таъминловчи кисм таркибига кирган куйи тизимлар ахборотли технологиянинг фаолиятини белгилайди ва микдорий жихатдан катъий белгиланади. Булар куйидагилардан иборат:

- Ташкилий таъминот.
- Ахборот таъминоти.
- Математик ва дастурий таъминот.
- Технологик таъминот.
- Лингвистик таъминот.
- Эргономик таъминот.

- Хукукий таъминот.
- Техник таъминот.
- Мутахассислик таъминоти.

1. Ташкилий таъминотнинг асосий вазифаси бошкариш субъектида ахборотли технологияни ташкил килиш максадга мувофик ёки мувофикмаслиги тугрисида карорни ишлаб чикишга каратилган.

2. Ахборот таъминоти бошкариш субъекти фаолиятида хизмат килувчи барча маълумотларнинг тупламидан ташкил топади.

3. Математик ва дастурний таъминот бошкариш субъекти масалаларининг ечилиш йулларини ифодалайди ва тегишли дастурлардан иборат булади.

4. Технологик таъминот тупланган маълумотларни кайта ишлаш жараёнларининг бошкариш усулларини ифодалайди.

5. Лингвистик таъминот ахборотларни ифодалашдаги тегишли белги ва алгоритмик тиллардан ташкил топади.

6. Эргономик таъминот ахборотли технология унсурларининг фаолияти учун тегишли шарт-шароитларни яратади.

7. Хукукий таъминот бошкариш субъекти ва ходимларнинг бурчлари, мажбурият ва хукукларини белгилайди.

8. Техник таъминот автоматларни кайта ишлаш жараёнларига мос холда тегишли воситалар билан таъминлашни ифодалайди.

9. Мутахассислик таъминоти ахборотли технология тизимларини билан таъминланади.

Ахборотли технологиянинг **функционал кисми** у фаолият курсатаётган соҳанинг моҳиятига бөглиқ булиб, ечилаётган масалалар туплами оркали ташкил килинади.

Функционал кисм таркибиға кирган куйи тизимлар микдорий жихатдан катъий белгиланмаган ва умумий холда бошкариш функциялари асосида ташкил килинади. Умумий холда савдо соҳасида куйидаги функционал тизимлар мавжуд:

1. Товар айланишини бошкариш.
2. Товар харакатини бошкариш.
3. Талаб ва таклифни бошкариш.
4. Бухгалтерия хисоби.
5. Иш хаки ва меҳнатни бошкариш.
6. Моддий техника таъминотини бошкариш.
7. Капитал курилишини бошкариш.
8. Мутахассисларни бошкариш ва бошкалар.

Ахборотли технология умумий холда икки гурӯхга ажратилади:

1. Техник жараёнларни бошкаришни автоматлаштирилган тизими.
2. Ташкилий бошкаришни автоматлаштирилган тизими (автоматлаштирилган бошкариш тизимлари).

Техник жараёнларни бошкаришни автоматлаштирилган тизимлари узлуксиз хусусиятдаги ишлаб чикиши соҳаларида ташкил килинади. Бундай тизимларда бошкариш ишлари жараёнларга урнатилган турли хил воситалар

ёрдамида амалга оширилади. Инсон бундай тизимларда кузатувчи вазифасини утайди. Ташкилий бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларида инсон бирламчи, техник воситалар эса, иккиламчи вазифасини утайди.

Ташкилий бошқаришни автоматлаштирилган тизими қуйидаги белгиларга кура туркумланади:

Фаолият курсатиш даражасига кура:

1. Умумдавлат микёсидаги автоматлаштирилган бошқариш тизими.
2. Тармоклараро автоматлаштирилган бошқариш тизими (молия).
3. Тармокни бошқаришни автоматлаштирилган тизими.
4. Корхонани бошқаришни автоматлаштирилган тизими.
5. Автоматлаштирилган иш жойлари.

Функцияларни бошқаришни автоматлаштирилган даражасига кура.

1. Ахборот маслахат берувчи тизим.
2. Ахборот кидирув тизим.
3. Ахборот маълумотнома берувчи тизим.
4. Ахборот уқитиш тизими.

Фаолият юритиш усулига кура:

- 1.Давлат карамогидаги тизим.
- 2.Хужалик хисобидаги тизим.

4.4. Иқтисодий ахборот тизимларининг моделлари

Бошқарув тизими модели. Бошқарув тизими ўзининг таркибий нуқтаи назаридан кўп сонли функционал моментлардан (бошқарув вазифаларидан) иборат бўлиб, бошқаришнинг тўлиқ даврини намоён қиласди. Булар: бошқарувни башоратлаш, режалаштириш, дастурлаш, ташкиллаштириш, меъёrlаш, қайд этиш, назорат, таҳлил этиш ва тартибга солиш (4.5-расм).

Куйидаги учта асосий бошқарув даражаси фарқланади.

Юқори даражага тизимнинг каттароқ ёки кичикроқ маълум бир истиқболга мўлжалланган асосий йўлини (режалаштириш контурини) белгилаб беради.

Ўрта даражада берилган стратегик йўналишни амалга оширувчи таркиби шаклланади ёки кўринишини ўзгартиради (ташкил этиш контури). Қуий даражада юзага келган оғишларни бартараф этган ҳолда, тизимнинг тегишли режимда бўла олишини таъминлайди.

Мазкур модельда бошқарувчи қисм ва бошқарув объектининг ўзаро алоқаси аниқ номоён бўлади. Улар уч хил кўринишдаги буйруқ олади, яъни: ҳеч бир қўрсатмасиз бажариладиган дастур; маълум бир эҳтимолий воқеалар содир бўлган ҳолларда бажариладиган ташкилий қоидалар; атроф–муҳитнинг тахминий таъсири ва тизим фаолиятининг меъёрий режимдан чалғиши билан боғлик бўлган бошқарув буйруқлари.

I(v) – ташки муҳитнинг стационар шарт–шароитлари хақидаги ахборот;


I(b) – ташки таъсиrlар ҳақидаги ахборотлар;

I(R) – бошқариладиган обьект харакатлари тўғрисидаги ахборот;

I(i) – бошқариладиган обьект ҳолати тўғрисидаги ахборот;

I(a) – таҳлилий ахборот;

$I(y)$ – ҳисобот ахбороти;
 $I(q)$ – башоратлаш ахбороти;
 $I(k)$ – назорат ахбороти;
 $I(h)$ – меъёрий ахборот ;
 $W(n)$ – режа ахбороти;
 $W(m)$ – дастурий ахборот;
 $W(p)$ – тартибга солувчи ахборот;
 $W(o)$ – ташкилий ахборот.



4.5-расм. Бошқарув тизимининг модели

Куйида тўлиқ бошқарув даври фаолиятининг амалий моҳиятини кўриб чиқамиз.

1. Башоратлаш - бу ташқи муҳитнинг юзага келиши мумкин бўлган ҳолатини, бошқариладиган обьектнинг ўзини тутишини аниқлаш мақсадида маълумотларни қайта ишлаш ҳамда улар ҳар бирининг эҳтимоллигини баҳолашдан иборат.

2. Режалаштириш – бу тизимнинг келажакдаги орзу қилинган ҳолатини ишлаб чиқиш (режали моделини ишлаб чиқиш) ва ушбу ҳолатга эришиш учун маблағларни тақсимлашга нисбатан қарорлар қабул қилишдан иборат. Режалаштириш мақсад ва мезонларни танлашни ўз ичига олади. Шу мақсад ва мезонга нисбатан бошқарув самарадорлиги баҳоланади.

3. Даствурлаш режасини амалга ошириш, яъни тизим фаолиятининг алго-ритмини ишлаб чиқиш учун бошқариладиган ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳамда ўзаро алоқасини баён этувчи даствурларни ишлаб чиқишдан иборат.

4. Ташкил этиш – мустаҳкам (бардошли) обьектлар ёки жараёнлар тузилмасини ўзгартериши ёки кўришдан, яъни маълум бир ҳолатларида бошқариладиган обьектлар фаолиятини регламентлаштиришда фойдаланила-диган у ёки бу қоида, процедура, усул, алгоритмларини белгилаш ёки ўзгартериш демакдир.

5. Меъёрлаштириш - тизимнинг хусусиятларини ифодаловчи статистик маълумотларни доимий равишда йиғиш ва улар асосида тизимнинг бир меъёрда фаолият кўрсатишини таъминлаб туриш.

6. Ҳисобга олиш бошқариладиган обьект ва ташқи муҳит параметрлари мажмуини қайд этишдан иборат. У яна келадиган маълумотларни дастлаб қайта ишлаш, жумладан, таснифлаш, гурухлаш ва ҳоказо арифметик ҳамда мантиқий операцияларни ўз ичига олади.

7. Назорат қилиш – бошқариладиган обьектларнинг меъёрида ишлашидан чалғиши тўғрисидаги маълумотлар мазмунини аниқлашдан иборат.

8. Оператив бошқариш – тасодифий таъсирлар сабабли тизим ишининг меъёрий режасидан четлашишини бартараф этиш мақсадида қарор қабул қилиш, яъни қайта алоқа асосида тузатиш, олинадиган самаранинг сифат ва миқдор ўлчовлари ўзгаришига кўра бошқарилувчи обьектга таъсир кўрсатишидир.

9. Таҳлил – тизимнинг жорий ҳолатини ўрганишда иш самарадорлигини ошириш учун унинг имкониятларини таҳлил этишдан иборат.

Шундай қилиб, бошқарув шакл нуқтаи-назаридан ахборот жараённи ифодалайди. Бошқарув моҳияти эса бошқарув тизимидағи олинган барча ахборотни қайта ишлаш, қарорлар қабул қилиш ҳамда бошқариладиган таъсир кўринишида бошқарув обьектларига натижавий ахборотларни беришдан иборат.


Бошқариш тизими кишиларнинг моддий дунёда бирон бир жараённи ташкил этиш соҳасидаги муайян мақсадга қаратилган фаолиятдир. Бошқариш тизими ишлаши учун зарур бўлган шарт-шароитлар қўйидагилардан иборат:

1. Бошқариш обьектларининг мавжудлиги.
2. Мазкур обьект фаолиятининг мақсади маълум бўлиши.

3. Бошқариш тизими мустақил ҳаракат қилиши учун муайян хуқуқларга эга бўлиши.

4. Бошқарувчи объектнинг бошқарилувчи объект хақида муфассал маълумотларга эга бўлиши.


Иқтисодий ахборот тизимининг концептуал модели. Ахборот тизими фойдаланувчиларнинг талабига мувофиқ ахборотларни йиғиш, қайд этиш, узатиш, саклаш, тўплаш, қайта ишлиш, тайёрлаш ва тақдим этишга мўлжалланган. Концептуал нұктаи назардан қараганда, ахборот тизими – бу операцияни бажарувчи тизим ва бошқарувчи тизим ўртасидаги воситачи саналади (4.6-расм).



4.6 -расм. Иқтисодий ахборот тизимининг концептуал модели

Ахборот технологияси ахборот тизими ичидаги технология саналади. Ахборот тизими тизимдаги маълумотлар, ахборотлар билан операцияни амалга оширади. Ахборот тегишли муаммога қаратилган бўлиб қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Ахборот ҳал этилиши лозим бўлган вазифага мувофиқ ва ушбу вазифани ҳал этувчи ходимнинг қобилиятига мувофиқ қайта ишланади.

Ахборот тизимининг функционал модели. Ахборот тизимининг функционал моделини қуйидагича тасаввур этиш мумкин (4.7-расм).



- 1 - ахборотни ташкил этиши, сақлаш ва тақдим этиши тизими;*
- 2 - ахборотни киритиши, янгилаш ва тузатиши тизими;*
- 3 - ахборотни истеъмол қилиши тизими.*

4.7 -расм. Ахборот истеъмол қилиш тизими

Мазкур моделдан кўриниб турибдики, ахборот тизимининг соҳаси ахборот обьектлари мажмуидан иборат ахборот маконини ифодалайди. Умуман олганда ахборот макони бир хилда эмас, чунки унда ахборотнинг юзага келиши, ташкил этилиши ва жойлаштирилиши жиҳатидан фарқланувчи ахборот обьектларини ўзида сақлайди.

Тизим орқали барча ахборотларнинг юзага келишини қўйидаги асосий процедураларга ажратиш мумкин: сақлаш, қидириш, қайта ишлаш, киритиш ва чиқариш. Биринчи учтаси ички босқич саналади, тўртинчи ва бешинчилари эса мазкур тизим билан ахборот манбаи ва ташқи муҳит ўртасидаги алоқани таъминлайди.

Иқтисодий обьектлар ўта мураккаб динамик тизим ҳисобланади. Бу тизимларнинг динамик моделини тавсифлаш учун жамиятда классик иқтисодий категория бўлган қўйидаги асосий заҳиралар билан чегараланамиз: моддий, энергетика ва ахборот.

Тенгламаларни қўйидагида ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} M_o + D_m + UMe + UMI + Um_e &= M, \\ E_o + DE + UEM + UEI + UEe &= E, \\ I_o + DI + UIM + UIE + UIe &= I. \end{aligned}$$

бу ерда,

МО ва М- мос равища бошланъич ва тўлиқ моддий заҳиралари;

DM - фаолият кўрсатиша моддий заҳираларнинг тизим ичида нобудгарчилигини белгиловчи бузилиш (парчаланиш) потенциали.

UMe, UMI - мос равища энергетика ва ахборот заҳираларининг тизим ичида моддий заҳиррага айлантиришни амалга оширса бўладиганлигини белгиловчи алмаштириш потенциаллари;

Um_e - моддий заҳиранинг ташқаридан келишини (UMe-мусбат) ёки ташқарига узатилишини (Um_e - манфий) белгиловчи ташқи муҳит билан алмашиш потенциали.

Eo ва E- мос равища бошланъич ва тўлиқ энергетика заҳиралари;

DE - фаолият кўрсатиша энергетика заҳираларининг тизим ичида нобудгарчилигини белгиловчи бузилиш (парчаланиш) потенциали;

UEM, UEI - мос равища моддий ва ахборот заҳираларининг тизим ичида энергетика заҳиррага айлантиришни белгиловчи алмаштириш потенциали;

UEe - энергетика заҳиранинг ташқаридан келишини (UEe - мусбат) ёки ташқарига узатилишини (UEe - манфий) белгиловчи ташқи муҳит билан алмашиш потенциали;

Io ва I - мос равища бошланъич ва тўлиқ ахборот заҳиралари;

DI - фаолият кўрсатиша ахборот заҳираларининг тизим ичида нобудгарчилигини белгиловчи бузилиш (парчаланиш) потенциали;

UIM, UIE - мос равища моддий ва энергетика захираларининг тизим ичида ахборот захирага айлантириши белгиловчи алмаштириш потенциаллари;

UIe - ахборот захиранинг ташқаридан келишини (мусбат) ёки ташқарига узатилишини (манфий) белгиловчи ташқи муҳит билан алмашиб потенциали;

Юқорида келтирилган тенгламалар фақат биргаликда қўриб чиқилган ҳолда иқтисодий тизимнинг тўлиқ динамик моделини ташкил этади.

Учкомпонентли вектор $\{U_{Me}, U_{Ee}, U_{le}\}$ метаболизм вектори (ташқи муҳит билан алоқа) деб юритилади. Агар $\{U_{Me}, U_{Ee}, U_{le}\} = 0$, у ҳолда иқтисодий тизим ёпиқ ҳисобланади.

4 -боб бўйича хуносалар

Тизим - бу ўзаро боғлиқ ва ягона мақсадга эришиш учун маълум қоида асосида ўзаро муносабатда бўладиган элементлар тўпламидир. Бу элементлар тўплами оддий элементлар йиғиндисидангина иборат бўлмай, ҳар бир элемент ҳам ўз навбатида тизим бўлиши мумкин.

Тизимнинг хусусиятлари қўйидагилар саналади: элементлар мураккаблиги, мақсадга қаратилганлиги, турли-туманлиги ҳамда улар табиати, таркиблашганлиги, бўлиннишлигидир.

Ташкилий тизим – бошқариш, шунингдек, ташкилий тузилма, мақсадлар, бошқариш самарадорлиги ва ходимларни рағбатлантириш қоидалари мезонлари учун фойдаланадиган, ходимларнинг юриш-туриши ва техник воситаларнинг ишлатилиш тартибини белгиловчи қоидалар йиғиндисидир.

Бошқар Бошқариш аниқ бир иқтисодий обьектларнинг ўзига хослиги ва бошқариш мақсадларига боғлиқ ҳолда уларни барқарорлаштириш, сифат белгиларини сақлаш, муҳит билан иқтисодий мувозанатни ушлаш, иқтисодий обьектни такомиллаштиришни ва у ёки бу фойдали самарага эришишни таъминлашга имкон беради.

Ахборот тизими бошқариш тизимининг асоси саналади. Бироқ бутун бошқариш тизими у билан тугамайди. Қарорлар қабул қилиш ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатувчи бошқариш тизимининг бошқа томонини ташкил этади.

Шундай қилиб, бошқарув шакл нуқтаи-назаридан ахборот жараёнини ифодалайди. Бошқарув моҳияти эса бошқарув тизимидағи олинган барча ахборотни қайта ишлаш, қарорлар қабул қилиш ҳамда бошқариладиган таъсир кўринишида бошқарув обьектларига натижавий ахборотларни беришдан иборат.

5- боб Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари

5.1 Маълумотлар банки тушунчаси ва унинг таркиби

Ахборот билан таъминлаш тизимларининг ривожлантирилиши фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришда автоматлаштирилган маълумотлар банкига ўтиш имкониятини яратди.

Маълумотлар банки – зарурий ахборотни олиш мақсадида маълумотларни марказлашган ҳолда сақлаш ва жамоа бўлиб фойдаланиш учун мўлжалланган ахборотли, тематик, дастурий, тиллар, ташкилий ва техник (сақланаётган маълумотлар ҳамда технологик жараёнда банд персонални қўшганда) воситаларининг тизими сифатида ифодаланиши мумкин.

Маълумотлар банки уни ишлиши ва қўлланилишини таъминлаб берувчи дастурий тўпламлари билан биргаликда автоматлаштирилган маълумотлар банки деб аталади[24,25].

Автоматлаштирилган **маълумотлар банки** инсон-машина тизимидан иборат бўлиб, ички фойдаланувчилар ҳамда компьютер, коммуникация техникаси асосида ахборотни зарурий қайта ишиш ва узатишни амалга оширувчи технологиянинг ахборот жараёнларини ўз ичига олади. Маълумотлар банкига қуйидаги асосий **талаблар** қўйилади:

- муаммоли соҳанинг ҳолатига ахборотнинг мос келиши;
- ишишнинг ишончлилиги;
- тезкорлиги ва унумдорлиги;
- фойдаланишнинг оддий ва қулайлилиги;
- фойдаланишнинг оммавийлиги;
- ахборотнинг химояланганлилиги;
- кенгайтириш имкониятларининг мавжудлиги.

Маълумотлар банкининг таркиби унга юқлатилган вазифалар ва ечилиши керак бўлган масалаларнинг ҳусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Маълумотлар банкининг вазифалари қўйдагилардан иборат:

- ахборотни сақлаш ва уни ҳимоялашни ташкил этиш;
- сақланилаётган маълумотларнинг даврий долбзарблигини таъминлаш;
- фойдаланувчилар ва амалий дастурларнинг сўровлари бўйича маълумотларни излаш ва танлаш;
- олинган маълумотларни қайта ишиш ва белгиланган шаклда натижаларни чиқариш.

Маълумотлар банкининг таркибий **элементлари** қаторига қўйидагилар киради:

- 1) бир ёки бир неча маълумотлар базаси;
- 2) маълумотлар базаларини бошқариш тизими (МБТ);
- 3) масалаларни ечишнинг амалий дастурлар тўплами;

Маълумотлар базаси – маълумотлар банкининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Умумий ҳолда маълумотлар базаларига кейинги тушунчани келтириш мумкин. Маълумотлар базаси – зарурий ахборотни тезкор олиш ва модификациялаш, ахборотнинг минимал ортиқчалиги, амалий

дастурларга боғлиқ эмаслиги, излаш усулининг умумий бошқарилиш имкониятларига эга, катта миқдордаги иловалар учун фойдаланиш имкониятлари билан тавсифланувчи ўзаро боғлиқ маълумотлар йиғиндисидир.

Маълумотлар базасини қўллаш ушбу имкониятларни беради:

- сўровлар мажмуасини амалга оширишни соддалаштириш;
- сақланилаётган маълумотларнинг ортиқчалигини камайтириш;
- ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- маълумотлар долбзарлигини таъминлаш;
- амалий дастурларни ўзгартирмасдан маълумотларни ўзгартериш;
- маълумотлар тузилмасини қатъийлигини сақлаш.

Маълумотлар базасини самарали ташкил этиш бу - маълумотлар базасида мантиқан ўзаро боғланган массивларни ташкил этишдир.

Маълумотлар базасини бошқариш учун уни ташкил этиш ва юритища ихтисослашган самарали дастурий восита - маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланилади.

Маълумотлар базаси қайтарилмайдиган маълумотларнинг яхлитланган жамламаси саналади. Унинг асосида мазкур соҳанинг барча масалалари ҳал этилади. Маълумотлар базасида кўп қиррали кириш ва айнан бир хил маълумотлардан турли фойдаланувчилар фойдаланиш имкони мавжуд.

Ташкил этиладиган маълумотлар базасининг тузилиамси муаммо соҳаси маълумотларининг ахборот-мантиқий моделини акс эттириши лозим. Маълумотлар базасидаги мантиқий ўзаро боғлиқлик маълумотлар модели турига мувофиқ ташкил этилади.

Норматив-маълумотномали ва бошқа маълумотлар қоида бўйича алоҳида массивларда жойлаштирилади. Бу массивларни юзага келтириш ва юритиши технологияси ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур массивлар маълумотлар базасининг бошланғич юкланиш босқичида ташкил этилади.

Оператив (тезкор) ҳисобот маълумотлари маълумотлар базасига вазифаларни ечиш регламентига мувофиқ киритилади. Бу маълумотлар маълум даврда тўпланади. Маълум бир ҳисоб-китоб қилингач (масалан, омборхонада қолган товарларни ҳисоб-китоб қилиш), тўпланган тезкор ҳисобот маълумотлари йўқ қилинади ёки архивда сақланади.

Маълумотлар базаси фойдаланувчининг битта шахсий компььютерида монопол жойлашган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда у фақат маълум ШК ташқи хотирасига жойлаштирилади ва ахборот базасига бир вақтда бир неча фойдаланувчининг кириши таъминланади.

Компьютер тармоғи мавжуд бўлган ҳолда кўпчилик фойдаланиладиган режимда ишлаш, "машина-сервер"да жойлашадиган марказлашган маълумотлар базасидан фойдаланиш имконияти туғилади. Бундай ҳолатда ҳар бир фойдаланувчи ўз шахсий компььютери орқали барча фойдаланувчилар учун умумий бўлган марказлашган ахборот базасига киришга рухсат олади.


Тармоқ технологиясида ҳар бир фойдаланувчи ўз ШКда локал маълумотлар базасини ташкил этиши ҳам мумкин. Бу маълумотлар базаси фақат мазкур автоматлашган иш жойи учун зарур бўлган ахборотни сақлайди.

Компьютер тармоғида маълумотлар базасини ташкил этиш ва жамоа бўлиб фойдаланиш банклар, биржа, инвестиция жамғармалари ва бошқа бозор иқтисодий тузилмаларининг ахборот тизимлари самарадорлигини оширади.

Фойдаланиладиган техник ва дастурий воситалар конфигурациясига боғлиқ ҳолда турли ишлаш технологияси амалга оширилиши мумкин. Маълумотларни тармоқли ишлаб чиқишнинг турли концепциялари мавжуд, мисол тариқасида "файл-сервер" ва "мижоз-сервер"ни келтириш мумкин.

«Файл-сервер» концепцияси тармоқ операцион тизими ядроси ҳамда марказлашган ҳолда сақланувчи файллар жойлашган ва "файл-сервер" учун ажратилган компьютерга мўлжалланган. "Файл-сервер"даги маълумотларнинг умумий базасига жамоа ҳолда кириш унга хос ҳусусиятдир. Фойдаланувчилардан бири томонидан файл янгиланган тақдирда бошқа фойдаланувчиларнинг киришига қарши химояланади. Сўралган маълумотлар "файл-сервер" дан ишчи станцияга ўтказилади ва улар маълумотлар базасини бошқариш тизими воситалари билан қайта ишланади (5.1-расм).

«Мижоз-сервер» концепцияси. Мазкур концепцияга асосан, маълумотларни ишлаб чиқиши вазифаси мижоз - ишчи станцияси ва маълумотлар базасининг машина сервери ўртасида бўлиши мўлжалланган. Маълумотларни қайта ишлашни мижоз сўрайди ва у тармоқ бўйлаб маълумотлар базаси серверига узатилади. Сўров маълумотлари ўша ерда қидирилади. Қайта ишланган маълумотлар тармоқ орқали сервердан мижозга узатилади. "Мижоз-сервер" архитектураси учун хос ҳусусият - бу маълумотлар базасидан сўров учун SQL дастурлаш тилидан фойдаланиш. Бу тармоқ мижозларининг турли хилдаги умумий маълумотлар билан ишлаш имконини беради (5.1-расм).



5.1-расм. «Файл-сервер» ва «клиент-сервер» технологиялари

Маълумотлар базаларини бошқариш тизими – бу маълумотлар базасини яратиш, юритиш ва фойдаланиш учун мўлжалланган дастурий, тиллар воситаларининг тўпламидир. Маълумотлар базасига мурожат қилиш билан боғлиқ барча жараёнларни автоматлаштириш учун мўлжалланган бошқариш дастури – ўзаги МББТнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

МББТнинг таркибига маълумотларни қайта ишлаш дастурларининг тўплами киради. Бу тўпламни таржимонлар (трансляторлар), талааб ва

дастурлаш тиллари, мұхаррирлар, сервис дастурлари ва бошқалар ташкил қиласы.

МББТнинг асосий воситаларини қуидагилар ташкил этади:

- ◆ маълумотлар базалари тузилмалариға топшириқ бериш (тасвирлаш) воситалари;
- ◆ маълумотларни киритиш, кўриш ва мулоқотлар режимида ишлашга мўлжалланган дарча шаклларини лойихалаш воситалари;
- ◆ берилган шароитларда маълумотларни танлаш учун талаблар яратиш, шунингдек, уларни ишлаш бўйича операциялар бажариш воситалари;
- ◆ ишлов натижаларини фойдаланувчига қулай кўринишда босмага чиқариш учун маълумотлар базаси маълумотларидан хисобот яратиш воситалари;
- ◆ тил воситалари - макрослар, қурилган алгоритмик тил (Dbase, Visual Basic ёки бошалар), талаблар тили (QBE- Query Example, SQL) ва ҳ.к. Улар маълумотларни ишлашининг ностандарт алгоритмларини, шунингдек фойдаланувчи топшириқларидағи воқеаларни ишлаш процедураларини бажариш учун қўлланилади.

Шундай қилиб, маълумотлар банки бир неча маълумотлар базаси, бошқариш ва амалий дастурлардан ташкил топади. Бу элементар АТ га юқлатилган вазифаларни бажаришда асосий роль ўйнайди. Шу билан бирга, маълумотлар банкининг самарали фаолияти унинг таъминловчи элементларига ҳам боғлиқдир. Бу таъминот таркибиға қуидаги элементлар киради.

Техник таъминот маълумотлар банки ва фойдаланувчиларнинг иш фаолиятини автоматлаштириш имкониятини яратадиган техник воситалардан ташкил топади. Бундай воситалар жумласига ЭҲМ, ташқи қурилмалар, ахборотни ташиш, узатиш воситалари, алоқа тармоқлари, абонент пунктлари ва бошқалар киради.

Математик таъминот - функционал масалаларни ечиш ва Маълумотлар банкини бошқариш усуллари, математик моделлар ва алгоритмлар тўпламидан ташкил топади.

Дастурий таъминот-Маълумотлар банкининг фаолиятини амалга ошириш дастурлари ва турли хил қўшимча вазифаларни бажариш учун мўлжалланган сервис дастурларнинг тўпламидан иборат бўлади.

Ахборот таъминоти-маълумотларни туркумлаш ва ихчамлаштириш, ифодалаш ва тақдим этиш тизимларидан ташкил топади.

Лингвистик таъминот - МББТда фойдаланиладиган тиллар, луғатлар мажмууси орқали ташкил қилинади.

Ташкилий таъминот - Маълумотлар банкининг кундалик фаолиятини ифодаловчи расмий ҳужжатлар, меъёрий кўрсатмалар тўпламидан иборат бўлади.

Юқорида айтиб ўтилгандек, маълумотлар банки инсон-машина тизими хисобланади, яъни ахборот тизимиmdir. Ҳозирги кунда маълумотлар банклари инсон фаолиятининг турли соҳаларида, масалан, иқтисодиёт тармоқларини бошқаришда, илмий-тадқиқот ишларини бошқаришда, оммавий ахборот хизматларини кўрсатишда қўлланилмоқда. Бунда маълумотлар банкини

ахборот тизими сифатида фаолият юритишида қуидаги икки шаклнинг биридан фойдаланилади:

Ахборот тизимидан (АТ) автоном фойдаланиш. Бу шаклда АТ бошқа тизим таркибиға кирмайди, балки мустақил фаолият кўрсатади. Бунга, масалан, самолёт ва темир йўл чипталарини сотиш тизимлари («Сирена», «Экспресс»), талаб бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрловчи ахборот - қидириш тизимлари ва бошқа турдаги ахборотли хазмат кўрсатиш тизимлари мисол бўла олади.


АТ дан йирик бошқариш тизимининг таркибий қисми сифатида фойдаланиш. Бунда ҳосил қилинган маълумотлар ва чиқувчи ахборотдан тизимнинг бошқа бўлимларининг фаолиятида ҳам фойдаланилади. Бундай АТ га, масалан, ахборот - ўқитиш тизимлари, лойиҳалаштиришнинг автоматлаштирилган тизимлари, бошқаришнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари мисол бўлади.

Шу каби ахборот тизимларини бир қанча белгиларга кўра туркумларга ажратиш мумкин. 5.2-расмда АТ ни туркумлашниг асосий белгилари кўрсатилган.

Хужжатли ахборот қидириш тизими (ХАҚТ) ҳужжатлаштирилган маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашни амалга оширади. Кутубхона фаолиятининг автоматлаштирилган тизими ХАҚТ га мисол бўлади.

Фактографик ахборот қидириш тизими (ФАҚТ) рақмли ва мантли маълумотларни сақлашда ва қайта ишлашда қўлланилади. Ташкил қилинаётган ААТнинг асосий қисми ФАҚТ туридаги тизимга мисол бўлади.

Маълумотларни ишлаш усулига кўра ААТ икки қисмга: ахборот - маълумотнома тизими (АМТ) ва маълумотларни ишлашниг автоматлаштирилган тизими (МИАТ)га бўлинади.



5.2-расм. ААТ нинг туркумланиши

АМТ талаб-жавоб тартибида ишлайди. Бундай тизимда тегишли ахборотлар талаб бўйича қидирилади ва фойдаланувчига қайта ишламаган ҳолда берилади. Иккинчи турдаги тизимда эса топилган маълумотлар тегишли дастурлар ёрдамида ишланади ва фойдаланувчига берилади.

Маълумотларни интеграциялаштириш даражасига кўра АТ автоном ва маълумотлар базасидан ташкил топган турларга бўлинади. Автоном файли тизимларда (АФТ) тўпланган маълумотлар ўзаро боғланмаган ҳолатда бўлади. Шу сабабли бундай турдаги тизимлар ўрнига маълумотлар базасидан (МБ) фойдаланилмоқда.

Тақсимлаш даражасига кўра АТ элементлари битта ЭХМда (локал) ва хисоблаш тармоғида (тақсимланган) жойлашган турдаги тизимларга бўлинади.

5.2 Маълумотлар базасини ташкил қилиш тамойиллари

Маълумотлар билан амал бажаришнинг илк тизимлари ахборот ишлашнинг анъанавий усулларига асосланиб тузилган эди. Ҳар бир муайян ҳолат учун ташқи фойдаланувчининг ўз мантиқи ишлаб чиқилади. У ахборот тузилмаси, танлаш операцияси, ахборотни янгилаш ва ўчириш каби тушунчаларни ўз ичига олади. Маълумотлар ва дастур ўртасидаги ўзаро боғлиқлик юзага келади: маълумотларни ўзгартиришда, ё дастурни алмаштириш ёки маълумотларни қайтадан тузиш зарурияти юзага келади.

Мураккаб ахборотларни ишлаб чиқувчилар дуч келган бу ва бошқа қийинчиликлари маълумотлар устида амал бажариш учун тизимларга нисбатан стандарт талабларнинг шаклланишига олиб келди. Асосий талаблардан бири - маълумотларнинг иложи борича мустақил ёки ахборот тузилмасини физик тушунчалардан алоҳидалигини таъминлаш. Бунда ҳамма маълумотлар қўп фойдаланувчилар кириши мумкин бўлган ҳолда баъзи стандарт ички тузилишли қилиб сақланади [26].

Ахборотга бўлган талабларнинг турли-туманлиги, масалалар кўламишининг тобора ортиб бориши ва бошқалар замонавий АТ лари олдига бир қатор талаблар қўймоқда. Бундай талаблар жумласига қўйидагилар киради:

Маълумотларнинг аниқлиги. Маълумки, маълумотлар базаси тегишли соҳанинг ахборот моделини ташкил қиласи. Шу сабабли ҳам МБ да сақланаётган ахборотлар объектларнинг ҳолати, хусусияти ва улар ўртасида алоқаларни тўлиқ ва аниқ ифодалаш лозим. Акс ҳолда ташкил қилинган МБ хатарли бўлиши ва зарап келтириши мумкин.

Тезкорлик ва унумдорлик. Тизимнинг тезкорлиги қўйилган талабга жавоб бериш вақти билан аниқланади. Бунда нафақат ЭХМ нинг тезкорлигини, балки маълумотларнинг жойланиши, излаш усуллари, талабнинг қийинлигини ва бошқа олимлларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Тизимнинг умумдорлиги эса вақт бирлиги ичida бажарилган талабларнинг миқдори орқали аниқланади.

Маълумотлар базасидан фойдаланишнинг одийлиги ва қулайлиги. Бу талаб тизимдан фойдаланувчи барча исъемолчилар томонидан қўйилади. Шу сабабли ҳам МБ дан фойдаланишнинг осон, содда ва қулай усулларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумотларни ҳимоялаш. Тизим маълумотлар базасида сақланилаётган ахборот ва дастурларни ташқи таъсирлардан, бегона фойдаланувчилардан ҳимоялашни таъминлаши лозим.


Тизимнинг ривожланиши. Тизим таркиби доимо янги элементлар, дастурлар билан тахминланиши, ахборот массивлари ўзгартирилиши ва янгиланиб бориши зарур.

Юқорида келтирилган талабларга жавоб берадиган МБ қўйдаги тамойилларга асосланган ҳолда ташкил қилиниши мумкин:

Маълумотларнинг интеграциялаштириш тамойили. Бу тамойилнинг моҳиятига кўра ўзаро боғланмаган ахборотлар ягона маълумотлар базасига бирлаштирилади. Бунинг натижасида маълумотлар фойдаланувчи ва унинг амалий дастурларига ахборот массивлари кўринишида тақдим этилади. Ахборат массивларидан фойдаланилганда керакли маълумотларни қидириш, қайта ишлаш жараёнларини бошқариш осонлашади, маълумотларнинг ортиқчалиги камаяди, Маълумотлар банкии юритиш енгиллашади.

Маълумотларнинг яхлитлиги тамойили. Бу тамойил орқали МБда сақланаётган ахборотларнинг аниқлиги ортади, яъни уларнинг хусусиятлари ва тавсифномалари тегишли соҳа обьектлари тўлиқ ифодаланилади. Маълумотларнинг яхлитлиги нотўғри ахборотни киритиш ёки унинг маълум бир қисмини хотирадан ўчириб ташлаш натижасида бузилиши мумкин. Шунинг учун ҳам киритилаётган ахборотларни назорат қилиш, сақланаётган маълумотларни доимо текшириш, маҳсус тизим ёрдамида тиклаш ва бошқа тадбирлар орқали МБ нинг яхлитлигини тахминлаш мумкин.

Маълумотларнинг алоқадорлиги тамойили. Бу тамойилнинг моҳиятига кўра МБдаги барча ахборотлар ўзаро боғланган бўлиб, обьектлар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Ахборот турлари ва улар ўртасидаги муносабатлар мажмуаси маълумотларнинг мантиқий тузилишини ташкил қиласи. Маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги 5.3-расмда кўрсатилган. Бунинг натижасида иш енгиллашади ва тезлашади.



5.3-расм. МБ даги ахборотларнинг ўзаро алоқаси

Маълумотларнинг етарли бўлиш тамойили. Бу тамойилнинг моҳиятига кўра, тегишли ахборотлар МБда ягона нусха сақланади ва улар исталган масалани ечиш учун ўзаро боғланади ҳамда етарли бўлади. Масалан, автоном файллардан иборат бўлган ААТда баъзи бир ахборотлар такрорланса, МБ да эса уларнинг такрорланиши бутунлай барҳам топади. 5.4-расмда

«Ходим», «Ходимлар» «Молиялар» файллари ўртасидаги боғланишлар тасвириланган.

| | | | | | | | | | |
|------------|-----|--------|----------|---------|---------------------------|-----|--------|--------|-----|
| «Ходим» | | | | | «Ходимлар» | | | | |
| Фан | йил | мансаб | манзил | | фан | йил | мансаб | манзил | ... |
| «Молиялар» | | | | | fan йил мансаб манзил ... | | | | |
| «Ходим» | | | | | fan йил мансаб манзил ... | | | | |
| фан | йил | мансаб | иш стажи | иш хаки | манзил | ... | | | |

5.4-расм. Маълумотларнинг етарли бўлиши

Маълумотлар банкини бошқаришнинг марказлаштириш тамоили. Бу тамоилга кўра маълумотларни бошқаришнинг барча функциялари ягона бошқариш дастури-маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ) га берилади. Бу тамоилга риоя қилиш асосида АТдан фойдаланишнинг самарадорлиги барча жараёнлар МББТ орқали амалга оширилади.

Маълумотларнинг ифодаланишини қайта ишлаш жараёнларидан ажратиш тамоили. Бу тамоилга кўра, маълумотларнинг ифодаланиши амалий дастурлардан ташқарида тайёрланади ва МБ да сақланади. Бу эса ўз навбатида дастурлаш жараёнини енгиллаштиради, дастур учун зарур бўлган ҳолда ахборотларнинг ҳажмини камайтиради. Маълумотлар банкии юритишни яхшилайди ва х.к.

Шундай қилиб, юқорида кўриб ўтилган тамоиллар асосида МБ нинг таркиби яратилди, яъни АТ нинг мантиқий, физик ва дастурий элементлари ўртасидаги ўзаро боғланиш ишлаб чиқилади.

Юқорида кўрсатилгандек, ахборотлар маълумотлар базасида сақланади. МБ - амалий дастурларга боғлиқ бўлмаган ҳолда маълум бир тартиб асосида ўзаро боғлиқ маълумотлар тўпламидир.

Ҳар қандай маълумот файли каби, МБ ҳам ёзувлардан ташкил топади. Ёзувлар эса ўз навбатида майдончалардан ҳосил қилинади. Ёзув тезкор ва ташки хотиралар ўртасида маълумотлар алмасиши жараённинг энг кичик ўлчов бирлиги бўлса, майдонча - маълумотларни қайта ишлашдаги энг кичик бирлик ҳисобланади.

5.3 Ахборотлар базасини ташкил этиш ва юритишнинг дастурий воситалари

Умумий ҳолда ахборт базасини юритишнинг дастурий воситаларга сервис дастурий воситалар, умумий мақсад учун универсал амалий дастур воситалари ва ихтисослашган амалий дастурлар киради.

Маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ) – ахборотлар базасини яратиш ва юритиш учун алоҳида ахамиятга эга. МББТ умумий мақсадларга

мўлжалланган универсал амалий дастурий воситаларга мансуб. МББТ - бу машина ташувчида мантикий ўзаро боғланган маълумотларни ташкил этиш ва юритиш учун мўлжалланган нисбатан кенг тарқалган ва самарали универсал дастурий восита саналади. МББТ ягона маълумотлар базасида дубл қилинмайдиган маълумотларни интеграциялашни ва улардан кўп мақсадларда фойдаланишни, базадаги барча маълумотлар бутунлигини ва тўғрилигини таъминлайди ва маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялади.

МББТ маълумотлар базасидан сўровларни ташкил этишнинг модули дастурига эга бўлмаган фойдаланувчига мўлжалланган қулай воситаларга эга.

МББТ асосида АБни ишлаб чиқиши, маълумотлар базасини ташкил этиш тузилмаси бўйича масалаларни тайёрлашга мўлжалланган. Бу масалалар бевосита ахборот таъминотининг машина ташқарисидаги соҳаси билан боғланган. Ишлаб чиқилган маълумотлар базасига мувофиқ уни МББТ воситалари билан ташкил этиш ва уни ишга тушириш амалга оширилади.

Ахборотларни киритиш ва назоратлашнинг маҳсус дастурий воситаларидан - йирик ахборот базаси учун бирламчи массивларни яратиш ва маълумотларни базага тўплашдан олдин қайта ишлаш босқичида фойдаланилади. Базани яратишдан олдинги қайта ишлаш воситаси компьютерга киритиладиган ахборотнинг хаққонийлигини ва катта массивдаги маълумотларни юклашга тайёргарликни автоматлаштирилган назоратини таъминлайди.

Маълумотларни қайта ишлашнинг сервис воситалари - ахборот базасига хизмат кўрсатиш бўйича кўмакчи вазифаларни таъминлаши лозим. Улар базанинг дастурий воситаларига тегишли. Булар маълумотлар файллари ва машина ахборот ташувчи воситалари билан ишлаш бўйича турли утилиталардир. Уларга қуйидагилар мансуб: нусха олиш, архивлаш, тиклаш, анти-вирус воситалари, тармоқ утилитлари ва бошқалар.

Фойдаланувчининг амалий дастурлари универсал алгоритмлаш тилларидан бирида яратилади. Бундай дастурларда, одатда уларда ишлаб чиқиладиган маълумотлардан мустақил бўлиши таъминланмаган. Айрим жойларда битта муаммоли соҳасининг турли масалаларига оид ахборот массивларида маълумотлар такрорланади. Бу хол турли масалалар бўйича бир ҳил маълумотларни бир неча марта киритишга олиб келади ва дастлабки маълумотларга ўзгартеришлар киритганда анча муаммоларни келтириб чиқаради. Шунингдек, амалий дастурлар МББТда универсал алгоритмик тилда яратилиши мумкин.

Маълумотларнинг мустақиллиги - МББТга қўйилган асосий талаб, талабларнинг кучли тили эса фойдаланувчининг талабларини қондиришнинг муҳим шартидир. Бу тиллар ассоциатив манзиллаштириш ва маълумотлар тўплами билан амаллар бажариш воситаларига эга. Бу эса ўз навбатида ЭҲМлардан самарали фойдаланишга шароит яратади.

МББТ икки тартибда: **интерпретатор** ва **компилятор** тартибда ишлаши мумкин.

Интерпретатор тартибда дастурларнинг буйруқлари босқичма-босқич, бирин-кетин бажарилади. Унда ҳар бир буйруқ назорат қилинади, сўнгра

машина тилига айлантириб, бажарилади. Тегишли амаллар бажарилгандан кейин, улар хотирадан ўчирилади, тизим қайта ишлаш босқичига ўтади ва кейинги буйруқни бажаришга киришади, интерпритатор тартибида «Ехе» кенгайтирмали файл ҳосил қилинмайди. Бундай файлни ҳосил қилиш учун капилятор тартибида фойдаланилади. **Компилятор тартибида** буйруқлар бевосита бажарилмайди, балки улар «ехе» файлга ёзилади. Ехе файлни ҳосил қилиш жараёни икки босқичдан иборат бўлади: бошланғич дастурни назорат қилиш ва уни obj турга айлантириш; матн муҳаррири ёрдамида дастурни ехе файлга айлантириш. Ехе файлнинг бажарилиши учун МББТ нинг мавжуд бўлиши шарт эмас, Интерпретатор тартибида ишлайдиган МББТ га dBase III Plus, FoxBase ва Karat киради, компилятор тартибида Clipper, панель тартибида эса Clario ишлайди.

МББТ фойдаланувчи билан маълумотлар базаси ўртасидаги алоқани таъминловчи дастур сифатида иштирок этади. Унинг функциялари меню ва дастурлар кўринишида намоён бўлади.

Меню тартиби МББТнинг функциялари экранда тасвирланади. Фойдаланувчи курсорни харакатлантириш орқали тегишли функцияни аниқлаши ва бажаришга чақириши лозим. Тизим аниқланган функцияларни бажарип бўлгандан сўнг яна меню ҳолатига қайтади.

Дастурий тартибида тегишли буйруқлар киритилади, дастурлар қайта ишланади ва бажаришга чақирилади. Бу ҳолда МББТ интерпритатор тартибида ишлайди ва фойдаланувчидан дастурлаш тилларини билиш талаб қилинади.

МББТ да фойдаланиладиган дастурлаш тилларига умумий талаблар билан бир қаторда қўйидагилар ҳам қўйилади:

- тилнинг тўлиқ бўлиши;
 - вазифаларни бажариш учун тегишли воситаларнинг бўлиши;
 - аниқланган маълумотларни тўлиқ қайта ишлаш ва бошқалар.
- Дастурлаш тиллари бир қатор белгиларга кўра туркумларга ажратилади.
- ўзгарувчанлик;
 - жараёнлилик;
 - фойдаланилаётган математик аппарат ва бошқалар

МББТ даги дастурлар тегишли бўйруқларнинг тўпламидан ташкил топади. Ечилаётган масалаларнинг қийинлигига қараб, дастурлар оддий ёки мураккаб тузилишига эга бўлади. Оддий тузилишга эга бўлган дастурларда буйруқлар кетма-кет жойлашади. Мураккаб тузилишли дастурларда эса буйруқлар модуллар ҳолатида, яъни асосий модул ва қуий дастурлар тўпламидан иборат бўлади. Маълумотлар базасини ҳосил қилишда модуллик тамойилидан фойдаланиш қулай ва самаралидир.

Маълумотлар базасини бошқариш тизими қўйидагиларга имкон берувчи дастурий воситаларнинг тўпламидир.

а) фойдаланувчиларни маълумотларни аниқлаш ва амаллар бажариш тили воситалари билан таъминлайди. Бундай воситаларга маълумотларни аниқлаш тили (МАТ) ва маълумотлар билан амаллар бажариш(МАБТ) киради. Маълумотлар тили атамаси айтиб ўтилганларининг ҳар иккаласини ёки улардан

бирини англатади. Маълумотлар сўзи маълумотлар тилини СИ++, Паскаль ва ҳ.к. каби тиллар туридан фарқлади. Лекин маълумотлар тили универсал тилга, масалан С++, Паскалга киритилиши мумкин. Бундай ҳода дастурлашнинг универсал тили ва маълумотлар тили тегишли равишда (киритувчи) тил ва маълумотларнинг тил ости деб аталади.

б) фойдаланувчининг маълумотлар моделини қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Маълумотлар модели - баъзи иловага тегишли физик маълумотларнинг мантиқий тақдим этилишини аниқлаш воситасидир.

в) аниқлаш, яратиш ва маълумотлар билан мантиқий амаллар бажариш (яни танлаш, янгилаш, киритиш ва йўқ қилиш)га имкон берувчи МАТ ва МАБТ функцияларини амалга оширувчи дастурлар.

г) маълумотларнинг ҳимояси ва яхлитлигини таъминлайди. Тизимдан фойдаланиш фақат шунга ҳуқуқи (ҳимояси) бўлган фойдаланувчигагина рухсат этилади. Фойдаланувчилар маълумотлар устида операция бажараётганларида сақланаётган маълумотларнинг мувофиқлиги (яхлитлиги) таъминланади. Гап шундаки, МББТ кўплаб фойдаланувчилар жамоа бўлиб ишлаш режимига асосан тузилади.

МББТнинг таснифланишини муҳим белгиларидан бири бўлган маълумотлар модели (тармоқли, иерархик ёки реляцион) турларидан бири танлаш имконини беради. МББТ маълумотлар базаларининг кўп мақсадли тавсифини, маълумотларни ҳимоялаш ва қайта тиклашни амалга оширади. Ривожланган мулоқот воситалари ва юқори даражали талаблар тилининг мавжудлиги МББТни охирги фойдаланувчи учун осон воситага айлантиради.

Тўлиқ вариантда МББТ қўйидаги компонентлардан тузилиши мумкин:

- Клавиатура орқали маълумотларни тўғридан-тўғри бошқариш имконини берувчи фойдаланувчининг муҳити;
- Интерпретатор сифатида иш юритувчи, маълумотларга ишлов бериш амалий тизимини дастурлашнинг алгоритмик тили. Интерпретатор дастурларни тез тузиш ва маромига етказиш имконини беради;
- Мустақил EXE-файл шаклидаги тайёр тижорат махсулотига тугалланган дастур кўринишини берувчи компилятор;
- Кўп меҳнат талаб қилувчи амалларни тез дастурловчи утилит-дастурлар (хисоботлар, шакллар, жадваллар, дарчалар, меню ва бошқа иловалар генераторлари).

Хусусан МББТ – бу фойдаланувчининг аслаҳавий қобиғи ҳисобланади. МББТ таркибида дастурлаш тилининг мавжудлиги аниқ масалаларни ва аниқ фойдаланувчига мўлжалланган маълумотларга ишлов беришнинг мураккаб тизимларини яратиш имконини беради.

Маълумотлар базаларини лойиҳалаштиришда қўйидаги тавсифларни солиштириш ва таҳлил қилишга асосланган МББТни асослаб танлаб олиш муҳим вазифа ҳисобланади:

- дастурий техник базаси (ЭҲМ тури ва модели, ҳисоблаш воситалари конфигурациясига қўйиладиган талаблар, ОТ версияси);
- маълумотлар базаларининг турлари (амалий, муаммоли, локал, интегреллашган, тақсимланган);

- фойдаланувчиларнинг малакалари (МББТ билан ишлаш учун маҳсус тайёргарликга эга бўлмаган фойдаланувчи, мутахассислиги дастурчи бўлмаган даражадаги маълумотлар базаси билан ишлашга тайёргарлиги бўлган муаммоли соҳасининг мутахассиси – фойдаланувчи, амалий дастурчи, маълумотлар базаларининг администратори);

- маълумотлар базалари билан фойдаланувчиларнинг мулоқат қилиш воситалари (дастурлаш тилларини ўз ичига олувчи маълумотлар устида иш олиб бориш ва тасвирилаш тили);

- маълумотларни қайта ишлаш режими (пакетли, интерактив, тармоқли);

- маълумотларни мантиқий ва физик мустақиллиги;

- маълумотлар базалари ахборот структураларининг асосий хоссалари (мантиқий тузилиши - МББТ воситалари орқали амал қиласидиган ва ташкилий тузилмасини ўзгартирмасдан уни модификация қилиш имконияти, маълумотлар турини кенгайтирган ҳолда қаршиликсиз ишлов беришда);

- ҳавфсизлик даражасини таъминлаш ва маълумотларнинг тўлақонлиги;

- хизмат кўрсатишнинг стандарт воситалари мавжудлиги (маълумотлар базаларини кузатишни доимий дастурий модулларини ва маълумотлар лугатини, маълумотлар базаларини енгиллаштирадиган (юкини туширадиган), қайта ташкил этадиган ва қайта структуралаштирадиган, тиклайдиган журнални юритиш, киритиш ва ҳисботлар генераторлари ва ҳ.к.);

- ишлатиш тавсифлари (лойиҳачилар ҳақида, сармоя эгалари ҳақида, моддий-техник таъминотга бўлган талаблар, тарқатиш шакли).

Танлаб олинган МББТ бир қатор талабларни қондира олиши керак. Буларга муаммо соҳасининг барча вазифаларини самарали бажарилиши; хотира ресурсларидан самарали фойдаланиш учун сақланаётган маълумотлар хажмини минималлаштириш; самарали ахборот қарорларини қабул қилишга имкон яратиш; ҳавфсизликни таъминлаш жараёнини бошқариш; ходимларга нисбатан маълумотлар базаларини ишлатиш билан боғлиқ қулайликни яратилиши, ЭҲМ ни ишлатиш муложаасини соддалаштириш.

Умумий олганда замонавий МББТ лар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- ◆ маълумотларнинг мустақиллиги;
- ◆ талабларнинг кучли тили;
- ◆ жавоб (садо бериш) нинг қисқа вақти;
- ◆ маълумотлар ва каталогларни қайта ташкил этишини қисқартириш ёки улардан воз кечиш.

5.4 Реляцион маълумотлар базаси ва унинг имкониятлари

Реляцион модел (инглизча relation – муносабат) ўтган асрнинг 70-йиллари бошида Америка олимни Э.Ф.Кодд томонидан яратилган. Моделнинг соддалиги ва эгилувчанлиги маълумотлар базалари тузувчиларини эътиборини ўзига тортиди. 80-йилларга келиб кенг тараққий эта бошлади ва реляцион МББТлар саноат стандарти даражасига кўтарилиди.

Модел реляцион алгебраси тушунчалари тизимиға таянади. Бу тушунчаларнинг энг муҳимлари жадвал, сатр, устун, муносабат ва бирламчи

калитлар саналади, бажариладиган амаллар эса жадваллар билан иш олиб боришида акс этади.

Реляцион моделларда ахборот тўғри тўртбурчакли жадваллар кўринишида акс эттирилади. Ҳар бир жадвал устун ва сатрлардан ташкил топган бўлади ва маълумотлар базалари ичида ўзининг такрорланмас номига эга.

Жадвал реал олам ахборотини – моҳиятини акс эттиради, унинг ҳар бир сатри (ёзуви) эса объектнинг аниқ бир нусхасини – нусха моҳиятини акс эттиради. Жадвалнинг ҳар бир устуни ушбу жадвалда ўзига хос номга эга. Жадвал камидা бир устунга эга бўлиши керак.

Маълумотларнинг реляцион модели юқорида кўриб чиқилган тармоқли ва иерархиклардан фойдаланувчи учун қулай бўлган жадвалли тасаввурлар ва маълумотларга киришнинг оддий тузилиши билан фарқ қиласди. Маълумотларнинг реляцион модели оддий икки ўлчамли жадвал - **муносабат (модел объектлари) ларнинг** йифиндисидир. Реляцион моделдаги реляцион боғлиқдаги икки жадваллар орасидаги мантиқий алоқалар жадвал муносабатларига тегишли бир хил атрибутларнинг мазмун жихатидан тенглигига кўра ўрнатилади.

Жадвал-муносабат реляцион моделларнинг универсал обьекти ҳисобланади. Бу реляцион модели турли МББТлардаги маълумотларини мослигини таъминлаш имконини беради. Реляцион моделларни ишлаш операциялари муносабатлар алгебраси ва реляцион ҳисоб-китобларнинг универсал аппаратидан фойдаланишга асосланган.

Жадвал реляцион модел маълумотлари (объекти)нинг асосий тури ҳисобланади. Жадвалнинг тузилиши устунларнинг йифиндиси билан белгиланади. Жадвалнинг ҳар бир сатрида тегишли устунга мос келувчи биттадан мазмун жойлашган бўлади. Жадвалда иккита бир хил сатр бўлиши мумкин эмас. Сатрларнинг умумий сони чегараланмаган.

Устун маълумотларининг баъзи таркибий қисми – **атрибутга** мос келади. Атрибут маълумотларнинг энг оддий тузилмасидир. Жадвалда юқорида кўриб ўтилган тармоқли ва иерархик моделлардаги каби кўп таркибий қисмлари гурух ёки такрорланувчи гурух кабилар белгиланиши мумкин эмас. Жадвалнинг ҳар бир устинининг маълумотлари тегишли таркибий қисми (атрибут)нинг номига эга бўлиши керак. Маъноси жадвал сатрига тенг бўлган бир ёки бир нечта атрибутлар жадвалнинг **калити** ҳисобланади.

Маълумотлар базасини тузишда реляцион ёндашув муносабатлар назариясининг терминологияси қўлланилади. Энг оддий икки ўлчамли жадвал муносабат сифатида белгиланади. Тегишли атрибут мазмунига эга бўлган жадвал устини **домен** дейилади. Турли атрибутлар мазмунига эга бўлган сатрлар эса **кортеҷ** деб аталади.

Реляцион жадвал-муносабати. 5.5-расмда R реляцион жадвал муносабатининг кўриниши берилган. R муносабат (реляцион жадвал) нинг формал таърифи унинг доменлари D_i (устунлари), кортежлари K_i (сатрлари) хақидаги тушунчага таянади. Кўплаб доменлар $\{D_i\}$ белгиланган R муносабат

деб, $D_1 \times D_2 \times D_3 \dots \times D_n$ доменларини *декарт (бевосита) ишлаб чиқарувчи кўплика* айтилади.

R муносабат = $\{K_1, K_2, \dots\}$

| A1 | A2 | A3 | A4 | A5 | A6 | |
|------|------|------------|------|-----------------------|------|--|
| d11 | d21 | d31 | d41 | D51 | d61 | |
| d12 | d22 | K2 кортежи | | | d62 | |
| d13 | d23 | d33 | d43 | Д о м е н | d63 | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

} Атрибутлар
(устунлар)
номи

Кортеж
 $K_2 = \{d_{12}, d_{22}, d_{32}, d_{42}, d_{52}, d_{62}\}$

Домен
 $D_5 = \{d_{51}, d_{52}, d_{53}, d_{54}, \dots\}$

5.5-расм. R - реляцион жадвал муносабатнинг тасвири

Жадвал-муносабат маълумотлар таркибий қисми атрибутлар (A_1, A_2, \dots) номига эга бўлган устунларни ўз ичига олган d атрибутларнинг мазмунини жадвалнинг асосий қисмида жойлашган бўлиб сатрлар ва устунларни ташкил қиласи. Бир устунда атрибутлар мазмунининг кўплиги *домен D_i ни* ҳосил қиласи. Бир сатрда атрибутлар мазмунининг кўплиги бир *кортеж K_j ни* ҳосил қиласи. R муносабат кўплаб тартибга солинган кортежлар орқали ҳосил бўлади: $R = \{K_j, j = 1 \text{--} m\}$ $K_j = \{d_{1j}, d_{2j}, \dots, d_{nj}\}$

n - муносабат доменларининг сони; муносабатларнинг кўламини белгилайди.

j - кортеж номери;

k - муносабатдаги кортежларнинг умумий сони бўлиб, муносабат координата сони дейилади.

Жадвал-муносабатининг қалити. Кортежлар жадвал-муносабати ичida такрорланмаслиги зарур ва улар тегишлича ягона идентификатор - дастлабки (бирламчи) қалитга эга бўлиши керак.

Дастлабки (бирламчи) қалит атрибутдан ташкил топган бўлса *оддий*, бир неча атрибутдан ташкил топганда эса *турли таркибли* деб аталади. Муносабатда дастлабки қалитдан ташқари иккиламчи қалит ҳам бўлиши мумкин.

Иккиламчи калит - мазмуни турли сатр - кортежларда такрорланиши мумкин бўлган калитдир. Улар бўйича иккинчи калитнинг бир хил мазмуни сатрлар гуруҳи излаб топилади.

Сатрлар устунлардан фарқлироқ ўз номларига эга эмас, уларнинг жадвалда жойлашиш тартиби аниқланмаган ва сатрлар сони мантиқан чегараланмаган бўлади. Сатрни тартиб рақамига кўра танлаб олиб бўлмайди. Файлда хар бир сатр ўз рақамига эга бўлса ҳам, бу нарса сатрни тавсифламайди. Бу рақам сатр жадвалдан олиб ташланганда ўзгаради. Мантиқан сатрлар ўртасида “биринчи” ва “охирги” деган тушунча йўқ.

Реляцион тизимларнинг қўлланилиши мураккаб силжишлар заруриятини бартараф қилди. Чунки маълумотлар энди бир файл қўринишида эмас, балки мустақил тўпламлар асосида тузилиб, маълумотларни танлаб олиш учун амалий тўпламлар назарияси – реляцион алгебра амаллари қўлланилади.

Маълумотлар базаларнинг объектга – мўлжалланган модели дастурлашнинг объектга мўлжалланган тиллари пайдо бўлиши билан юзага чиқа бошлади. Бундай базаларнинг пайдо бўлиши 90-йилларга тўғри келади. Ушбу турдаги базалар синфлар усулларини ўзида сақладайди. Кўпинча, доимий синфлар объектларини ўзларида сақлаб маълумотлар орасида тўсиқсиз уйғунлашувни ҳамда иловаларда уларга ишлов беришни амалга оширадилар.


Реляцион моделларнинг ҳозирги замон МББТларида устунликка эришилиши қўйидаги омиллар билан аниқланади:

- 1) ривожланган назариянинг мавжудлиги (реляцион алгебрани);
- 2) маълумотларни бошқа моделларини реляцион моделларга келтириш аппаратининг мавжудлиги;
- 3) ахборотга рухсатли киришни тезлаштиришни маҳсус воситаларини мавжудлиги;
- 4) ташқи хотирада МБ аниқ маълумотларни физик жойлашиши ҳақида билимга эга бўлмай улар билан ишлаш имкониятини яратадиган МБга нисбатан стандартлашган юқори даражадаги сўровлар тилининг мавжудлиги.

Маълумотлар базаларни ишлаб чиқишида 2 хил усулдан фойдаланиш мумкин. Биринчи усулда, аввал асосий масалалар аниқланиб, уларни ҳал қилиш учун база яратилади ҳамда масаланинг маълумотларга бўлган эҳтиёжи аниқланади. Иккинчи усулда, муаммо соҳасининг намунавий (типик) объектлари бирданига ўрнатилади. Бу ерда энг оптималь усул-иккала усулни биргалиқда ишлатишдир. Бу шу билан боғлиқки, дастлабки босқичда барча масалалар тўғрисида етарлича маълумотларнинг йўқлигидадир.

Маълумотлар базаларини лойихалаштириш жараёни икки босқичга бўлинади: муаммо соҳасининг маълумотларининг ахборот-мантиқий моделини (МАММ) ишлаб чиқиш ва маълумотлар базасининг мантиқий тузилишини аниқлаш.

Ахборот-мантиқий модел муаммо соҳасини ахборот объектларининг мажмуи ва улар орасидаги тузилмавий алоқалар қўринишида акс эттирувчи маълумотлар моделидир. Муаммо соҳасининг маълумотларининг ахборот-мантиқли моделини ишлаб чиқиш шу соҳани текшириш натижасида олинган тавсифига асосланади (5.6-расм).



5.6-расм. МБ лойихалаш босқичлари

Муаммо соҳасининг инфологик модели асосида концептуал (мантиқий), ички (жисмоний) ва ташки моделлар тузилади.

Маълумотлар банкинг мантиқий тузилиши—обектга тегишли бўлган ахборотларнинг Мбда жойланишини ифодалайди. Ҳосил бўлган Маълумотлар банкинг мантиқий боғланиш модели иккинчи босқичининг натижаси ҳисобланади. Бу моделда уч турли ахборот ифодаланади: объект тўғрисидаги хабарлар, уларнинг хусусияти ва ўзаро муносабатлари. Ҳар бир объект модели ёзув турлари орқали кўрсатилади. Уларнинг хусусиятлари - ёзув майдонлари орқали ифодаланади, муносабатлар эса -- ёзув ва майдон турлари ўртасидаги алоқалар ёрдамида тасвирланади. Бундай модел ЭХМ операцион тизимининг, МББТ нинг моҳиятига боғлиқ бўлмайди, яхни ахборотнинг маъносига боғлиқ бўлмаган ҳолда уларни ифодалаш усули ва алоқасини таъминлайди.

Мантиқий моделни чизмали ва жадвалли усуллар ёрдамида ифодалаш мумкин. Чизмали усулда маълумотлар ўртасидаги боғланиш графлар ёрдамида тасвирланади. Бунда графнинг учлари ёзувларни ифодалайди, қирралари эса ёзувлар ўртасидаги алоқаларни кўрсатади. Жадвалли усулда объект тўғрисидаги маълумотлар бир ёки бир нечта устундан иборат бўлган жадваллар орқали ифодаланади.

Ҳозирги вақтда мантиқий моделларнинг поёнали (иерархик), тармоқли ва реляцион турларидан фойдаланилмоқда.

Погонали модел чизмали усул асосида ташкил қилинади. Бунда маълумот ёзувлари графикнинг учларини ифодалайди ва хар бир ёзув олдинги поёна учларига боғланган бўлади. Бундай тузилишдаги Мбдан тегишли ахборотлар ҳамма вақт битта йўналиш бўйича қидирилади ва унинг жойлашган ўрни тўлиқ кўрсатилади. Поёнали (иерархик) моделга асосланган МБ 1-чи ва 2-чи авлод ЭХМ лари ёрдамида ишлаб чиқилган. IBM фирмаси 1968 йилда IMS (Information Management System) деб номланган маълумотлар банкини ташкил қилган.

Тармоқли модел ҳам чизмали усул ёрдамида ташкил қилинади. Лекин бунда тегишли ахборотлар бир нечта йўналиш бўйича олиниши мумкин. Тармоқли модел иерархик моделнинг кенгайиши ҳисобланади. Бу моделнинг асосчиси Ч. Бахман. Тармоқли моделга асосланган МБ – Integrated Database

Menegement System (IDMS) Cullinet Software Inc. Компанияси томонидан 70 йиллари ишлаб чиқылган. Иерархик ва пононали Маълумотлар банкинг афзалиги — уларнинг тезкорлиги.

Шахсий ЭХМ ларнинг пайдо бўлиши реляцион моделларнинг кенг тарқалишига сабабчи бўлди. Реляцион модел жадвалли усул асосида ташкил қилинади. Бунда тегишли маълумотлар жадвалнинг устун ва қаторларида жойлашади. Устунлар маълумотнинг майдонларини, қаторлар эса ёзувларни ифодалайди. Бир устунда маълум соҳага тегишли бўлган бир қанча маълумотлар кўрсатилади. Устун ва қатор ўртасидаги боғланиш муносабат деб аталади. Ҳар бир устун, қатор ва муносабат ўз номига эга бўлади.

Реляцион моделдаги муносабатлар қуидаги талаблар орқали ҳосил қилинади:

- устун ва қатор кесишган ерда жойлашган маълумотлар элемент ҳисобланади;
- муносабатларда иккита бир ҳил қатор бўлмайди;
- устун ва қаторларнинг тартибли жойлашиши ва номланиши мажбурий эмас.

Реляцион модел бир нечта муносабатлардан ташкил топиши мумкин. Реляцион моделнинг асосчиси—Америка олими Э.Ф. Кодд. Бу моделнинг иккинчи номи – Кодд модели.

Маълумотлар банкии ташувчиларда ҳосил қилиш босқичи физик тузилишни ташкил этади. Физик тузилиши ташқи хотираларда маълумотларни жойлаштириш усуллари ва воситаларидан иборат бўлиб унинг натижасида ички модел ҳосил қилинади. Ички модел маълумотнинг мантиқий моделини ташувчиларда акс эттиради ва ёзувларнинг жойлашишини, алоқасини ва танлаб олинишини кўрсатади. Ички модел МБТ орқали ҳосил қилинади ва унга қуидаги талаблар қўйилади :

- маълумотларнинг мантиқий тузилишини саклаш;
- ташқи хотирадан максимал фойдаланиш;
- Маълумотлар банкии юритиш харажатларини камайтириш;
- маълумотларни қидириш ва танлаш жараёнларининг тезкорлигини ошириш ва бошқалар.

Умумий ҳолда маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари (МБТ) икки ҳил гурухга ажратилади:

Профессионал ёки саноат МБТлари. Бу гурухга қуидаги МБТлар киради: Oracle, DB2, Sybase, Informix, Ingres, Progress.

Шахсий (столга жойлаштириладиганлар). Бу гурухга кирадиган МБТ лар: FoxBase/FoxPRO, Clipper, R:base, Paladox, Approach ва Access.

Хозирги вақтда Access МБТ нинг ишлаб чиқаришда кенг тарқалганлигини хисобга олган ҳолда дастурнинг маълумотга кириш архитектурасини кўриб чиқамиз. Архитектура учта блокдан ташкил топади (5.7-расм).



5.7-расм. Маълумотларга кириш архитектураси

Фойдаланувчи интерфес блоки. Бунга MS Access обьектлари киради: жадваллар, формалар, ҳисоботлар ва бошқалар.

Маълумотлар омбори. Бу блокда маълумотлар жадвалларининг файллари сакланади (Access да mdb-файллар).

МБ процессори. MS Access МББТ 2000-да маълумотлар дискетлари MS Jet (Joint Engine Technoligy) маълумотлар базаси ядроининг янги 32 разрядли 3.5. версияси қўлланилган. Бу версия юқорироқ унумли ва яхшиланган тармоқ тавсифларга эга.

5 -боб бўйича холосалар

Автоматлаширилган ахборот технологияларини жорий этишда ахборот таъминоти мухим ўрин эгаллайди. Бошқарув жараёнини аниқ, етарли ва тезкор ахборот билан таъминланиши сифатли қарор қабул қилиш учун замин бўлиб хизмат қиласди. Зарурый ахборотни фойдаланувчига тезкор тақдим этилишда маълумотлар базасининг имкониятлари чексиздир.

Маълумотлар базаси – маълумотлар банкининг энг мухим таркибий қисми ҳисобланади. Маълумотлар базаси – зарурый ахборотни тезкор олиш ва модификациялаш, ахборотнинг минимал ортиқчалиги, амалий дастурларга боғлиқ эмаслиги, излаш усулининг умумий бошқарилиш имкониятларига эга ўзаро боғлиқ маълумотлар йиғиндисидир.

Маълумотлар базасини яратиш ва юритишда маълумотлар базасини бошқариш тизими алоҳида аҳамият касб этади. Маълумотлар базасини бошқариш тизими маълумотлар банкининг ташкил этувчи элементи ҳисобланади.

Маълумотлар банки – зарурый ахборотни олиш мақсадида маълумотларни марказлашган ҳолда сақлаш ва жамоа бўлиб фойдаланиш учун мўлжалланган ахборотли, тематик, дастурий, тиллар, ташкилий ва техник (сақланаётган маълумотлар ҳамда технологик жараёнда банд персонални кўшганда) воситаларининг тизими сифатида ифодаланиши мумкин.

Маълумотлар банки уни ишлаши ва қўлланилишини таъминлаб берувчи дастурний тўпламлари билан биргаликда автоматлаширилган маълумотлар банки деб аталади.

6 боб Компьютер тармоқларининг модельлари ва технологиялари

6.1 Компьютер тармоқларининг турлари

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий информатикани ривожлантириш тамойиллари қуидагилардан иборат:


Биринчидан, замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш, давлат муассасалари ва хўжалик субъектлари, муасса ва ташкилотлар, хусусий шахслар учун ахборот хизматларини йўлга қўйиш;

Иккинчидан, иқтисодиёт, фан, таълим, ижтимоий соҳада ахборот тизимларини шакллантиришга кўмаклашиш;


Учинчидан, республиканинг жаҳон ахборот тизимлари ва халқаро тармоқларга уланишни таъминлаш.

Ахборот технологияларини замонавий техника ютуқлари билан ўзаро боғлаш эҳтиёжи глобал компьютер тармоқларини мамлакатлараро ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг ажралмас қисми қилиб қўйди. Илмий ва маориф мақсадлари ва бизнес учун кўплаб компьютер тармоқлари ташкил этилган. Кўпроқ тармоқларни бирлаштира олувчи ва дунё ҳамжамиятига кириш имкониятини берувчи тармоқ – бу Internet. Internet фойдаланувчиларга чексиз ресурсларни тақдим этади. Бу эса иш унумдорлигини оширади. Унга уланган одамлар дунёда содир бўлаётган ҳодисалар хақида қисқа муддатда маълумотга эга бўлишади. Қуидаги расмларда компьютер тармоқларини ҳосил қилишнинг уч хил усуллари көрсатилган. Компьютерларни бир-бирига боғлашда Ethernet, HPNA ва симсиз боғланиш адаптерларидан фойдаланилган[24,25]

1) Концентратор ёрдамида тармоқ ҳосил қилиш. Бу усулда барча компьютерлар тармоқ концентраторига боғланади. Бунинг учун барча компьютерларда тармоқ адаптери мавжуд бөелиши керак.



2) Барча компьютерларда тармоқ адаптери оғнатилади. Телефон кабеллари ёрдамида тармоқ ҳосил қилинади.



3) Барча компьютерларда симсиз тармоқ адаптери сөрнатиласы. Тармоқдаги компьютерлар бир-бири билан сигналлар орқали маълумот алмашади.



Шунинг учун бу тармоқлардан фойдалана олишни ўрганиш мақсадида биз қуида телекоммуникация ва Internet Explorer дан фойдаланиш усууларини айтиб ўтамиз.

6.2 Телекоммуникация. Глобал компьютер тармоғи – Internet

Кенг маънода телекоммуникация - бу бир-бири билан бевосита алоқада бўла олмайдиган масофада турувчи субъектлар (одамлар, ускуналар, компьютерлар) ўртасидаги мулоқотдир. (“Теле”- узоқдаги, “ коммуникация” – алоқа, хабар).

Масалан: кемалар ўртасидаги ёруғлик сигналлари алмашуви, телеграф, телевидение, телефон ва бошқалар. Компьютер телекоммуникациясининг ривожланиши Internet ва Windows нинг келиб чиқишидан анча олдин бошланган.

Мисол қилиб оладигин бўлсак, асримизнинг 80 йилларида бутун дунёда,

шу жумладан, собиқ иттифоқда ҳам MS DOS мұхитида ишловчи BBS (Bulletin Board System) файлли серверлар фаолият күрсатған.

BBS абонентлари текинга әълонларни күриб чиқиш ва ёзиб қолдириши, поча маълумотлари ва файллари билан алмашиниш имкониятига эга бўлишди.

Компьютерларнинг локал тармоқлари (ЛВС), бир – биридан унча узоқ бўлмаган (бир неча юз метр атрофида фойдаланувчиларга хизмат кўрсатади.

ЛВСни “мижозлари” (терминаллари) уланган катта бир компьютер деб тасаввур этиши мумкин. Бироқ компьютерлар ва ЛВС лар турли хил алоқа воситалари орқали худудий ва жаҳон (халқаро) тармоқларига уланиши мумкин.

Компьютерларни телекомуникацион тармоққа улаш учун қуидагилар зарур:

1. Коммуникацион жиҳозлар ва алоқа канали (ҳеч бўлмаганда модем ва телефон тармоғи);
2. Коммуникацион дастурлар.

Модем – бу компьютерни халқаро тармоққа уланиш имконини берувчи стандарт қурилма (Модулятор – Демодулятор).

Модемнинг бир томони компьютерга, иккинчи томони телефон тармоғига уланади.

Модемнинг ягона функцияси – бу компьютернинг дискрет (рақамли) сигналини, телефон тармоғида узатиладиган узлуксиз (аналогли) сигналга айлантириш ва аксинча.

Модем билан ишлаш учун маҳсус дастур таъминоти ишлатилади. Компьютер билан провайдер узели ўртасидаги алоқа воситаси сифатида оддий ёки маҳсус телефон тармоғидан фойдаланилади. Биз асосан телекоммуникациянинг дастурли таъминотини кўриб чиқамиз ва у ўз навбатида икки синфга бўлинади.

1. Мижоз – дастурлар. Бу дастурлар сизнинг компьютерингизда жойлашган бўлиб, ўз талабларини (саволларини) серверга юборади.

2. Сервер – дастурлар .Бу дастурлар тармоқнинг нариги узелида жойлашган бўлиб, улар сизнинг компьютерингизга хизмат кўрсатадилар.

Телефон тармоғига қиёс қилганда, АТС – бу сервер, сизнинг телефонингиз – бу мижоз. Коммуникацион тармоқлар технологиясини кўпинча “мижоз – сервер” технология деб аташади. Бу тушунча кенг маънода тўғри, лекин шу нарсани эсда сақлашимиз лозимки, ахборотлар тизимида “мижоз – сервер” тушунчаси маълумотларнинг қайта ишлашнинг функционал моделини билдиради. Умуман олганда, сервер ва мижозлар универсал эмас: тармоқли хизмат кўрсатишнинг ҳар бир тури ўз сервери ва мижозига эга. Масалан, поча серверлари ва мижозлари мавжуд, FTP – серверлар ва FTP - мижозлар.

Кўпинча сервер деб, серверли дастурларга эга бўлган компьютерларни ҳам айтишади. Шу нарсани эсда сақлаш лозимки, бир сервер - компьютерда бир неча сервер дастурлар иш олиб бориши мумкин.

Замонавий телекоммуникацияларнинг ривожланишида икки хил жараённи ажратиш мумкин: Бир томондан, тармоқли хизмат турлари аста секин Internet технологиялари билан қўшилиб кетмоқда.

Иккинчи томондан, Internet воситалари графикили технологиянинг таркиби бўлиб келмоқда.

Ҳозирда энг катта глобал ахборот тизими бу Internet тармоғидир. Ҳақиқатдан олганда, Internet аниқ бир ташкилий тузилишга эга эмас.

Internet тизими ҳукуматлар, илмий, тижорат ва нотижорат ташкилотлари ташаббуси билан ташкил этилган бир қанча мустақил компьютерлар тизимларини бирлашмасидан иборат.

Internet тарихини асримизнинг 60 йилларида АҚШ мудофаа вазирлигида ҳисоблаш тармоғининг – ARPAnet нинг пайдо бўлиши билан боғлашимиз мумкин. Бу тармоқ уруш вақтида ҳарбий операцияларни ҳамда мамлакатни бошқариш учун мўлжалланган бўлиб, унинг асосий концепцияси қўйидагидан иборат:

Тармоқдаги ҳар бир компьютер бир – биридан мустақил равишда мулоқатда бўлади, улар орасидаги алоқа мутлақо ишончсиз бўлиб, хоҳлаган пайтда бузилиши мумкин. (Мисол учун, бомбордимон қилинганда). Бунда, биринчидан, бутун бир тармоқнинг иш қобилияти сақланиб қолади, иккинчидан эса, соғ қолган компьютер бошқа бутун қолган алоқа каналлари орқали тармоққа уланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тармоқнинг ҳамма узеллари бир – биридан маълум даражада мустақил ишлаши керак.

Шундай қилиб, Internet нинг асосий принципи – бу тармоқдаги ҳар бир узел (компьютер)нинг шу узел билан бевосита боғлиқ бўлмаган тармоқ қисмларидағи бузилишлардан ҳамда нуқсонлардан мустақиллигидир.

Фойдаланувчининг нуқтаи назаридан қараганда, замонавий тармоқ – бу бир-бири билан алоқа каналлари орқали уланган йирик узелларнинг тўпламидан иборат. Ҳар бир узел – кўпинча UNIX операцион системаси бошқаруви остида ишловчи, битта ёки бир нечта қудратли сервер-компьютерлардир. Кўпинча бу компьютерларни бош компьютер ёки хост компьютер (англизча “хост” – хўжайин) деб аташади.

Бу узелни унинг эгаси бўлмиш провайдер деб аталувчи ташкилот бошқаради (ингл. “Provide” – таъминламоқ сўзидан олинган). Кўп ҳолларда алоҳида олинган тармоқнинг номи - бу унинг провайдерининг номи. Провайдерлар маълум бир турдаги хизматлар билан таъминлайдилар. Россиядаги кўп таниқли провайдерлардан бирига: GlasNet ни, Релкомни, Демосни, Sovam Teleport ни киритишимиз мумкин. Чет элдаги энг йирик провайдерлар бу – CompuServe ва Amerika - Online ҳисобланади. Провайдерларнинг даражаси, ихтисослиги ва бошқа омиллариға қараб, компанияларнинг хизмат турлари ва хизмат хақлари фарқланади.

Шундай қилиб Internet га уланиш дегани бу:

- Модемга эга бўлиш ва компьютерга уни улаш;
- Провайдер билан шартнома тузиб, у билан телефон тармоғи ёки алоҳида бошқа алоқа канали орқали мулоқот ўрнатиш демакдир;

Internet қандай ишлайди.

Баённомалар. Internet тармоғига турли хил аппарат платформаларида, маълумотлар форматларида, ҳар хил операцион системалар бошқаруви остида

ишловчи миллионлаб компьютерлар ва компьютерлар тармоқлари киради.

Бироқ ҳамма компьютерлар ахборот алмашиш пайтида маълумотни шакллантириш ва узатишнинг ягона келишувидан (баённомалардан) фойдаланишлари керак (Яъни ягона “интерфейсдан”).

Баённома – бу тармоқ абонентлари ўртасидаги ахборот алмашинуви усуулари хамда Internet маълумотларини шакллантириш қонун қоидалари ва форматлари тўғрисидаги келишувлар тўпламидан иборат.

Internet баённомаларининг икки хил турини ажратиш мумкин:

- **Базисли баённомалар.** Бу баённомалар компьютерлар ўртасидаги ихтиёрий турдаги электрон ахборотларнинг физик узатилишига жавоб беради (IP ва TCP). Бу баённомалар бир – бири билан кучли боғлиқ бўлганлиги учун, уларни кўпинча “TCP/ IP баённомаси” деб ҳам атashади.
- **Амалий баённомалар.** Бу баённомалар Internet нинг ихтисослашган хизматларининг ишлашини назорат қиласи (таъминлайди). Масалан: HTTP баённомаси (гипер матнли маълумотларни узатиш), FTP баённомаси (файлларни узатиш), электрон почта баённомалари ва бошқалар.

Амалий баённомалар базисли баённомалар “устида” жойлашади, агар TCP/IP ўрнатилмаган бўлса, сизнинг компьютерингиз тармоқда ишлай олмайди. Бироқ, амалий баённомаларининг маълум бир қисми компьютерингизда бўлмаслиги мумкин.

Internet нинг асосий хизмат турлари.

Бу ерда биз тармоқда фаолият кўрсатувчи асосий хизмат турларига қисқача тавсиф бериб ўтамиз. Кейинчалик тармоқнинг энг асосий хизмат тури бўлмиш халқаро ахборот тармоғи (WWW) ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Telnet. Бу термин билан мижознинг олисдаги сервер – компьютери билан алоқасини таъминловчи баённома ва дастурлар аталади. Алоқа ўрнатилгандан сўнг, олисдаги компьютернинг операцион системаси муҳитига тушади ва у ерда bemalol унинг дастури билан худди ўзининг - дастури билан ишлагандай ишлайверади.

FTP. (File Transfer Protokol – файлларни узатиш баённомаси). Олисдаги компьютерларнинг файллари ва дастурлари билан ишлашни таъминловчи дастур ва баённомалар шу термин билан аталади. FTP воситалари сервернинг файллари ва каталогларини кўриб чиқишга ҳамда бир каталогдан бошқа каталогга ўтишга, нусха олиш ва файлларнинг Internet Explorer муҳитида ишлашини кўриб чиқамиз.

Gopher. Бу сўз инглизча сўз бўлиб “ковламоқ” деган маънони билдиради. Gopher – бу FTP га нисбатан тараққий этган қидириш ва ахборотларни чиқариб олиш воситалари билан таъминловчи баённома ва дастурлари киради. Gopher баённомалари замонавий навигатор – дастурларида қўлланилади.

Archie. Internet узелларида FTP – сервер таркиби тўғрисидаги қидирилган ахборотларни йигувчи ва сақловчи маҳсус серверлар шундай аталади. Агар ўзимиз биладиган файлни қидираётган бўлсак у ҳолда мижоз Archie ни ишга туширамиз ва у бизга FTP сервердаги мос адресни кўрсатади.

WAIS Wide Area Information Servers – бу тармоқлардаги маълумотлар

базаси ва кутубхоналарда ахборот қидирувини амалга оширувчи тақсимланган ахборот тизимиdir. Хусусан, WAIS Internet даги тузилишига келтирилмаган ҳужжатларни индекслаштириш ва уларда қидирувчи ташкил этиш қўлланилади.

E - mail. Бу электрон почтанинг инглизча белгиланиши бўлиб, у орқали - ҳамма қитъаларда яшовчи инсонлар бир-бири билан электрон (маълумотлар) хабарлар ва файллар билан алмашишади.

Usenet. Usenet тизими – телеконференциялар, янгиликлар гурухи. Электрон почтадан фарқли равишда, Usenet мижоз хабарларини индивидуал адресат бўйича эмас, балки абонентлар гурухига (телеконференцияларга) юборади. Шу конференция иштирокчилари бирор бир саволни ҳал қилишда тенг ҳуқуқга эга. Ҳар бир конференция ўз адресига эга ва бирор бир мавзуга тегишли (фанга, маданиятга, спортга ва бошқалар) бўлади. Шу билан бирга муҳокама қилинадиган саволлар турлича бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга кўра, 10000 дан ортиқ телеконференциялар Internetда мавжуд. Windows 95 бошқаруви остидаги телеконференциялар билан ишлаш учун Internet Explorer 6.0 навигатори таркибий қисмига кирувчи Internet News қўшимчасини ишлатиш мумкин.

IRC – Буни телеконференцияларнинг турларидан бири деб ҳисобласа бўлади. (Internet Relay Chat). IRC–сервер ва IRC – мижоз ёрдамида клавиатура орқали жумлаларни териб, фойдаланувчилар бир- бирлари билан “виртуал” мулоқат олиб боришади.

Internet - телефония. Ҳозирги пайтда тармоқнинг янги тури - Internet – телефония тезда ривожланиб бормоқда. Бунда фойдаланувчилар Internet тармоғи орқали телефонлашишадилар.

6.3 Internetning афзалликлари ва камчиликлари. Internet тармоғида ишлаш

Кибер фаза ва виртуал ҳақиқат кенг тарқалган тушунчалар Internet тармоғи билан боғлиқ. Кибер фаза деб, компьютерли коммуникациялар тизими ва ахборотлар оқимининг бутун тўпламига айтилади. Виртуал ҳақиқат деб, компьютерли технология ёрдамида экрандаги яратилган реал обьектлар ва турли хил хусусиятларга эга жараёнлар образига (инсонлар, мусиқа ускунали нарсалар, станоклар, адабий асарлар ва бошқалар) билан худди ҳақиқий нарсалар каби ишлаш мумкин .

Бизнинг ҳаётимизга аста секин кириб келаётган киберфаза ва виртуал ҳақиқат, бизни бутун инсониятнинг ахборот ресурсларига умумлаштиради, дунёқарашимизни кенгайтиради ва ҳаёт тарзимизни ўзгартиради.

Шуни эсимиздан чиқармаслигимиз керакки, ахборотли технологиялар (шу жумладан Internet ҳам) инсон томонидан яратилган ахборотларни йиғиши, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг янги усули ҳисобланади холос. Фан техниканинг бошқа ютуқлари каби Internet ҳам жамиятнинг кўпгина масалаларини ҳал қиласи ва иш билан бирга янги муоммоларни келтириб чиқаради[24,25].

Кўпгина руҳшунослар комьютерларнинг, ўйинлар ва коммуникацияларнинг инсон руҳиятига, интеллектуал ривожланишига ва хулқ

авторини салбий таъсир этишини таъкидлашмоқда. Тармоқнинг энг муҳим томони шундаки, у инсонларни бир бирига яқинлаштирувчи, уларни ўйлашга мажбур этувчи, шериги олдида маъсулиятини ушлашга ундовчи, жонли мулоқотни инсон ҳаётидан сиқиб чиқармоқда. Тармоқда яхши ва фойдали ахборотлардан ташқари инсонни чалғитувчи бўлмогур ва керак бўлмаган маълумотлар ҳам бўлади.

Microsoft Internet Explorer.

Бу ерда биз Internet Explorerгенинг муҳим вазифаларини кўриб чиқамиз:

- Тармоқда ахборотларни қидириш ва навигация;
- Web саҳифаларни ва файлларни хотирага олиш ва печать.
- Электрон почтага жизмат кўрсатиш.

Microsoft Internet Explorerгенинг қайта ишлаш обьекти бўлиб, Internet тармоғи ресурси ҳисобланади, масалан, Web – саҳифа ёки FTP каталоги. Оддий фойдаланувчи эса бу обьектлар устидан стандарт операцияларни бажаради:

- адреси бўйича саҳифаларни очиш ва ўқиш, каталогларни кўриб чиқиш;
- Internet саҳифаларини қидириш;
- Саҳифаларни хотирага сақлаб қўйиш ва чоп этиш, Internet серверларидан танлаб олинган файлларни ўзининг компьютерига нусхасини кўчириш.

Word ва Excel дастурларидан фарқли равишда, навигатор, фойдаланувчининг нуқтаи назарида, оддий вазифаларни бажаради. Агар MS Word билан ўхшатиш қиласиган бўлсак, навигаторнинг вазифасига очиш, топиш, бир жойдан иккинчи жойга ўтиш, хотирага сақлаш, нусхасини олиш каби бўйруқларни бажаришимиз мумкин.

Тўғри, Internet Explorer хам ўзига хос операцияни бажаради: Электрон почта ва янгиликлар гуруҳи билан ишловчи, Internet Mail ва Interent Newsni ишга туширади.

Бундан ташқари, замонавий навигаторлар, маълум бир шароитлар туғилганда, мижозларга HTML ёрдамида ўзларининг Web саҳифаларини яратишга ёрдам беради.

Мультимедия Web- саҳифаларини тайёрлаш учун инструментал воситалар хам мавжуд. Бу воситалар билан Web- мастерлар (Web – дизайнерлар) фойдаланишади.

Шундай қилиб, биз WWW гиперматни ахборот тизими ва у билан боғлиқ бўлган Internet хизмати турларини системали ўрганишга киришамиз. Бу ва кейинги мавзуда асосий тушунчалар булган Web- саҳифаси, гиперматн, сайт, ссылка (жўнатма), ресурс ва ресурсларига қисқача изоҳ бериб ўтамиш .

Айрим тушунчалар (масалан сайт) фойдаланувчи нуқтаи назарида яқинлаштирилиб шакллантирилган. Internet технологиялари ва бизнинг тармоқ тўғрисидаги қарашларимиз тез ривожланиб бормоқда, шу билан бирга тармоқ механизмининг вазифаси ўзгармоқда, янги тушунчалар пайдо бўлмоқда.

WWW нинг асосий тузилиш элементи - бу Web – саҳифа. Web – саҳифа – бу ўзида матнли ва ёки графикили ахборотни, ҳамда Internetнинг бошқа

хужжатларга бўлган жўнатмаларини (бу жўнатмалар Web – саҳифаларда бўлиши шарт эмас) мужассамлаштирилган WWW хужжати.

Физик нуқтаи назардан қараганда, Web – бу .HTM ва .HTML кенгайтмаларига эга бўлган, HTML тили воситалари ёрдамида форматлаштирилган файл. Web – саҳифалардаги график объектлар- бу .GIF ва .JPG форматдаги файллардир.

Шуни эсда сақлаш лозимки, Web – саҳифа Internet саҳифаларининг хусусий кўринишларидан бири. Web-саҳифа гиперматнли хужжат хисобланади.

Гиперматн - бу одатдаги матнли ва графикли ахборотлар билан бир қаторда, бошқа хужжатларга бўлган жўнатмаларни ўзида мужассамлаштирган хужжат (Бу хужжатлар берилган хужжатнинг матнли қисмига ёки графикли обьектига ўрнатилган бўлади).

Windows иловасининг маълумотнома саҳифалари ҳам гиперматн тўплами хисобланади. Бу саҳифалар Internet саҳифалари каби ташкил этилган: жўнатмалар ости чизилган ёки ранг билан ажратилган, сичқонча кўрсаткичи эса жўнатмага келтирилганда “кўрсаткич тармоғи кўрсатилган қўл” шаклини олади.

Web – саҳифаси жўнатмасига фойдаланувчи учун кўринмас бўлган URL форматидаги хужжат (документ) адреси кўрсатилади. Жўнатма кўрсатаётган хужжатга ўтиш учун сичқончанинг чап тутмачасини босиш етарли. Web – саҳифалар гуруҳи сайтни ташкил этади.

Сайт бу Web – серверда жойлаштирилган (қандайдир бирор Web-серверда) ва хусусий шахс ёки корхонага тегишли бўлган Web – саҳифалар тўплами. Битта Web – серверда бир нечта сайт жойлашиши мумкин. Айрим ҳолларда сайт деб, FTP- сервердаги шахс ёки ташкилотнинг католог остисини (подкаталог) аташади.

Internet Explorerning ойнаси.

Internet Explorer Пуск менюсининг Программы пункти ёрдамида ёки



дастур учун мөлжалланган ёрлик ёрдамида ишга туширилади. Internet Explorer нинг (очик хужжат билан) ойнаси қуидаги расмда берилган:

Дастур сарлавҳаси

Меню қатори

Ускуналар панели



Бу расмда ойнанинг стандарт элементларини кўришимиз мумкин.

Булар:

- Сарлавҳа;
- Меню қатори;
- Ускуналар панели;
- Ҳолат сатри;

Инструментлар панели остида адреслар рөйхати ва жүнатмалар панели жойлашган.

Адрес деб ёзилған жойида URL форматидаги жорий саҳифанинг адреси күрсатыб турилади (Адрес сүзи ёнидаги очиқ майдонни энди адрес майдони деб атайды). Шу нарсаны нарсаны таъкидлаб сөтишимиз керакки, менюдаги буйруклар, тугмачалар ва ёзувларнинг хилма – хиллигига қарамай Internet Explorer ойнасида оддий функцияларнинг икки хил гурухини фарқлашимиз мүмкін:

1. Internetда навигация (бирор бир саҳифага сөтиш);
2. Ёрдамчи функциялар (бу функциялар навигация жараёнiga хизмат күрсатышади).

Бизнинг классификациямизга мувофиқ, Internet Explorer бир ойнали илова ҳисобланади бироқ биз унинг ойнасининг бир неча нұсқасини олишимиз мүмкін. [Файл –Создать окно]

БРАУЗЕРЛАР

Internet ресурсларини адреслаш.

Internet ресурслари деб, серверларни, сайтларни, саҳифаларни, каталогларни, файлларни ҳисобласақ бўлади.

Internet ресурсларини адреслаш учун – URL дан (ресурсларни унификацияланган кўрсаткичлари) фойдаланилади.

URLнинг умумий формати:

< баённома > : // < сервер > < локал адрес >

Баённома сифатида кўпинча http, ftp, gopher (кўрсатилади) олинади. Локал адрес сифатида эса ё саҳифагача бўлган йулни (http учун) ё файлгача бўлган йўл (ftp учун) кўрсатилади. Агар аниқ бир саҳифага йўл кўрсатилган бўлмаса, у ҳолда сайт ёки Web сервернинг бошланғич саҳифаси тушунилади. Агар файлга йўл кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда FTP – сервернинг илдиз каталоги тушунилади. WWW билан ишлаш учун маҳсус броузерлар ишлаб чиқилган. M: Internet Explorer, Netscape Navigator, Оperalар.

Тармоқда қатъий адреслашга мисол келтирамиз (файл аниқлигида):

http://WWW.sirena.ru/ info / job.htm.

ftp://ftp. Citfprum.ru / pub / bach.zip

URL форматдаги адреслар тармоқ навигациясида аниқ кўрсатилади ҳамда улар Web-саҳифаларининг гиперматни жўнатмаларига ўрнатилади.

Web- саҳифалар, сайтлар ва Web серверлар ҳаммаси бир бутун бўлиб, халкаро ахборот тармоғини (www) ташкил этади.



Юқоридаги расмда Internet Explorer 6.0 , браузери ёрдамида www.rambler.ru сайт адреси берилған ва адрес билан ишлаш бош саҳифаси экранга чиқади

Электрон почта имкониятлари

Internetда қиди्रув. Умумий қоидалар.

Internetдаги “Халкар ахборот тармоғи” (WWW) – бирор бир тузулишга келтирилмаган матнли (Шу жумладан, графики, аудио ва видео) ахборотлардан ташкил топған, миллионлаб ҳужжатлар киради. Керакли ахборотларни топиш учун юзлаб Web – саҳифаларни күриб чиқишига түғри келади. Бунда қанчадан қанча күч ва асаблар сарфланади.

Асримизнинг 90 – йилларидан бошлаб, Interent нинг маълумот берувчи хизматлари ривожлана бошланди. Бу хизматлар фойдаланувчига керакли бўлган ахборотни топишга ёрдам берарди. Бу хизматларни иккига бўлиш мумкин: универсал ва ихтисослашган.

Универсал хизматларда ҳужжатларни қидиришниниг одатдаги принципи қўлланилади. “Асосий” сўзлар ёрдамида қидиришнинг маъноси шундан иборатки, ҳужжатларни “Асосий” сўзи деб, берилған ҳужжатларнинг мазмунини акс эттирувчи сўзга ёки сўз бирикмасига айтилади. Масалан, дастурлаш характеристидаги адабиётларга хос “Асосий”сулар бу “шартли утиш”, “Макро буйруқ”, “Узилишларни қайта ишлаш ” ва ҳоказо.


Универсал қидирув хизмати – бу қуидаги вазифаларни бажарувчи, құдратли дастурлар ва дастурлар йиғиндисидан иборат:

1. Махсус дастур мавжуд бўлиб, у WWWни тинимсиз кўриб чиқади ва улар орасида сўзларни танлаб олиб, индексларнинг маълумотлар базасини тушиб чиқади. Бу базага ҳужжатларнинг “Асосий”сўзлари ва адреслари киритилади. (Эслатиб ўтишимиз керакки, индекс – бу “Асосий” сўзлар бўйича тартибга солинган кўрсаткичлар тўплами). Web – сервер фойдаланувчи томонидан қидирув учун буйруқ олади, уни қайта ишлайди ва махсус дастур – қидирув машинасига узатади.
2. Қидирув машинаси индексларнинг маълумотлар базасини кўриб чиқади ва буйруқ шартларига мос келувчи саҳифалар рўйхатини тузади ва Web сер - верга қайтариб беради.
3. Web – сервер натижаларни фойдаланувчи учун қулай бўлган шаклга келтириб, мижоз машинага узатади.

Машхур ва құдратли қидирув тизимлари орасида: Alta Vista (WWW. Alta-

vista.com), Infoseek (WWW. infoseek.com), Lycos (WWW.lycos.com) ва бошқаларни кўришимиз мумкин.

Агар сиз қидирув олиб бормоқчи бўлсангиз маълум қидирув серверини адресини киритиб (www.google.uz, www.rambler.ru, www.altavista.ru, www.yandex.ru), қидирув майдонига асосий суз матнини киритинг ва Найти буйругини кўрсатинг.



Қидирувда қўйидаги келишувлар ишлаб чиқилган.

1. Агар буюртма сўзи битта бўлса, у ҳолда шу сўз бор бўлган сахифалар танлаб олинади. Агар сўз бир неча бўлса, сўзлар орасида пробел кўрсатилиб ёзилади. М: Амалий механика ҳакида ахборотларни кўрмоқчисиз. У ҳолда ё «амалий» ё «механика» ёки иккала сўз бор бўлган сахифалар танлаб олинади.
2. Агар буюртма сўзи бир неча сўздан ташкил топган бўлса, у ҳолда сўзлар қосетирноқ ичидаги ёзилади. Бу сўзлар бир бутун сўз сифатида қабул қилиниб ва шу сўз бирикмаси мавжуд бўлган хужжатлар рўйхатини кўрсатади. М: “Амалий механика”.
3. “+” белгиси. Агар сўзлар орасига + белгиси кўрсатилиб, қидирув берилса, у ҳолда шу сўзлар мавжуд бўлган хужжатлар рўйхати кўрсатилади. Бу сўзлар хужжатнинг турли бурчакларида жойлашган бўлиши мумкин. М: Амалий + механика

Ихтисослаштирилган хизматлар – у ёки бу мавзу бўйича сервер адреслари туғрисидаги маълумотларни ўзида мужассамлаштирган мавзули каталоглар ҳисобланади.

Универсал базалардан фарқли равишда мавзули каталоглар мутахассислар томонидан тузилади ва у фойдаланувчини ишончли ахборот билан таъминлайди. Ундан ташқари, Internet сайтлари шахсий қидирув механизмига эга. Биринчидан бу контекст қидирув механизми, ҳамда фамилиялар бўйича ихтисослаштирилган қидирув. (Шу жумладан: товарлар бўйича, фирмалар бўйича ва ҳоказо).

Электрон почта.

Почта тизимларининг сони жуда ҳам кўп бўлиб, улардан энг кўп тарқалган, электрон почта билан ишлайдиган Windows иловаларига (приложение) Internet Mail ни (MS Internet Explorer 3.0 таркибидаги) Outlook Explorer ни (MS Internet Explorer 6.0 таркибидаги), (Novell компаниясининг) GroupWise ни, (Qualcomm компаниясининг) Eudora Proni киритишингиз мумкин. Internet Mail мисолида электрон почта билан ишлашни кўриб чиқамиз.

Internet Mail дастурининг хужжатини (қайта ишлаш объектини, электрон хатни) хабар деб атамиз. Хабар: сарлавҳа, хат матнидан ва киритилган (кўшиб кўйилган) файлдан ташкил топган бўлади.

Сарлавҳа қисмида хизмат ахборотларидан ташқари қўйидаги кўрсаткичлар


мавжуд:

- 1) Юборувчининг адреси *OT*: (*Кимдан*) : (*From*:));
- 2) *Дата*: (*Date*:);
- 3) Қабул қилиб олувчининг адреси *Кому*: (*Кимга* : (*To*:));
- 4) Хабар мавзуси *Тема*: (*Мавзу*: (*Subjekt*:)).

Электрон почтадаги адрес тармоқ компьютерининг символик адресига ўхшаш:

<Фойдаланувчининг исми> @ <Доменли ном>

Масалан, glasnet.ru узелининг абоненти қуидаги адресга эга бўлиши мумкин:
ivanov@glasnet.ru



Юқоридаги расмда электрон почта адреси умумий көриниши қёйидагича ёзилади: Utkir_M@rambler.ru. Электрон почта адреси пароли ‘ * ’ (юлдузча) көринишда ёзилади.

Юборувчи қабул қилиб олувчининг адресини ва хат мавзусини кўрсатиши керак. (Умуман олганда, хат мавзусини ёзмаса ҳам бўлади, лекин эҳтиёт қоидалари буни талаб этади).

Қолган кўрсаткичларни почта дастурлари тўлдириб кўяди. Ҳар хил почта дастурларида, ҳар хил изохларда инглизча “ Attach ” атамасининг (хабарга файлни қўшиб қўйиш) беш хил таржимаси берилган. Булар: қўшиб қўйиш (присоединить), маҳкамлаб қўйиш (прикрепить), киритиб қўйиш (вложить), қўйиш (вставить), боғлаб қўйиш (связать). Биз “ киритиб қўйиш ” атамасидан фойдаланамиз.

6 -боб бўйича хуносалар

Тармоқдаги ҳар бир компьютер бир – биридан мустақил равишда мулоқатда бўлади, улар орасидаги алоқа мутлақо ишончсиз бўлиб, хоҳлаган пайтда бузилиши мумкин. Бунда, биринчидан, бутун бир тармоқнинг иш қобилияти сақланиб қолади, иккинчидан эса, соғ қолган компьютер бошқа бутун қолган алоқа каналлари орқали тармоққа уланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, тармоқнинг ҳамма узеллари бир – биридан маълум даражада мустақил ишлиши керак.

Шундай қилиб, Internet нинг асосий принципи – бу тармоқдаги ҳар бир узел (компьютер)нинг шу узел билан бевосита боғлиқ бўлмаган тармоқ қисмларидағи бузилишлардан ҳамда нуқсонлардан мустақиллигидир.

Web – сахифаси жўнатмасига фойдаланувчи учун кўринмас бўлган URL форматидаги хужжат (документ) адреси кўрсатилади. Жўнатма кўрсатаётган хужжатга ўтиш учун сичқончанинг чап тутмачасини босиш етарли. Web – сахифалар гуруҳи сайтни ташкил этади.

Сайт бу Web – серверда жойлаштирилган (қандайдир бирор Web-серверда) ва хусусий шахс ёки корхонага тегишли бўлган Web – сахифалар тўплами. бўлиб, битта Web – серверда бир нечта сайт жойлашиши мумкин экан.

7 -БОБ Компьютер тизимларининг ахборот хавфсизлиги

7.1 Замонавий ахборот жамиятида ахборот хавфсизлиги

Мамлакатимиз миллий иқтисодининг ҳеч бир тармоғи самарали ва мўътадил ташкил қилинган ахборот инфратузилмасисиз фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Ҳозирги кунда миллий ахборот ресурслари ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятини ташкил қилувчи омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ресурсдан самарали фойдаланиш мамлакат хавфсизлигини ва демократик ахборотлашган жамиятни муваффақиятли шакллантиришни таъминлайди. Бундай жамиятда ахборот алмашуви тезлиги юксалади, ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш бўйича илғор ахборот-коммуникациялар технолопштарини қўллаш кенгаяди.

Турли хилдаги ахборот худудий жойлашишидан қатъий назар бизнинг кундалик ҳаётимизга Internet ҳалқаро компьютер тармоғи орқали кириб келди. Ахборотлашган жамият ушбу компьютер тармоғи орқали тезлик билан шаклланиб бормоқда. Ахборот дунёсига саёҳат қилишда давлат чегаралари деган тушунча йўқолиб бормоқда. Жаҳон компьютер тармоғи давлат бошқарувини тубдан ўзгартироқда, яъни давлат ахборотнинг тарқалиши механизмини бошқара олмай қолмоқда[31,33,34].


Шунинг учун ҳам мавжуд ахборотга ноконуний кириш, улардан фойдланиш ва йўқотиш каби муаммолар долзарб бўлиб қолди. Буларнинг бари шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлиги даражасининг пасайишига олиб келмоқда. Давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий ва ажратмас қисми бўлиб, ахборот ҳимояси эса давлатнинг бирламчи приоритет масалаларига айланмоқда.

Ҳозирги кунда хавфсизликнинг бир қанча йўналишларини қайд этиш мумкин.

Ахборотнинг муҳимлик даражаси қадим замонлардан маълум. Шунинг учун ҳам қадимда ахборотни ҳимоялаш учун турли хил усувлар қўлланилган. Улардан бири — сирли ёзувдир. Ундаги хабарни хабар юборилган манзил эгасидан бошқа шахс ўқий олмаган. Асрлар давомида бу санъат — сирли ёзув жамиятнинг юқори табақалари, давлатнинг элчихона резиденциялари ва разведка миссияларидан ташқарига чиқмаган. Фақат бир неча ўн йил олдин ҳамма нарса тубдан ўзгарди, яъни ахборот ўз қийматига эга бўлди ва кенг тарқаладиган маҳсулотга айланди. Уни эндиликда ишлаб чиқарадилар, сақлайдилар, узатишади, сотадилар ва сотиб оладилар. Булардан ташқари уни ўғирлайдилар, бузиб талқин этадилар ва сохталаштирадилар.

Шундай қилиб, ахборотни ҳимоялаш зарурияти туғилади. Ахборотни қайта ишлаш саноатининг пайдо бўлиши ахборотни ҳимоялаш саноатининг пайдо бўлишига олиб келади.

Автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборот ўзининг ҳаётий даврига эга бўлади. Бу давр уни яратиш, ундан фойдаланиш ва керак бўлмаганда йўқотишдан иборатдир (7.1-расм.). Ахборот ҳаётий даврининг ҳар бир босқичида уларнинг ҳимояланганлик даражаси турлича баҳоланади.



7.1-расм. Ахборотнинг ҳаётгий даври

Махфий ва қимматбаҳо ахборотга рухсатсиз киришдан химоялаш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Компьютер эгалари ва фойдаланувчиларнинг мулкий ҳуқуқларини химоялаш — бу ишлаб чиқарилаётган ахборотни жиддий иқтисодий ва бошқа моддий ҳамда номоддий зарарлар келтириши мумкин бўлган турли киришлар ва ўғирлашлардан химоялашдир.

Ахборот хавфсизлиги деб маълумотларни йўқотиши ва ўзгартиришга йуналтирилган табиий ёки сунъий хоссали тасодифий ва қасдан таъсирлардан ҳар қандай ташувчиларда ахборотнинг химояланганлигига айтилади.

Илгариги хавф фақатгина конфиденциал (махфий) хабарлар ва ҳужжатларни ўғирлаш ёки нусха олишдан иборат бўлса, ҳозирги пайтдаги хавф эса компьютер маълумотлари тўплами, электрон маълумотлар, электрон массивлардан уларнинг эгасидан рухсат олмасдан фойдаланишдир. Булардан ташқари, бу харакатлардан моддий фойда олишга интилиш ҳам ривожланди.

Ахборотнинг химояси деб бошқариш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ахборот хавфсизлигини таъминловчи ва ташкилот ахборот захираларининг яхлитлилиги, ишончлилиги, фойдаланиш осонлиги ва махфийлигини таъминловчи қатый регламентланган динамик технологик жараёнга айтилади.

Ахборотнинг эгасига, фойдаланувчисига ва бошқа шахсга зарар етказмоқчи бўлган ноҳукуқий муомаладан ҳар қандай ҳужжатлаштирилган, яъни идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот химояланиши керак.

Ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан ахборотни қўйидагича туркумлаш мумкин:

- махфийлик — аниқ бир ахборотга фақат тегишли шахслар доирасигина кириши мумкинлиги, яъни фойдаланилиши қонуний хужжатларга мувофиқ чеклаб қўйилиб, хужжатлаштирилганлиги кафолати. Бу банднинг бузилиши ўғирлик ёки ахборотни ошкор қилиш, дейилади;
- конфиденциаллик — ишончлилиги, тарқатилиши мумкин эмаслиги, махфийлиги кафолати;
- яхлитлик — ахборот бошлангич кўринишда эканлиги, яъни уни сақлаш ва узатишида рухсат этилмаган ўзгаришлар қилинмаганлиги кафолати. Бу банднинг бузилиши ахборотни сохталаштириш дейилади;
- аутентификация — ахборот захираси эгаси деб эълон қилинган шахс ҳақиқатан ҳам ахборотнинг эгаси эканлигига бериладиган кафолат. Бу банднинг бузилиши хабар муаллифини сохталаштириш дейилади;
- apelляция қилишлик — етарлича мураккаб категория, лекин электрон бизнесда кенг кўлланилади. Керак бўлганда хабарнинг муаллифи кимлигини исботлаш мумкинлиги кафолати.

Юқоридагидек, ахборот тизимиға нисбатан қуйидагача таснифни келтириш мумкин:

- ишончлилик — тизим меъёрий ва ғайри табиий ҳолларда режалаштириганидек ўзини тутишлик кафолати;
- аниқлилик — ҳамма бўйруқларни аниқ ва тўлиқ бажариш кафолати;
- тизимга киришни назорат қилиш — турли шахс гурухлари ахборот манбаларига ҳар хил киришга эгалиги ва бундай киришга чеклашлар доим бажарилишлик кафолати;
- назорат қилиниши — исталган пайтда дастур мажмуасининг хоҳлаган қисмини тўлиқ текшириш мумкинлиги кафолати;
- идентификациялашни назорат қилиш — ҳозир тизимга уланган мижоз аниқ ўзини ким деб атаган бўлса, аниқ ўша эканлигининг кафолати;
- қасдан бузилишларга тўсқинлик — олдиндан келишилган меъёрлар чегарасида қасдан хато киритилган маълумотларга нисбатан тизимнинг олдиндан келишилган ҳолда ўзини тутиши.


Ахборотни ҳимоялашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- ахборотнинг келишувсиз чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, ўзгартирилиши, сохталаштирилишларнинг олдини олиш;
- шахс, жамият, давлат хавфсизлигига бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш;
- ахборотни йўқ қилиш, ўзгартириш, сохталаштириш, нусха кўчириш, тўсиқлаш бўйича рухсат этилмаган ҳаракатларнинг олдини олиш;
- хужжатлаштирилган ахборотнинг микдори сифатида ҳуқукий тартибини таъминловчи, ахборот захираси ва ахборот тизимиға ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг кўринишларининг олдини олиш;
- ахборот тизимида мавжуд бўлган шахсий маълумотларнинг шахсий махфийлигини ва конфиденциаллигини сақловчи фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоялаш;
- давлат сирини, қонунчиликка мос ҳужжатлаштирилган ахборотнинг

конфиденциаллигини сақлаш;

- ахборот тизимлари, технологиялари ва уларни таъминловчи воситаларни яратиш, ишлаб чиқиши ва қўллашда субъектларнинг хуқуқларини таъминлаш. Илмий ва амалий текширишлар натижаларини умумлаштириш натижасида ахборотга нисбатан хавф-хатарларни кўйидагича таснифлаш мумкин (7.2-расм).

Хавфсизлик сиёсатининг энг асосий вазифаларидан бири ҳимоя тизимида потенциал хавфли жойларни қидириб топиш ва уларни бартараф этиш хисобланади.



7.2-расм. Ахборотга бўлган хавф-хатарлар тавсифи

Ахборотни ҳимояловчи инструментал воситалар деганда дастурлаш, дастурий-аппаратли ва аппаратли воситалар тушунилади. Уларнинг функционал тўлдирилиши хавфсизлик хизматлари олдига қўйилган ахборотларни ҳимоялаш масалаларини ечишда самаралидир. Ҳозирги кунда тармоқ хавфсизлигини назорат қилиш техник воситаларининг жуда кенг спектри ишлаб чиқарилган.

7.2 Ахборотни ҳимоялаш тизимлари

Ахборот-коммуникациялар технологияларининг оммавий равища қоғозсиз автоматлаштирилган асосда бошқарилиши сабабли ахборот хавфсизлигини таъминлаш мураккаблашиб ва муҳимлашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборотни ҳимоялашнинг янги замонавий технологияси пайдо бўлмоқда, DataQuest компаниясининг маълумотига кўра, 1996-2000 йилларда ахборот ҳимояси воситаларининг сотувдаги ҳажми 13 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган.

Ахборотнинг заиф томонларини камайтирувчи ва ахборотга рухсат этилмаган киришга, унинг чиқиб кетишига ва йуқолишига тўсқинлик қилувчи ташкилий, техник, дастурий, технологик ва бошқа восита, усул ва чораларнинг комплекси — ахборотни ҳимоялаш тизими дейилади[33,34].

Ахборот эгалари ҳамда ваколатли давлат органлари шахсан ахборотнинг қимматлилиги, унинг йўқотилишидан келадиган зарар ва ҳимоялаш механизмининг нархидан келиб чиқсан ҳолда ахборотни ҳимоялашнинг зарурий даражаси ҳамда тизимнинг турини, ҳимоялаш усувлар ва воситаларини аниқлашлари зарур. Ахборотнинг қимматлилиги ва талаб қилинадиган ҳимоянинг ишончлилиги бир-бiri билан бевосита боғлиқ.

Ҳимоялаш тизими узлуксиз, режали, марказлаштирилган, мақсадли, аниқ, ишончли, комплексли, осон мукаммалаштириладиган ва кўриниши тез ўзгартириладиган бўлиши керак. У одатда барча экстремал шароитларда самарали бўлиши зарур.

Ахборот ҳажми кичик бўлган ташкилотларда ахборотни ҳимоялашда оддий усувларни қўллаш мақсадга мувофиқ ва самаралидир. Масалан, ўқиладиган қимматбаҳо қоғозларни ва электрон хужжатларни алоҳида гуруҳларга ажратиш ва ниқоблаш, ушбу хужжатлар билан ишлайдиган ходимни тайинлаш ва ўргатиш, бинони қўриқлашни ташкил этиш, хизматчиларга қимматли ахборотни тарқатмаслик мажбуриятини юклаш, ташқаридан келувчилар устидан назорат қилиш, компьютерни ҳимоялашнинг энг оддий усувларини қўллаш ва ҳоказо. Одатда, ҳимоялашнинг энг оддий усувларини қўллаш сезиларли самара беради.

Мураккаб таркибли, кўп сонли автоматлаштирилган ахборот тизими ва ахборот ҳажми катта бўлган ташкилотдарда ахборотни ҳимоялаш учун ҳимоялашнинг мажмуали тизими ташкил қилинади. Лекин ушбу усул ҳамда ҳимоялашнинг оддий усувлари хизматчиларнинг ишига ҳаддан ташқари халақит бермаслиги керак.

Ҳимоя тизимининг ташкилий, мұхандис-техник комплекслилигига унда ҳуқуқий, ва дастурий-математик элементларнинг мавжудлиги билан эришилади.

Аниқ тизимни кўп турли элементлардан иборат, деб тасаввур қилиш мумкин. Тизим элементларининг мазмуни нафақат унинг ўзига хослигини, балки ахборотнинг қимматлилигини ва тизимнинг қийматини ҳисобга олган ҳолда белгиланган ҳимоя даражасини аниқлайди.

Ахборотни ҳуқуқий ҳимоялаш элементи ҳимоялаш чораларининг ҳақли эканлиги маъносида ташкилот ва давлатларнинг ўзаро муносабатларини

юридик мустаҳкамлаш ҳамда персоналнинг ташкилот қимматли ахборотини ҳимоялаш тартибига риоя қилиши ва ушбу тартибнинг бузилишида жавобгарлиги тасаввур қилинади.


Ҳимоялаш технологияси персонални ташкилотнинг қимматли ахборотини ҳимоялаш қоидаларига риоя қилишга ундовчи бошқариш ва чеклаш характерига эга бўлган чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Ташкішӣ ҳимоялаш элементи бошқа барча элементларни ягона тизимга боғловчи омил бўлиб ҳисобланади. Кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, ахборотни ҳимоялаш тизимлари таркибида ташкилий ҳимоялаш 50-60 % ни ташкил қиласди. Бу ҳол кўп омилларга боғлиқ, жумладан, ахборотни ташкилий ҳимоялашнинг асосий томони амалда ҳимоялашнинг принципи ва усулларини бажарувчи персонални танлаш, жойлаштириш ва ўргатиш ҳисобланади.

Ахборотни ҳимоялашнинг ташкилий чора-тадбирлари ташкилот хавфсизлиги хизматининг меъёрий услубий хужжатларида ўз аксини топади. Шу муносабат билан кўп ҳолларла юқорида қўрилган тизим элементларининг ягона номи — ахборотни ташкилий-хуқуқий ҳимоялаш элементини ишлатадилар. Ахборотни техник ҳимоялаш элементи — техник воситалар комплекси ёрдамида ҳудуд, бино ва қурилмаларни қўриқлашни ташкил қилиш ҳамда техник текшириш воситаларига қарши суст ва фаол кураш учун мўлжалланган. Техник ҳимоялаш воситаларининг нархи баланд бўлсада, ахборот тизимини ҳимоялашда бу элемент муҳим аҳамиятга эга.

Ахборотни ҳимоялашнинг дастурий-математик элементи компьютер, локал тармоқ ва турли ахборот тизимларида қайта ишланадиган ва сакланадиган қимматли ахборотни ҳимоялаш учун мўлжалланган.

Компьютер тизими (тармоғи)га зиён етказиши мумкин бўлган шароит, ҳаракат ва жараёнлар компьютер тизими (тармоғи) учун хавф-хатарлар, деб ҳисобланади. Автоматлаштирилган ахборот тизимларига тасодифий таъсир кўрсатиш сабаблари таркибиға қуйидагилар киради (7.3-расм).



7.3-расм. Автоматлаштирилган ахборот тизимларига тасодифий таъсир кўрсатиш сабаблари

Маълумки, компьютер тизим (тармоғининг асосий компонентлари — техник воситалар, дастурый-математик таъминот ва маълумотлардир.

Назарий томондан бу компонентларга нисбатан тўрт турдаги хавфлар мавжуд, яъни узилиш, тутиб қолиш, ўзгартириш ва сохталаштириш.

Узилиш — ташқи ҳаракатлар (ишлар, жараёнлар)ни бажариш учун ҳозирги шиларни вақтинча марказий процессор қурилмаси ёрдамида тўхтатиши, уларни бажаргандан сўнг процессор олдинги ҳолатга қайтади ва тўхтатиб қўйилган ишни давом эттиради. Ҳар бир узилиш тартиб рақамига эга, унга асосан марказий процессор қурилмаси қайта ишлаш учун қисм-дастурни қидириб топади. Процессорлар икки турдаги узилишлар билан ишлашни вужудга келтириши мумкин: дастурый ва техник. Бирор қурилма фавқулодда хизмат кўрсатилишига муҳтож бўлса, унда техник узилиш пайдо бўлади. Одатда бундай узилиш марказий процессор учун кутилмаган ҳодисадир. Дастурый узилишлар асосий дастурлар ичида процессорнинг маҳсус буйруқлиари ёрдамида бажарилади. Дастурый узилишда дастур ўз-ўзини вақтинча тўхтатиб, узилишга тааллуқли жараённи бажаради.

Тутиб олиш — бу жараён оқибатида ғаразли шахслар дастурый воситалар ва ахборотнинг турли магнитли ташувчиларига киришни йўлга қўяди. Дастур ва маълумотлардан ноқонуний нусха олиш, компьютер тармоқлари алоқа каналларидан рухсатсиз ўқишлиар ва ҳоказо ҳаракатлар тутиб олиш жараёнларига мисол бўла олади.

Ўзгартириш — ушбу жараён ёвуз ниятли шахс нафақат компьютер тизими компонентларига (маълумотлар тўпламлари, дастурлар, техник элементлари) киришни йўлга қўяди, балки улар таркибини (кўринишини) ўзгартиради. Масалан, ўзгартириш сифатида ғаразли шахснинг маълумотлар тўпламидаги маълумотларни ўзгартириши, ёки умуман компьютер тизими файлларини ўзгартириши, ёки қандайдир қўшимча ноқонуний қайта ишлашни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётган дастурнинг кодини ўзгартириши тушунилади.

Сохталаштириш — бу жараён ёрдамида ғаразли шахслар тизимда ҳисобга олинмаган вазиятларни ўрганиб, ундаги камчиликларни аниқлаб, кейинчалик ўзига керакли ҳаракатларни бажариш мақсадида тизимга қандайдир сохта жараённи ёки тизим ва бошқа фойдаланувчиларга сохта ёзувларни юборади.

7.3 Компьютер вируслари ва уларнинг турлари

Хозирги кунда компьютер вируслари ғаразли мақсадларда ишлатилувчи турли хил дастурларни олиб келиб татбиқ этишда энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Компьютер вирусларини дастурли вируслар деб аташ тўғрироқ бўлади.

Вирус деганда автоном равишида ишлаш, бошқа дастур таркибига ўз-ўзидан қўшилиш, компьютер тармоқлари ва алоҳида компьютерларда зарарли жараёнларни вужудга келтириш мақсадида тузилган дастур тушунилади. Ушбу дастурлар ўз-ўзидан нусха олиш хусусиятига эга.

Вируслар билан зааралangan дастурлар вирус ташувчи ёки зааралangan дастурлар дейилади (7.4-расм).



7.4-расм. Вирусларнинг таъсири бўйича таснифи

Заарланган диск — бу ишга тушириш секторида вирус дастур жойлашиб олтан дискдир.

Хозирги пайтда компьютерлар учун кўпгина ноқулайликлар туғдираётган ҳар хил турлардаги компьютер вируслари кенг тарқалган. Шунинг учун ҳам улардан сақланиш усулларини ишлаб чиқиш мухим масалалардан бири ҳисобланади. Вирусларнинг катта гурухини компьютернинг иш бажариш тартибини бузмайдиган, яъни «таъсирчан бўлма ган» вируслар гурухи ташкил этади.

Вирусларнинг бошқа гурухига компьютернинг иш тартибини бузувчи вируслар киради. Бу вирусларни қўйидаги турларга бўлиш мумкин: хавфсиз вируслар (файллар таркибини бузмайдиган), хавфли вируслар (файллар таркибини бузувчи) ҳамда жуда хавфли вируслар (компьютер қурилмаларини бузувчи ва оператор соғлигига таъсир этувчи). Бу каби вируслар одатда профессионал дастурчилар томонидан тузилади.

Компьютер вируси — бу маҳсус ёзилган дастур бўлиб, бошқа дастурлар таркибида ёзилади, яъни заарлайди ва компьютерларда ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширади. Компьютер вируси орқали заарланиш оқибатида компьютерларда қўйидаги ўзгаришлар пайдо бўлади:

- айрим дастурлар ишламайди ёки хато ишлай бошлайди;
- бажарилувчи файлнинг ҳажми ва унинг яратилган вақти ўзгаради;
- экранда англаб бўлмайдиган белгилар, турли хил тасвир ва товушлар пайдо бўлади;
- компьютернинг ишлаши секинлашади ва тезкор хотирадаги бўш жой ҳажми камаяди;
- диск ёки дискдаги бир неча файллар заарланади (баъзи ҳолларда диск ва файлларни тиклаб бўлмайди);
- винчестер орқали компьютернинг ишга тушиши йўқолади.

Вируслар асосан дискларнинг юкланувчи секторларини ва ехе, сом, sys ва bat кенгайтмали файлларни заарлайди. Ҳозирги кунда булар қаторига офис дастурларини ўрнатувчи файлларни ҳам киритиш мумкин. Оддий матнли файлларни заарлайдиган вируслар камдан-кам учрайди.

Компьютернинг вируслар билан заарланиш йўллари қўйидагилардир:

- дискетлар орқали;
- комгъютер тармоқлари орқали.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги пайтда ҳар-хил турдаги ахборот ва дастурларни ўғирлаб олиш ниятида компьютер вирусларидан фойдаланиш энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Дастурли вируслар компьютер тизимларининг хавфсизлигига таҳдид солишининг энг самарали воситаларидан биридир. Шунинг учун ҳам дастурли вирусларнинг имкониятларини таҳлил қилиш масаласи ҳамда бу вирусларга қарши курашиш ҳозирги пайтнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолди.

Вируслардан ташқари файллар таркибини бузувчи «троян» дастурлари мавжуд. Вирус кўпинча компьютерга сездирмасдан киради. Фойдачанувчининг ўзи «троян» дастурини фойдали дастур сифатида дискка ёzáди. Маълум бир вақт ўтгандан кейин дастур ўз таъсирини кўрсата бошлайди.

Ўз-ўзидан пайдо бўладиган вируслар мавжуд эмас. Вирус дастурлари инсон томонидан компьютернинг дастурий таъминотини, унинг қурилмаларини заарлаш ва бошқа мақсадлар учун ёзилади. Вирусларнинг ҳажми бир неча байтдан то ўнлаб килобайтгача бўлиши мумкин.

«Троян» дастурлари фойдаланувчиға зарар келтирувчи бўлиб, улар буйруқлар(модуллар) кетма-кетлигидан ташкил топган, омма орасида жуда кенг тарқалгандастурлар (тахриловчилар, ўйинлар, трансляторлар) ичига ўрнатилган бўлиб, бир қанча амаллар бажарилиши билан ишга тушадиган «мантиқий бомба» деб аталадиган дастурдир. Ўз навбатида, «мантиқий бомба» нинг турли қўринишларидан бири «соат механизмили бомба» ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, «троян» дастурлари ўз-ўзидан кўпаймасдан, компьютер тизими бўйича дастурловчилар томонидан тарқатилади.

Троян дастурлардан вирусларнинг фарқи шундаки, вируслар компьютер тизимлари бўйлаб тарқатилганда, улар мустақил равишда ҳосил бўлиб, ўз иш фаолиятида дастурларга ўз матнларини ёзган ҳолда уларга зарар кўрсатади.

Зараrlанган дастурда дастур бажарилмасдан олдин вирус ўзининг буйруқлари бажарилишига имконият яратиб беради. Шунинг учун ҳам вирус дастурнинг бош қисмида жойлашади ёки дастурнинг биринчи буйруғи унга ёзилган вирус дастурига шартсиз ўтиш бўлиб хизмат қиласди. Ишга тушган вирус бошқа дастурларни заарлайди ва шундан сўнг вирус ташувчи дастурга ишни топширади.

Вирус ҳаёти одатда қўйидаги даврларни ўз ичига олади: қўлланилиш, инкубация, репликация (ўз-ўзидан кўпайиш) ва ҳосил бўлиш. Инкубация даврида вирус пассив бўлиб, уни излаб топиш ва йуқотиш қийин. Ҳосил бўлиш даврида у ўз функциясини бажаради ва қўйилган мақсадига эришади.

Таркиби жиҳатидан вирус жуда оддий бўлиб, бош қисм ва баъзи ҳолларда думдан иборат. Вируснинг бош қисми деб бошқарилиши биринчи бўлиб таъминловчи имкониятга эга бўлган дастурга айтилади. Вируснинг дум қисми зарарланган дастурда бўлиб, у бош қисмидан алоҳида жойда жойлашади.

Компьютер вируслари характерларига нисбатан норезидент, резидент, бутли, гибридли ва пакетли вирусларга ажратилади.

Файлли норезидент вируслар тўлиқлигича бажарилаётган файлда жойлашади, шунинг учун ҳам у факт вирус ташувчи дастур фаоллашгандан сўнг ишга тушади ва бажарилгандан сўнг тезкор хотирада сақланмайди.

Резидент вирус норезидент вирусадан фарқлироқ тезкор хотирада сақланади.

Резидент вирусларнинг яна бир кўриниши бут вируслар бўлиб, бу вируснинг вазифаси винчестер ва эгилувчан магнитли дискларнинг юкловчи секторини ишдан чиқаришдан иборат. Бут вирусларнинг боши дискнинг юкловчи бут секторида ва думи дискларнинг ихтиёрий бошқа секторларида жойлашган бўлади.

Пакетли вируснинг бош қисми пакетли файлда жойлашган бўлиб, у операцион тизим топшириклиаридан иборат.

Гибридли вирусларнинг боши пакетли файлда жойлашади. Бу вирус ҳам файлли, ҳам бут секторли бўлади. Тармоқ вируслар компьютер тармоқларида тарқалишга мослаштирилган, яъни тармоқли вируслар деб ахборот алмашишда тарқаладиган вирусларга айтилади.

Вирусларнинг турлари:

1. Файл вируслари. Бу вируслар сом, ехе кенгайтмали турли файлларни зарарлайди.

2. Юкловчи вируслар. Компьютерни юкловчи дастурларини зарарлайди.

3. Драйверларни зарарловчи вируслар. Операцион тизимдаги config.sys файлини зарарлайди. Бу компьютернинг ишламаслигига сабаб бўлади.

4. DIR вируслари. FAT таркибини зарарлайди.

5. Сстелс-вируслари. Бу вируслар ўзининг таркибини ўзгартириб, тасодифий код ўзгариши бўйича тарқалади. Уни аниқлаш жуда қийин, чунки файлларнинг ўзлари ўзгармайди.

6. Windows вируслари. Windows операцион тизими файлларини зарарлайди.

Асосланган алгоритмлар бўйича дастурли вирусларни қуидагича таснифлаш мумкин:

- паразитли вирус — файлларнинг таркибини ва дискнинг секторини ўзгартирувчи вирус. Бу вирус оддий вируслар туркумидан бўдиб осонлик билан аниқданади ва ўчириб ташланади;

- репликаторли вирус — «чувалчанг» деб номланади, (компьютер тармоқлари бўйича тарқалиб, компьютерларнинг тармоқдаги манзилини аниқлайди ва у ерда ўзининг нусхасини қолдиради);

- күрінмас вирус — стелс-вирус деб ном олиб, заарланған файлларга ва секторларга операцион тизим томонидан мурожаат қилинса, автоматик равища заарланған қисмлар ўрнига дискнинг тоза қисмини тақдим этади. Натижада ушбу вирусларни аниқлаш ва тозалаш жуда катта қийинчиликларга олиб келади;
- мутант вирус — шифрлаш ва дешифрлаш алгоритмларидан иборат бўлиб, натижада вирус нусхалари умуман бир-бирига ўхшамайди. Ушбу вирусларни аниқлаш жуда қийин муаммо;
- квазивирус вирус — «Троян» дастурлари, деб ном олган бўлиб, ушбу вируслар кўпайиш хусусиятига эга бўлмасада, «фойдали» қисм дастур ҳисобида бўлиб, антивирус дастурлар томонидан аниқланмайди. Шу боис ҳам улар ўзларида мукаммаллаштирилган алгоритмларни тўсиқсиз бажариб, қўйилган мақсаддарига эришишлари мумкин.

7.4 Вирусдан ҳимояланиш дастурй воситаларининг тавсифи

Хозирги вақтда вирусларни йўқотиш учун кўпгина усуллар ишлаб чиқилган ва бу усуллар билан ишлайдиган дастурлар антивирус дастурлар деб аталади. Антивирусларни, кўлланиш усулига кўра, қуйидагиларга ажратишимиз мумкин: детекторлар, фаглар, вакциналар, прививкалар, ревизорлар, мониторлар.

Детекторлар — вируснинг сигнатураси (вирусга тааллуқли байтлар кетма-кетлиги) бўйича тезкор хотира ва файлларни кўриш натижасида маълум вирусларни топади ва хабар беради. Янги вирусларни аниқлай олмаслиги детекторларнинг камчилиги ҳисобланади.

Прививка — файлларда худди вирус заарлагандек из қолдиради. Бунинг натижасида вируслар «прививка қилинган» файлга ёпишмайди.

Фильтрлар — қўриқловчи дастурлар кўринишида бўлиб, резидент ҳолатда ишлаб туради ва вирусларга хос жараёнлар бажарилганда, бу ҳақда фойдаланувчига хабар беради.

Ревизорлар — энг ишончли ҳимояловчи восита бўлиб, дискнинг биринчи ҳолатини хотирасида сақлаб, ундаги кейинги ўзгаришларни доимий равища назорат қилиб боради.

Детектор дастурлар компьютер хотирасидан, файллардан вирусларни қидиради ва аниқланған вируслар ҳақида хабар беради.

Доктор дастурлари нафақат вирус билан касалланған файлларни топади, балки уларни даволаб, дастлабки ҳолатига қайтаради. Бундай дастурларга Aidstest, DrWeb дастурларини мисол қилиб келтириш мумкин. Янги вирусларнинг тўхтовсиз пайдо бўлиб туришини ҳисобга олиб, доктор дастурларини ҳам янги версиялари билан алмаштириб туриш лозим.

Фильтр дастурлар компьютер ишлаш жараёнида вирусларга хос бўлган шубҳали ҳаракатларни топиш учун ишлатилади.

Бу ҳаракатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- файллар атрибутларининг ўзгариши;

- дискларга доимий манзилларда маълумотларни ёзиш;
- дискнинг ишга юкловчи секторларига маълумотларни ёзиб юбориш.

Компьютерни вируслар билан заарланишидан сақлаш ва ахборотни ишончли сақлаш учун қуидаги қоидаларга амал қилиш лозим:

- компьютерни замонавий антивирус дастурлар билан таъминлаш;
- дискеталарни ишлатишдан олдин ҳар доим вирусга қарши текшириш;
- қимматли ахборотнинг нусхасини ҳар доим архив файл кўринишида сақлаш.

Компьютер вируслариға қарши курашнинг қуидаги турлари мавжуд:

- вируслар компьютерга кириб бузган файлларни ўз ҳолига қайтарувчи дастурларнинг мавжудлиги;
- компьютерга пароль билан кириш, диск юритувчиларнинг ёпиқ туриши;
- дискларни ёзишдан ҳимоялаш;
- лицензион дастурий таъминотлардан фойдаланиш ва ўғирланган дастурларни қўлламаслик;
- компьютерга киритилаётган дастурларда вирусларнинг мавжудлигини текшириш;
- антивирус дастурларидан кенг фойдаланиш;
- даврий равишда компьютерларни антивирус дастурлари ёрдамида вирусларга қарши текшириш.

7.5 Ахборот ҳавфсизлигини таъминлашда биометрик усувлардан фойдаланиш

Ҳозирги вақтга келиб, компьютер-коммуникация технологиялари кундан-кунга тез ривожланиб бормоқда. Шу сабабли ҳам компьютер технологиялари кириб бормаган соҳанинг ўзи қолмади, десак хато бўлмайди. Айниқса таълим, банк, молия тизимларида ушбу замонавий технологияларни қўллаш юқори самара бермоқда. Шу билан бирга ахборот ҳавфсизлигига бўлган таҳдид ҳам тобора кучайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Демак, ҳозирги даврнинг энг долзарб муаммолардан бири ахборот ҳавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Ҳозирга қадар тизимга рухсатсиз киришни тақиқлашнинг энг кенг тарқалган усули сифатида «пароль» қўйиш принципи ҳисобланиб келмоқда. Чунки ушбу усул жуда содда, фойдаланиш учун қулай ва кам ҳаражат талаб этади. Лекин, ҳозирга келиб «пароль» тизими тўлақонли ўзини оқлай олмаяпти. Яъни ушбу усулнинг бир қатор камчиликлари кўзга ташланиб қолди.

Биринчидан, кўпчилик фойдаланувчилар содда ва тез эсга тушадиган паролларни қўлладилар. Масалан, фойдаланувчи ўз шахсига оид саналар, номлардан келиб чиққан ҳолда пароль қўядилар. Бундай паролларни бузиш эса, фойдаланувчи билан таниш бўлган ихтиёрий шахс учун унчалик қийинчилик тутдирмайди.

Иккинчидан, фойдаланувчи паролни киритиши жараёнида, кузатиш орқали ҳам киритилаётган белгиларни илғаб олиш мумкин.

Учинчидан, агар фойдаланувчи пароль қўйишда мураккаб, узундан-узоқ белгилардан фойдаланадиган бўлса, унинг ўзи ҳам ушбу паролни эсидан чиқариб қўйиши эхтимолдан ҳоли эмас.

Ва ниҳоят, ҳозирда ихтиёрий паролларни бузувчи дастурларнинг мавжудлиги кўзга ташланиб қолди.

Юқоридаги камчиликлардан келиб чиқсан ҳолда айтиш мумкинки, ахборотни ҳимоялашнинг паролли принципидан фойдаланиш тўла самара бермаяпти. Шу сабабли ҳам ҳозирда ахборотлардан рухсатсиз фойдаланишни чеклашнинг биометрик усулларини қўллаш дунё бўйича оммавийлашиб бормоқда ва ушбу йўналиш биометрия номи билан юритилмоқда.

Биометрия – бу инсоннинг ўзгармайдиган биологик белгиларига асосан айнан ўхшашликка текширишдир (идентификация). Ҳозирда биометрик тизимлар энг ишончли ҳимоя воситаси ҳисобланади ва турли хил махфий обьектларда, муҳим тижорат ахборотларини ҳимоялашда самарали қўлланилмоқда.

Ҳозирда биометрик технологиялар инсоннинг қўйидаги ўзгармас биологик белгиларига асосланган: бармоқнинг папилляр чизиқлари, қўл кафтининг тузилиши, кўзнинг камалак қобиғи чизиқлари, овоз параметрлари, юз тузилиши, юз термограммаси (кон томирларининг жойлашиши), ёзиш формаси ва усули, генетик коди фрагментлари. Инсоннинг ушбу биологик белгиларидан фойдаланиш турли хил аниқликларга эришишга имкон беради. Биз ушбу мақолада ҳозирда кенг қўлланилаётган бармоқ излари ва қўл кафтининг тузилиши бўйича инсонни таниш масалаларига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Бармоқ излари бўйича инсонни идентификациялаш ҳозирда энг кенг тарқалган усул бўлиб, ахборотни ҳимоялаш биометрик тизимларида кенг қўлланилмоқда. Бу усул ўтган асрларда ҳам кенг қўлланилганлиги хеч кимга янгилик эмас. Ҳозирги кунга келиб бармоқ излари бўйича идентификациялашнинг учта асосий технологияси мавжуд. Уларнинг биринчиси кўпчиликка маълум оптик сканерлардан фойдаланишдир. Ушбу қурилмадан фойдаланиш принципи одатий сканердан фойдаланиш билан бир хил. Бу ерда асосий ишни ички нур манбаи, бир нечта призма ва линзалар амалга оширади. Оптик сканерларни қўллашнинг эътиборли томони унинг арzonлигидир. Лекин, камчилик томонлари бир мунча кўп. Ушбу қурилмалар тез ишдан чиқувчи ҳисобланади. Шу сабабли фойдаланувчидан авайлаб ишлатиш талаб этилади. Ушбу қурилмага тушган чанг, турли хил чизиқлар шахсни аниқлашда хатоликка олиб келади, яъни фойдаланувчининг тизимга киришига тўсқинлик қиласди. Бундан ташқари, оптик сканерда тасвири олинган бармоқ изи фойдаланувчи терисининг ҳолатига боғлиқ. Яъни, фойдаланувчи терисининг ёғлилиги ёки қуруқлиги шахсни аниқлашга халақит беради.

Бармоқ излари бўйича идентификациялашнинг иккинчи технологияси электрон сканерларни қўллашдир. Ушбу қурилмадан фойдаланиш учун фойдаланувчи 90 минг конденсатор пластинкаларидан ташкил топган, кремний моддаси билан қопланган маҳсус пластинкага бармоғини қўяди. Бунда ўзига хос конденсатор ҳосил қилинади. Конденсатор ичидаги электр майдон потенциали пластинкалар орасидаги масофага боғлиқ. Ушбу майдон картаси

бармоқнинг папилляр чизмасини такрорлайди. Электрон майдон ҳисобланади, олинган маълумотлар эса, катта аниқликка эга саккиз битли растрли тасвирга айлантирилади.

Ушбу технологиянинг эътиборли томони шундаки, фойдаланувчи терисининг ҳар қандай ҳолатида ҳам бармоқ изи тасвири юқори аниқликда ҳосил қилинади. Ушбу тизим фойдаланувчи бармоғи кирланган тақдирда ҳам тасвирни аниқ олади. Бундан ташқари қурилма ҳажмининг кичиклиги сабабли, ушбу қурилмани ҳамма жойда ишлатиш мумкин. Ушбу қурилманинг камчилик томонлари сифатида қўйидагиларни келтириш мумкин: 90 минг конденсаторли пластинкани ишлаб чиқариш кўп ҳаражат талаб этади, сканернинг асоси бўлган кремний кристали герметик (зич ёпиладиган) қобиқни талаб этади. Бу эса, қурилмани ишлатишда турли хил чекланишларни юзага келтиради. Ниҳоят, кучли электромагнит нурланиши вужудга келганда электрон сенсор ишламайди.

Бармоқ изи буйича идентификациялашнинг учинчи технологияси Who Vision Systems компанияси томонидан ишлаб чиқарилган Tactile Sense сканерлари дидир. Ушбу сканерларда маҳсус полимер материал ишлатилган бўлиб, терининг бўртиб чиқсан чизиқлари ва ботиқлари орасида ҳосил бўлган электр майдонни сезиш орқали тасвир ҳосил қилинади.

Умуман олганда ушбу сканерларнинг ишлаш принципи электрон сканерлар ишлаш принципи билан деярли бир хил. Факат ушбу қурилмаларнинг қўйидаги афзалликларини санаб ўтишимиз мумкин: қурилмани ишлаб чиқариш бир неча юз баробар кам ҳаражат талаб этади, қурилма аввалги қурилмадан мустаҳкам ва фойдаланишда ҳеч қандай чекланишлар юзага келмайди.

Инсонининг қўл кафти тузилишига кўра идентификациялашнинг икки хил усули мавжуд. Биринчи усулда қўл кафтининг тузилишидан фойдаланилади. Бунинг учун маҳсус қурилмалар ишлаб чиқарилган бўлиб, ушбу қурилма камера ва бир нечта ёритувчи диодлардан ташкил топган.

Ушбу қурилманинг вазифаси қўл кафтининг уч ўлчовли тасвирини ҳосил қилишдан иборат. Кейинчалик ушбу ҳосил қилинган тасвир маълумотлар базасига киритилган тасвир билан солиширилади. Ушбу қурилма ёрдамида идентификациялаш юқори аниқликда амалга оширилади. Лекин кафт тасвирини олувчи сканер ўта нозик ишланган бўлиб, ушбу қурилмадан фойдаланиш ноқулайликлар туғдиради.

Қўл кафти тузилишига кўра идентификациялашнинг иккинчи технологияси эса, кафтнинг термограммасини аниқлашга асосланган.

Қўл кафтида жуда кўп қон томирлари мавжуд бўлиб, ушбу қон томирлари ҳар бир инсонда, ҳаттоқи эгизакларда ҳам турлича жойлашади.

Ушбу қон томирларининг жойлашиш тасвирини олиш учун маҳсус инфрақизил нурли фотокамерадан фойдаланилади. Ушбу ҳосил бўлган тасвир кафт термограммаси деб аталади. Ушбу усулнинг ишончлилиги жуда ҳам юқори. Бу усулнинг вужудга келганига кўп вақт бўлмаганлиги сабабли ҳали кенг тарқалиб улгурмаган.

Келтириб ўтилган барча биометрик усуллар ахборотни ҳимоя қилишда кенг қўлланиммоқда. Ушбу ҳимоя тизимининг ишончлилиги шундаки, тизимда фойдаланилаётган инсоннинг биологик белгилари ҳеч қачон ўзгармайди, бирон-бир жароҳат етган тақдирда ҳам қайта тикланади.

Юқорида биз инсоннинг биологик белгиларига асосан шахсни таниш мақсадида бармоқ изи ва қўл кафтининг тасвирини ҳосил қилиш технологиялари билан танишиб чиқдик.

Эндиғи масала ҳосил қилинган тасвирни маълумотлар базасида сақланаётган тасвир билан таққослаш ва шахсни аниқлаш алгоритми билан боғлиқ. Биз ушбу масалада ҳосил қилинган бармоқ изидан фойдаланган ҳолда шахсни аниқлаш алгоритмини келтириб ўтишга ҳаракат қиласиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, биринчи навбатда ихтиёрий қурилма орқали бармоқ изи тасвири ҳосил қилинади. Қолган босқичларни қуийдаги кетма-кетлик орқали баён қилишга ҳаракат қиласиз:

1) Тасвирга бошланғич ишлов бериш – бунда ҳосил қилинган тасвир Бинар тасвирга ўтказилади, яъни, тасвирдаги фақат бармоқ изининг чизиқлари олиб қолинади ва тасвирнинг маркази (оғирлик маркази) аниқланади;

2) Тасвирдаги ўзига хос белгиларни аниқлаш – бунда тасвирнинг марказидан турли хил радиусли бир нечта айланалар чизилади (айланалар қанчалик кўп бўлса, аниқлик шунчалик ортади). Натижада айланалар ҳосил қилинган тасвир чизиқларининг бир нечта нуқталарида кесишиди. Ушбу кесишиш нуқталари шартли равишда A_1, A_2, \dots, A_n (биринчи айлана), B_1, B_2, \dots, B_m (иккинчи айлана), C_1, C_2, \dots, C_k (учинчи айлана) ҳарфлари ёрдамида белгиланади. Ҳар бир айланадаги кесишиш нуқталарини бирлаштириш орқали $A_1A_2\dots A_n, B_1B_2\dots B_m, C_1C_2\dots C_k$ кўпбурчаклар ҳосил қилинади. Ушбу ҳосил қилинган кўпбурчаклар периметрлари (P_1, P_2, P_3) ҳисобланади.

3) Олинган тасвирни маълумотлар базасида сақланаётган тасвир билан солишириш – бунда юқоридаги босқичда олинган натижалар: R_1, R_2, R_3 радиусли айланалардаги кесишишлар сони n, m, k ; айланаларда ҳосил қилинган кўпбурчаклар периметри P_1, P_2, P_3 лар маълумотлар базасида сақланаётган ушбу катталиклар билан таққосланади. Ушбу катталиклар ўзаро мос тушсагина шахс тасдиқланади.

Ушбу келтирилган шахсни таниш алгоритми устида республикамиздаги бир нечта олимлар гуруҳи иш олиб бормоқдалар ва ушбу соҳада ижобий натижаларга эришилмоқда.

7-боб бўйича холосалар

Хозирги кунга келиб махфий ва қимматбаҳо ахборотга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Компьютер эгалари ва фойдаланувчиларнинг мулкий ҳукуқларини ҳимоялаш — бу ишлаб чиқарилаётган ахборотни жиддий иқтисодий ва бошқа моддий ҳамда номоддий зарарлар келтириши мумкин бўлган турли киришлар ва ўғирлашлардан ҳимоялашдир.

Ахборот хавфсизлиги деб маълумотларни йўқотиш ва ўзгартиришга йуналтирилган табиий ёки сунъий хоссали, тасодифий таъсирлардан ҳар қандай ташувчиларда ахборотнинг ҳимояланганлигига айтилади.

Хозирги кунда компьютер вируслари гаразли мақсадларда ишлатилувчи турли хил дастурларни олиб келиб татбиқ этишда энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Компьютер вирусларини дастурли вируслар деб аташ тўғрироқ бўлади.

Вирус деганда автоном равишда ишлаш, бошқа дастур таркибига ўз-ўзидан қўшилиш, компьютер тармоқлари ва алоҳида компьютерларда заарли жараёнларни вужудга келтириш мақсадида тузилган дастур тушунилади. Ушбу дастурлар ўз-ўзидан нусха олиш хусусиятига эга.

Хозирда ахборотни ҳимоялашнинг биометрик усуллари ривожланиб бормоқда.

Биометрия – бу инсоннинг ўзгармайдиган биологик белгиларига асосан айнан ўхшашликка текширишdir (идентификация). Хозирда биометрик тизимлар энг ишончли ҳимоя воситаси ҳисобланади ва турли хил махфий обьектларда, муҳим тижорат ахборотларини ҳимоялашда самарали қўлланилмоқда.

8 - боб Амалий дастурлар пакетлари

8.1 Амалий дастур пакетларининг таснифланиши

Амалий дастурий таъминот фойдаланувчиларнинг аниқ масалаларини ҳал этиш дастурлари мажмуасидан иборат.

Амалий дастурий таъминот: амалий дастурлар, амалий дастурлар пакети ва мутаҳассислик дастурларидан ташкил топади.

Амалий дастурлар ихтиёрий фойдаланувчининг амалий масалаларини ҳал этган ҳолда бошқа амалий дастурлар билан актив алоқада бўлмайди. Ушбу дастурлардан фойдаланиш технологияси бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Бундай дастурлага Corel Draw, Adobe Photoshop, Winamp ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин [35].

Амалий дастурлар пакети ихтиёрий фойдаланувчининг амалий масалаларини ҳал этган ҳолда бошқа ушбу дастурий пакетга мансуб амалий дастурлар билан актив алоқада бўлади. Ушбу пакетга кирувчи дастурлардан фойдаланиш технологияси бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Битта дастурий пакетга кирувчи амалий дастурлар ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатиш ҳам мумкин. Яъни, бир амалий дастурда ахборотни қайта ишлиш натижасида олинган натижалар автоматик тарзда бошқа амалий дастурда тайёрланган ҳужжатларда акс эттирилади. Амалий дастурлар пакетига мисол тариқасида ҳозирда кенг омма томонидан самарали қўлланилаётган Microsoft Office пакетини келтириш мумкин.

Мутаҳассислик дастурлари маълум соҳа (бухгалтерия, солиқ, медицина ва бошқалар) ахборотини қайта ишишга қаратилган амалий дастур ҳисобланади. Ушбу дастур бир нечта модуллардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир модул соҳа бўйича аниқ бир масалани ҳал этишга қаратилган. Кўриниб турибдики, мутаҳассислик дастурларидан фақат соҳа мутаҳассислари фойдаланишлари мумкин. Шу сабабли ҳам мутаҳассислик дастурлари мутаҳассиснинг автоматлаштирилган иш жойи деб ҳам аталади. Бундай дастурларга мисол тариқасида 1С-Бухгалтерия, Банк-Мижоз ва бошқаларни келтириш мумкин.

Амалий дастурий таъминот фойдаланувчиларнинг аниқ бир масалаларини ишилаб чиқиши ва бажариш учун мўлжалланган. Амалий дастурий таъминот операцион тизимлар бошқаруви остида ишлайди. Амалий дастурий таъминот таркибига қўйидагилар киради:

- турли вазифалардаги амалий дастурлар пакети;
- фойдаланувчи ва ахборот тизимлари умумий иш дастурлари.

АДП одатда маҳсус тизимлар асосида қурилади ва у бундан кейинги аниқ йўналишда ривожланади.

Амалий дастурлар пакети - бу муайян синф масалаларини ҳал этиш учун мўлжалланган дастурлар мажмуудир. Барча амалий дастур пакетларини уч гурухга ажратиш мумкин: операцион тизимлар имкониятларини кенгайтирувчи пакетлар, умумий белгиланишдаги пакетлар, автоматлаштирилган бошқариш тизимида ишишга мўлжалланган пакетлар.


Амалий дастурлар пакети дастурий таъминланишнинг энг динамик ривожланган қисмидир : Амалий дастурлар пакети ёрдамида ҳал қилинаётган масалалар доираси доимо кенгая боради.

Хозирги вақтда ўз функционал имкониятлари ва амалга ошириш усууларига кўра фарқланув амалий дастурлар пакетларининг кенг спектори мавжуд.

Амалий дастурлар пакетларининг қуйидаги турлари фарқланади:

- умумий вазифадаги (универсал);
- услубий йўналтирилган;
- муаммоли йўналтирилган;
- ЭҲМ глобал тармоқлари;
- ҳисоблаш жараёнини ташкил этиш (маъмурийлаштириш).

Амалий дастурлар пакетларининг таснифланиши 8.1-расмда берилган.



8.1 -расм. Амалий дастур пакетларининг таснифланиши

Умумий вазифали амалий дастур пакетлари - бу универсал дастурий маҳсулотлар бўлиб, ахборот тизимлари ва фойдаланувчиларнинг функционал масалаларини ишлаб чиқишини ва ишга солишни автоматлаштиришга қаратилган.

Интеграллаштирилган пакетлар деб умумий ишларга мүлжалланган амалий дастур пакетларидағи дастурларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган амалий дастурлар пакетларига айтилади. Замонавий интеграллаштирилган амалий дастурлар пакетлари ўз ичига қуидагиларни киритади: матн таҳрирлагичи, электрон жадвал, маълумотлар базасини бошқариш тизимлари, коммуникацион (оловчи) модуль ва бошқалар.

Интеграллаштирилган пакетларга қўшимча модуль сифатида файлларнинг экспорт-импорт тизими, калькулятор, календарь, дастурлаш тизимларини киритиш мумкин.

Услубий йўналтирилган амалий дастурлар пакетларининг фарқи шундаки, уларнинг алгоритмик асоси масала ечимининг қандайдир маълум бир иқтисодий - математик усулига асослангандир. Бундай амалий дастурлар пакетларига қуидаги усулларни киритиш мумкин:

- математик дастурлаш (чизиқли, динамиқ, ва бош.);
- тармоқли режалаштириш ва бошқариш;
- оммавий хизмат кўрсатиш;
- математик статистика.

Услубий йўналтирилган пакетлар қўлланиш соҳасидан қатъий назар, масаланинг умумий ҳолдаги ечимини беради. Унинг намунаси сифатида чизиқли дастурлаш ва тармоқли режалаштириш пакетларини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Масалан, тармоқли режалаштириш амалий дастурлар пакетлари корхона, бўлим, цех, лаборатория иш режаларини шакллантириш имкониятини беради. У жадвал шаклида ифодаланиб, унда ҳар бир иш қачон бошланиб, қачон тугаши, уларни амалга ошириш учун қанча ва қандай захиралар кераклиги кўрсатилади[19,20].

Муаммога йўналтирилган амалий дастурлар пакетлари - бу энг кенг тарқалган амалий дастурлар пакетлардир. Умумий ҳолда муаммога йналтирилган амалий дастурлар пакетлар деб ҳалқ хўжалиги, фан ва техниканинг бирор бир соҳадаги мавжуд муаммони ечишга қаратилган амалий дастурлар пакетларга айтилади. Бундай амалий дастурлар пакетларнинг жуда кўп турлари ичидан саноатда ва носаноат соҳасида бошқариш функциясини автоматлаштиришга қаратилган амалий дастурлар пакетларни кўриб чиқамиз.

Ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи – интеграллашган ахборот тизимларни яратиш масаласидир. Унинг асосий мақсадини қисқача қилиб «Мижоз-сервер» (client\server) деб айтиш мумкин. Унинг асосий маъноси мижоз-фойдаланувчи учун у истаган ҳар қандай хизмат сервисини бажо келтиришдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, замонавий Farb бозорида иқтисодий ишлаб чиқариш фаолиятини автоматлаштирадиган жуда кўп амалий дастурлар пакетлари мавжуд. Уларни шартли равишда 4 гурухга ажратиш мумкин.

Катта ёки ўртача корхонанинг ҳамма фаолиятини автоматлаштиришга мүлжалланган умумий вазифаларга қаратилган интеграллашган амалий дастурлар пакетлар комплекси. Буларга юқори нархли кўп функционал маҳсулотлар ҳисобланувчи қуидагилар киради : R\3 (SAP), ORACLE, АДП «Галактика» ва бошқалар.

Маълум турдаги ишлаб чиқаришни бошқарувчи иловалар комплекти. Уларга қуидагиларни киритиш мумкин : EDWARDS, BAAN, PRIZM ва ҳоказо.

Ихтисослашган дастурий маҳсулотлар: MMDS, MES ишлаб чиқаришни мослашувчан қилувчи, уни бозор талабларига мослашувини тезлаштирувчи, цехлар ишини назорат қилувчи амалий дастурлар пакетлар.

Маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи ҳамма жараёнлар буюм деталларини лойиҳалашдан бошлаб то фойдаланувга тайёр маҳсулотни олгунча бўлган пайтинг занжирини бошқарувчи амалий дастурлар пакетлар: ERP тизимлари ва бошқалар.

Кўпчилик муаммога йўналтирилагн амалий дастурлар пакетлар комплексининг нархи жуда қиммат (баъзан 1млн. доллардан ҳам юқори). Лекин шунга қарамай, кўпгина Farb фирмалари ўз иш жараёнларини автоматлаштириш мақсадида муаммога йўналтирилган комплекс амалий дастурлар пакетлардан унумли фойдаланиш йўлидан бормоқдалар.

Носоноат соҳасидаги муаммога йўналтирилган амалий дастурлар пакетларга қўйиладиган талаблар ҳам саноат соҳасидаги амалий дастурлар пакетларга қўйиладиган талабларга кўпчилик ҳолларда мос тушади: кўп сатхли интеграллашган тизимларни яратиш.

Муаммога йўналтирилган амалий дастурлар пакетлари маълум бир соҳадаги муаммони амалга оширишга мўлжалланган. Масалан, бухгалтерия ҳисоби амалий дастурлар пакети ЭҲМ да қуидаги ишларни амалга оширишга имкон беради: иш хақи ҳисоби, турли ведомостларни шакллантириш, ҳар бир хизматчининг ҳар ойга ҳисоб квитанциясини чоп этиш ва ҳоказо.

Шахсий ЭҲМ нинг кўпгина амалий дастурлар пакетлари ҳам муаммога йўналтирилган пакетлар туркумига киради. Пакетнинг асосий мақсади бирор муаммони ечишда фойдаланувчини ЭҲМ билан «дўстона алоқа» мухитини яратишдан иборат бўлиб, у мулоқот шаклида ташкил этилиб, унинг тезлиги фойдаланувчини қониқтирадиган бўлиши керак.

Амалий дастурлар пакетлари алоҳида модуллардан, етакчи дастурдан кўпгина «монитор» деб аталувчи етакчи дастур амалий дастурлар пакетларни модуллар ишини ташкил этади. Фойдаланувчининг кўрсатмаларига кўра бошқарувчи дастур керакли модулларни танлайди ва ишчи дастурни шакллантиради. Ишчи дастур тўғридан-тўғри фойдаланувчи вазифасини бажаради, чиқиш сонларини керакли шаклда тайёрлайди ва уларни фойдаланувчига тахлил учун чиқариб беради. Керакли амалий дастурлар пакетларни чақириш ва у ёрдамида керакли ахборотни қайта ишлаш операцион тизим бошчилигига амалга оширилади.

Айрим муаммо соҳага тегишли амалий дастурлар пакетларига АО Диасофт фирмаси маҳсулотлари : бухгалтерия ҳисботи, молия менежменти, хуқуқий тизимлар ва х.к. киради.

Молиявий менежмент амалий дастурлар пакетлари фирмалар фоалиятини молиявий режалаштириш ва тахлил қилиш зарурияти оркасида пайдо бўлди. Шу синфга мансуб бўлган амалий дастурлар пакетлар ЭДИП (Центринвест

Софт), Альт молиявий (Альт), молиявий тахлил (Инфо-Софт) FOCCAL (Центринвест Софт) ларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Хуқуқий маълумотномалар тизимлари амалий дастурлар пакетлари узлуксиз равиша тўлиб борувчи катта миқёсдаги қонуншунослик ахборотлари билан унумли ишлаш учун хизмат қиласди. Бундай амалий дастурлар пакетларга «Консультант Плюс», «Гарант», «Право» ва бошқалар киради.

Кенг қамровли ҳисоблаш тармоқларининг асосий вазифаси фойдаланувчининг худуд бўйича ёйилган умумтармоқ заҳираларига маълумотлар базасига, ахборот узатишга ва бошқа ишларга қулай, пухта эришиш имкониятига эга бўлишdir.

Мисол тарикасида кенг қамровли Интернет тармоғида ишлатиладиган стандарт амалий дастурлар пакетларни келтириш мумкин:

- тўғрилаш ва киритиш воситалари - Nets Cape, Internet Explorer;
- электрон почта (Mail), масалан Eudora.

Банк фаолиятидаги ҳалқаро тармоқларда маълумотларни тайёрлаш ва узатиш учун қўйидаги стандарт амалий дастурлар пакетлар кенг тарқалган: Swift, Sprint, Reuters.

Ҳисоблаш жараёнини маъмурийлаштиришни ташкил этишни таъминлаш учун 50 % дан ортиқ дунё тизимларида ЭҲМ ларнинг локал ва глобал тармоқларида Bay Networks (АҚШ) фирмасининг амалий дастурлар пакетларидан фойдаланилади, улар маълумотлари, коммутаторлар, концентраторлар, маршрутизаторлар, хабарлар графикларини маъмурийлаштиришни бошқаради.

Шундай қилиб, тизимли ва амалий дастурлар таъминоти фойдаланувчининг дастурлари учун ахборотни қайта ишлаш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Ундан ташқари амалиётда баъзан шундай асл нусха масалалар учрайдики, уларни ечиш учун амалий дастурлар пакетлари қўл келмайди. Бундай ҳолларда ушбу масалаларни ечиш учун масалани ечиш шартларини инобатга оловчи маҳсус дастур тузилади ва ЭҲМ да ечилади.

8.2 Сервис дастурий таъминот

Шахсий компьютерда ишлаш жараёнida фойдаланувчи фақат амалий дастурларни бошқаришни билиши етарли эмас. Компьютерда ишлаш жараёнida фойдаланувчидан ахборотни ташки таъсиrlардан сақлаш, мавжуд дисклардан самарали фойдаланиш, ахборотдан рухсатсиз фойдаланишни чеклаш, магнит диск дефектларини созлаш, дастурий вируслар билан курашиш ва бошқа амалларни бажара олиши талаб этилади. Шу сабабли ҳам қўйида кўпчилик ҳолларда дастур-утилиталар деб номланувчи сервис дастурий таъминот таркибига кирувчи дастурлар, уларнинг афзаллиги ва улардан фойдаланиш ҳақида баён этишни лозим топдик.

Сервис дастурий таъминот - фойдаланувчига ЭҲМ билан ишлашда қўшимча хизматлар тақдим этувчи ва операцион тизимлар имкониятларини оширувчи дастурий маҳсулотлар тўпламидан иборатdir.

Функционал имкониятларига кўра сервис дастурий воситаларини қўйидагиларга ажратиш мумкин:

- фойдаланувчи интерфейсининг фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи дастурлар;
- маълумотларни бузилиш ва қоидасиз киришларидан ҳимоя қилувчи дастурлар;
- маълумотларни қайта ишловчи дастурлар (архивлаш дастурлари);
- диск ва тезкор хотира қурилмаси ўртасида маълумот алмашинувини тезлаштирувчи дастурлар;
- дисклар ишини назорат, таҳлил қилувчи ва уларга хизмат кўрсатучи (дискларни форматловчи, дискларни бўлакларга ажратувчи, мавжуд дефектларни созловчи ва ҳ.к.).

Ташкил этиш ва амалга ошириш усулига кўра сервис воситалар қобиқли, утилиталар ва мустақил дастур шаклида тақдим этилиши мумкин.

Қобик дастурлар - бирор бир дастур ва фойдаланувчи ўртасидаги қатлам ёки бошқа дастур устида усткурма бўлган дастур. Қобик дастурлар фойдаланувчига сифат жиҳатидан янги интерфейс тақдим этади. Амалиётда қуйидаги операцион тизим қобиқлари кенг тарқалган: Norton Commander (NC) - Symantec фирмаси маҳсулоти ва унинг «клонлари» Volkov Commander (VC), Dos Navigator (DN), Far (File and archive manager). Булардан ташқари график интерфейсли операцион тизим қобиқлари мавжуд: Windows 3.x.

Утилиталар - фойдаланувчига дисклар ва файлли тизимлар бўйича қўшимча хизмат кўрсатувчи дастурлар. Утилиталар кўпинча қуйидаги вазифаларни бажаради:

- дискларга хизмат кўрсатиш;
- файл ва каталогларга хизмат кўрсатиш;
- компьютер захиралари тўғрисида ахборот тақдим этиш;
- компьютерларни вируслардан ҳимоя қилиш.

Хозирги вақтда энг кенг тарқалган утилиталар:

- Norton Utilities - Symantec фирмаси маҳсулоти;
- Checkit PRO Deluxe 2.0 - Touch Stone фирмаси ишлаб чиқкан;
- PC Tools for Windows 2.0;
- Norton Backup, Fast Back Plus - дискларда ахборотларни резерв нусхаларини тайёрловчи дастурлар;
- вирусга қарши (антивирус) дастурлари - Norton Antivirus for Win95 – ЭҲМ даги ахборотни вируслардан (ахборот микроблари) заарланишига қарши ва заарланиш оқибатларини тугатишга мўлжалланган (Касперскийнинг Antiviral Toolkit pro (AVP));
- коммуникацион (уловчи) утилиталар - ЭҲМ ўртасидаги ахборот айирбошлишни ташкил этиш учун мўлжалланган;
- компьютерни ташхис (диагностика) қилувчи дастурлар - ўз номидан кўриниб турганидек, бу утилиталар ЭҲМ нинг ҳамма курилмаларининг нормал иш фаолиятларини назорат қилиш,

хотира миқдори, унинг ишлатилиш, дискларнинг турлари каби ишларни текширишни амалга оширади.

8.3 Дастурий маҳсулотлар тавсифи

Фойдаланиш хусусияти ва фойдаланувчилар категорияларига кўра барча дастурларни икки гуруҳга - утилитар дастурлар ва дастурий маҳсулотларга ажратиш мумкин.

Утилитар дастурлар шу дастурларни ишлаб чиқарувчилар эҳтиёжини қондириш учун мўлжалланган. Улар кўпгинча сервис ролини бажаради ёки кенг тарқалиш учун мўлжалланган масалаларни ҳал этиш дастурлари бўлади.

Дастурий маҳсулотлар фойдаланувчилар эҳтиёжларини қондириш, кенг тарқатиш ва сотиш учун мўлжалланган.

Хозирги вақтда дастурий маҳсулотларни очик тарқатишнинг бошқа варианлари ҳам мавжуд, улар глобал ва минтақавий коммуникациялардан фойдаланиш билан юзага келади:

1. Freeware - эркин тарқатиладиган фойдаланувчининг ўзи қўллаб - қувватлайдиган бепул дастурлар, ушбу дастурларга зарур ўзгартиришлар киритиш мумкин.
2. Shareware - нотижорат (шартли-тўловсиз) дастурлар, улардан одатда тўловсиз фойдаланиш мумкин. Бундай маҳсулотлардан доимий фойдаланилганда муайян сумма бадал (взнос, плата) тўланади.

Дастурий маҳсулот фойдаланишга тегишли равища тайёрланиш зарур техник ҳужжатларга эга бўлиши, шунингдек давлат рўйхати коди мавжуд бўлиши лозим.

Дастурий маҳсулот - саноат маҳсулотининг исталган тури каби реализацияяга тайёрланган оммавий эҳтиёжни муайян муаммо масалани ҳал этиш учун ўзаро боғланган дастурлар мажмуасидир.


Дастурий маҳсулот дастурлаштиришнинг замонавий воситалари қўлланган ҳолда лойиҳа ишларини бажариш саноат технологияси асосида ишлаб чиқлади. Унинг ўзига хослиги ахборот воситаларидан фойдаланишни қайта ишлаш хусусиятига боғлик ҳолда алгоритм ва дастурларни ишлаб чиқиш жараёнининг ноёблигидир.

Дастурий маҳсулотларни тайёрлаш (кузатиш)- дастурий маҳсулот ишга лаёқатлигини қўллаб-қувватлаш, унга янги версиялар, ўзгартиришлар киритиш, топилган хатоларни тўғрилаш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Дастурий маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари хилма-хил, улар қўйидаги жиҳатларни акс этади:

- дастурий маҳсулотдан қанчалик яхши (оддий, ишончли, самарали) фойдаланиш мумкинлиги;
- дастурий маҳсулотдан қанчалик осон фойдаланиш мумкинлиги;
- дастурий маҳсулотни қўллашда шароит ўзгарганда ундан фойдаланиш мумкинлиги ёки йўқлиги ва бошқалар.

Дастурий маҳсулот хусусиятлари дараҳт шаклида 8.2-расмда келтирилган.




8.2-расм. Дастурий маҳсулотларнинг сифат хусусиятлари

Барча дастурий маҳсулотлар ўзининг мавжуд бўлиш даврига (МБД) эга. Улар қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

- дастурий маҳсулотларнинг маркетинги, маҳсулотларга қўйиладиган талаблар спецификациясини ишлаб чиқиш;
- дастурий маҳсулотларнинг тузилишини лойихалаш;
- дастурлаш, тест ўтказиш, дастурни созлаш;
- дастурий маҳсулотни техник ва технологик хужжатлар билан таъминлаш;
- дастурий маҳсулотлар бозорига чиқиш, дастурий маҳсулотларни тарқатиш;
- дастурий маҳсулотларни фойдаланувчи томонидан ишга солиш;
- дастурий маҳсулотларни кузатиш;
- дастурий маҳсулотларни савдодан олиш, кузатишни рад қилиш.

Қуйидаги 8.3-расмда дастурий маҳсулотларнинг мавжуд бўлиш даври келтирилган.



8.3-расм. Дастурий маҳсулотларнинг мавжуд бўлиш даври

8- боб бўйича хуносалар

Муаммога йўналтирилган амалий дастурлар пакетлари маълум бир соҳадаги муаммони амалга оширишга мўлжалланган. Масалан, бухгалтерия ҳисоби амалий дастурлар пакети ЭҲМ да қуидаги ишларни амалга оширишга имкон беради: иш хақи ҳисоби, турли ведомостларни шакллантириш, ҳар бир хизматчининг ҳар ойга ҳисоб квитанциясини чоп этиш ва ҳоказо.

Шахсий ЭҲМ нинг кўпгина амалий дастурлар пакетлари ҳам муаммога йўналтирилган пакетлар туркумига киради. Пакетнинг асосий мақсади бирор муаммони ечишда фойдаланувчини ЭҲМ билан «дўстона алоқа» муҳитини яратишдан иборат бўлиб, у мулоқот шаклида ташкил этилиб, унинг тезлиги фойдаланувчини қониктирадиган бўлиши керак.

Амалий дастурлар пакетлари алоҳида модуллардан, етакчи дастурдан кўпгина «монитор» деб аталувчи етакчи дастур амалий дастурлар пакетларни модуллар ишини ташкил этади.

Фойдаланувчининг кўрсатмаларига кўра бошқарувчи дастур керакли модулларни танлайди ва ишчи дастурни шакллантиради. Ишчи дастур тўғридан-тўғри фойдаланувчи вазифасини бажаради, чиқиши сонларини керакли шаклда тайёрлайди ва уларни фойдаланувчига тахлил учун чиқариб беради. Керакли амалий дастурлар пакетларни чакириш ва у ёрдамида керакли ахборотни қайта ишлаш операцион тизим бошчилигига амалга оширилади.

9 боб Иқтисодий соҳаларда амалий дастурлар пакетларидан фойдаланиш

9.1 БЭМ – Бухгалтерга Электрон Мадад амалий дастур пакетида ишлаш

“БЭМ – Бухгалтерга Электрон Мадад” – бу ҳар қандай турдаги фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларга бухгалтерия ҳисобини юритиш учун тайёр ечимдир.

Бугунги кунда “БЭМ-Кичик корхоналар”, “БЭМ-Бозорлар”, “БЭМ-Бюджет ташкилотлари” дастурлари қўринишида фаолият турлари хизматлар, улгуржи ва чакана савдо, ишлаб чиқариш кабилардан иборат бўлган корхоналар; хўжалик ҳисобидаги ва бюджет ташкилотлари; ягона солиқ тўлови тўловчилар ва умумбелгиланган соликлар тўловчилар, бозорлар, олий ўқув юртлари ва бошқалар учун муваффақиятли ечим яратилди.

Дастурлар билан ҳатто бошловчи фойдаланувчилар ҳам ишлаши мумкин. Дастур икки тилда: ўзбек ва рус тилларида яратилган. Тармоқда ишлаш имконияти мавжуд. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ дастурларни ҳар кварталда текин янгилаш амалга оширилади.

БЭМнинг дастурий маҳсулотлари амалдаги қонунчиликнинг барча талабларига жавоб беради ва бошқа барча муқобилларидан фарқли ўлароқ, қўшимча созлаш ва конфигурация қилишни талаб этмайди. Бухгалтер корхона, ходимлар ва операциялар бўйича бошланғич маълумотларни киритса кифоя, қолган барчасини дастурнинг ўзи тез ва тўғри амалга оширади. Агар корхонангиз кичикроқ бўлса, Сиз бир соатдан кейин оқ солиқ ва бухгалтерия ҳужжатлари бўйича, кадрлар ҳисоби бўйича ва иш ҳақи бўйича бухгалтерия ўтказмаларини шакллантиришингиз мумкин. Тақдим этиладиган ҳужжатлар №21 БХМС нинг тасдиқланган шаклларига мос келади ва зарурат туғилганда MS Excel га осонгина ўтади[13,16].

Агар корхонангиз йирик бўлса, айнан БЭМ дастури Сизга бухгалтерия ҳисобини юритиш жараёнини бир неча марта соддалаштириш ҳамда ҳар доим аниқ ва тўлиқ ахборотга эга бўлишингизга имкон яратади. Содда қўринишига қарамай, дастурлар маҳсус маълумотлар базаларидан фойдаланилган ҳолда яратилган ҳамда корхонадаги операциялар ва ходимлар сонидан қатъи назар, киритилган маълумотларнинг ишончли сақланишини кафолатлади.

Дастурда бухгалтериянинг “Банк”, “Касса”, “Асосий воситалар”, “ТМЗ”, “Ойлик иш ҳақи”, “Хизматлар” каби участкалари автоматлаштирилган. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилиги ва бюджет ташкилотларида ҳисоб юритишнинг ўзига хосликларига мувофиқ равишда амалга оширилган.

БЭМ дастурларининг базавий имкониятларидан ташқари, “БЭМ-Бюджет ташкилотлари”да бюджет ташкилотлари учун ўта муҳим бўлган қуйидаги жихатлар ҳам эътиборга олинган:

- Дастурда бюджет ташкилотлари учун ўта муҳим бўлган бухгалтерия ҳисобининг молиялаштиришнинг бир неча манбалари бўйича бўлиниши тизими ишлайди;

- Ташкилотларнинг харажатлар базавий сметаси “Харажатлар базавий сметаси” хужжатида акс этади, “Сметаларга тузатиш киритиш” хужжати ёрдамида эса ташкилотларнинг сметаларида бир йил ичидаги юз берадиган ўзгартиришлар киритилади;
- Харажатлар қисмлари бўйича қолдиқлар суммаларини Тўлов топшириқномасини тўлдириш пайтида кўриш мумкин;
- Белгили муддат хизмат қилгани учун устамани автоматик ҳисоблаш амалга оширилган;
- Ходимларнинг иш ҳақларини ҳам белгиланган маошлар бўйича , ҳам ходимларнинг разрядини кўрсатган ҳолда ҳисоблаш.

БЭМ дастурида ишлаш натижасида қуйидаги ҳисоботлар автоматик равиша шаклланади:

№1 ох шакл “Харажатлар сметалари ижроси ҳақидаги ойлик ҳисобот”

№1 шакл “Харажатлар сметалари ижроси баланси”

№2 шакл “Бюджет бўйича харажатлар сметалари ижроси ҳақидаги ҳисобот”

№2 рж шакл “Ривожланиш фонди маблағларининг тушуми ва сарфланиши ҳақидаги ҳисобот”

№3 ВМКН шакл “Вақтингчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақа”

№5 шакл “Асосий воситаларнинг ҳаракатлари ҳақидаги ҳисобот”

№6 шакл “Моддий қийматлар ҳаракатлари ҳақидаги ҳисобот”

“БЭМ-Бюджет ташкилотлари” дастури янги счёtlар режаси бўйича ишлайди.

“БЭМ-Кичик корхоналар” дастурининг типовой версияси кичик ва ўрта бизнес корхоналари бухгалтериясининг асосий участкаларини ЎзР қонунчилигига мувофиқ равиша автоматаштириш имкониятини беради.

Дастур интерфейси фойдаланишга қулай ва содда бўлиб, ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Асосий меню.

2. Юқори панель бухгалтерия ҳисоби участкаларига бўлинган бўлиб, уларда кўрсатилган бўлимларнинг энг кўп ишлатиладиган обьектлари акс эттирилган.

3. Ўнг панель – Солиқ тўловчининг тақвимида давлат органларига ҳисоботлар топшириш саналари ҳақидаги ахборот акс этади.

4. Чап панелда бухгалтерия ҳисобининг барча участкалари акс эттирилган бўлиб, уларга босилганда дастурнинг танланган бўлимга тегишли барча обьектлари акс этади.

Қолдиқларни киритиш бўйича маълумотномалар ва хужжатларни тўлдириши янада қулайлаштириш учун дастурда ушбу обьектларни Microsoft Excelда шакллантирилган шаблон ёрдамида юклаш кўзда тутилган.

Дастурда бухгалтериянинг қуйидаги участкалари билан ишлаш кўзда тутилган:

Банк. “Банк” бўлими миллий ва хорижий валютадаги нақд бўлмаган пул маблағларининг ҳаракатини акс эттиради. Бирламчи банк хужжатларини (тўлов топшириқномаси ва талабномаси) расмийлаштириш имконини беради.

Касса. “Касса” бўлими касса операциялари ҳисобини таъминлаш, бирламчи касса хужжатларини (миллий ва хорижий валютадаги кирим ва чиқим

ордерлари) расмийлаштириш имконини беради. Касса ҳужжатлари асосида касса китобини автоматик шакллантиради.

Узоқ муддатли активлар ҳисоби. “Асосий воситалар” бўлимидан фойдаланиш асосий воситалар объектлари ҳисобини уларнинг жойлашган жойи бўйича ва моддий жавобгар шахслар бўйича юритиш, ҳисобга қабул қилиш, топшириш, ҳисобдан чиқариш, АВ объектларини тўғридан-тўғри ёки индекс усулида қайта ҳисоблашни амалга ошириш, амортизация ҳисоблашни амалга ошириш, номоддий активлар ҳисобини юритиш ва уларга амортизация ҳисоблаш имконини беради. Бир ой давомида ҳисобланган амортизациялар суммаларини бир неча счёtlар ёки таҳлилий ҳисоб объектлари ўртасида тақсимлаш мумкин. “АВ инвентаризацияси” ҳужжати асосида эса “Инвентаризация рўйхати” ва “АВ инвентаризацияси натижаларининг солиширима қайдномаси” ҳисоботлари шаклланади. Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш, асосий воситаларни тугатиш актлари ва бошқаларнинг шаклланиши имконияти мавжуд.

ТМЗ ҳисоби. Савдо. “ТМЗ ҳисоби” бўлими материаллар ҳисобини моддий жавобгар шахслар бўйича ва сақланиш жойлари бўйича юритиш, зарурий барча бирламчи ҳужжатларни (кирим ордерлари, юкхатлар, ҳисобдан чиқариш актлари, материал ҳисоботлар ва инвентаризация актлари) шакллантириш имкониятини беради. Шунингдек, материалларни ҳисобдан чиқаришнинг икки усули - ФИФО ва АВЕСО ҳам кўзда тутилган.

“Савдо” бўлимидан фойдаланиш улгуржи ва чакана савдо ҳисобини автоматлаштиришга имкон яратади. Ушбу модул ёрдамида омборлар ва дўконларда товарларнинг мавжудлигини ҳисобга олиш, мижозлар ва таъминотчилар базасини юритиш, товарлар кирими ва чиқими расмийлаштириш, зарур барча бирламчи ҳужжатларни (юкхатлар, счёtfактуралар, товар ҳисоботлари, инвентаризация актлари ва бошқалар) шакллантириш, контрагентлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатини кузатиб бориш мумкин.

Ишлаб чиқариш. “Ишлаб чиқариш” бўлими корхонанинг моддий ресурслари ҳисобини ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳужжатли расмийлаштиришни автоматлаштиришга мўлжалланган. Бўлим моддий ресурслар билан боғлиқ тайёр маҳсулотларнинг келиб тушиши, ҳисобдан чиқарилиши ва таннархини ҳисоблашни, харидорларга бериш ва бошқа шу каби операцияларни автоматлаштириш имконини беради.

Хизматлар қўрсатиши. “Хизматлар қўрсатиши” бўлими хизмат қўрсатиши шартномалари ҳисобини юритиш ва улар асосида бажарилган ишлар актларини автоматик шакллантириш, шунингдек, чет корхоналар хизматлари ҳисобини юритиш имконини беради.

Иш ҳақини ҳисоблаш. “Иш ҳақини ҳисоблаш” бўлими меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ишчилар билан ҳисоб-китоблар ҳисобини автоматлаштириш имконини беради. Даромад солиги сеткаларини автоматик шакллантириш, қўшимча тўлов ва чегирмалар маълумотномаларини юритиш, иш ҳақи, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан соликлар ва ажратмаларни (даромад, пенсия, корхоналардан ЯИТ, ЖБПТ, касаба уюшмалари бадаллари) автоматик

ҳисоблаш кўзда тутилган. Ташкилотда фойдаланиладиган ҳисоблашнинг ҳар хил турларини киритиш имконияти мавжуд. Шунингдек, ушбу бўлимда ходимларнинг пластик карточкаларига пул ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бўлим 10 дан ортиқ ҳисботларни (ҳисоб-китоб варағи, ҳисоб-тўлов қайдномаси, ходимларнинг даромадлари ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар) ўз ичига олган бўлиб, уларни кўриб чиқиш ва қофозга чиқариш мумкин.

Регламент. Бўлим ойнинг якунловчи операциялари – валюталарни қайта баҳолаш, молиявий натижаларни аниқлаш, соликлар ҳисоб-китоби, курслар ва суммалар фарқлари ҳисоб-китоби ва бошқаларни юритиш имкониятини беради.

Стандарт ҳисботлар. Ушбу бўлимда таҳлилий характердаги барча стандарт ҳисботлар (счёtlар қолдиқлари, оборотлари бўйича ва ажратмалар бўйича алоҳида-алоҳида) амалга оширилган. Ҳисботларни созлашнинг жуда кўп варианtlари амалга оширилган.

Шунингдек, дастурда қуйидаги шартномаларни шакллантириш кўзда тутилган:

Автотранспорт ижараси шартномаси;

Бегараз фойдаланиш шартномаси;

Ҳадя шартномаси;

Олди-сотди шартномаси;

Хизматлар кўрсатиш шартномаси;

Қарз тўғрисидаги шартнома;

Гаров тўғрисидаги шартнома;

Пудрат шартномаси;

Прокат шартномаси.

Регламент ҳисботлари – солик идораларига тақдим этишга мўлжалланган солик ва бухгалтерия ҳисботлари, шунингдек, турли жамғармаларга тақдим этишга мўлжалланган ҳисботлар. Ҳисботни шаблон кўринишида ва тўлдирилган ҳисбот (тўлдириш дастурга киритилган маълумотлар асосида амалга оширилади) кўринишида шакллантириш имконияти мавжуд.

«БЭМ - Бухгалтерга Электрон Мадад» - бу ҳар қандай турдаги тижорий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун тайёр ечимдир. Ушбу дастурий маҳсулот бухгалтерия ҳисоби масалаларини ечишга ёрдам беради. Аммо унинг имкониятлари бу билан чекланмайди: маълумотларни қайта ишлаш ва сақлашни ўз ичига оладиган ҳар қандай масалалар ҳам БЭМ иловаларининг асосий таркибий қисми воситалари ёрдамида бажарилиши мумкин. БЭМ маҳсулотининг асосий таркибий қисмлари чет яратувчилар томонидан қўшимча функционал киритиш ва уни қувватлашни амалга оширишга имкон беради.

Турли ҳисоблар (шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби) масалаларини ечиш соҳасида ўтказилган таҳлиллар натижасида дастурий таъминотни яратиш жараёнида бизнес-объектлар тавсифлари, уларнинг алоқалари ва ўзаро боғлиқлиги тизими яратилди.

Умум қабул қилинган жаҳон тажрибасига таяниб, БЭМ маҳсулотининг бошланғич кодларини тақдим этиш орқали ишланмаларнинг оддийлиги ва

кенгаювчанлигига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумкин. Агар дастур яратиш жараёнида, унда янги имкониятлар қўшишингиз ва уларни БЭМ дастурий маҳсулоти базасида тарқатишингиз мумкин.

Умумий хulosа сифатида БЭМ маҳсулотларидан фойдаланиш жараёнлари бўйича худудларда бухгалтерлар учун малака ошириш курсларини ташкил этиш ва ушбу дастур имкониятларидан фойдаланишни йўлга қўйиш бухгалтерлар ишини тезлашиши ва иш сифатини оширилишига олиб келади.

9.2 1С: Бухгалтерия 8,0 амалий дастур пакети имкониятлари

1С: Бухгалтерия 8,0 да барча маълумотлар, банк хисоблари, руйхат кодлари ва корхона ишчиларининг (паспорт маълумотлари, кодлари, мансаблари, маошлари) сакланади;

1С:Бухгалтерия 8.0 да барча бухгалтерия, солик хисоботлари автоматик тарзда ташкил топади ва уларни ИФНСга чоп этиш ёки файлда саклаш мумкин.

Хисобот тузишни бошлаш

1С:Бухгалтерии 8.0 да ишни бошлаш учун корхона хакидаги маълумот ва корхонанинг сиёсий тарафларини билишнинг узи кифоя. Бунда дастур барча далиллар оркали иш бошлашга мослашади.

Оддий хужжат тулдириш

1С:Бухгалтерии 8.0да хужжатларни тулдиришда купгина маълумотлар автоматик тарзда барилади. Хисоботни ёзиш учун маълумотни келтириш ва товар ёки хизмат турларини курсатиш кифоя.

Келтирилган маълумотни бир хужжатдан иккинчи хужжатга кучириб утказиши. Масалан: хисобот асосида юк-хати ёзиш мумкин.

Хисоботнинг оддий тахлили

1С: Бухгалтерия 8,0 нинг тезкор тахлилини билиш учун куйидаги хисоботларни куриб чикилади: айланма колдик хужжатлари, хисоб-китоб тахлили, хисоб-китоб вараги ва бошкалар. Хар кандай хисобот керакли маълумотни олиш учун тузилади. Масалан: омборга келтирилган турли маркадаги вентиляторларни хисобини олиш учун «Айланма колдик ведомость оркали 4/01, хисоботга ёзилади. «Омбордаги товар» хисоб варакаси оркали вентиляторнинг канчалигини билиш мумкин.

Бухгалтерия ва солик хисоботларини тузиш

1С: Бухгалтерия 8.0 солик ва бухгалтерия хисоботларини тузишни енгиллаштиради. Масалан: бухгалтерия балансини тузиш учун унинг хисобот давридаги ахволини курсатиш кифоя. Хамма курсатгичларни дастур узи тулдиради. Барча хисоботлар дастурда сакланади. Хисобот курсаткичларини эса кул оркали киритиш мумкин ва ушбу узгаришларни дастур узи ёдда саклаб колади.

Курсатгичларни юбориб банк толовномасини олиш мумкин

1С:Бухгалтерия 8.0 да акс этган барча толов хужжатлари осонгина «Банк-мижоз» дастури хисобига келиб тушади. Банкдан олинган маълумотлар хам осонгина кирм толовномаларида акс эттирилади. 1С: Бухгалтерия 8,0 оркали маълумотларни алмашишни 700дан зиёд кредит ташкилотлари куллаб-куватлайди.

1С:Бухгалтерия 8.0 асосий афзалликлари:

Солик ва бухгалтерия хисобини назарда тутмаган холда маълумотларни 1С:Бухгалтерии 8.0га кисман киритиш оркали товар-моддий захираларини уртacha таннархни куллаб ФИФО ва ЛИФО усулларида хисоблайди
Чакана савдодаги маҳсулотларни сотув нархида хисоб-китоб килиш имконияти яратилган (42 счетни куллаган холда «Савдони баҳолаш»)
40 счетни куллаган ва кулланилмаган холатда тайёр маҳсулот ишлаб-чикариш жараёнини акс эттириш имконияти кузда тутилган «Маҳсулот ишлаб-чикариш (иш, хизмат)»

Солик ва бухгалтерия хисоботида хужалик операцияларини аник холда хужжатларда акс эттириш имкони мавжуд. Товарлар ва материалар хисоб счетини номенклатура ва саклаш жойи учун бериш мумкин. Шартнома ва хисоб турлари хар бир контрагент учун алоҳида хисоб счети берилади. Берилган хисоб счетлар хужжатларга автоматик тарзда киритилади.

9.3 TSP амалий дастур пакетида ишлаш

TSP пакетини IBM компьютерига мос келувчи, MS-DOS ёки Windows муҳитига эга бўлган шахсий компьютерларнинг қаттиқ дискига (винчестерига) жойлаштириш мумкин. Қулайлик учун пакетнинг программали модулларини маҳсус яратилган директорийга (масалан, TSP номи билан) жойлаштириш керак. У ўзида тенгламалар системаси матнлари, ахборот массивларини ва бошқа маълумотларни мужассамлаштирган ишчи файлларни сақлайдиган поддиректорий (масалан, WORK номи билан) эга бўлиши керак [26].

Пакетнинг NETDRV10.RTT модулини эса DOS директорийсига жойлаштириш зарурдир. Пакетни MS DOS операцион тизимидан чақириш TSP.exe командасини киритиш билан ва Windows операцион тизимидан чақиришда, Windowsнинг ишчи столида унинг ёрлиғини яратиш ва ушбу ёрлик оркали ишга тушириш мумкин.

Эконометрик модел тузиш

Ушбу қисмнинг асосий вазифаси - эконометрик моделлаштириш соҳасида тадқиқотларга киришишни ва ишнинг биринчи босқичи давомида амалий натижалар олишдир. TSP имкониятларини систематик ўрганишлар, кейинги ечиладиган масалалар кўламини кенгайтиришга ёрдам беради.

Пакетни компьютернинг оператив хотирасига юклагандан сўнг, TSPнинг экранни пайдо бўлади.

Пакетнинг экрани 5 қисмдан иборат:

1. Динамик қаторлар интервалларини акс эттирувчи қисм.
2. Динамик қаторлар номларини акс эттирувчи қисм.
3. Динамик қаторнинг жорий интервали ва принтернинг ҳолати қисми.
4. TSP пакетининг ишчи соҳаси қисми.
5. TSP пакетининг ёрдамчи меню қисми.

Пакетнинг муҳитига кириб, экраннинг пастки қисмидаги жойлашган ёрдамчи менюни кўриш мумкин. Булар F1, F2, F3, F4, F5 ва F6 функционал клавишалардир. F3 - F6 клавишлари ёрдамида экранга керакли меню чақирилади. F1 клавишаси киритилган ёки чақирилган буйруқларни бекор

қиласы. F2 клавиши - аввал киритилген бойруқтарни қайтадан чақириш имконини беради. Бундан ташқары бойруқтарни бекор қилиш учун «Esc» клавишидан ҳам фойдаланиш мүмкін.

F3 клавиши - босилғандан сұнг пакет асосий экраныннан фонида қуидаги құрништегі меню пайдо бўлади:

| <i>File operation - Файллар устидаги амаллар</i> | |
|--|-----------------------------------|
| (1) Work files (begin session) | - Ишчи файллар |
| (2) Data bank operation | - Маълумотлар базаси операциялари |
| (3) Disk directory DIR | - Диск директорийлари |
| (4) Change directory CD | - Директорийни ўзгартыриш |
| (5) Edit a text file EDIT | - Матнли файлни таҳрирлаш |
| (6) Rename a file REN | - Файл номини ўзгартыриш |
| (7) Delete a file DEL | - Файлни дискдан үчириш |
| (8) Display file TYPE | - Экранда файлни кўриш |
| (9) Read Text-Lotus DIF READ | - Text-Lotus DIF ни ўқишиш |
| (A) Write Text-Lotus DIF WRITE | - Text-Lotus DIF ни ёзишиш |
| F1 Break (F3-F6 menu) F1 | - Бойруқдан чиқиб кетишиш |

Менюдаги конкрет бўлимни танлаш учун курсорни юқори ёки пастга юргизиш ва Enter клавишинни босиши ёки менюдаги бўлимлар олдидағи қавсларда турган рақам ёки ҳарфларни босиши билан амалга оширилади. Ишлани бошлашда (1) Work files (begin session) - Ишчи файллар қаторини танлаш зарурдир. (1) ни танлаш натижасида қуидаги меню пайдо бўлади:

| <i>Work files (WF) - Ишчи файллар</i> | |
|---------------------------------------|------------------------------------|
| (1) Create a new WF in RAM CREATE | - Хотирада янги ишчи файл яратишиш |
| (2) Load a WF from disk LOAD | - Дискдан ишчи файлни юклаш |
| (3) Save a WF to disk SAVE | - Дискка ишчи файлни ёзишиш |
| (4) Expand the sample range EXPAND | - Вақтли қаторни кенгайтириш |
| (5) Sort data by series SORT | - Маълумотларни сортировка қилишиш |
| F1 Break (F3-F6 menu) F1 | - Бойруқдан чиқиб кетишиш |

Бу ерда сиз экспериментал маълумотларга эга бўлган, вақтли қаторларни ичига олган ишчи файлларни яратишга муваффақ бўласиз.

Агар бирламчи ишчи файл яратилаётган бўлса, вақтли қаторлар учун давр оралигини аниқлаш муҳимдир. Меню пунктида қуидагиларни танлашингиз мүмкін.

Undated - бунда маълумотлар конкрет вақт оралиғига бўлинмайди.

Annual - йиллик ҳисобот маълумотлари.

Quarterly - квартал ҳисобот маълумотлари.

Monthly - ойлик ҳисобот маълумотлари.

Давр оралигини аниқлагандан кейин, маълумотлар билан ишлаш учун система даврнинг бошланиши (*Starting date?*) ва даврнинг охирини (*Ending date?*) сўрайди.

Масалан, сизда 2000 йилдан 2009 йилгача ҳисоб давр маълумотлари бўлса, ва 2015 йилгача прогноз ҳисоблари учун тегишли модель тузсангиз, аниқки, ишчи файл диапазони сифатида 2000 йилни пастки чегара ва 2015 йилни эса юқори чегара белгилаб олишингиз керак.

Йилик ҳисобот маълумотлари билан ишлаётган бўлсангиз, йил тўрт хонали сонда ифодаланиши керак (Масалан: 2000, 2005, 2010 ва ҳоказо).

Квартал ҳисботи маълумотлари билан ишлаётганингизда йил ва квартални нуқта билан ажратиб кўрсатиш зарурдир (Масалан: 2000.1 - бу 2000 йил 1-квартали эканлигини билдиради). Квартал номери сифатида 1, 2, 3, 4 рақамлари ишлатилади.

Ойлик ҳисбот маълумотлари билан ишлаётганингизда йил ва ой нуқта билан ажратиб кўрсатилади (Масалан: 2009.05, 2009.12 - бу 2009 йил 5 - ой ва 2009 - йил 12 - ойини билдиради). Ойни кўрсатганда 2 та сондан фойдаланиш керак. 2005.1 ёзуви нотўғридир, уни 2005.01 деб ёзиш зарурдир.

Ишчи файлнинг даврий чегаралари аниқлангандан кейин, модель тузилиши учун керак бўлган маълумотларни ишчи файлга киритишни бошлаш мумкин. Буни турли усуllар билан амалга ошириш мумкин: бошқа системалардан маълумотларни олиш мумкин, ёки TSP да қўлда териш мумкин.

TSPда қўлда териш усулини кўриб чиқамиз. Бунинг учун F4 клавишаси босилади ва танлаш имконияти қуидаги кўринишдаги меню пайдо бўлади:

| Data Management - Маълумотларни бошқарши | | |
|--|---|----------------------------------|
| (1) Set sample range SMPL | - | Вақтли қаторларни жойлаштириш |
| (2) Generate by equation GENR | - | Тенглама устида амаллар |
| (3) Data editor DATA | - | Маълумотларни таҳрир қириш |
| (4) Seasonal adjustment SEAS | - | Даврларни тартибга солиш |
| (5) Groups of series GROUP | - | Қаторлар бўйича грухлаш |
| (6) Rename series in WFR | | Ишчи файлда қатор номини ўзгар-ш |
| (7) Delete series in WFD | | Ишчи файлдаги қаторни ўчириш |
| (8) Grafics | | ГРАФИКА |
| (9) Show data table SHOW | | Маълумотларни жадвалга чиқариш |
| (A) Print data table PRINT | | Маълумотларни печать қилиш |
| F1 Break (F3-F6 menu) F1 | - | Буйрукдан чиқиб кетиш |

Энди менюдаги DATA командаси мос келадиган (3)-рақамли пунктни танлаш зарур, ёки бўлмаса DATAни F4 клавишасини босмасдан командалар қаторига териб ёзиш мумкин (Масалан :> DATA) .

Сўнгра система вақтли қаторлар номини кўрсатишингизни сурайди:

Serits list?

Бунга жавобан қаторлар номини киритиш керак (бир вақтда 6 тадан ортиқ номни киритиш мумкин эмас) ва булар кейинчалик маълумотлар билан тўлдирилади.

Қаторларнинг номини (8та символгача бўлган) лотин ҳарфлари ва сонлардан иборат булиши мумкин. Масалан, юқоридаги саволга қўйидагича жавоб берамиз :

NAME1 NAME2 NAME3

Натижада экранда қўйидаги кўринишдаги шаблон пайдо бўлади:

: B back up :I# insert at#:H# go to #:D# dalete #: X exit :

2000

2001

...

2008

NAME1 NAME2 NAME3

TSP командалар режимида ишлаганда DATA командаси қўйидагича берилади :

>DATA NAME1 NAME2 NAME3

У ҳолда система қаторлар номини NAME1 NAME2 NAME3 деб қабул қиласи ва Serits list? деган савол пайдо бўлмайди. Параметрларнинг бундай усулда берилиши, яъни командадан кейин қаторларнинг номлари пробеллар билар ажратилиши, кейинчалик ҳам кенг кўлланилади

Бу амаларни бажариш натижасида курсор 2000 йил қаторининг NAME1 устунида туради. Курсор турган жойга маълумотни киритиб ENTER клавиши босилгандан кейин, курсор кейинги устун (NAME2) га ўтади ва бу жойга маълумотни киритиш ёки ўзгартириш мумкин бўлади.

Пакетнинг маълумотларни таҳир қилиш режимида ишлаётганда экраннинг юқори қаторида фойдаланувчи учун ёрдамчи меню мавжуд. Аввалги ҳолатдаги майдонга ўтиш учун ҳозирги ҳолатдаги майдонга «B» командасини ёзиб ENTER клавишини босиш керак. Маълум даврдаги ҳамма ўзгартирилган ўзгарувчилар қийматини йўқотиш ёки ўрнига қўйиш мумкин. «I » командасини (масалан: I2003) қўйганимизда мавжуд бўлган қаторлар бир қаторга (давга) пастга сурилади (маълумотлар типига қараб бир йилга, бир кварталга ёки бир ойга). «D» командасини берганимизда (масалан: D2004) ҳамма маълумотлар бир қатор юқорига сурилади. Конкрет даврдаги маълумотларни ўзгартириш учун «N» командасини ёзиш керак (масалан : N2007), бу ҳолда курсор кўрсатилган (2007) қаторига сурилади.

Маълумотларни киритиб ёки ўзгартириб бўлгандан кейин «X» командасини териш зарур. Агар қайсиdir даврда маълумотлар йўқ бўлса, TSP системаси уларни кўриб чиқиб, экранга «NA» символларини чиқариб беради .

Маълумотларни киритиб бўлгандан кейин экраннинг юқори қисмида статистик қаторларнинг номлари акс эттириган бўлади. Бундан ташқари уларнинг сони ва бошқа ахборотлар кўрсатилади.

Шу вақтгача ишчи файл маълумотлар билан бўлган ўзгартиришлар компьютернинг оператив хотирасида сақланаётган эди. Ишчи файлни қаттиқ дискда (винчестерда) сақлаш учун SAVE командасини териш керак ({F3,(1),(3)} клавишларни кетма-кет босишга эквивалентdir) ва File name? саволига файлнинг номи кўрсатиш зарурдир. Масалан: AAA деб жавоб берамиз. Бундан

ташқари, мавжуд дисководлардан (A,B,C,D,E...) исталганини киритиш мүмкін бўлган директорийларни тўла йўлини кўрсатиш мүмкін .Масалан:

>a:\dir1\dir2\AAA

Шундай кўрсатилган файлни TSPнинг кейинги сеансида ишлаётганда қаттиқ дискда (винчестерда) юклаш мүмкін. Бу қуйидагича амалга оширилади.

>LOAD AAA

ёки [F3, (1), (2)] клавишларни кетма-кет босиш орқали амалга оширилади. Охирги ҳолда File name? саволига файл номини (AAA) кўрсатиш керак.

Авалги ишчи файл ўрнига дискдан оператив хотираға янги ишчи файлни юклашда экранда қуйидаги савол пайдо бўлади:

Abandon current work file ? (Y/N).

(Авалги ишчи файл йўқ қилинсинми ?) (Y/N) ва «Y» деб ижобий жавоб бериш керак, агар бу ҳаракат зарур бўлмаса «N» деб жавоб берилади ва аввалги ишчи файл хотиради туради, лекин янги ишчи файлни юкланмайди. Ишчи файлни дискда сақлагандаги файлнинг параметрлари ва ундаги мавжуд вақтли қаторлар сақланади (маълумотлар типи, жорий интервали, фойдаланилаётган маълумотлар учун даврий диапазоннинг пастки ва юқори чегаралари).

TSP пакетини муҳитига зарур ретроспектив маълумотлар киритилгандан кейин уларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш мүмкін. Статистик қаторлар номининг рўйхатини кўриш учун «C» командасидан фойдаланилади. «C» командаси киритилгандан кейин қуйидаги кўринишдаги статистик қаторларнинг номлари кўрсатилади:

```
range 2000-2008: series: current=39 maximum=500 :output c:\TSP\
```

| | | | | | | | |
|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| CHARTC | GOARIC | GOAROC | GOARTC | INARAC | INARIC | INAROC | INARTC |
| KPARTC | KSARAC | KSARCC | DUM87 | KSARAC | KSARIC | KSARTC | KVART |
| NDARAC | NDAROC | NDARTC | NUARTC | OUARAC | OUARIC | DUM88 | OUAROC |
| OUARTC | PPART | TRLN | TRSQ | VLARCC | VLARCC | VLARIC | VLAROC |
| VLARTC | DUM880 | DUM880 | FAART | FPARTC | GOARAC | GOARCC | |

Current SMPL 1970-2000: path C:\TSP\WORK\ print OFF

F1-BREAK F2- LAST COMMAND F3-FILES F4- DATA F5-STAT-CS F6-TSP CON

Вақтли қаторларни статистик қайта командлари билан иглаш учун F5 клавиши босилади ва қуйидаги меню пайдо бўлади:

| Statistical Operation - Статистик операциялар | | |
|---|---|----------------------------|
| (1) Descriptive & test stat. | - | Стат. тестлар ва тавси-т |
| (2) Single equation estimation | - | Бир тенгламани баҳолаш |
| (3) Equations & forecasting | - | Тенгламалар ва прогноз |
| (4) System (file) estimation SYS | - | Системани (файлни) баҳолаш |
| (5) Vectior Autoregression VAR | - | Авторегрессия вектори |
| (6) Solve a model (file) SOLVE | | Моделни бажаришга бериш |
| (7) Edit system or model file EDIT | | Система еки моделни таҳрир |
| (8)Exponential smoothing SMOOTH | | Экспоненциал текислаш |
| F1 Break (F3-F6 menu) F1 | - | Буйруқдан чиқиб кетиш |

Айрим тенгламалар параметларини баҳолаш учун (2)-қаторни танлаш зарур, шунда экранда қуидаги янги меню пайдо бўлади:

| Single equation estimation - Тенгламани баҳолаш | |
|---|---------------------------------|
| (1) Ordinary LS & ARMA LS | - Оддий энг кичик квадрат усули |
| (2) OLS (Cova & S.E.) LS (H) | - Оддий энг кичик квадрат усули |
| (3) Two-Stage LS&ARMA TSLS | - 2 қадамли э.к.к.усули |
| (4) Nonlinear LS NLS | - Чизиқсиз э.к.к.усули |
| (5) Weighted LS LS(W) | - Вазинли э.к.к.усули |
| (6) Weighted Two-Stage LS TSLS(W) | - Вазинли 2 қадамли э.к.к.усули |
| (7) Weighted Nonlinear LS NLS(W) | - Вазинли чизиқсиз э.к.к.усули |
| (8) Start. values for NLS PARAM | - NLS учун қийматлар юбориш |
| (9) Logit-bin. Dependent var LOGIT | - LOGIT 2ланган ўзгарувчи |
| (A) Probit -bin. Dependent var PROBIT | - PROBIT 2ланган ўзгарувчи |
| F1 Break (F3-F6 menus) F1 | - Буйруқдан чиқиб кетиш |

Бунда сиз тенглама коэффицентларини хилма-хил усуллар - энг кичик квадратлар, икки қадамли квадратлар усули, чамалангандан статистика ва бошқалардан фойдаланишингиз мумкин. TSP системаси вақтли қаторларни қайта ишлаш бўйича катта имкониятларга эга. TSP системасининг имкониятларини кейинги бўлимларда атрофлича кўриб чиқамиз.

Бу бўлимда энг кичик квадратлар усулидан фойдаланишини кўриб чиқамиз(Ordinary Least Squares,(1)-қатор).

TSP системасининг командалар қаторидаги охирги менюнинг (1) қатори танлангандан кейин ёки клавиатурада LS (>LS) терилганда экранда қуидаги савол пайдо бўлади:

Dependent variable? (Боғлиқ бўлган ўзгарувчи?)

Бу саволга қатор номига мос келувчи тенгламадаги боғлиқ бўлган ўзгарувчининг номини ёзиш керак. Шуни таъкидлаш керакки, барча регрессион тенгламалар $Y=(X_1, X_2, X_3, \dots, X_n)$ кўринишда бўлиши керак ва Y га нисбатан ечилиши лозимдир. Бундан ташқари, TSP системаси боғлиқ бўлмаган ўзгарувчиларни ҳам талаб қилиб қуидаги саволга жавоб беришингизни сўрайди:

List may include AR, SAR, MA, SMA, and PDL terms Independent variable list? (Боғлиқ бўлмаган ўзгарувчилар номи?).

Бунга жавобан регрессия тенгламасининг ўнг томонида жойлашган ўзгарувчилар ёки қаторларнинг номлари бўлади. Қатор номидан кейин уларнинг (кечикишнинг) қиймати туриши мумкин.

Мисол сифатида 2та тенглама системасидан ташкил топган моделни кўриб чиқамиз. Модель GOARTC ва GOARIC номли 2та ўзгарувчини ўз ичига олади ва улар учун маълумотлар аввалдан келтирилган. GOARTC ўзгарувчиси GOARIC ни ташкил этувчиси бўлиб, вақт бўйича нисбатан доимийдир. GOARTC учун тенглама - авторегрессия тенгламаси сифатида бўлади. Шундай

қилиб, биринчи тенгламани тузაётганда фойдаланувчи система ўртасида қуидаги мулокат амалга ошади:

>LS

Dependent variable? GOARIC

List may include AR, SAR, MA, SMA, and PDL terms

Independent variable list? C GOARTC

LS командаси ва унинг параметрлари берилгандан кейин, экранда тузилган регрессия тенгламасини характерловчи қуидаги ахборот пайдо бўлади:

LS// Dependent variable is GOARIC

Date 05-02-2009 / Time : 10:15

SMPL range :2000-2008

Number of observations :9

| VFRIABLE | COEFFICTNT | STD.ERROR | T-STAT | 2-TAIL SIG |
|----------|------------|-----------|-----------|------------|
| GOARTC | 0.6421739 | 0.0089380 | 71.847433 | 0.000 |
| C | 1.0391163 | 0.1266525 | 8.2044703 | 0.000 |

| | | | |
|--------------------|----------|-----------------------|----------|
| R-squared | 0.997488 | Mean of Dependent var | 10.07433 |
| Adjusted R-squared | 0.997295 | S.D. of Dependent var | 1.120370 |
| S.E. of regression | 0.058273 | Sum of squared pesid | 0.044145 |
| Darbin-Watson stat | 1.358926 | F-statistic | 5162.054 |
| Log likelihood | 22.42840 | | |

Ушбу листингни батафсил кўриб чиқамиз. Биринчи қаторда боғлиқ бўлган ўзгарувчини (ушбу мисолда – GOARIC) тўғрисида ахборот берилган. Иккинчи қаторда тегламани баҳоланган вақти ва санаси кўрсатилган (05-02-2009 ва 10:15). Учинчи қаторда теглама тенглама параметрини баҳолаш чегараси ва оралиғи (2000-2008) кўрсатилган. Кейинги қаторда кузатувлар сони (9) кўрсатилган.

Сўнгра тенглама айрим компонентларининг характеристикалари келади, масалан:

- ўзгарувчининг номи - variable-(C, GOARITC);
- ўзгарувчининг коэффициенти – COEFFICIENT –(мос равишда 0.6421739 ва 1.0391163);
- ўзгарувчига мос равишда тўғри келувчи коэффициент учун стандарт хатолик (мос равишда 0.0089380 ва 0.1266525)
- Стъюдентнинг T-статистикаси (71.847433 ва 8.2044703).

Регрессион тенглама айрим ташкил этувчилари характеристикадан ташқари, умуман ва боғлиқ ўзгарувчи ҳақида ахборот келтирилган.

| | |
|-----------------------|----------|
| R-squared | 0.997488 |
| Adjusted R-squared | 0.997295 |
| S.E. of regression | 0.058273 |
| Durbin-Watson stat | 1.358926 |
| Log likelihood | 22.42840 |
| Mean of dependent var | 10.07433 |

S.D. of dependent var 0.120370
 Sum of squared resid 0.044145
 F-statistic 5162.054

Фойдаланувчи учун энг муҳими R-квадрат ва Дарбин-Уотсон критерийсидир.

Худди шу йўл билан юқорида тузилган регрессияда аргумент сифатида қатнашувчи GOARTC ўзгарувчиси учун ҳам зарур бўлган тенгламани олишимиз мумкин. Бу тенглама оддий авторегрессия бўлиши мумкин.

>LS GOARTC с GOARTC (-1)

LS// Dependent variable is GOARTC

Date: 05-02-2009/ Time: 10:20

SMPL range: 2000-2008

Number of observations: 9

TSP системасининг текстлар редакторидан фойдаланиб, олинган тенгламаларни кейинчилик ечиш учун MODEL1 номли файлга киритиш мумкин. Текст редакторини чакиришда EDIT командасини ва системанинг File name? саволига таҳрир қилинадиган файлнинг номини териш зарурдир. EDIT командасини киритганимиздан кейин қўйидаги экран пайдо бўлади:

| | | |
|---------------------------|-------------------------|-----------------|
| L[#][#]List lines !.. E# | Edit line ! O [d:] | fname Open file |
| U[#][#]List W/O #!. I # | Insert lines! M [d:] | Fname [#] Merge |
| P[#][#]Print lines !.. T# | Copy line ! K [d:] | Fname Read WS |
| V[#][#]Print W/O #!. X | Exit-Save.S Save! W[d:] | Fname Write |
| D[#][#]Delete lines!. Q | Exit-Don't Save! F [d:] | Fname FTEQ |

Олинган тенгламалар қўйидаги кектма-кетлиқда киритилади:

1: GOARTC= 1.9788215+0.8870707* GOARTC(-1)

2: GOARTC= 1.0391163+0.6421739* GOARTC

Экраннинг юқори қисмида жойлашган командалар қўйидагилар:

.L-қаторларни кўриб чиқиш;

.P- қаторларни чоп қилиш;

.D- қаторларни ўчириш;

.E- қаторларни таҳрир қилиш;

.I- қўшимча қатор киритиш;

.T - қаторни кўчириш;

.X -ёзиб чиқиб кетиш;

.S -файлни дискка ёзиш;

.Q -файлни сақламасдан чиқиб кетиш.

Модель тенгламалар системасини ечиш

Моделни (тенгламалар системасини) ечишдан олдин вақтли қаторлар чегараларини белгилаш керак ва бу чегараларда зарур хисоб-китоблар олиб борилади. Буни SMPL командаси орқали амалга ошириш мумкин. Масалан, агар 2010 йилдан 2015 йилгача прогноз хисобларини амалга ошириш учун қўйидаги командани бериш керак:

>SMPL 2010 -2015

Прогноз чегарасини аниқланғандан кейин SOLVE командағы ёрдамида моделни ечиш мүмкін.

➤ SOLVE MODEL1

TSP системаси тенгламалар системасини (моделни) итерация усули билан ечади. Ечиш жарапында итерациялар сони берилади. У қуйидагича бўлади:

2010 - 5 iterations

2011 - 13 iteration

2012 -11 iteration

2013 -6 iteration

2014 -5 iteration

2015 -2 iteration

Итерациялар сони моделнинг бошанғич шартлари, тури ва моделдаги тенгламаларнинг қайси тартибда келишига боғлиқдир. Итерацияларни максимал сони ва уларни ўзгартириш учун қуйидаги команда берилади:

>SMAXIT

Бу командадаги итерацияларнинг максимал сони 100 тага teng. Агар прогноз ҳисобларида натижалар яқинлашишга эришмаган бўлса, TSP системаси қуйидаги хабарни экранга чиқаради:

Convergence not achieved? (яқинлашишга эришилмадими?)

Бу ҳолда итерациялар сонини ошириш тавсия этилади (масалан: 1000 тагача). Бунинг учун қуйидаги команда берилади:

>SMAXIT 1000

Агар бу ўзгартиришдан кейин ҳам яқинлашишга эришмаса, тенгламалар системасини таҳлил қилишга киришиш керак. Эҳтимол, баъзи бир тенгламани ёзаётганда хатоликка йўл қўйилган ёки ўзгарувчилар орасидаги алоқалар «ўта мураккаб» (масалан: кўп рекурсияли) бўлиши мумкин. Буни олдини олиш учун баъзи рекурсив боғланишларни оддийроқقا алмаштириш мумкин ва системадаги айрим тенгламаларнинг орасидаги боғланишларни мураккаблаштириш мумкин.

Агар модел нормал ечилган бўлса, уни таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун аввалги интервални (SMPL 2000 - 2015 командағы билан) бериш керак. Бу интервал ёрдамида қаторлар орасидаги боғлиқликларни, ҳисобланған қатордаги ўзгаришларни кўриш мумкин. Модель ечилгандан кейинги натижалар аввалги маълумотлар ёзилган файлга ёзилади. Уларни экранда кўриш учун SHOW командасидан, қоғозга печат қилиш учун PRINT командасидан фойдаланилади.

Бундан ташқари вақтли қаторлар қийматларини график кўринишда ҳам экранга ёки қоғозга чиқариш мумкин. Бунинг учун F4 клавиши босилиб, (8) GRAPHICS қатори танланади. Шундан сўнг, қуйидаги меню пайдо бўлади:

Graphics Command - Графика командалари

| | | | |
|---------------------|---------|---|--------------------|
| (1) Line graph | PLOT | - | Чизиқли график |
| (2) Scatter diagram | SCAT | - | Кесишган диаграмма |
| (3) Bar graph | BAR | - | Устунли график |
| (4) Pie chart | PIE | - | Айлана диаграмма |
| (5) Histogram | HIST(G) | - | Гистограмма |

| | | | |
|------------------------|--------|---|-----------------------------|
| (6) Load a graph file | LGRAPH | - | Графикли файлни юклаш |
| (7) Print a graph file | PGRAPH | - | Графикли файлни печат қилиш |
| F1 Break (f3-f6 menus) | F1 | - | Буйруқдан чиқиб кетиш |

Чизиқли графикни олиш учун (1) Line graph PLOT қаторини танлаш керак. Бу қаторни танлагандан кейин экранга яна битта меню чиқади. Бу менюда бир неча вақтли қаторлар графикларини турли хил жойлшишини танлаш мумкин:

TSP системаси билан ишлашнинг бошланғич босқичида (A) қаторни танлаш тавсия этилади. Кейинчалик бошқа пунктлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

TSP график компонентасида тажрибалар ўтказиб, сиз маълумотларингиз ёрдамида ўзингизни қулай бўлган графикларни олишингиз мумкин. Системанинг график ва бошқа имкониятларни маҳсус бўлимларда батафсил баён этилади.

Файллар билан ишлаш буйруқлари. (f3 клавишаси)

TSPнинг қўргина командалари MS-DOS командаларига ўхшашидир.

DIR - директорийларни қараб чиқиши командаси.

Команда параметрларсиз ишлайди ва экранга жорий (ҳозирги) директорийдаги файлларни чиқаради TSP даги DIR командаси MS-DOS даги DIR командасидан фарқи шуки, TSPда DIR командасидан директориигача бўлган йўл тўлиқ кўрсатилиши керак ва экранга файлларнинг номи ва кенгайтирилган қўшимчалари чиқарилади. Мисол: С дискдаги TSP директорийсида EXE кенгайтирилган қўшимчали файлларни кўриш учун қўйидаги команда берилади :

>DIR C:\TSP.EXE

CD - директорийларни ўзгартириш командаси.

Ушбу командадан бошқа директорийга ўтиш учун фойдаланилади. Янги директорий TSP системаси учун жорий директорий бўлади ва маълумотларни юклаш ва сақлаш командалари янги директорийда ишлай бошлайди. TSPда турли йўналишларда ишлаётган бўлсангиз, йўналишлар бўйича турли хил директорийлар очишингиз мумкин. Ишни бошланишида CD командаси ёрдамида сиз керакли бўлган директорийга ўтишингиз мумкин.

Масалан: Агар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини моделлаштириш бўйича ишлаб чиқилган моделлар TSP директорийсининг UZ поддиректорийсида жойлашган бўлса, ишни бошлашдан олдин қўйидаги комадани бериш керак.

>CD\TSP\UZ

REN - файллар номини ўзгартириш командаси. Бу команда MS-DOS системасининг REN командасига ўхшашидир. REN командаси файллар номини ўзгартириш учун ишлатилади. Масалан: U.TXT файл номини U1.CSV га ўзгартириш учун ушбу командани бериш керак:

>REN U.TXT U1.CSV

DEL - файларни дискдан ўчириш командаси.

Бу команда ҳам MS DOS системасидаги DEL командағы үхшашдир. Файлларни дискдан (винчестердан) үчириш учун ишлатилади. Масалан: жорий директорийдеги WK. TXT файлини үчириш учун қуидаги команда берилади:

DEL WK. TXT

TYPE - файлларни экранда күриш командаси.

Бу команда билан модел тенгламалариниüz ичига олган файлларни күриш мүмкін. Ушбу командағы камчилігі шундаки, (MS DOSдеги TYPE командағы билан солиширганда), файлни экранда тұхтатып күриш учун Pause клавишаидан фойдаланиш мүмкін. Аммо, F1 клавиши босилғандан кейин күришни давом этириб бўлмайди. Масалан : WK.TXT файлни күриш учун

TYPE WK. TXT командағы берилади

TSP системасида ишчи файллар билан ишлаш командалари.

Ишчи файллар билан ишлаш командаларини рўйхатини ўзичига олган меню, файллар билан ишлаш командалари бош менюсининг биринчи қаторини танлаганда чиқарилади ва қуидаги кўринишда бўлади:

| WORK FILES(WF) -Ишчи файллар (и/ф) | |
|---|------------------------------|
| (1)Create a new WF in RAM GREATE | - хотирада янги и/ ф яратиш. |
| (2) Load a WF from disk LOAD | - дискдан и/ф ни юклаш |
| (3)Save a Wf to disk SAVE | - дискка и/ф ёзиш |
| (4) Expand the sample range EXPAND | - вақтли қаторни кенгайтириш |
| (5) Sort data by series SORT | - маъ-тларни саралаш |
| F1 Break (F3-F6 menus) F1 | - Буйруқдан чиқиб кетиши |

TSP системаси маълумотларни ўзининг ички форматида сақлайди. Ишлаш сеанси пайтида ҳамма вақтли қаторлар TSP системасининг ИШЧИ ФАЙЛЛАРИДА (WORK FILE) сақланади. Ишчи файл ўзида маълумотларни сақлашда қаторларнинг ДАВРИЙЛИГИ (FREQUENCY) билан, даврни ўзгартиришнинг максимал интервали (range) ва хозирги интервали (Current Sample) билан характерланади. Ишчи файл маълумотларни сақлашда уларнинг структурасини яратади. Вақтли қатрлар бу структуранинг элементлари ҳисобланади. Ҳар бир вақтли қаторнинг номи бўлиши шарт, бу ном ишчи файлда бошқа қаторларнинг номига ўхшамаслиги керак. Вақтли қаторларнинг даврийлиги қуидагилардан бири бўлиши мүмкін:

Undated - бунда маълумотлар аниқ вақт оралиғида бўлмайдилар;

Annual - йиллик маълумотлар;

Quarterly - квартал маълумотлар;

Monthly - ойлик маълумотлар;

Ишчи файллар билан операциялар бажариш учун TSP системасида 5та команда мавжуд. Уларнинг тавсилотлари қуида көлтирилган.

GREATE - бу команда ЭХМнинг оператив хотирасида ишчи файлларни яратиш учун мўлжалланган. Агар янги ишчи файл яратадиган бўлсангиз, хотирада аввалги ишчи файл мавжуд бўлса (аввал яратилган ёки дискдан юклатилган бўлса), бунда система ўша мавжуд файлни хотирадан йўқ қилишни маъқуллашингизни сўрайди.

Abandon current work file? (Y/N)

Агар «Y» деб жавоб берсангиз, мавжуд аввалги ишчи файлда қилган ўзгартиришларингиз ва натижаларингиз SAVE командаси билан сақлаб қўйилмаган бўлса, хотирадан ўчирилиб кетади. «N» деб жавоб берсангиз, янги ишчи файл яратишдан воз кечасиз ва аввал мавжуд бўлган ишчи файл билан ишлашни давом эттирасиз.

CREATE командаси берилгандан кейин қуйидаги қўринишдаги даврийлик менюси пайдо бўлади:

Frequency - Оралиқ (частота)

| | | |
|---------------------------|---|-----------------------|
| (U) Undated | - | Даврсиз маълумотлар |
| (A) Annual | - | Йиллик маълумотлар |
| (Q) Quarterly | - | Квартал маълумотлар |
| (M) Monthly | - | Ойлик маълумотлар |
| F1 Break (F3-F6 menus) F1 | - | Буйруқдан чиқиб кетиш |

Менюдаги бирорта қаторни танлаганингиздан кейин экранда Starting date? саволига жавоб беришингиз керак. Бунга эса жавоб RANGE интервалидаги бошланғич сана бўлиши керак.

Ending date?

Бунга RANGE интервалнинг охирги санаси жавоб бўлиши керак. Масалан: 2000 йил 1-кварталидан 2005 йил 4-кварталигача бўлган маълумотларни ўз ичига олган ишчи файлни яратиш учун қуйидаги командани бериш керак:

>CREATE (G) 2000.1 2005.4

LOAD - ишчи файлни дискдан оператив хотирага юклаш командаси. Агар янги ишчи файл яратадиган бўлсангиз, хотирада аввалдан ишчи файл мавжуд бўса (аввал яратилган ёки дискдан юклатилган бўлса), у пайтда система мавжуд бўлган аввалги ишчи файлни йўқ қилишни маъқуллашингизни сўрайди.

Abandon current work file? (Y/N)

Агар «Y» деб жавоб берсангиз, мавжуд аввалги файлда қолган ўзгартиришларингиз ва натижаларингиз SAVE командаси билан сақлаб қўйилган бўлса, хотирадан ўчирилиб кетади. «N» деб жавоб берсангиз янги ишчи файл билан ишлашни давом эттирасиз. Ундан кейин эса қуйидаги саволга жавоб берасиз:

File name? Файлнинг номи?

Бу саволга ишчи файлнинг номини ёзиш керак. Масалан: UZ номли ишчи файлни юклаш учун

>LOAD UZ

деган командани бериш керак.

SAVE - ишчи файлни дискда сақлаш командаси (ишчи файлни винчестерга ёзишда ишлатилади).

Бу команда берилгандан кейин экранда Filt name? Саволига ишчи файлнинг номини бериш керак. Агар худди шу ном билан аталувчи файл дискда мавжуд бўлса, экранда қуйидаги савол пайдо бўлади:

File already exists. Overwrite? (Y/N)

Агар «Y» деб жавоб берилса, файл қайта ёзилади (эскиси эса йўқ килинади). «N»деган жавобда эса файл сақланмайди. Масалан: мавжуд ҳозирги ишчи файлни дискка UZ номи билан сақлаш учун қуидаги команда берилади:

> SAVE UZ

EXPAND (КЕНГАЙТИРИШ) - Ишчи файлнинг чегараларини кенгайтириш командаси.

Бу команда максимал интервални (RANGE) кенгайтириш (бу команда билан вақтли қатор чегараларини торайтириш мумкин эмас) учун ишлатилади. Бу командада вужудга келадиган саволлар ва жавоблар CREATE командасига ўхшайди. Масалан: ишчи файлда янги 2005.1 ва 2009.4 чегараларини яратиш учун қуидаги команда берилади:

> EXPAND 2005.1 2009.4

SORT - тартиблаш командаси.

Бу команда вақтли қатордаги кузатишларни кетма-кет туришини, уларнинг қийматига қараб ўзгартириш учун ишлатилади. Ишчи файлдаги вақтли қаторларнинг (кузатишларнинг тартибига қараб) барчаси вақтли қаторлар қийматларининг тартибиغا қараб тартибланади.

9- боб бўйича хуносалар

“БЭМ – Бухгалтерга Электрон Мадад” дастури ишлаб чиқарилиши оркали “БЭМ-Кичик корхоналар”, “БЭМ-Бозорлар”, “БЭМ-Бюджет ташкилотлари” дастурлари кўринишида фаолият турлари хизматлар, улгуржи ва чакана савдо, ишлаб чиқариш кабилардан иборат бўлган корхоналар; хўжалик ҳисобидаги ва бюджет ташкилотлари; ягона солик тўловчиликар ва умумбелгиланган соликлар тўловчиликар, бозорлар, олий ўкув юртлари ва бошқалар учун муваффақиятли ечим яратилди.

БЭМнинг дастурий маҳсулотлари амалдаги қонунчиликнинг барча талабларига жавоб беради ва бошқа барча муқобилларидан фарқли ўлароқ, қўшимча созлаш ва конфигурация қилишни талаб этмайди. Бухгалтер корхона, ходимлар ва операциялар бўйича бошланғич маълумотларни киритса кифоя, қолган барчасини дастурнинг ўзи тез ва тўғри амалга оширади.

TSP пакети ўзида тенгламалар системаси матнлари, ахборот массивларини ва бошқа маълумотларни мужассамлаштирган ишчи файлларни сақладиган директорий остига (масалан, WORK номи билан) эга бўлиши керак.

10- боб Давлат секторида электрон бошқарув усуллари

10.1 Давлат секторида бошқаришининг электрон усулини қонунчилик асосида ривожлантириш

Хозирги даврда ахборот коммуникацион технологияларни (АКТ) жаҳон миқесида хаетга кенг кулланиши индустрисал жамиятдан ахборот жамиятга утиши билан тавсифланади. АКТ ривожланиши умуман иктисадий соҳаларнинг ракобатбардошлигини ва давлат бошқарув самарадорлигини оширади[19,29].

Ўзбекистон Республикасида АКТ кенг жорий этилиши учун зарурӣ шартлари булиб хукукий ва уюштириш шартлари хисобланади, бу эса уз навбатида жамиятни демократик узгаришларига олиб келиб ахолини ахборот ресурсларни эркин олишига, узатишига ва таркатишга хукук беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Вазирлар Махкамасида ўтказилган йигилишда ўзининг маърузасида маъмурий ислохотнинг асосий бир йуналиши булган прогрессив ахборот коммуникацион технологияларни давлат бошқариш тизимиға боскичма-боскич жорий килиб, уни мукаммаллаштириб бориб кераксиз хисботларни ва когоғли хужжат алмашувини кискартиришини таъкидлаган.

Давлат органлари ва бошқарувидаги АКТдан фойдаланиш куйидагиларга ердам беради:

- очик турдаги фуқаролар жамоасини яратишга;
- давлат бошқарув самарадорлигини кутаришга;
- давлат сектори харажатларини кискартиришга;
- давлат органлари ва бошқаруви билан фуқаролар хамда хужалик субъектлари орасидаги узаро муносабатларни юксалишига.

Давлат секторига АКТ жорий килиниши иктисадиетни ривожланишини теззатади, иш самарадорлигини оширади, давлат муассасаларининг ишлаб чиқариш кувватини кутаради.

Давлат секторида электрон бошқарув усулининг максади ва масаласи куйидагилардан иборат:

- ахоли, шахсий сектор ва нодавлат жамиятни давлат органлари ва уз-узини бошқарув органлари хизматларидан максимал даражада фойдалана олиш;
- АКТдан фойдаланиш ердамида давлат ва уз-узини бошқариш корхоналарида энг юкори иш самарадорлигига эришиш;
- бизнес иклимини яхшилаш натижасида чет эл инвестициясини киритиш;
- шахсий, жамиятни ва давлатни ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва демократик ривожланишини шарти булган эркин ва тенг хукуклилик равища информациини олиш, таркатиш ва фойдаланишнинг самарали тизимини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси давлат секторига электрон технологиянинг кулланиши ва риволанишининг асосий йуналиши булиб хукукий-норматив базани мукаммаллаштириш хисобланади.

Шу йуналишдаги асосий масалалардан бири бу электрон хужжатларни яратиш ва куллаш борасида қонунчилик базасини шундай яратиш лозимки, у умумий ахборот ресурслар ва тизимлардан фойдаланиш имкониятини,

информациянинг конфедиционаллигини, шунингдек, оддий шахсларнинг шахсий маълумотларини саклашга каратилган булмоги лозим.

Давлат секторига АКТ жорий килишда хукукларни кайта куришда асосий саволлар булиб куйидагилар хисобланади:

- давлат органлари ва бошкарув ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан эркин холатда фойдаланиш хукукини хар бир фукарога жорий килиш;

- Интернет тармогидан фойдаланиб давлат иктисадий ишларини олиб бориш хукукини таъминлаш (электрон тижорат, электрон хужжат алмашув, ахборот хизматлар);

- давлат томонидан АКТдан фойдаланилганда унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- ахборот коммуникацион тизимларда юритиладиган электрон хужжатларнинг хакикийлигини аниклаш коидаларини урнатиш;

- ахборот жамоанинг хукукларини мукаммаллаштириш, чунки хар бир ахборот фукаро электрон технологияни давлат секторига жорий килганидан сунг янгиликни сезмоги лозим.

Давлат секторида АКТдан фойдаланиш учун хукукий-норматив базанинг куйидаги йуналишларини мукаммаллаштириш лозим:

- АКТ соҳаси буйича умумий конунчиликни комплекс равища мукаммаллаштириб, халкаро конунчилик билан мувофикаштириш;

- информациянинг очиклиги ва эришишлигини саклаган холда, лекин конфиденционал информациялардан фойдаланишга чегара куйилган холда информация хукукий тартибини аниклаш;

- компьютер жинояти хакида конун лойихасини тайерлаш;

- конфиденциаль информация хакида конун лойихасини (ишдаги сир, тижорат сири, банк сири ва х.к.) тайерлаш;

- ахборот хизматларни курсатиш коидаларининг норматив актларини ишлаб чиқариш (электрон хужжат айирболаш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш ва х.к.);

- электрон хужжат айирбошлаш жараенида ахборот тизимни яратиш, уларнинг узаро муносабати, информация хавфсизлиги ва муҳофазаси учун стандартлар ишлаб чикиш.

Бошкаришнинг электрон усули деганда авваламбор хамма хужжатларни электрон куринишга утказиш ва давлат электрон олди-сотди жараенини ривожлантириш демакдир. Шу билан билан биргаликда давлат бизнес соҳасида иш олиб бораётган фукароларга замонавий АКТ куллаш буйича урнак булмоги лозим.

Давлат электрон олди-сотди жараенининг афзалликлари куйидагилардан иборат:

- очиклик (зиддиятни кайтариш);

- тенг хукуклилик (давлат буюртмасини олишда ракобатни кучайтириш);

- тежамкорлик (давлат сотиб оладиган маҳсулотларига кетадиган харажатларни камайтириш);

- самарадорлик (конкурс буйича олди-сотди жараенини тезлаштириш).

Давлат олди-сотди жараенига утишда бир неча мисолар булиб, улардан бири конуний-хукукий базани мукаммалаштиришдан иборат. Электрон бозор учун албатта электрон божхона булмоги лозим. Бусиз халкаро электрон савдо булмайди. Шунинг учун божхона хужжатларини расмийлаштириш, хужжатларни соддалаштириш, халкаро амалиетга мос келиши ва халкаро бирикмалар ЕС, СНГ билан интеграция килиши учун хукукий базани кенгайтириш керак. Фараз килинадики, агар юк божхонасидан товар утмоги лозим булса, албатта унинг электрон паспортида белгиланган булмоги лозим.

АКТни Ўзбекистон Республикаси давлат секторига жорий килиш ва ривожлантириш максадида бир катор конунлар кабул килинган:

- “Информация эркинлиги мукаррарлиги ва кафолати” (12.12.2002 й);
- “Информация хакида” (11.12.2003 й);
- “Электрон ракамли имзо хакида” (11.12.2003 й);
- “Электрон тижорат хакида” (29.04.2004 й);
- “Электрон хужжат алмашув хакида”(29.04.2004 й)

Кейинчалик эса конунчилик базасини кенгайтириб куйидаги масалаларни хисобга олишга каратилмоги лозим. Булардан:

- “Компьютер жинояччилиги хакида”;
- “Электрон туловлар хакида”;
- “Давлат бошқаруви ва хокимияти берилганлар базасини яратища стандартлари хакида”;
- “Шахсий берилганларни химояси хакида”;
- “Информация хавфсизлиги хакида”;
- “Давлат электрон хизматлари хакида”;
- “Шахснинг электрон хужжатлар оркали тасдикланиши хакида” ва х.к.

Бу конунларни кабул килиш оркали электрон давлат бошқарувига утишнинг хукукий асослари яратилган булиб, Ўзбекистон Республикасининг халкаро ахборот бирикмалари билан интеграция жараенлари ривожланади.

10.2 Электрон хужжат алмашуви тизими

Замонавий давлат бошқаруви булиб электрон хужжат айирбошлиш тизими (ЭХТ) хизмат килади.

Хозирги вактда Ўзбекистон Республикасида “Давлат муассасаларида электрон хужжат айирбошлиш тизимини тахлили ва баҳоси” дастури ишламоқда[29].

Лойиханинг асосий максади мавжуд ЭХТни барча устиворлигини ва камчилигини урганган холда тизимни хаётга жорий килиш карорини кабул килувчи шахсларга тушунарли куринишда тақдим килиш.

Лойиханинг мазмуни куйидаги масалаларнинг ечимиладир:

- давлат муассасаларида иш юритиши ва хужжатларнинг оқимини урганиш;
- давлат муассасаларига ЭХТни жорий килиш хукукларини тахлил килиш;
- давлат муассасаларига ЭХТни жорий килишда келиб чикадиган муаммоларни ва хусусиятларни аниклаш;
- давлат муассасаларида ЭХТ жорий килиш максадини аниклаш;
- давлат муассасаларига ЭХТ куллашдаги талабларни аниклаш;

- давлат муассасаларида ишлатиш учун тижорат дастури сифатида Ўзбекистон бозоридаги махсулотлар руйхатини аниклаш;

- кулланилиши мумкин булган ЭХТни тест саволларидан утказиш; Лойихани амалга ошириш оқибатида куйидаги амалий натижаларга эришамиз:

- таклиф этилаетган ЭХТнинг тест натижалари асосида хисоб тайерланади;

- электрон хокимият жорий килиш концепциясига ЭХТ танлаш борасида таклифнома тайерланади.

Хозирги вактда тест саволларидан утиш учун куйидаги ЭХТлари руйхатга олинган. Булар:

1. NCI-DOFLOW (узбек таддикот компанияси NCI Projects)

2. “Ефрат” (узбек Ш.Ф. “Про-Техника” ва Nuron DS)

3. “Land Doces” (Россия компанияси “Ланит”)

4. “Босс - Референт” (Россия компанияси Айти)

5. “Nan doc” (узбек компанияси Detee)

6. “Documentum” (узбек компанияси ETG)

Тизимнинг ишлашини таъминлаш учун корхоналараро электрон хужжат айирбошли инфраструктурасини яратмок лозим. Бунинг учун:

- бошкариш учун зарур хужжатлар билан таъминлаш борасида норматив-хукукий актлар туплаш яратиш ва электрон хужжатлар айирбошли тизимини ягона тизимга келтириш (ЯЭХТ);

- давлатлар органлари узаро хужжатларини айирбошлиша хужжатларни стандарт-мукаммал шаклга келтириш;

- корхоналараро хужжат айирбошлиша электрон лугат ва каталогларни яратиш ;

- ягона электрон хужжат айирбошлиша тизими (ЯЭХТ)даги ракамли имзони тасдиковчи Марказ яратиш;

- давлатлараро маълумотларни айирбошлиш учун ягона транспорт мухитини яратиш;

- корхоналараро яратилган ЭХТ координацияси учун марка яратиш (ККМ);

ККМ куйидаги функцияларни бажармоги лозим:

- маълумотларни кафолатли етказиш;

- электрон хужжатларни маршрутини белгилаш;

- маълумотларни яратиш ва айирбошлиш шаклини ривожлантириш;

- марказлаштирилган холда норматив-лугатий ахборотларни киритиш;

- хужжатларни портал оркали чоп этиш;

- умумий хужжатларни биргаликда ишлаш шароитини яратиш;

Корхона электрон хужжат айирбошлиш тизимида куйидаги вазифалар юкланди:

- хужжатларнинг регистрацияси;

- хужжатларни тасдиклаш;

- хужжатларни барча жабхалар билан келиштириш;

- хужжатлар устида жамоа булиб ишлашни уюштириш;

- хужжатлар лойихасини яратиш (барча жабха учун);

- бажарилиш даражасини текшириб туриш;

- корхона архивлари билан бодганиш;

- фукаролар талабларини кайта ишлаш;
- узаро компьютерлар учун тушунарли ягона форматда берилганлар билан ишлаш.

10.3 Ўзбекистон Республикасида электрон хокимиятнинг холати ва равнақи

Электрон хокимият деганимизда жамиятда мавжуд булган барча ташки ва ички алоқа хамда жараенларни АҚТ оркали амалга оширувчи хокимият тушунилади. Электрон хокимият равнаки учун куйидаги узаро боғлик булган масалаларни ечмоклик зарурдир:

1. Когозсиз хужжат айирбошлаш асосида давлат тизими ва бошқаруvida узаро таъсирни яхшилаш.

2. АҚТ асосида фукаролар жамоаси субъектлари ишлари юзасидан бажариладиган вазифаларни амалга ошириш.

2003 йилнинг якуни муносабати билан утказилган йигилишда мамлакат Президенти И.Каримов таъкидлаганидек “2003 йилда бошланган ислохотни асосий йуналиши булиб 2004 йилда уз якунини куриш булган маъмурий тизимдир”.

Шу муносабат билан Президентимизнинг бошчилигига 2003 йилнинг декабри ва 2004 йилнинг январ ойларида маъмурий ислохотни амалга ошириш борасида бир нечта карорлар кабул килинди.

Бу ислохотни амалга оширишда куйидаги масалаларни ечмоклик зарур:

- мавжуд бошқарув тизимни марказлашгандикдан чикириш.

- жойларда хокимият органларининг компетентлигини ва жавобгарлигини ошириш.

- хужалик субъектлар ишларига давлат бошқарув органларининг аралашувини камайтириш.

- хар бир жабхада давлат бошқарув тизимининг очик- ойдинлигини ошириш.

Куйилган масалаларни ечишда хамда маъмурий ислохотни якунлашда давлат бошқарув органларига ЭХ жорий килиш уз самарасини беради ва куйидагиларни ечишга олиб келади:

- бошқарув аппарати ишларини сезиларли даражада юксалтириб, сарф-харажатларни камайтириб, бюджетни яна хам самарали ишлатиш имкониятини беради;

- бошқарувга ойдинлик киритиб давлат органлари бошқарувини жамоатчилик томонидан назорат килиш имкониятини яратади;

- жамоат жараенларини бошқаришнинг янги механизми яратилади.

Демак, электрон хужжатларни (ЭХ) давлат бошқарувига куллаш маъмурий ислохотнинг асосий вазифаларини хам ечиб беради. ЭХ тушунчаси асосан 1990 йилларда келиб чиккан булсада, асосан хозирги вактларда куп эътибор берилмоқда. Биринчилар катори ЭХ яратишда АҚШ, Англия ва шунингдек Италия, Норвегия, Сингапур, Австралия, Франция каби давлатлар хисобланади. Совет Иттифоки даврида Прибалтика давлатлари булмиш Эстония ва Латвия республикаларида бошланган. Бу борада Ўзбекистонда илк кадамлар

куйилмокда десак янгишмаймиз. Айникса, охирги йилларда бу сохада анча ишлар килинди [18].

Президентнинг 2002 йилнинг 30 май ойда №УП-3080 сонли “Компьютерлаштириш ва ахборот- коммуникацион технологияларни ривожлантириш ва куллаш хакида” буйрганинг ижроси сифатида Ўзбекистон хукумати томонидан АКТ ривожлантириш ва ЭХ куллаш натижасида бир неча маъмурий хужжатлар кабул килинди. Натижада янги вертикал ижроий хокимияти барпо килиниб корхоналараро яратилаетган информатизация жараенини бошкарув дастурини бажарилишини назорат килиш маркази яратилди. Бу дастурни анчагина марказий ва махаллий бошкарув органлари маъкуллаб, купчилиги дастурнинг мустакил структурасига эга булиб, уларга корхоналараро информатизация жараенини жорий килишга жавобгарлиги юклатилди.

Натижада давлат бошкарув органларига янги технологик бошкарув усуллари кириб келди. Хусусан, УзАСИ ахборотига асосан 1та компьютерга Зта давлат ишчи ходими тугри келар экан, вахоланки интернетга уланган 1та компьютерга марказий давлат ишчи ходимларнинг 10% и , еки ички корхона ишчи хизматчиларининг 7% и тугри келар экан.

Купчилик холларда марказий ва туман бошкарув органларида узларининг WEB сахифалари ва локал компьютер турлар урнатилган булиб давлат ишчи ходимларининг 7%сигина фойдалана олади. Хаттоти баъзи корхоналарда компьютерлар тури корхонанинг махсус максадларига йуналтирилган масалаларни ечишга каратилиб ташкаридан информация олишни иложсиз килиб яратилган.

Ўзбекистон хокимиятининг ахборот ресурси булиб Интернет тизимида урнатилган www.gov.uz порталдан иборат. У узбек, рус ва инглиз тилида езилган. Лекин, шуни айтиш лозимки бу портал факат информация олишга мулжалланган булиб WEB – карор ва инструментларни олишнинг иложи йук.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 20.08.2002 йилда яратилиб ва 2003 йилнинг охирларида тажриба сифатида ташки савдо тизимида жорий килинаетган ягона электрон ахборот тизим (ЯЭИТ)ни куришимиз мумкин. Давлатлар уртасидаги божхонага Марказий банк, Давлат солик кумитасига ва Ташки иктисадий алока агентлигига урнатилган бундай тизим мол-мулкни утиш жараенини назорат килишни енгиллаштиради, тижоратчиларни уз контрактларни бажаришга эркинлик тугдиради.

Давлат мулкини сотиш хакидаги баъзи бир информациялар Ўзбекистон Республикаси Уй-жой сотиш кумитасининг сайтида курсатилган, лекин давлат сотиб олиши ва давлат мулкини сотиш хакида умумий информация берилган.

Бир неча давлат бошкарув аппарати ишчи ходимлари АКТ асосида ишлашга кайта тайерланди. Шунга карамасдан давлат органлари ходимларининг АКТ Билан ишлаш даражаси умуман паст булиб, колаверса давлат органлари ишчи ходимлари билан улар карамогидаги корхоналарнинг шчи ходимлари билимлари орасида анча фарқ килишидир. АКТларнинг хаетга жорий килиш сурати етарли эмаслигининг сабабларидан бири булиб АКТ жорий килиш учун молиялаштиришни давлат буюртмасидан максадли эмаслигидадир.

Ўзбекистон Республикасида электрон хокимиятнинг ривожланиши ишлаб чиқарилган дастур асосида олиб борилади.

10.4 Ўзбекистон Республикасида электрон хокимият моделининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикасида электрон хокимият моделини ривожланиш концепциясига асосан модельнинг асосий максади давлат органлари бошкарув фаолиятининг самарадорлигини ошириш булиб бу соҳада АҚТ кенг жорий килиш билан эришилади. Максадни амалга ошириш учун куйидаги масалаларни ечиш лозим:

1. Корпоратив давлат компьютер турини – INTERNET мужассамлантириш, кайсики уз ичига электрон хужжат айирбошлиш жараенини ва барча давлат бошкарув жабхаларини уз ичига олсин (G2G)
2. Давлат хизмат соҳаларини кенгайтириш ва турларини йуналтириш, кайсики уз ичига Интернет тармогини олган холда (G2C, G2B) ва давлат хизматларида тенг хукукда фойдаланиш.
3. Давлат органлари билан фукаролар ва субъектлар орасида мулокот электрон тизимни яратиш ва жорий этиш.
4. Техник ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасида жорий килинаетган электрон хокимият модели жаҳон андозаларига мос келган холда бир-бири билан узаро бодлик ва мустакил фаол курсатадиган блоклардан: давлат интернетига ва ташки инфраструктурасига булинади.

I. Давлат интернети. У ички ахборот тизим инфраструктурасини камраб олиб, давлат органлари, корхоналараро бодланишни ва узаро келиб чикадиган масалаларни ечишда жамоа ишларини уз ичига олади. Давлат интернетининг асосий устиворлиги булиб ягона транспорт мухитини муҳофазаланганлигидадир.

Шунингдек, Давлат Интернет блоки таркибига куйидагилар хам киради:

1. Портал GOV.UZ, муҳофаза килинган ахборотларга киришни таъминлайди.
2. Тармокнинг хар хил погоналарига кириш рухсатномасини берувчи марказ яратиш.
3. Давлат берилганлар базасини яратувчи жисмоний ва юридик шахслар руйхатини тузиш.
4. Электрон хизмат усулларини яратувчилар.
5. Портал GOV.UZ билан корхона ахборот тизими орасида интерфейс яратиш.

Давлат интернетининг асоси булиб электрон хужжат айирбошлиш, у давлат стандартлари оркали бошкарилиб, уз ичига кадрларни, молияни бошкариш дастурларини олиши мумкин.

Давлат интернетининг ривожланиши электрон хокимият моделининг канчалик жорий килинганлигига бодлик булиб, у боскичма-боскич хаетга кулланиб борилади.

II. Ташки стуктура. У оммавий ахборот инфраструктурани уз ичига олиб, асосан фукаролар ва иктисадий субъектлар билан давлат органлари уртасидаги узаро боғланишни ташкил килади (G2B).

Электрон хокимият моделини ишлаш учун куйидагилар лозим:

- давлат хизматлар турини ва сонини давлат ахборот тизимни мукаммаллаштириш ва кенгайтириш оркали купайтириш;
- жамоа субъектларини давлат электрон хизматларига эркин кириш учун бир катор тадбирлар утказилиб, ракамлар тенгсизлигин камайтириш керак.

Электрон хокимият бажариши мумкин булган давлат хизматларни куйидаги категорияларга булиш мумкин:

- шахсий туловларни: даромад солиги, транспорт солиги ва х.к.;
- ижтимоий таъминот хизматлари;
- гувохномаларни кайд этиш (тугилганлиги, оила курганлиги);
- шахсий хужжатларни бериш (паспорт ва хайдовчи хукуки);
- шахсий мол-мulkни кайд килиш (уй-жой олди-сотди масалалари)
- фукароларни манзилини кайд килиш ва вактинчалик турар жойини ва манзилини узгартирганлиги хакидаги маълумот;
- меҳнат биржалари оркали ишга жойлашиш;
- курилиш учун рухсатнома олиш;
- согликни саклаш тизими хизматлари;
- олий укув юртларида кириши масалалари.

2. “Давлат-бизнес” тизими учун (G2B)

- корхоналарни давлат кайд килиш ва кайта кайд килиш;
- масъул ташкилотлардан лойиха хужжатларида рухсат олиш ва келиши масалалари (экология, курилиш, табий казилмалардан фойдаланиш)
- лицензия олиш ва узайтириш;
- зарур корпоратив туловларни амалга ошириш (даромад солиги, ККС, ер солиги ва х.к.);
- экспорт-импорт товарлар учун йулланмаларни расмийлаштириш;
- статистик хисоботни тайерлаш;
- хизматлари тури ошган сари бу катор яна кенгайиши мумкин.

Ахборот оқимнинг ойдинлигини ва конфедиционаллиги электрон хокимият инфраструктурасига куйилган талаблардан келиб чикади. Давлат хизматлари томонидан ахборот хавфсизликни бузилмаслиги учун куйидаги концепция уз аксини топиши лозим:

- электрон хужжат айирбошловда хавфсизлик тизимини ривожлантириш;
- конфедициал берилганларни ва ахборот жараенларни химояси буйича чоралар куриш комплекси ишлаб чикиш, кайсики бузгинчилардан, тажрибасизлик оқибатида ва табий ходисалари туфайли бузилиши мумкин булган холларни олдини олиш;
- ахборот химоя воситаларини такомиллаштириш;
- ходимлар, менежерлар ва техник ходимлар учун талаблар ва коидалар яратиш.

Ўзбекистонда электрон хокимиятни ривожлантириш куйидаги боскичларга эга:

I. 2004-2005 йиллар ичидаги умумий ахборот мухит жорий килиниб унга барча корхона ва регионлар киритилиши лозим.

II. 2006-2007 йилларда икки еки куптомонли боғланиш механизмини шакллантириш, бир вактда электрон хужжат айирбошлаш жорий кила бориш, корхона ахборот ресурсларни кенгайтириш.

III. 2008-2010 йилларорасида электрон хокимият моделини жорий килиш йиллари булиши лозим. Шу билан бирга олинган натижалар тахлил килиб бориш керак.

Электрон хокимият моделини Ўзбекистонда жорий килиниши натижасида куйидаги йуналишларда олга силжишлар руй бериши мумкин:

- давлат хизматининг бошқарувда ички самарадорликни ошиши;
- давлат структураси учун харажатлар 20-25% камайиши;
- давлат карорлар кабул килиш жараенида фуқароларнинг катнашуви 5-7% ошади.

Шу билан бирга маҳсус гурӯҳ тузиб, унинг олдига куйидаги масалаларни ечиш талаб килинади:

- электрон хокимимиятнинг хукукий саволлари;
- информация хавфсизлиги;
- хужжат айирбошлаш ва ракамли муҳрлаш;
- Ўзбекистонда электрон хокимият хизматлар тизимининг моделини тадбик жараенида ишчи гурӯҳлар тузилиши мумкин ва бу жараенда ҳалкаро тажрибаларга суянмоклик зарур.

Хулоса килиб шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда АҚТ жорий килиш учун хукукий ва уюштириш шартларини ишлаб чикиш керак.

Давлат органларининг бошқарув тизимида АҚТ жорий килиш натижасида очик фуқаролар жамиятини яратишга, давлат секторининг харажатларини кискартиришга, давлат органлари билан фуқоралар еки хужалик субъектлари орасида мулокот доираси кенгаяди, хукукий норматив базаси мукаммаллашади.

Хозирги вактда Ўзбекистонда электрон хужжатни давлат органаларига куллашлик тахлили ва баҳолаш даври кечмоқда.

Ягона электрон хужжат айирбошлаш моделини асосий принциплари бу:

1. Интеграция ва стандартизация.
2. Ойдинлик ва куптабакалик.
3. Хавфсизлик ва информация химояси.

Электрон хокимият деганимизда ички ва ташки боғланишлар факт АҚТ асосида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Концепциясига асосан электрон хокимиятнинг асосий максади булиб давлат органлари бошқарувини такомиллаштиришга, самарадорлигини оширишга ва фуқаролар билан бажариладиган мулокотни янги погонага кутаришдан иборатdir.

10-боб бўйича хulosалар

Давлат органлари ва бошқарувида АКТдан фойдаланиш очик турдаги фукаролар жамоасини яратишга, давлат бошқарув самарадорлигини кутаришга, давлат сектори харажатларини кискартишишга, давлат органлари ва бошқаруви билан фукаролар хамда хужалик субъектлари орасидаги узаро муносабатларни юксалишига ёрдам беради.

Давлат секторига АКТ жорий килиниши иктисодиетни ривожланишини тезлатади, иш самарадорлигини оширади, давлат муассасаларининг ишлаб чикириш Ўзбекистон Республикасида АКТ кенг жорий этилиши учун зарурий шартлари булиб хукукий ва уюштириш шартлари хисобланади, бу эса уз навбатида жамиятни демократик узгаришларига олиб келиб ахолини ахборот ресурсларни эркин олишига, узатишига ва тарқатишига хукук беради. кувватини кутаради.

Бошқаришнинг электрон усули деганда авваламбор хамма хужжатларни электрон куринишга утказиш ва давлат электрон олди-сотди жараенини ривожлантириш демакдир. Шу билан билан биргаликда давлат бизнес соҳасида иш олиб бораётган фукароларга замонавий АКТ куллаш буйича урнак булмоги лозим.

11- боб Электрон тижорат - бизнес самарадорлигини оширувчи манба

11.1 Интернет – электрон тижоратнинг асоси

Электрон тижорат нима? Бу технология Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Электрон тижорат – бу Интернет орқали сотиш ва сотиб олишдир. Унинг имкониятлари турли туман. Интернет ёрдамида ўзингизга зарур китоб, кийим, ёки компьютер ва хаттоқи озиқ - овқат маҳсулотларини харид қилишингиз мумкин. Хўш Интернет қандай имкониятларни яратади ?

Бу технология бир неча йиллар давомида равнақ топди. Ундан Dell, Cisco, IBM, HP, Oracle, Microsoft ва Sun компаниялари жуда кенг кўламда фойдаланишади. Cisco компанияси маҳсулотларни сотиш фаолиятининг $\frac{1}{4}$ қисмини Интернет орқали амалга оширади[18,20].

Интернетдан фойдаланиш сотувчиларга қўйидаги имкониятларни беради.

- Узининг маҳсулоти ва товарини ҳалқаро ва регионал даражада реклама қилиш. Бундан ташқари реклама ўз ичига умумий тарифлар билан биргаликда, товарнинг расмини, сотувчи таклиф қилаётган чигирмалар ҳамда қўшимча маълумотларни олиши мумкин
- Қўшимча бизнес шериклар орттириш мақсадида ўзининг корхонасини реклама қилиши мумкин.
- Бозордаги нархларни ўзгаришини тезкор кузатиб бориши мумкин;
- Инвестрлар топиш мақсадида ўзининг лойихаларини реклама қилиши мумкин;
- Сотилаётган товарлар учун интернетдан буюртма қабул қилиш тизимини яратиши мумкин;
- Электрон почта орқали сотув вакиллари билан тезкор алоқа ўрнатиш ҳамда бизнес бўйича шерикларни маълумотларига тўғридан тўғри кира олиш имконияти яратилади.

Сотиб оловчига эса:

- Керакли товарни сотадиган корхонани тезкор топиш;
- Бозордаги нархлар билан танишиш, ҳамда керакли товарни сотадиган ва нархи каноатлантирадиган сотувчини топиш;
- Электрон почта ёрдамида сотувчи – фирмага аниқ сурвлар юбориш ҳамда жавоб олиш;
- Товар буюртма қилиш;
- Экспидитор ва транспорт хизматини кўрсатувчиларни танлаш;
- Юкни олиб келишини буюртма қилиш;
- Туловларни амалга ошириш в.б.

Сотувчилар ҳам, сотиб оловчилар ҳам, Интернетдан ўзларига керакли маълумотлар манбаи сифатида фойдаланишлари мумкин.

Интернетнинг тузилиши хар доим такомиллаштирилмоқда, имкониятлари эса кенгаймоқда. Хозирда “Internet Help” деб номланган умуман янги қидирув тизими юзага келган. Бу тизимнинг янгилиги шундаки, фойдаланувчи керакли

сурвларни оддий тилда (ёки шевада) беради. Бу сурвномаларни қабул қилган оператор шу сурвномага таалуқли WEB-манзилларни юборади.

Бугунги кунда Интернет жадал тарзда нафақат компьютер техникаси, балки бошқа технологик жихатдан мураккаб бўлган товарларни (төлвизорлар, телефонлар) ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳам кириб бормоқда. Бундай корхоналарнинг мақсади – уй-жихоз бозори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш.

Шу сабабдан компьютер ва мобил телефон технологияларидан кенг фойдаланилади, ҳамда виртуал реалликга кириб бориш воситаларини нархи туширилади, бу эса маълумотларга Интернет орқали етишишни иқтисодий имкониятини оширади. Натижада алтернатив қурилмаларни афзалликларини йўққа чиқишига олиб келади.

Мисол тариқасида, Microsoft компанияси мухандислари олдига қўйилган масалаларни олишимиз мумкин: компьютерни инсон овози ёрдамида бошқариш, компьютерларда тасвир сифатини ошириш в.б.

11.2 Электрон тўлов технологияси

Сотиб олувчи сотувчи билан пул ўтказиш йўли билан хисоблашиши жараёнида накд пул иштирок этмайди, фақатгина сотиб олувчи хисоб рақамидан сотувчининг хисоб рақамига пул кўчирилади. Пул ўтказиш ёрдамида хисоб китоб қилишни бир неча усули мавжуд (банқдан пул ўтказиш, банк картаси ёрдамида хисоб- китоб қилиш, чеклар ва шунга ўхшаш усуллар).

Истаган мақсадда банқдан пўл ўтказиш операцияси транзакция деб ном олган (лотинчадан transaction- келишув, шартнома маъносини англатади).

Транзакция – бу банк картанинг эгаси томонидан рухсат берилганда, банк картанинг эгасига хизмат кўрсатиш учун тизим катнашчисидан катнашчига узатиладиган, тизим қатнашчилари томонидан яратиладиган маълумотлар кетма-кетлигидир. Транзакция қўйидаги асосий хоссаларга эга:

- Бўлинмаслик;
- Изоляцияланган;
- Ишончлилиги
- Кarta эгаси ва хизмат кўрсатувчилар орасидаги алоқа.

Транзакциянинг бўлинмаслиги – яни транзакция операцияларини ҳаммасини бажариш керак ёки битта ҳам операция бажариш керак эмас.


Транзакциянинг келишилганлиги - яни маълумотлар базасидаги карталар, хисоб рақамлари хақидаги маълумотлар ўзгартирилмайди.

Транзакциянинг изоляцияланганлиги – бир транзакция бошқа транзакцияларга боғлиқмаслигини кўрсатади.

Транзакциянинг ишончлилиги қуйидагида кўринади, тугалланган транзакция ўзидан сўнг тикланиши мумкин, тугалланмаган транзакция эса бекор қилинади [20,35].

Карта эгаси ва хизмат кўрсатувчилар орасидаги алоқа деб шундай алоқа назарда тутилганки, унинг натижасида карта эгасининг хисоб рақамида қандайдир ўзгариш рўй беради.

Электрон тўлов кўп томондан, оддий дуконларда ишлатиладиган телефон орқали товарларни буюртма қилишни эслатади. Фарқли томони шундаки, электрон тулов жараёни сотиб олувчининг компьютери ҳамда сотувчининг WEB-сервери орқали амалга оширилади(1-расм).



Расм 11.1. Электрон тўловларни амалга ошириш тизими

Ушбу расмдан кўриниб тургандек, сотиб олувчи броузер яни дастур ёрдамида товар сотувчининг WEB-серверида жойлашган формани тулдириб керакли буюртмани амалга оширади. Кўпгина сотувчиларнинг WEB-серверларида буюртма қолдириш учун мулжалланган формалар мавжуд. Тўлдирилган форма сотувчининг серверида жойлашган маълумотлар базасига киритилади.

Электрон тўлов тизими ўз ичига қуйидаги хисоблашиш кўринишларини олади:

- Банк карталари;
- Электрон чеклар;
- Рақамли пуллар;
- Электрон пуллар.

Банк карталари катта ва ўрта миқдордаги тўловларни амалга ошириш учун ишлатилади. Электрон чеклар эса асосан кичик миқдордаги, тез амалга оширилиши керак булган тўловларни амалга ошириш учун ишлатилади. Электрон пуллар, яни пулларни электрон кўринишда узатиш назарда тутилмоқда, асосан катта миқдордаги туловларни амалга ошириш учун ишлатилади. Банк карталари - бу интеллектуал карталарнинг бир туридир.

Интеллектуал карта - умумий термин бўлиб, ишлатилиш мақсади, хизмат кўрсатиш тўпламлари, техник имкониятлари, ишлаб чиқарган институти билан фарқланадиган ҳамма карталарни ўз ичига олади.

Интеллектуал карталарнинг ўзига хос томони шундаки, улар амалий дастурларда ишлатиладиган маълумотни ўзида сақладайди. Бундай карталарни бинога кирувчи калит, компьютерга кирувчи калит, хайдовчилик гувоҳномаси сифатида ишлатиш мумкин.

11.3. Интерактив молиявий амаллар

Интернет пайдо булгандан бери иқтисодий-молия жараёнлари глобал миқёсда ортиб бормоқда. Шу вактнинг ўзида молиявий мухитнинг динамикаси кучайиши унинг барқарорлигини сурайтироқда, бу эса ўз навбатида инкиrozга учраш даражасини оширада.

Молиявий мухит ўз маъносига кўра максимал ахборотлашган ва виртуаллашгандир. Шу сабабдан Интернет технологиялари банк ишига ҳамда брокирлик хизматларига сингдирилмоқда.

Янги телекоммуникация қурилмалари молиявий операцияларни тез ва кам харажатлар эвазига амалга оширишни таъминлайди.

Банк ишига Интернетни сингдириш уч хил йўлдан бормоқда:

- Банкнинг ва бошқа хужжатларни электрон қайта ишлаш;
- Тулов тизимини компьютерлаштириш, яъни тулов операцияларини компьютерлар орқали амалга ошириш;
- Банкнинг ишчи станциялари ўртасида алоқани ўрнатиш учун телекоммуникация тизимларидан фойдаланиш.

Ихтиёрий тадбиркор ўзига хизмат кўрсатиш учун банк танлаётганда “Кулай, Ишончли, Фойдали” деган қоидага риоя қиласди. Бу эса унинг эътиборини беихтиёр банкларнинг компьютерлаштирилганига ва Интернет-банк ишига тушади.

Интернет-банк иши бу маълумотлар базаси, дастурлар ва бошқа қуролларнинг йиғиндисидан иборат бўлиб, маълумотларни бир жойга тўплаш ҳамда улардан Интернетга уланган компьютерлардан фойдаланиш имконини бериш.

Интернет-банк ишини Ўзбекистон Республикасида ташкил қилиш йўналиши ва улар учун ишлатиладиган дастурлар тижорат банкларининг равнақига ва давлатнинг молиявий сиёсатида мухим ўрин тутиши лозим. Шу мақсадда банк иши соҳасида катта ютуқларга эришган давлатлар тажрибасини ўрганишимиз лозим

11.4. Электрон тижорат ва электрон тўлов тизими

Электрон савдо- сотиқнинг яратилишига 1970 йилда АҚШ да маълумотларни компьютер тармоқларида электрон кўринишда - EDI(Electronic Data Exchange) ва банклар орасида пулларни электрон алмашишнинг пайдо бўлиши асос бўлди.

Интернетни ривожланиши ҳамма савдо- сотиқ билан шуғулланадиган фирмаларнинг ҳамда мижозларнинг бу технологияга булган қизиқиши тезда ортди. Интернет субъект даражасида электрон савдо-сотиқни ривожланишига олиб келди. Кичик корхоналар ва шахслар, ўзларининг тижорат келишувлари ва бошқа турдаги операцияларини электрон режимда, яъни аниқ вақт (on-line) режимида – пул алмаштириш банкоматининг ишлаш режимида олиб боришади.

Банкомат билан прессинг марказ ўртасида бўладиган ҳамма операциялар ва хисоб ракамлар бўйича транзакциялар реал вақт бирлигida амалга оширилади.

Электрон савдо- сотиқ асосида янги савдо- сотиқ корхоналарини –электрон дуконларни яратмоқда, ракобатнинг катталиги сабабли уларда янги турдаги хизматлар ва товарлар пайдо бўлмоқда.

Электрон савдо- сотиқ асосий моменти бўлиб товарларни Интернетда айланиши хисобланади.

Товарнинг айланиши , уни сотишга мулжалланган тулиқ комплекс тадбирлар асосида амалга оширилиши лозим. Улар ахборотни ишлаб чиқиш ва ишлатиш, реклама тадбирлари ва шунга ўхшаш тадбирлардир.

Товарнинг Интернетда айланишининг қўйидаги усуллари бор

- Баннерлар орқали reklama
- Оффлайн reklama
- Кидиув тизимларига ва каталогларга рўйхатга ўтиш орқали reklama

Баннерлар орқали reklama. Баннер (инглизча banner – катта харфлар билан ёзилган сарлавха) reklama берувчининг WEB-саифаси билан гиперсилка орқали боғланган аниқ кўринишга эга расмдир. Баннерларнинг қўйидаги ўлчовлари кенг тарқалган: 468x60, 400x50, 88x31.

Оффлайн reklama. Оффлайн reklama бу Интернет- компанияларнинг товарларини радио орқали reklama қилишдир. Бошқача қилиб айтганда, Интернет- компаниялар ўзининг ишлаш жараёнида ўз эътиборларини асосан радио, телевизион, босма reklamaga қаратишади. Янги электрон маркани яратиш ва firma имиджини орттириш учун радиореклама жуда хам мос хисобланади. Сабаби радиореклама аудиториясида 35-55 ёшгача бўлган инсонлар саналади.

Кидиув тизимларига ва каталогларга рўйхатга ўтиш орқали reklama. Каталог – бу товарларни топишга осон бўлиши учун бир тартиб қилиб йиғилган ва справочник кўринишида чиқарилган нашр. Каталоглар одатда бир неча каталог остиларга бўлинади, улар эса ўз навбатида директиваларга ажратилади. Бундай каталогларда рўйхатдан ўтиш учун керакли уларнинг WEB саифасида кўрсатилган амалларни бажариш керак.

Электрон савдо- сотиқнинг барқарорлиги кўп холларда ахборот оқимининг доимиyllиги билан аниқланади.

Фирма Интернет орқали электрон савдо- сотиқ билан шуғулланса, унда бу firma ўзининг рақобатбардошлигини оширади. Шу билан бир қаторда фирманинг хизмат кўрсата олиш чегаралари анча кенгаяди.

Интерактив бизнесни қуллаб-қувватланишини асосий фактори сифатида келишувларни ва молиявий операцияларни бажариш учун жуда кам вақт кетади.

11.5 Интернет – логистика

Логистика қўйидаги оқимлар билан ишлайди.

- Товар кўринишида маҳсулотлар оқими ёки материал оқим
- Хизматлар оқими
- Ахборот оқими
- Туристлар оқими
- Ишчи кучи оқими
- Банк маҳсулотлари оқимини, сугурта оқимини, инвестицион оқимини ўз ичига оловчи молиявий оқим .

Бизнес-логистика юқорида айтилган оқимларни бошқаради. Бошқача қилиб айтганда, берилған вактда аниқ товарни талаб ва таклифни координация қилиш ва харакатига ёрдам берувчи субъекти ишининг менежментидир.

Бизнес –логистика концепсияси менежментнинг интеграл қуроли сифатида 1960 й. АҚШда яратылған. Шу йүл билан логистика фани, бизнес-логистиканы тарифловчы амалий иши учун назарий асос бўлиб хизмат қиласади.

Интернет режимида бизнес-логистика, тадбиркор шахс ва компьютер ўртасида биргаликдаги бизнес-логистика амаллари асосидаги логистикани ташкил қиласади.

Бундай логистика “Интернет бизнес-логистика” ёки қисқа қилиб “Интернет - логистика” деб аталади.

Интернет логистикага компьютер, процессор ва интернет яратылғанда асос солинган.

Микропроцессор техникасининг ривожланиши ва уларни мамлакатларда иқтисод соҳасига кириб келиши ахборот-компьютер технологияларининг революциясига асос бўлди. Бугунги кунда электрон ахборот бозор иқтисодининг асосий элементига айланди. Интернет маълумотлар базаси ва банкларини, электрон шартномалар тизими ва стандартларини яратишга мулжалланган.

11-боб бўйича холосалар

Демак, электрон тижорат – бу Интернет орқали сотиш ва сотиб олишdir. Сотувчилар ҳам, сотиб олувчилар ҳам, Интернетдан ўзларига керакли маълумотлар манбаи сифатида фойдаланишлари мумкин.

Сотиб олувчи сотувчи билан пул ўтказиш йўли билан хисоблашиши жараёнида накд пул иштирок этмайди, фақатгина сотиб олувчи хисоб рақамидан сотувчининг хисоб рақамига пул кўчирилади.

Интеллектуал карта - умумий термин бўлиб, ишлатилиш мақсади, хизмат кўрсатиш тўпламлари, техник имкониятлари, ишлаб чиқарган институти билан фарқланадиган ҳамма карталарни ўз ичига олади.

Интеллектуал карталарнинг ўзига хос томони шундаки, улар амалий дастурларда ишлатиладиган маълумотни ўзида сақлайди. Бундай карталарни бинога кирувчи калит, компьютерга кирувчи калит, хайдовчилик гувоҳномаси сифатида ишлатиш мумкин.

12- боб Интеллектуал тизимлар ва технологиялар

12.1 Сунъий интеллектнинг ривожланиш тарихи

Сунъий интеллект ҳақидаги тасаввур ва бу соҳадаги изланишлар — «ақлий машиналар» ишлаб чиқаришга илмий ёндошиш биринчи бўлиб Станфорд университетининг (АҚШ) профессори Джон Маккарти ташаббуси асосида 1956 йили ташкил топган илмий тугаракда пайдо бўлди [24,34].

Бу тугарак таркиби Массачусет (АҚШ) технология олийгоҳи «Электроника ва хисоблаш техникаси» куллиётининг фахрий профессори Марвин Минский, «масалаларни универсал хал қилувчи» ва «мантиқий назариётчи» интеллектуал (ақлий) программалар бунёдкори — кибернетик Аллен Ньюэлл ва Карнеги-Меллен дорилфунунининг (АҚШ) машхур психологи Герберт Сейман, хисоблаш техникасининг кўзга кўринган мутахассислари Артур Семуэль, Оливер Сэлфридж, Маншенон ва бошқа-лар кирадар эдилар. Айнан шу тугаракда «Сунъий интеллект» тушунчаси пайдо бўлди.

Маъruzанинг асосий мазмунига киришишдан аввал «сунъий интеллект» (СИ), умуман «интеллект» ҳақидаги тушунчани аниқлаб олишимиз керак. Бу тушунчани оддий қоида асосида тушунтириш мумкиндек туюлади, лекин биз буни кила олмаймиз. Чунки, ҳозирча «интеллект» ва «СИ» ҳақида бирон-бир аниқ фикр йўқ. Бу тушунчани турли фан соҳаларида ижод қилувчи олимларнинг талкин қилишлари турлича, фикрлашларида яқдиллик йук. Шу сабабли бу тушунчаларнинг мазмунини укувчига тушунтириб беришга харакат киласиз.

«Интеллект» сўзи лотинча «*intellectus*» сўзидан келиб чиккан бўлиб, у билиш (аниқлаш), тушуниш ёки фахмлаш (ақл) маъносини беради.

«Интеллект» сўзини аниқловчи, психологлар тузган учта тушунчани (Катта совет энциклопедияси ва Вестернинг америка лугатидан олинган) келтирамиз. Бу тушунчалар «интеллект» тушунчаси мазмунини аниқлаш учун ёрдам беради.

Интеллект — фикрлаш қобилияти, рационал билиш ва шунга ухшаш. Умумий холда эса фикрлаш, шахсни ақлий ривожланиши синоними бўлиб хизмат қиласи.

Интеллект (ақл) — уз хулкини созлаш йули билан хар қандай (айникса янги) холатга етарли баҳо бериш қобилияти.

Интеллект — турмушдаги далиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушуниш қобилияти. Бу қобилият белгилан-ган максадга эришишга олиб борувчи харакатларни ишлаб чикиш учун керак бўлади.

Юқорида аниқланган «интеллект» тушунчасидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, яъни интеллект факат инсонларга тегишли ва одам ақлий қобилиятининг узига хос ўлчовидир. Психологлар шундай маҳсус усуллар яратдиларки, бу усуллар ёрдамида тажриба орқали одамнинг интеллектуал (ақлий) даражасини аниқлаш мумкин бўлди. Натижада шу нарса аниқландикӣ,

интеллектнинг индивидуал даражаси ўртасидан суримиши (оғиши) одамнинг физик имкониятлари даражаси кабидир.

Агар ўртача ақлий қобилият 100 балл деб қабул килинса, у холда ута қобилиятли инсонларда бу кўрсаткич 150, 180, хатто 200 баллга етиш мумкин. Америкалик шахматчи, жаҳон экс-чемпиони Роберт Фишернинг бу кўрсаткичи 187 балл бўлган, XIX аср ярмида яшаган англиялик мантиқчи Джон Стюарт Милл уч ёшидаёк қадимги юон тилида гапира олган ва унинг кўрсаткичи 190 баллгача борган. Шуни қайд қилиш лозимки, эволюция даврида интеллект бирмунча бир текис, инкилобий ривожланиш давридан тики замонавий инсон интеллекти пайдо булгунга кадар бўлган даврни босиб ўтган.

Интеллектнинг эволюцион ривожланиши берилган босқичдан бирмунча юқори принципиал, аъло даражадаги ташкил топган босқичга ўтиш билан давом этади. Шунинг учун жамиятнинг турли ривожланиш босқичларида яшаган инсонларнинг интеллектини бир-бирига солиштириб бўлмайди.

«Сунъий интеллект» тушунчасига турлича маъно киритиш мумкин. Турли мантиқ ва хисоблаш масалаларини ечувчи компьютердаги интеллектни эътироф этишдан тортиб, то инсонлар ёки уларнинг купчилик кисми орқали ечиладиган масалалар мажмуасини ечадиган интеллектуал тизимларга олиб борадиган тушунчагача киритиш мумкин.

«СИ» тушунчаси бошидан ва шу кунга кадар олимларнинг бу тушунчага бўлган муносабати ва уларнинг «сунъий» сўзига нисбатан келишмовчилиги туфайли каршиликларга учрамокда. Масалан, УССР ФА Кибернетика институтининг собик директори, мархум академик В. М. Глушков «сунъий идрок» сўзини күштирноксиз ишлатган. Россия ФА «СИ» масалалари буйича илмий йирилиш раиси академик Г. С. Поспелов фикрича, «СИ» ҳакида хеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас, яъни ҳозир хам, яқин келажакда хам «уйлайдиган машина» бўлмайди. «СИ» тушунчасини узгартириш кеч бўлди, - деб ёзди у. Бу нарса инженер, математик, компьютер буйича мутахассислар, психолог, файласуфларни бирлаштирувчи жуда катта ахамиятга эга бўлган илмий йўналиш эканлигига хеч кимда шубха йук. У одамларнинг максади — компьютерларнинг маҳсус программали ва аппаратли воситаларини яратиш. Компьютернинг қобилияти ижодий натижаларни бериб туришдан иборат.»

«СИ» тушунчасини аниқ таърифлаш шуни такозо қиласиди, бу илмий йўналиш оёкка туриш ва ривожланиш босқичидадир. Бугунги кунга келиб, шу нарса маълум бўлди, «СИ» терминига табиатдаги жараён ва ходиса-ларни ўрганиш (тадқиқот қилиш) да инсондаги айrim интеллектуал қобилиятларни техник жихатдан мужассамлаштирган умумий тушунча деб қарамоқ лозим.

Сунъий интеллект борасида охирги 30 йил ичida олиб борилаётган тадқиқотларни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда (50-йилларнинг охири) олимларнинг характеристики (мутахассиснинг тажрибаси асосида) излаш назариясини яратишга ва фаолият ёки интеллект даражасига тегишли бўлган «масала ечувлар»ни яратиш буйича муаммони ҳал қилишга каратилган. Тадқиқот учун инструмент (асбоб) бўлиб ЭХМ хизмат килган, ҳар хил ўйинлар, оддий мусика асарлари,

математик масалалар ўйлаб топилган. Шунга ухшаш масалаларни тадқиқот учун танлаш, муаммо мухит (бундай мухитда масалани ечиш тармоқланади)нинг оддийлиги ва аниқлигини, етарли даражада осон танлаб олиш имкониятини ва «усулга караб» сунъий конструкцияни тузишни талаб қиласи. Бу йўналишда бир қанча ютукларга эришилди. Хусусан шахмат программалари хозир жуда юқори такомилга етказилди.

Бу программалар учун танлаб олиш характерли бўлиб, одатда теоремаларни исботлаш жараёни, уйиннинг кетиши ва хрказолар жуда катта сонли мкониятлардан танланади. Ҳар бир масалани ечиш — максадга эришишда истиқболи бўлмаган имкониятларни шартта олиб ташлаш ва истиқболлиларини ажратиб олиш эвристик усул (алгоритм)ларнинг такомиллашганига боғлик. Лекин бундай моҳият асосида А. Ньюэлл ва Г. Саймон томонидан яратилган «универсал масалалар ечувчи»ни яратишга бўлган уриниш беҳуда кетди, чунки эвристик алгоритмлар хар бир масаланинг хусусиятига кучли даражада боғлик.

Асосий кийинчиликлар масалани ечиш учун яратилган усулларни сунъий мухитларда эмас, балки ҳакконий мухитда куллашга уриниш жараёнида содир бўлди. Бу кийинчиликлар ташки дунё тўғрисидаги билимларни ифодалаш муаммолари билан, бу билимларни сақлашни ташкил қилиш ва уларни етарли даражада излаш, ЭХМ хотирасига янги билимларни киритиш хамда эскириб колганларини олиб ташлаш, билимларнинг тўлалиги ва бир-бирига зидлигини текшириш ва шунга ухшашлар билан боғлик. Кўрсатилган муаммолар бугунги кунда хам тула ечилмаган, лекин ҳозирги пайтга келиб шу нарса равshan бўлиб колдики, муаммоларни ечиш — самарали сунъий интеллект тизимсини яратишнинг қалити экан.

Иккинчи босқичда асосий эътибор (60-йилларнинг охиридан то 70 йилгача) интеллектуал роботлар (реал уч ўлчовли мухитда мустакил холда харакат қиласиган ва янги масалаларни ечадиган роботлар) кўришга қаратилди.

Бу борада «интеллектуал» функцияларнинг керакли доираси: максадга йўналтирилган хулк (холат)ни таъминлаш, ташки мухит тўғрисидаги ахборотларни қабул қилиш, харакатларни ташкил этиш, ўқитиш, одам ва бошқа роботлар билан мулокотни уюштириш тадқиқ килинди ва амалга оширилди. Масалан, роботларда максадга йўналтирилган хулк (холат)ни таъминлаш учун улар атроф-мухит ҳақида билимлар мажмуасига эга бўлиши зарур. Бу билимлар роботга ташки мухит модели кўринишида киритиб қўйилиши лозим. Роботнинг ташки мухит модели — бу ўзаро боғланган маълумотлар йигиндиси бўлиб, бу маълумотлар мое синфдаги масалаларни ечиш учун керак. Роботнинг билимлар тизим-сига мухитнинг «фикрдаги» узгаришини қайта ишлаб чиқариш ва шу асосда навбатдаги масалани ечишга имкон берувчи алгоритмлар хамда бу режани бажа-рилишини ва олдиндан режалаштирилган харакатларнинг кутилаётган натижаларини назорат қилувчи алгоритмлар киритилиши керак. Демак, интеллектуал роботлар билимлар манбаига эга бўлиши шарт. Бу билимлар манбаида билимлар ва маҳсус блок («режа тузувчи») сақланади. «Режа тузувчи» блокнинг зиммасига роботнинг харакати программасини тузиш юкландиган. Бу харакат программаси робот

томонидан қабул килинади ва роботнинг сенсор (куриш воситаси) тизимси орқали кўзатилади. Роботнинг иш жараёнида «ечувчи блок» бўлиши керак. Бу блок роботнинг харакати туррисидаги ечимни қабул қиласи. Хар иккала блок билимлар манбаида сақланув-чи билимлар асосида ишлади.

Бу босқичда айrim муаммолар аникландики, интеллектуал роботлар яратишда уларни хал этиш зарур. Шундай муаммоларга фаолият курсатадиган мухит ҳақидаги билимларни тасаввур этиш, кўз билан курганларни узлаштириш, узгарувчан мухитда роботлар хулки (хо-лати)нинг мураккаб режаларини тузиш ва роботлар билан табиий тилда мулокотда бўлиш киради.

Учинчи босқичда (70-йилларнинг охиридан бошлаб) тадқиқотчиларнинг эътибори амалий масалаларни ечиш учун мулжалланган интеллектуал тизимларни яратиш муаммоларига каратилди.

Хар қандай интеллектуал тизим, унинг каерда кулланишига борлик бўлмаган холда, одам-машина тизимиdir. Машина сифатида ЭХМ ишлатилади. Тизимнинг вазифаси — охирги фойдаланувчига у ёки бу масалани ечишда унинг касби фаолияти доирасида малакали мутахассис (эксперт) ларнинг йиллар давомида ортирган билимларидан фойдаланиш учун имконият яратишдан иборат. Бунинг учун ЭХМ таркибига билимлар манбаи ва интеллектуал интерфейс кириши керак. Билимлар манбаида характерли бўлган масалаларни ечиш усувлари ҳақидаги ахборотлар сақланади. Интеллектуал интерфейс масалани ечиш жараёнида охирги фойдаланувчи ва тизим ўртасидаги ўзаро муносабатни (харакатни, ишлашни) таъминлайдиган сунгги фойдаланувчининг хамма воситаларини уз ичига олади.

Интеллектуал интерфейсда «ечувчи» ва мулокот тизимсини курсатиш мумкин. «Ечувчи» билимлар манбаидан келадиган маълумотлар асосида фойдаланувчи учун керақли программаларни автоматик тарзда бирлаштиради. Мулокот тизимси — бу билимлар манбаида фойдаланувчи тилидан билимларни тасаввур қилиш тилига утказишни хамда тескари жараённи амалга оширадиган транслятор («таржимон»)лар мажмуасидир.

Сунъий интеллектли тизимларга: ахборот-кидирув тизимлари (савол-жавоб тизимлари), хисоб-мантиқ тизимлари ва эксперт тизимлари киради. Интеллектуал ахборот-кидирув тизимлари ЭХМ билан мулокот жараёнида фойдаланувчиларнинг табиий тилга яқин бўлган касб тилларида сунгги фойдаланувчилар (программа тузмайдиганлар) билан маълумотлар, билимлар манбалари ўртасида ўзаро мулокотни таъминлайди. Бу тизимлар сунъий интеллект тизимларининг дастлабкиларидан бўлиб, улар устида олиб борилган тадқиқотлар хисоблаш техникаси ривож-ланиши билан узвий boglik бўлган.

Хисоб-мантиқ тизимлари, амалий математика ва программалаштириш соҳасида мутахассис бўлмаган сунгги фойдаланувчиларни, мураккаб математик усувлар ва шунга мос амалий программалардан фойдаланиб, ўзаро мулокот шаклида узларининг масалаларини ЭХМда ечишни таъминлайди.

12.2 Сунъий интеллект ривожланишининг йўналишлари

Ҳозирги вактда саноат соҳалари гуркираб ривожланган мамлакатларда (бу мамлакатлар учун «илм-хажмий маҳсулотлар» катта солиширма оғирликка эгалиги билан характерланади) компьютерларини интеллектуаллаштириш буйича яратишларнинг юқори даражада эканлиги кўзатилмокда. 80-йилларнинг бошигача ЭХМларни интеллектуаллаштириш, асосан тадқиқот, тажриба характеристига эга эди. Дунёда бу тадқиқтларни олиб бориш учун ЭХМларнинг интеллектуал имкониятларини кенгайтириш буйича муаммо-ларни ечиш йули белгиланди, бу йулдаги кийинчиликлар аниқланди ва уларни енгид ўтиш усуслари курсатилди. 1985 йилда жаҳон бозорида (Россиядан ташқари) интеллектуал тизимлар 350 миллион долларни (уларни яратиш нархини хам кушиб хисоблагандан) ташкил этди. 1990 йилда эса бу хисоб 19 миллиард долларга чикиши кўзатилди, яъни мисли курилмаган узишга эришилди. Бундай катта маблағни фақат иқтисоднинг турли соҳалари (хужалик ишлаб чиқариш, ҳарбий)га интеллектуал тизимларни кенг куллаш орқалигина сарфлаш мумкин.

Интеллектуал тизимлар (аниқроги, амалий сунъий интеллект тизимлар) ичida эксперт тизимлар муам-моси ЭТларни яратиш технологиясини ва билимлар инженериясини узида мужассамлаштирган алоҳида йўналиш бўлиб ташкил топди. Gartner Group Inc (АКJII) фирмасининг маълумотларига кура тайёр ЭТларнинг бозор хажми 1986 йилда 12 миллион долларни, ЭТни яратишнинг инструментал воситалариники 15 миллион долларни ташкил этган, 1990 йилда эса бу кўрсаткичлар 350—275 миллион долларга етди.

IBM (АКШ) фирмаси 1986 йилда хар хил босқичда яратилаётган 70 та ЭТга эга эди. Йирик америка фирмалари узларининг корхоналари (Apolo Computer, Data General Sperry, DEC) да меҳнат унумдорлигини кутариш учун ЭТларни кенг микёсда яратиб куллай бошладилар. DEC фирмаси мутахассисларининг маълумо-тига кура, яқин орада бу фирмада яратиладиган тизимларнинг 30%ига яқинини сунъий интеллект тизимлари ташкил қиласи. Япон мутахассислари тақлиф килган, 5-авлод ЭХМлари лойихасига кура ЭТлар бу янги хисоблаш техникасининг асосий кулланиш соҳасига айланади. 1984 йилда Буюк Британияда сунъий интеллект муаммосини хал қилишга йуналтирилган Тьюринг института ишга тушди. Европа ўзаро ёрдам комиссияси бу муаммони хал қилиш «Esprit» лойихасини ишлаб чиқаяп-ти. Бу лойиха доирасида учта йирик комьютер фирмалари бўлган Compagnie Machines Bull (Франция), ICh (Буюк Британия) ва Siemens AG (ГФР)лар билимлар базасига асосланган тизимларни яратишга йуналтирилган бирлашган тадқиқот институтини туздилар.

Муаммони хал қилишга каратилган, охирги йилларда яратилган ЭТларнинг таҳлили шуни курсатадики, яратувчиларнинг асосий куч-гайрати, саноат ва конструктор-технологик корхоналарда самарали кулланувчи системалар яратишга каратилган. Бундай кулланувчи ЭТ лар нафақат анъанавий тизимлар (I авлод ЭТлари) масалаларини, балки бошқарув масалаларини, берилган ахборотни, аппарат ва маҳсулот параметрларининг хисобини ечади.

Шунинг учун ишлаб чиқариш-технологик кулланишга "мулжалланган ЭТ (II авлод ЭТ)ларни лойихаловчилар-нинг эътибори катта билимлар базасини, хусусан метаби-лимлар ва уларни кулловчи воситаларни, фикр (мулохаза) нинг индуктив ва хакикатга ухшаш схемаларини амалга ошириш ёрдамида экспертдан билимларни ажратиб олиш жараёнини автоматлаштирувчи; ечиладиган масалага боягик равишда стратегияни танлаш жараёнини автоматлаштирувчи; анъанавий ЭТлар имкониятларини бирлаштирувчи интегралланган ЭТларни, маълумотлар ва билимлар базаларини бошқарувчи тизимлар хамда интеллектуал амалий программалар пакетларини яратиш учун самарали воситаларни яратишга каратилган.

II авлод ЭТларида юқорида санаб утилган вазифаларни амалга ошириш саноат ЭТ лари яратишга омил бўлади ва уларнинг кулланиш соҳаларини кенгайтиради.

ЭТ ларнинг кенг оммалашувига сабаб, уларнинг формаллашмаган, анъанавий программалаш учун кийин ёки бажариб бўлмайдиган масалаларни ечишда кулла-нишидир. Бундан ташқари у (ЭТ) қуидаги характерли хусусиятларга — билимларни туплаш, қайта ишлаш, умумлаштириш хамда таклифларни киритиш ва бу таклифларни тушунтириб бериш қобилиятига эга.

ЭТларнинг амалда кенг кулланишига эришилган (АКШ, Япония ва Европада) бўлишига карамай, уларни оммавий ишлаб чиқариш ва ёйишга тускинлик қилувчи бир катор хал бўлмаган қуидаги муаммолар хам бор:

- ЭТ ларни яратиш шу пайтгача узок ва кийин жараён бўлиб колаётганлиги;
- билимлар қабул қилиш (олиш): саралаш, структуралаш, тасвирлаш, созлаш ва билимларни кўзатиб бориш;
- хаётда купинча ечиладиган масалалар вакт ўтиши билан турлича ечилиши такозо этилади, кўпгина ЭТлар асосан узгармас масалалар ечишга мўлжалланганлиги учун уларни юқоридаги каби масалаларга қўллаб бўлмайди;

Демак, ЭТ ларни яратиш ва улардан натижалар олиш учун хали куп ишлар килиниши керак.

12.3 Маълумотлар ва билимлар

Ҳар қандай сунъий интеллект тизимининг асоси билимлар модели ва унинг асосида яратилган билимлар базасидан иборат бўлиб, у хам маълумотлар, хам билимлар билан ишлашга йунал-тирилган. Шунинг учун билимлар нимаси билан маълумотлардан фарқ қилишини тушуниб олишимиз керак.

Маълумотлар — бу хабарлар бўлиб, улар аниқ масалани ечаётганда хулоса чиқариш ва шу масалани ечиш усулини аниклаш учун керак. Маълумотлар билан билимлар орасида аниқ бир чегара бор деб бўлмайди, чунки маълумотларда хам маълум бир билимлар бўлиши мумкин ва аксинча.

Маълумотлар махсус дастурлар ёрдамида ишланувчи математик моделларнинг ракамли параметрларини акс эттириши ёки бирон бир саноат тармори соҳасидаги корхоналар режалари бажарилишининг ҳозирги холатини акс эттириши мумкин. Бу маълумотлар қайта ишлангандан сунггина курилаётган тармок буйича режа бажарилишининг умумлашган сонли характеристикасини бериш, мухим жойларини аниқлаш, курилаётган тармок келажагини олдиндан айтиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, янги билимга эга булинади. Таъкидлаш керакки, маълумотлар ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита таъсир курсатмаганлиги учун уларни «суст», шу маълумотлардан фойдаланувчи дастурларни эса «фаол» (актив) дейиш мумкин.

Билим — хаётда синалган хакикатни билиш махсули, унинг инсон онгига тўғри акс эттирилиши. Илмий билимлар моҳияти унинг утмишдаги, ҳозирги ва келажақдаги хакикатни тушунишидадир, далилларни тўғри асослай билиб, умумлаштиришидадир. Одамнинг фикрлаши хар доим билмасликдан билишга, юзакилик-дан борган сари чукуррок ва хар томонлама билишга томон харакат қиласди.

Сунъий интеллектли тизимларда курилаётган соҳа тўғрисидаги билимлар билимлар манбаида тузилади. Бу манба маълумотлари билимларни ва курилаётган соҳани узида акс эттиради. Шунинг учун хам маълумотлар билан билимлар ўртасида катъий тафовут йук. Шунга карамай билимларни маълумотлардан фарклайдиган махсус аломатлар бор. Қуйида биз шу аломатлар-нинг айримларини қўриб чиқамиз.

1. Интерпретация. Бу сўз лотинча «interpretatio» сўзидан келиб чиккан бўлиб, шархлаш, тушунтириш, ойдинлаштириш сингари маъноларни англатади. компютерда жойлаштирилган маълумотлар факат мое дастур орқали мазмунли талкин килиниши мумкин. Программаларсиз маълумотлар хеч қандай мазмунга эга эмас. Билимлар шу билан фарқданадики, бунда мазмунли изохлаш имконияти хар доим бўлади.

2. Структуралангандарлик ёки муносабатлар синфларининг мав-жудлиги. Маълумотларни сақлаш усулларининг хар хиллигига карамасдан, уларнинг биттаси хам маълумотлар орасидаги алоқаларни ихчам ёзиш имкониятини таъминламайди. Масалан, маълумотлар билан ишлаётганда умуман элементлар ва тупламлар учун умумий бир хил хабарларни куп марта ифодалашга (ёзишга) тўғри келади. Билимларга утилганда, билимларнинг айрим бирликлари ўртасида шундай муносабат урнатиш мумкин: «элемент-туплам», «тип-тип булаги», «кисм-бути», «синф-синф булаги». Бу тупламнинг барча элементлари учун бир хил бўлган маълумотни алоҳида ёзиб ва сақлаб қўйишга имкон яратади. Бу маълумотни, агар керак булса, тупламнинг хохлаган элементини ифодалаш учун керақли жойга автоматик равишда бериш мумкин. Бундай узатиш жараёнини маълумотларнинг «ворислик қилиш» жараёни дейилади.

3. Холат алоқаларининг мавжудлиги. Бу алоқалар хотирада сақланадиган ёки киритиладиган айрим ходиса ёки далилларнинг бир-бирига (холат) мослигини хамда ўзаро муносабатини аниқлайди.

4. Активлик (фаоллик). Билиш активлиги инсон учун хосдир, яъни инсоннинг билимлари фаолдир. Бу эса билимни маълумотлардан умуман фарклайди. Масалан, билимларда карама-каршиликни пайкаш - уларни енгиги ўтишга ва янги билимларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Активликнинг рағбатлантирувчи омилларидан бири билимларнинг тулик бўлмаслигидир. Бу рағбатлантирувчи омил билимларни тулдириш зарурлиги билан ифодаланади. Компьютердан фойдаланилганда дастлабки янги билимлар бўлиб дастурлар хисобланади, маълумотлар эса компьютер хотирасида суст равишда (харакатсиз) сақланади.

Маълумотлар ва маълумотлар тузилиши предмет соҳаларининг хусусиятларини тўла ўлчамда ифодаламайди. Юқорида биз хар доим маълумотлар билан билимлар ўртасида аниқ чегара қўйиш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтган бўлсак хам, лекин булар ўртасида фарклар бор. Бу фарклар билимларни характерлайдиган хамма тўрт белгини бирор даражада ифодаловчи, компьютердаги билимларни моделлар кўринишида тасвиrlовчи расмиятчиликнинг пайдо бўлишига олиб келди.

12.4. Билимларни тақдим этишнинг моделлари

Бизни ўраб турган олам тўғрисидаги билимлар декла-ратив ва процедурали билимларга булинади. Декларатив билимлар бу бирор бир тизимда ўзаро борланган далиллардир. Хакикатан хам руй берган бирор бир ходиса, воея далилга мисол бўла олади [24,34].

Процедурали билимлар — далиллар устида бажарилган амалларни (алгоритмлар, дастурлар, аналитик узгартиришлар, эмпирик қоидалар ва шу кабиларни) амалга ошириш натижасида ҳосил бўладиган билимлардир. Билимларнинг бундай булиниши шартли характерга эга, чунки билимларни ифодалаш (тасвиrlаш) нинг аниқ моделлари хар хил максадда тасвиrlашнинг декларатив ва процедурали шақлларини ишлатади.

Компьютернинг бошланрич учта авлодида процедурали тасвиrlаш ягона, у хам масалаларни ечишда кулланилади. Компьютерлар учун дастурлар бу билимларнинг сақловчилари бўлади, декларатив билимлар хар доим тобе билимлардир. Интеллектуал тизимлар буйича мута-хассисларни хар икки билим тури бир хилда кизикириади.

Эксперт тизимлар соҳасидаги тадқиқотлар шуни курсатадики, билимларни тасвиrlаш учун купинча семантиқ тармоклар, фреймлар ва маҳсулот қоидаларининг моделлари ишлатилади. Шунинг учун бу моделларни туларок кўриб чиқамиз.

1. Семантиқ тармоклар. Семантиқ тармоклар аппарати ёрдамида билимларни тасвиrlаш бирор бир мухитни ташкил этувчи обьектлар ва улар орасидаги алоқалар мажмуасидир.

Хар хил авторлар семантиқ тармокларнинг турли хил турлари тузилишини тақлиф килмокдалар. Бу турларнинг умумий, асосий функционал элементи бўлиб, икки кием («тугунлар» ва «ёйлар»)дан иборат бўлган структура хизмат қиласи. Хар бир тугун бирор бир тушунчани, ей эса ихтиёрий иккита тушунча орасидаги муносабатни билдиради. Муносабатларнинг хар бир жуфти оддий далилни билдиради. Тугунлар мое муносабатнинг номи билан белгиланади, ёй йўналишига эга бўлади. Бунга кура аниқ далил тушунчалари орасидаги «субъект ёки объект» муносабатини тасвирлайди. Масалан «Рустамов институтда ишлайди». Бу ерда «Рустамов» субъект, «институт» эса объект сифатида тасвирланади, улар («объект» ва «субъект»лар) «ишлайди» муносабати билан борланган. У холда «Рустамов институтда ишлайди» далилини акс эттирадиган семантиқ тармокнинг функционал элементи қуйидаги кўринишга эга бўлади:


Рустамов институтда->-ишлайди. Бу тармокда субъект ва объектни боғловчи фақат бинар алоқа (муносабат) ишлатилган. Семантиқ тармокларни тузиша тугунлар орасидаги муносабатлар сонини чеклаб бўлмайди, яъни бирор бир тугун бошқа ихтиёрий тугунлар билан муносабатда бўлиши мумкин. Бу ихтиёрийлик натижасида далиллар тармогини тузиш таъминланади. Масалан, 12.1-расмда келтирилган тармоқ, қуйидаги текстни тасвирлайди:

«Рустамов институтда ишлайди. У институт директори. Рустамов техника фанлари доктори илмий даражага эга, илмий унвони — академик. У институт илмий кенгashi-нинг раиси. Бугун соат 9да Рустамов институт методик кенгашида, соат 16 да эса институт илмий кенгашида маъруза қиласи. Бу тармокда вактли боғланишлар ёйлар, феълларга мое боғланишлар эса тугунлар ёрдамида тасвирланган.

Семантиқ тармоклар кўринишидаги билимлар тасвирланишининг яхши томони шу билан характерланадики, бундай тармоклар билан компьютерда ишлаш осон кечади. Чунки бундай тармокларда объектлар орасидаги алоқалар аниқ курсатилади, дастурлар тузиш енгиллашади.

Масалан, 12.1 -расмдаги тармоқ буйича Рустамов каерда, ким бўлиб ишлашини ва аниқ вактларда каерда бўлиши ва нима қилишини билиш мумкин. Шунингдек, бошқа мураккаброк саволларга хам жавоб топиш мумкин. Масалан, «Бугун институт илмий кенгаши бўладими ва соат нечада?»

Семантиқ тармоклар ва уларнинг модуллари билимлар буйича мухандис томонидан яратилади, бошқача сўз билан айтганда хисоб-мантиқ тизимларнинг яратувчилари томонидан тузилади. Шундан сунг тизим сунгги фойдаланувчиларга хавола этилади. Семантиқ тармоклар курилишига бундай ёндошиш фойдаланувчиларни, маса-лан, технологик жараёнларни лойихалаш ва бошқариш соҳасида ишловчиларни каноатлантирумайди. Амалий дастур тузувчи ўзаро муносабат (алоқа) боски-чида технологик жараённинг хар бир кўриниши учун алохида бу тизимнинг семантиқ тарморини тузади. Сунгти фойдаланувчи томонидан технологик жараён узгартирилса, билимлар мухандисига семантиқ тармокни узгартиришга тўғри келади.



1-расм. Тексттің семантикалық тармогы

2. Фреймлар. Фреймлар назариясини, билимларни фреймлар билан тасвирлаш РОЯСИНИ ва «фрейм» терми-нини 1975 йилда М. Мински деган олим тақлиф килган. «Фрейм» сүзи инглиз тилидан олинган бўлиб, рамка, дераза, решётка, ички скелет каби мазмунларда ишлатилади.

Фреймлар назариясининг моҳияти қуидагича. Инсон янги холатга тушиб колган пайтда, у узининг хотираси-даги фреймлар деб номланувчи асосий структурани тузи-лишига мурожаат қиласи. Яъни бундай холатда тўғри ечимни қабул қилиш учун нималар қилиш кераклигини эслайди. Фрейм — бу олдин эслаб колинган билимларни тасвирлаш бирлиги. Бу бирликнинг деталлари давр ва талаб такозоси билан узгариши мумкин. Фрейм — маълумотлар тузилишини ифодалайди, унинг ёрдамида, маса-лан, сизнинг хонангиздаги холатни тасвирлаш мумкин. Хар бир фрейм хар хил ахборотлар билан тулдирилиши мумкин. Агар окибат кутилган натижани бермаса, бу ахборот — курилаётган фреймнинг кулланиш усулларига алоқадор бўлиши мумкин. Фрейм куп жихатдан узининг тузилишига кура семантикалық тармокка ухшаш бўлади. Фрейм — иерархик тузилган, тугун ва муносабат (алоқа) лар тармогидир. Бу ерда юқори тугунлар умумий тушун-чаларни ифодаласа, пастки тугунлар эса бу тушунча-ларнинг хусусий холларидир. Семантикалық тармоклардан фаркли уларок, фрейм тизимларда хар бир тугундаги тармоклар тушунчаси атрибутлар туплами (масалан, исм, ранг, улчам, шақл) ва бу атрибутларнинг кийматлари (масалан, Рустам, кук, кичкина, думалок) билан бери-лади. Атрибутларни эса слотлар (тиркишлар) дейилади. Слотлар фрейм

ишида ахборотнинг аниқ жойини курсата-ди. Масалани ечиш учун ахборот етарлими ёки кайси-лари етишмайди, агар етарли бўлмаса уларни фреймнинг каеридан олиши керак? Бу каби вазифаларни слотлар бажаради. Атрибутлар узгарувчан характерга эга бўлган холатда слотлар шпац (оралик)ларни уз ичига олади. Бу шпацларга слотларнинг ҳозирги ахамияти (кыйма-ти)ни тасвирловчи айрим обьектлар жойлашади. Муносабат (алоқа)лардан ташкил топтан фреймлар тупламини йигиб фреймлар тизимсини куриш мумкин.

Билимларни фреймлар ёрдамида тасвирланишининг математик тузилишини қўйидаги кўринишида ёзиш мумкин:

$$\{ i \langle v_1, g_1 \rangle \langle v_2, g_2 \rangle \dots \langle v_k, g_k \rangle \}$$

бу ерда i фреймларнинг номлари, v_i — слотларнинг номлари, g_i — слотларнинг киймати. Слотларнинг киймати сифатида бошқа фреймларнинг номлари хам бўлиши мумкин, улар фреймлар орасидаги муносабат (алоқа)ларни таъминлайди. Агар бошқа фреймларга мурожаат килинаётганда, слотлар номлари хисобга олин-маса, у холда бир жинсдаги фреймлар тармори хосил бўлади. Акс холда, борланишлар кайси слотлардан хосил бўлган булса шу слотларнинг номлари билан аталади ва фреймлар бир жинсли бўлмайди. Бундан кўринадики, фреймлар тарморидан бирор бир семантиқ тармокка ўтиш ва тескарисига ўтиш хеч кийин эмас.

| | |
|-----------|--------------------|
| Фрейм: | Исл |
| Синф: | Хайвон |
| Структура | Бош, буйин, |
| элементи | қўллар, оёклар... |
| Буй: | 30:220 см |
| Масса: | 1:200 кг |
| Дум: | Йўқ |
| Тил: | Узбек, рус, инглиз |

Фрейм аналоги (ухшаш): Маймун

Бундай фреймлар билимлар кўринишида йифилди. Биз бирор обьектни аниқлашни хохлаймиз, деб фараз килай-лик. Бунинг учун бирнечта берилган «одам» фреймидаги слотлар ва бу слотларга тегишли атрибутларни кўриб чиқамиз. Мувофиклаштириш процедураларидан бошлаймиз. Бунинг учун хотирадан одам характеристикаларини тасвирловчи «одам» фреймини чакирамиз. Хамма слотларнинг шартларини каноатлантирадиган маълумотлар олинганда, обьект одам сифатида айнан тенглаштирилади (идентификацияланади). Агар компьютерга кирадиган маълумотлар «одам» фреймидаги берилган шартларга мос келмаса, масалан обьект (субъект)нинг массаси 300 кг ва обьектнинг думи бор дейилса, бу маълумотлардан хуласа шуки, кўрилаётган обьект одам эмас. Шундан сўнг ўхшашлик фреймининг кўрсаткичидан фойдаланиб ва хотирадан «маймун» фреймини чакириб, шунга ухшаш мувофиклаштириш утказилади. Бундай усул, хатто ахборотлар тулик берилмаган холда хам холатнинг мазмунини тушунишга имкон беради.

Фреймлар ёрдамида билимларни тасвирлашнинг афзалликлари шундан иборатки, фрейм хар қандай маълумотлар тузилишини-(қ,анчалик мураккаб

бўлмасин) тасвирилаши мумкин. Лекин иккинчи томондан, хаттоқи олдиндан маълум бўлган предмет соҳаси учун хам фреймларни ажратиб олиш кийин. Фреймлар шақли ва тузилиши қандай бўлиши керак, нечта фреймларни ажратиш керак, фреймларни бир-бири билан қандай боғлаш керак, фреймларни бир-бири билан боғлашда уларнинг хусусиятлари, хоссалари сакланадими ва шунга ухшаш мухим масалалар ҳозирги вактда умумий ечимга эга эмас.

3.Продукцион тизимлар. 70-йилларнинг ўрталарига кадар эксперт тизимларда билимларни тасвирилаш учун билимларни ифодаловчи продукцией моделлар кенг кулланилди. Бу умумийлик эксперт тизимларнинг 1-авлодига хос эди (масалан, DENDRAL, MYCIN, PUFF, SECS, RI, MDX, MEDAS ва бошқалар).

Продукцион (маҳсулий) қоидалар билимларни «АГАР — У ХОЛДА» кўринишида тасвирилади. Коида-нинг «АГАР» кисми бир катор шартларни ифодалайди, бу шартлар каноатлантирилса, қоиданинг иккинчи, яъни «У ХОЛДА» кисмидаги хulosалар мазмунга эга бўлади. Масалан: АГАР телевизион тасвир тиник бўлмаса, Ва вакт ўтиши билан у пасая борса, Ва тасвир ута кўриб бўлмайдиган даражага етса, «У ХОЛДА» кинескоп ишдан чиккан бўлади, янгиси-га алмаштириш керак. Билимларни қайта ишловчи, билимларни тасвирилашда ишлатиладиган Продукцион қоидаларни уз ичига олувчи тизимлар продукцией тизимлар деб ном олди. Эксперт тизимларнинг кулланиши буйича продукцияларни «вазият->-харакат», «холат-у ечимни қабул қилиш», «жунатиш — хulos» тарзида тал-кин қилиш мумкин. Дедуктив хulosа тизимси учун узига хослик — бу «жунатиш — хulos» кўринишидаги талкин қилишдир. Бунда жунатишлар (посылки) ва хulosалар — аксиома ва теорема (окибат)ларни, продукцияларни узи эса хulosа қоидаларини ифодалайди.

Продукциялар тилининг асосий элементи қуйидаги конструкциядир:

(i), P_i ; $A \rightarrow B$; (j)Q.

Бу конструкция оғзаки қуйидаги текст билан ифодаланиши мумкин:

«Агар P шарт бажарилса ва A шарт уринли булса, у холда B ишни қилиш ва продукциянинг i номерли шар-тини Q шартига узгартриш керак». Бизнинг ёзувдаги (i) қоиданинг тартиб номери.

Эксперт тизимлар хulosаларни чиқариш буйича уч хил бўлади: 1) тўғри йул билан хulosа чиқарувчи, 2) тескари йул билан хulosа чиқарувчи, 3) аралаш йул билан хulosа чиқарувчи эксперт тизимлар. Масалан, тўғри йул билан хulosа чиқарувчи ЭТлар ёрдамида касаллик алломатларига кура касаллик аниқланади. Тескари йул билан хulosа чиқарувчи ЭТлар ёрдамида фаразлардан (таксим килинган касалликдан) бу фаразни исботловчи ёки исботлай олмайдиган дастлабки маълумотларга томон секин-аста борамиз.

Машхур чет эл эксперт тизимлардан DENDRAL тизими тўғри йул билан хulosа чиқарувчи, MYCIN эса тескари йул билан хulosа чиқарувчи ЭТдир. Аралаш йул билан хulosа чиқарувчи тизимларда икки томон-лама жараённи амалга ошириш мумкин, лекин бу холатда эксперт тизимнинг билимлар манбаида вазият (холат) билан бирликда максад хам берилиши лозим.

Билимларни тасвириловчи қоидаларнинг муҳим ахамияти шундаки, тасвирилаш модул характерга эга, яъни бошқа қоидаларга тўғридан-тўғри таъсир этмасдан янги қоидаларни қушиш, эскиларини олиб ташлаш ёки узгартириш мумкин.

Қоида продукция кўринишида билимларни тасвирилашнинг иккита жиддий камчилиги бор. Бу камчиликлар ҳозирги замон дастурлаш амалиётида у (тасвирилаш) нинг имкониятларини бирмунча чеклайди.

Биринчидан, ухаш қоидалар тупламини аниқлай оладиган хамда қоидалар тупламига узгартериш киритишида ёки қоидалар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлашда фойдали бўладиган қоидалар модуллиги қоидаларга асосланган эксперт тизимларнинг билимлар базасини ташкил этишга тускинлик қиласди.

Иккинчидан, тузилишнинг бир жинслиги куп хол-ларда, билимларнинг хар хил турларини бир синтаксисда тасвирилашга мажбур қиласди ва окибатда тизимдаги билимларнинг вазифасини заифлаштиради. Масалан, бошқа қоидаларни чакиришни бошқарадиган, яширин холда ишлайдиган ёки якун ясадиган қоидаларни янги маълумотни чиқаришда ишлатиладиган қоидалар-дан фарклаб бўлмайди.

Эксперт тизимларда билимларни тасвирилаш усулларига якун ясаб шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги пайтга кадар ишлаб чиқилган усулларда аниқлик ва бир кийматлилик йук. Бунга бир томондан, билимларни аниқлаш ва уларни ифодалаш усулларининг куплиги, иккинчи томондан, улардан хар бирининг самарадорлиги-ни баҳолашда, улар билан ишлашда энг максадга мувофик муолажаларни аниқлаш усулларининг йуклиги сабабдир. Бу хол билимларни ифодалашнинг умумий назариясини яратишни такозо этади. Ҳозирча бундай назария йук. Шу сабабли билимларни ифодалашнинг у ёки бу усулига баҳо бера олмаймиз.

12-боб бўйича хулосалар

Хар қандай интеллектуал тизим, унинг каерда кулланишига борлик бўлмаган холда, одам-машина тизимиdir. Машина сифатида ЭХМ ишлатилади. Тизимнинг вазифаси — охирги фойдаланувчига у ёки бу масалани ечишда унинг касби фаолияти доирасида малакали мутахассис (эксперт) ларнинг йиллар давомида орттирган билимларидан фойдаланиш учун имконият яратишдан иборат. Бунинг учун ЭХМ таркибига билимлар манбаи ва интеллектуал интерфейс кириши керак. Билимлар манбаида характерли бўлган масалаларни ечиш усуллари ҳақидаги ахборотлар сақланади. Интеллектуал интерфейс масалани ечиш жараённида охирги фойдаланувчи ва тизим ўртасидаги ўзаро муносабатни (харакатни, ишлашни) таъминлайдиган сунгги фойдаланувчининг хамма воситаларини уз ичига олади.

Муаммони хал қилишга каратилган, охирги йилларда яратилган ЭТларнинг таҳлили шуни курсатадики, яратувчиларнинг асосий куч-гайрати, саноат ва конструктор-технологик корхоналарда самарали кулланувчи системалар яратишга каратилган.

13- боб Нейрон тармок технологиялари

13.1 Нейрон түрларини ташкил қилиш түғрисида маълумот

Одам мияси жуда мураккаб тузулишга эга. Унинг қандай ишлашини ўрганиш мақсадида жуда кўп илмий изланишлар олиб борилган ва борилмоқда. Маълумки инсон мияси катта хажмдаги ахборотни тез қайта ишлай олади. Бунга сабаб миллионлаб мия нерв хужайралари - нейронларнинг параллел ишлашидир [24,34].

Сунъий нейронларнинг ғоявий асоси хам биологик нейрон хужайралари хисобланади. Бугунги кунда миянинг ишлашини ўрганиш йўлида фан эришган ютуқлардан келиб чиқиб биологик нейрон қуйидагича ишлашини айтиш мумкин. Нерв хужайраси - нейрон бўлиб, у маълумотларни қайта ишловчи энг кичик бирликдир. Ўз ўрнида хар бир нейронда кўплаб ўсимталар бўлади. Бу ўсимталарнинг биттасидан бошқа барчалари аксон деб номланади ва аксонлар орқали нейронга ташқи сигналлар келади. Битта ўсимта дендрид деб номланади ва у орқали нейрон ташқарига сигнал беради. Кўплаб нейронлар бир бирлари билан маълум архитектурада боғланган бўлади. Бир нейроннинг аксони бошқа бир нейроннинг дендридига боғланган нуқталари синапс дейилади.




РИС. 1.1 БИОЛОГИЧЕСКИЙ НЕЙРОН

Шу тариқа миллионлаб нейронлар бир-бирлари билан боғланиб маълум бир архитектурадаги **нейрон түрларини** ташкил қиласди. Битта олдинги қатламдаги нейрон чиқиш ўсимтаси - дендрид орқали сигнални кейинги қатламдаги нейронларга уларнинг аксонлари орқали беради. Энг биринчи қатламдаги нейронлар сигналларни маълум органларнинг рецепторлари орқали олади. Масалан кўз, бурун, тери ва хоказолар. Энг охирги қатламдаги нейронлар эса сигналларни маълум органларнинг мускулларига узатади. Масалан қўл, оёқ, юз, товуш пардалари ва хоказолар.


Ана шу каби мия тузулишини ўрганишлардан келиб чиқиб биологик нейронларнинг функционал аналоги сунъий нейронларни яратишга харакатлар қилинмоқда. Албатта, бугун эришилган натижалар инсон миясига нисбатан жуда примитив, лекин шиллиқурт,чувалчанг мияси даражасида дейиш мумкин.

Сунъий нейрон табиий нейроннинг функциясини бажара оладиган математик модель, аппарат ёки компьютер дастуридир. Бунда сигналларнинг

қиймати (яни амплитудаси)гина хисобга олинади. Табиий нейронда эса нафақат сигналнинг қиймати, балки частотаси хам хал қилувчи ахамиятга эга бўлиши мумкин. Аммо организмлар миясини бугунги ўрганилганлик даражаси жуда паст бўлиб, хозиргача бу борада илмий натижаларга эришилмаган.

Нейрон дейилганда сунъий нейрон аниқроғи, компьютер дастурини назарда тутилади.

Оддий нейронни кўриб чиқайлик:



Бу ерда:

p – кириш вектори (input vector);

R – кириш элементлари сони (number of input elements);

w – оғирликлар вектори (weight vector);

b – сурилиш (bias);

n – киришнинг оғирликларга қўпайтирилган ва сурилган қиймати ($wp+b$);


f – трансфер функция (transfer function);

a – чиқиш (output).

Нейронга кириш ветори p берилади. Киришларнинг барчаси бир хил таъсир кучига эга бўлмайди. Шунинг учун маълум киришнинг таъсир кучини бошқариш мақсадида оғирлик w тушунчаси киритилган. Хар бир кириш қиймати p оғирликлар ветори w нинг мос элементига қўпайтирилиб натижалар жамланади (яни $wp + p_1w_{1,1} + p_2w_{1,2} + \dots + p_Rw_{1,R}$). Суммага сурилиш қиймати b қўшилади. b хам оғирлик w га жуда ўхшаш, аммо унинг «кириш» қиймати ўзгармас 1 (бир) константадир (яни b кириш қиймати эмас). Натижада трансфер функцияниң кириш қиймати n хосил бўлади (яни $n + wp + b$). Бу қиймат трансфер функция (узатиш функцияси)га параметр сифатида берилиб нейроннинг чиқиши а топилади.

w ва b нейроннинг созланадиган параметрларидир. Ана шу параметрлар ўзгартирилиб нейрон маълум бир функцияни бажарадиган холга келтирилади. Шу жараён нейронни ўргатиш деб юритилади. Нейрон тўрларнинг марказий ғояси хам ана шунда: нейронларнинг w ва b қийматларини ўзгартириб, яни


үргатиб ихтиёрий вазифани бажарадиган холга келтириш мумкин. Нейронни схематик рационала қуйидагича ифодалаш мумкин:



Нейрон кириш қийматларини оғирликларга күпайтмасини жамлабгина қолмасдан маълум бир функция – трансфер функцияда хам қайта ишлайди. Трансфер функция сифатида чизиқли, зинали, логарифмик-сигмоида, тангенсоида функцияларидан фойдаланилади. қандай функциядан фойдаланиш аниқ масалага боғлик.

Битта нейроннинг функционал қуввати жуда паст, лекин унинг афзаликларидан бири – кўплаб нейронлар бирлаштирилиб, қуввати оширилиб ишлатилиши мумкин.

қуйида S дона нейрондан ташкил топган 1 қатлам(layer)ли нейрон тўр келтирилган:



R – кириш элементлари сони;


S – биринчи қатламдаги нейронлар сони;

$$W = \begin{bmatrix} w_{1,1} & w_{1,2} & \dots & w_{1,R} \\ w_{2,1} & w_{2,2} & \dots & w_{2,R} \\ \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ w_{S,1} & w_{S,2} & \dots & w_{S,R} \end{bmatrix}$$

Оғирликлар вектори W матрицасининг қаторлари нейронларнинг индексини, устунлари эса кириш индексларини ифодалайди, яъни:

$w_{1,1}$ – биринчи нейроннинг биринчи киришга оғирлиги;
 $w_{1,2}$ – биринчи нейроннинг иккинчи киришга оғирлиги;
 $w_{2,1}$ – иккинчи нейроннинг биринчи киришга оғирлиги;
 $w_{S,R}$ – Синчи нейроннинг Ринчи киришга оғирлиги.


Тушуниш осонроқ бўлиши учун юқоридаги детальний схемани қўйидаги соддароқ кўринишга келтириш мумкин:



Нейронларнинг бундай тарзда қатламга биринчи кириш сигналларини барча нейронларга узатилиши, нейронлар хар бири ўзи мустақил ишлаши ва хар бир нейроннинг чиқишини алоҳида-алоҳида олиш имконони беради. Бундан ташқари кўплаб сондаги нейронларни битта сетга бирлаштирганда қўйилаган масалани ечиш учун яроқли архитектурани хосил қилиш мумкин бўлади.

Одатда учрайдиган масалаларни ечиш учун бир эмас кўп қатламли нейрон тўрлар талаб қилинади. Кўп қатламли нейрон тўрларда биринчи қатлам кириш қатлами (input layer), охирги қатлам чиқиш қатлами (output layer) ва бошқа барча ички қатламлар беркитилган қатламлар (hidden layers) деб номланади.


Қўйида кўп қатламли нейрон тўрга мисол тариқасида 3 қатламли нейрон тўр келтирилган:



Биринчи қатламдаги нейронларнинг оғирлик матрицаси IW (Input Weights) сифатида белгиланган. Кейинги барча қатламларда эса LW (Layer Weights) тарзидан белгиланган.

Схемадан күриш мүмкін биринчи қатламнинг чиқиши a^1 иккінчи қатламга кириш сифатида берилмоқда ва мос равища иккінчи қатламнинг чиқиши a^2 учинчі қатламнинг киришига берилмоқда. Бутун сетнинг чиқиши – охирғы қатламнинг чиқиши a^3 дір.

Бу схемани соддалаштирилген холда қуйидагича ифодалаш мүмкін:




Күп қатламлы нейрон түрлар үтә кучли функционал қувватга эга бўлиб, мураккаб функцияларни аппроксимация(ифода)лай олиши мүмкін. Хусусан биринчи қатлами сигмоида ва иккінчи қатлами чиқизли трансфер функция бўлган икки қатламли нейрон түр ихтиёрий функцияни аппроксимациялай олади. Албатта, бунинг учун аппроксимацияланиши керак бўлган функциянинг мураккаблигига хараб хар иккала қатламдаги нейронлар сони етарли бўлиши ва кўп, лекин чекли сондаги ўргатиш амалга оширилиши керак.

Нейрон түрларда қуйидаги трансфер функциялар ишлатилади:


Зинали (hard limit):

$$a = \begin{cases} 0, & \text{агар } n < 0 \\ 1, & \text{агар } n \geq 0 \end{cases}$$



Чизиқли (linear):


$$a = wn + b$$



Сигмоида
sigmoid):

(log-

$$a = \frac{1}{1 + e^{-n}}$$



Зинали трансфер функция барча трансфер функциялар ичида энг функционал күчсизи, аммо биринчи нейрон түр(персептрон)да айнан мана шу функциядан фойдаланилган. Чизиқли трансфер функцияниң бошқа трансфер функциялардан афзаллиги – чиқиш доираси катта, аммо шу билан бирга энг катта камчилиги ихтиёрий қўп қатламли чизиқли нейрон тўрни бир қатламли чизиқли нейрон тўр билан алмаштириш мумкин. Яъни фақат чизиқли трансфер функциялардан фойдаланиб нейронларни қўп қатламларга бириктириш уларниң функционал қувватини оширмайди. Чизиқли трансфер функцияниң аксини сигмоида трансфер функциясида кўришииз мумкин. Сигмоида трансфер функцияли нейроннинг чиқиши киришига мос равища 0 ва 1 оралиғида жойлашади. Шунинг учун хам бундай функцияларни сиқувчи функциялар деб хам юритилади. Сигмоида трансфер функцияли нейронларни қўп қатламларга бириктириш уларниң функционал қувватини жуда оширади.

13.2. Нейрон тўрларининг тарихи

Нейрон тўрларининг назарий асослари дастлаб 1943 йилда У.Маккалох ва унинг шогирди У.Питтс олиб борган тадқиқотларга бориб тақалади. Нейрон тушинчаси ва оғирлик тушинчаси шу олимларниң илмий изланишларидан қолган.

Маккалох моделининг асосий камчилиги трансфер функция (ўтиш функцияси) сифатида фақатгина зинали функциядан фойдаланилган. Бу хам аслида Маккалохнинг илмий қарашларидан бири эди. Олим трансфер функция факат икки холатдагина бўла олиши кераклигини, нейрон хам кириш сигналларига қараб икки холатнинг бирида – ишлаган ёки ишламаган холда ўз натижасини сетнинг кейинги нейронларига узатиши лозимлигини айтган.

Аммо кейинги тадқиқотчиларниң илмий изланишлари натижасида шу нарса маълум бўлди, трансфер функция сифатида фақатгина зинали функция эмас, балки бошқа функциялардан, масалан чизиқли, логарифмик-сигмоида, тангенс-сигмоида каби функциялардан фойдаланиш хам яхши натижалар беради (қайси трансфер функциядан фойдаланиш аниқ холатларга, муаммоларга боғлик).

Маккалохнинг ишларида баъзи камчиликларга хам йўл қўйилган бўлишига қарамасдан нейрон тўрларининг назарияси негизи хали хам ўшандайлигича қолмоқда.

Нейрон тўрларининг ривожланишига бўлган катта турткilarдан бири нейрофизиолог олим Ф.Розенблат таклиф қилган модель – персептрон бўлди. Персептроннинг Маккалох моделидан фарқи нейронлар орасидаги алоқалардаги оғирликларниң ўзгарувчанлиги эди. Ўзгарувчанлик имкониятининг мавжудлиги нейрон тўрларни турли муаммоларни ечишга «ўргана оладиган» қилди.

Кейинчалик Хопфилд, Вербос, Кохонен, Фукушима каби олимлар нейрон тўрлар устида илмий изланишлар олиб бордилар ва катта натижаларга эришдилар.

Нейрон тўрларни ўрганиш натижасида уларниң бир қанча хусусиятлари маълум бўлди. Нейрон тўрлардан прогнозлашда, жараёнларни бошқаришда,

иммитация қилиш ва тахлил қилишда фойдаланиш юқори самара беради. Нейрон түрларни бошқа усулларни табиқ қилиш қийин бўлган шароитларда – муаммони хал қилиш алгоритми мавхум бўлганда, маълумотлар ноаниқлигида, етишмаслигида, жуда катта ёки жуда кичик хажмдалигида, қарама-қаршиликлар мавжуд шароитларда табиқ қилиш осон ва самарали.

Бунга асосий сабаб бошқа усуллардаги каби керакли жараённи қонуниятларини аниқлаб, математик тенгламалар тузиб, ечиш алгоритмлари ишлаб чиқишининг зарурияти йўқ. Нейрон түрлар архитектураси, трансфер функциялар ва ўргатиш алгоритмлари тўғри танланса нейрон тўрни тайёр маълумотларда ўргатиш натижасида, у фойдаланишга тайёр бўлади.

Нейрон тўрларни ўргатиш дейилганда нейрон тўрнинг ўзи ўз ички параметрларини хисоблаб топиб ўзгартириши тушинилади. Бунинг учун тармоқقا танланган кириш қийматлари берилади ва хосил бўлган натижаларни хақиқий натижалар билан солиштириб фарқ(хатолик) топилади. Шу фарқ нейрон тўр учун параметрларини тўғрилашига асос ва маълумот бўлади.

13.3. Нейрон тўрларини ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларига тадбиқи

Бугун нейрон тўрлар ўта чуқур ўрганилмаган бўлишига қарамасдан қўйидаги соҳаларга қўлланилиб ижобий натижаларга эришилмоқда:

- бизнес – нейрон тўрларнинг бу соҳага тадбиқи 1984 йилда адаптив канал эквалайзери яратилиши билан бошланди. Бу қурилма жуда содда бўлиб, битта нейрондан ташкил топган. У узок масофадаги телефон линияларида овозни стабиллаштириб сифатини оширганлиги сабабли катта иқтисодий мувафакият қозонган;
- банк молия – кўчмас мулкни баҳолашда, кредит беришда рискларни хисоблаб мижоз танлашда, қарзларни баҳолашда, кредитларнинг ишлатилишини анализ қилишда, савдо портфели программаларида, молиявий анализ қилишда, валюта қийматини прогнозлашда;
- биржа – валюта ва акция курсларини прогнозлашда, бозорни прогнозлашда, корхоналар келажагини баҳолашда;
- ишлаб чиқариш – жараёнларни бошқаришда, маҳсулотлар дизайнни ва анализида;
- медицина – ўпка раки хужайраларини анализ қилишда, ДНК анализида, протез лойилашда, трансплантация вақтларини оптимизациялашда, шифохона харажатларини камайтиришда ва сифатини оширишда, шошилинч ёрдам хоналарини текширишда;
- робототехника – траектория қуришда, харакатни бошқаришда, манипуляторларни бошқаришда, тасвир анализи ва кўришда, шакллар ва фигуralарни танишда, овоз анализи ва синтезида;
- транспорт – маршрутларни оптimal лойихалашда, вақт жадвалларини режалаштиришда, юқ машиналари тормоз системаларининг анализида;
- автомобиль – автоматик бошқариш тизимларида, автоматик харита тизимларида, кафолат билан боғлиқ ишлар текшируvida;

- космос – юқори самарали автопилотлар яратишда, учиш траекторияси имитацияси тизимларида, учар жисмларни бошқариш тизимларида, учар жисмларининг камчилик ва бузуқликларини топиш ва бартараф қилишда;
- мудофаа – товуш, радар, инфрақизил сигналларни тахлил қилишда, ахборотларни умумлаштиришда, автоматик қурилмаларни бошқаришда;
- телекоммуникация – тасвир ва овозни зичлаш, шифрлаш ва бошқача қайта ишлаш жараёнларида, автоматлаштирилган ахборатлаштиришда, турли тилларга синхрон таржима тизимларида ва хоказоларда.

Нейрон тўрларнинг афзалликларини ва мавжуд компьютер дастур пакетларининг қулайлик ва самарадорлигини хисобга олиб уни инновация жараёнларида қўллаш истиқболли эканлигини хулоса қилиш қийин эмас.

13.4. Нейрон тўрларини компьютер дастури сифатида намоён бўлиши

Нейрон тўрларни лойихалаш ва яратиш борасида кўплаб компьютер дастурлари ишлаб чиқарилган. Улар орасида MathWorks фирмаси томонидан яратилган MatLab компьютер дастури пакети устунликлари билан алоҳида ажралиб туради. Чунки айнан шу дастур математик ядрога ва нейрон тўрлар қисм пакетига эга. Унда энг содда нейрон моделидан тортиб, ихтиёрий трансфер функцияли ихтиёрий архитектурадаги мураккаб нейрон тўрларни осон ва тез яратиш мумкин.

Бундан ташқари пакет таркибиға тескари алоқали чизиқли бошқарувчи, завод келажагини прогнозловчи ва баҳоловчи, функцияларни аппроксимацияловчи воситалар хам киради. Нейрон тўрларни ўргатишнинг бир қанча алгоритмлари хам пакетда амалга оширилган.

MatLab дастурида нейрон тўр модели тузилгач бу модель устида виртуал лаборатория сифатида фойдаланиб, жараённи имитация қилиш мумкин.

MATLAB дастури матрицавий амалларни қўллашга асосланган. Бу тизимни номи MATrix LABoratory матрицавий лабораторияда ўз аксини топган. MATLAB – кенгаювчи тизим, уни хар хил турдаги масалаларни ечишга осон мослаштириш мумкин.

Simulink –динамик тизимларни моделлаштириш, имитация ва тахлил қилиш учун интерактив воситадир. У график блок-диаграммаларни қуриш, динамик тизимларнинг ишлашини текшириш ва лойихаларни мукаммалаштириш имкониятларини беради. Simulink юздан ортиқ бириктирилган блокларга эга. Блоклар вазифаларига мос холда гурухларга бўлиб чиқилган. Булар: сигналлар манбалари, қабул қилгичлар, дискрет, узлуксиз, чизиқли бўлмаган, математик функциялар, сигналлар ва тизимлар. Simulink MATLAB билан тўла интеграллашган.

13 -боб бўйича хулосалар

Сунъий нейрон табиий нейроннинг функциясини бажара оладиган математик модель, аппарат ёки компьютер дастуридир. Бунда сигналларнинг қиймати (яъни амплитудаси)гина хисобга олинади. Табиий нейронда эса

нафақат сигналнинг қиймати, балки частотаси хам хал қилувчи ахамиятга эга бўлиши мумкин. Аммо организмлар миясини бугунги ўрганилганлик даражаси жуда паст бўлиб, хозиргача бу борада илмий натижаларга эришилмаган.

Нейрон дейилганда сунъий нейрон аникроғи, компьютер дастурини назарда тутилади.

Зинали трансфер функция барча трансфер функциялар ичida энг функционал кучсизи, аммо биринчи нейрон тўр(персептрон)да айнан мана шу функциядан фойдаланилган. Чизиқли трансфер функциянинг бошқа трансфер функциялардан афзаллиги – чиқиш доираси катта, аммо шу билан бирга энг катта камчилиги ихтиёрий кўп қатламли чизиқли нейрон тўрни бир қатламли чизиқли нейрон тўр билан алмаштириш мумкин. Яъни фақат чизиқли трансфер функциялардан фойдаланиб нейронларни кўп қатламларга бириктириш уларнинг функционал қувватини оширмайди.

Нейрон тўрларни ўрганиш натижасида уларнинг бир қанча хусусиятлари маълум бўлди. Нейрон тўрлардан прогнозлашда, жараёнларни бошқаришда, имитация қилиш ва тахлил қилишда фойдаланиш юқори самара беради. Нейрон тўрларни бошқа усуулларни тадбиқ қилиш қийин бўлган шароитларда – муаммони хал қилиш алгоритми мавхум бўлганда, маълумотлар ноаниклигига, этишмаслигига, жуда катта ёки жуда кичик хажмдалигига, қарама-қаршиликлар мавжуд шароитларда тадбиқ қилиш осон ва самарали.

Нейрон тўрларни ўргатиш дейилганда нейрон тўрнинг ўзи ўз ички параметрларини хисоблаб топиб ўзгартириши тушинилади. Бунинг учун тармоққа танланган кириш қийматлари берилади ва хосил бўлган натижаларни хақиқий натижалар билан солиштириб фарқи(хатолик) топилади.

14 – боб Иқтисодий соҳаларда замонавий ахборот технологиялари ва тизимларидан фойдаланиш

14.1. Статистика соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари

Давлат статистикаси – мамлакат иқтисодиётини бошқариш тизимидағи энг муҳим буғинлардан бири. У жамият ҳаётидаги оммавий ходисаларни ўрганиш, уларнинг мураккаб ўзаро алоқалари ва ҳамкорликларини аниқлаш, ҳамда иқтисодиётни фаолият юритиш ва ривожланишга илмий асосланган ҳолда баҳо беришга қаратилган.

Давлат статистикасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

- иқтисодиётнинг барча соҳалари ва уларга тегишли корхоналарнинг фаолияти ҳақидаги статистик ахборотларни йиғиши, ишлаб чиқиш ва турли фойдаланувчиларга тақдим этиш;
- ҳозирги замонавий босқичда жамият эҳтиёжлари ҳамда халқаро андозаларга мос келувчи илмий асосланган статистик услубиятини ишлаб чиқиши;
- барча расмий статистик ахборотлар тўлиқлиги ва илмий асосланганлигини кафолатлаш;
- иқтисодиётни бошқариш идораларининг статистик фаолиятини мувофиқлаштириш ва улар томонидан соҳавий статистик кузатишларини ўтказишини таъминлаш;
- барча фойдаланувчиларга мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ҳолати, иқтисодиётнинг соҳалари ва секторлари ҳақидаги расмий маъruzаларни тарқатиш йўли билан очиқ статистик ахборотларга тенг киришни тақдим этиш ва бошқалар[18,34].

Давлат статистикаси мамлакатда статистик ахборот тизимини яратиш учун база бўлиб хизмат қиласи. Давлат статистика идоралари ўз фаолиятини Ўзбекистонда ҳисоб ва статистика тизимида иқтисодиётни ривожлантиришнинг давлат томонидан бошқаришнинг муҳим таянчи эканлигига риоя қилган ҳолда амалга оширади. Бошқарув обьектлари деганда тизимнинг меъёрий фаолият юритиши учун мунтазам назорат қилиш ва тартибга солишни талаб қиласидиган элемент тушунилади. Иқтисодиётнинг соҳалари, уларнинг корхоналари ва ташкилотлари бошқарув обьектлари бўлади (14.1-расм).

Давлат статистика идоралари, давлат бошқаруви идоралари иқтисодиёт соҳаларининг фаолияти ҳақида хабардор қилиб, вазифалар кўринишидаги бошқарувчи ахборот қабул қилингани ва бошқарув обьектларининг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда қайд этилган, мулжалланган харакатларида акс эттириувчи муҳим сигнал вазифаларини бажаради.

Статистик ахборот тизими мураккаб тизимларнинг олдига қўйилган қўйидаги барча талабларига жавоб беради:

- умумий мақсадга эришиш учун тизим элементларининг мувофиқ ўзаро ҳамкорлиги нуқтаи назаридан бирлиги;
- катта ўлчамлилик;
- ҳолатнинг мураккаблиги ва бошқалар.



14.1.-расм. Иқтисодиётни бошқаришда давлат статистикаси идораларининг вазифалари

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси қошидаги давлат статистика идоралари ўз ишини умумий тамойиллар, давлат статистикасининг ягона услубияти ва уларни ташкил қилиниши асосида бажарилади. Уларнинг **асосий вазифаси** – мамлакатда ҳисоб ва статистика ишига марказлаштирилган ҳолда раҳбарлик қилишdir. Вазирлик тизими бутун республикани қамраб олган, давлат статистика идоралари мамлакатнинг барча маъмурий-худудий тузилмаларида мавжуд. Статистик ахборотлар турли-туманлиги, оммавийлиги ва келиб тушишининг даврийлиги билан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси томонидан давлат статистика идораларига республика даражасидаги марказлаштирилган раҳбарлик амалга оширилади. У асосий ҳисоб – статистика маркази сифатида ва Ўзбекистон Республикаси хукумати, республика вазирлик ва қўмиталари, бошқа ташкилотларни статистик ахборотлар билан таъминлади.

Қўмитага статистик ахборотларни ўз вақтида объектив (тўғри) ва ишончли ишлаб чиқиши, уларни қўрсатилган идоралар ва кенг жамоатчиликка ягона илмий услубият асосида етказиб бериш вазифаси юкланган. Статистиканинг вилоят идоралари, корхоналар ва ташкилотлар билан бевосита ва доимий ахборотли мулоқатда бўлиб, уларга ҳисоб ва ҳисботни ташкил қилишни амалий ёрдам қўрсатади ва ўз минтақасида асосий ахборот манбаи бўлади.

Давлат статистика идоралари статистик ишларнинг ягона услубияти ва ягонарежаси бўйича ишлайдилар, улар тегишли юқори идоралар томонидан

тасдиқланади. Бу режага киритилган вазифалар иқтисодиёт соҳалариға мос келувчи статистика соҳалари бўйича тақсимланган.

Турли соҳаларда хал этиладиган статистик вазифалар нуқтаи назаридан тартибга солувчи ва сўров вазифалариға бўлинади. Тартибга солувчи вазифалар деганда статистик ҳисбот маълумотларини вазирликнинг тегишли даражасида ишлаб чиқиш вазифаси тушунилади. Ҳар бир тартибга солувчи вазифа, қоидага кўра, статистик ҳисботнинг баъзи бир аниқ шакли ёки бир неча шаклининг шаклланиши билан боғлик.

Бундай вазифаларни ечиш учун яқин вақтларга қадар *ахборотларни электрон усулда ишлаб чиқиши мажмуалари* (АЭИЧ) ёрдамида амалга ошириладиган ахборот технологияларидан кенг фойдаланилган. Улар қўмитанинг турли даражаларида тартибга солувчи вазифаларни ечишни таъминловчи амалий дастурлар пакетлари мажмуасидан иборат бўлади.

Статистика қўмитасида АЭИЧнинг икки тури фаолият юритмоқда, улар шартли равища тизимли ва маҳаллий АЭИЧ деб аталади. Тизимли АЭТЧдан даражалар ўртасидаги техник манбалар ва алоқа каналлари бўйича маълумотларни алмаштириш билан ушбу вазифани ечишда иштирок этувчи турли даражалардаги намунавий ахборот технологияларидан фойдаланилади. Маҳаллий АЭИЧлар статистик вазифани автоматлаштирилган ечимини таъминлайди, уларда корхона ва ташкилотларнинг бирламчи ҳисботлари дарҳол Статистика қўмитаси Бош ҳисоблаш марказига юборилади.

Хозирги вақтда АЭИЧлардан фойдаланиш асосан тизимли характерга эга, бу бир қатор сабаблар билан белгиланади:

Биринчидан, тартибга солувчи вазифаларни ечишда Статистика қўмитасининг турли даражадаги ҳисоблаш қурилмалари иштирок этади.

Иккинчидан, АЭИЧнинг фаолият юритиш технологияси статистик ҳисботлар қутида даражадаги корхоналар ва ташкилотлардан бирламчи ҳисботларни келиб тушишидан бошлаб, Статистика қўмитасининг юқори даражада йиғма ҳисботларни ишлаб чиқишига қадар бўлган барча босқичларни қамраб олади. Бунда ҳар бир кейинги технология олдинги даражадаги технологиянинг мантиқий давоми бўлади.

Почта ҳисботи учун тизимли АЭИЧдан фойдаланишнинг намунавий технологик тадбирлари мисолидиа тартибга солувчи статистик вазифаларни ечиш технологиясини намойиш қиласиз.

1-тадбир. АЭИЧни ишлашга тайёрлаш. Магнитли дискка дастурлар ва АЭИЧ ажборот фрндининг барча элементлари (категориялар, луғатлар, маълумртномалар ва бошқалар) билан кутубхона тўпламини киритиш юз беради. Зарур пайтда ахборот фондининг айрим элементларига тузатишлар киритиш амалга оширилади.

2-тадбир. Даствлабки ахборотни ишлаб чиқишига тайёрлаш. Бирламчи статистик ҳисботларни кўздан кечириш ва шаклларини тайёрлаш, бу ҳисботларнинг даствлабки маълумотларини магнитли манбаъларда кўчириш амалга оширилади.

3-тадбир. Даствлабки ахборотларни киритиш ва ёзиш. Машинага жойлаштирилган бирламчи статистик ҳисботларнинг маълумотлари ЭҲМга

киритилади, хатолар баённомасини топшириш ва киритилган ахборотларга тузатишлар киритиш билан назоратнинг барча турлари амалга оширилади. Кейин у каталог маълумотлари билан ягона массивга бирлаштирилади ва архивни ташкил қилиш учун нусхалар кўчирилади.

4-тадбир. Йиғма жадвалларни ишлаб чиқиши, назорат қилиши, тузатиш, киритиш ва босиб чиқариш. Магнитли дискда оралиқ якуний рақамли матрицаларни шакллантириш ва йиғма жадвалларни дастлабки босиб чиқарилиши юз беради, унда маълумотларнинг кутубхонали, матнли мажмуаларидан фойдаланилади. Жадваллар назорати ўтказилади, бирламчи маълумотларга тузатишлар киритилган ҳолларда айрим жадвалларни қайтадан ҳисоблаш, назорат қилиш ва «ишли» босиб чиқарилаши бажарилади. Кейин йиғма жадвал босиб чиқарилади.

5-тадбир. Материалларни юқори даражага узатиш учун тайёрлаш. Оралиқ якуний рақамли матрицалар кўринишидаги ёки 3 ва 4 –тадбирларни амалга ошириш жараёнида олинган йиғма жадваллар кўринишидаги юқори даражага узатиладиган тўпламларни магнитли манбаларга киритиш ҳамда узатилаётган ахборотлар ҳақидаги маълумотномаларни босиб чиқариш амалга оширилади. Кейин, чиқувчи тўпламларга эга магнитли манбалар, чиқувчи жадвалларнинг якуний босиб чиқарилиши ҳамда топширилаётган ахборотлар ҳақидаги назорат ва маълумотномавий маълумотлар юқори даражада почта орқали жўнатилади. Бир қатор АЭИЧлар учун, яна, ҳисбот берувчи обьектларни белгиланган доираси бўйича бирламчи хужжатлар шакллари ҳам жўнатилади.

6-тадбир. Паст даражада олинган йиғма маълумотлар массивларини бирлаштиришга тайёрлаш. Олинган магнитли манбаларнинг ҳар бири учун навбати билан келиб тушган ахборотлар ҳақидаги маълумотномали хабарлар берилади, жадвалларнинг балансли ва мантиқий боғланиш назорати ва зарур пайтда ҳар бир бирлаштирилган ҳудуд бўйича тузатишлар киритиш ва уларни қайта ёзиш амалга оширилади.

7-тадбир. Маълумотларни жамламаган ҳолда манбаларни бирлаштириш орқали жадвалларнинг дастлабки жамланиши. Бунда бир қатор АЭИЧлар учун каталогларни ишлаб чиқиши қисмлари (вазирликлар, муассасалар, саҳалар ва бошқалар) бўйича шакллантириш, ишлаб чиқишининг барча қисмлари бўйича йиғма жадвалларни ҳисоблаш ва босиб чиқариш, бу жадвалларнинг балансли ва мантиқий боғланишини назорат қилиш юз беради. Зарур пайтда уларга тузатишлар киритиш ва қайта босиши, умуман ҳудудлар бўйича йиғма жадвалларни шакллантириш ва босиши, машина манбаларидаги йиғма ахборотлар тузилиши ҳақида ахборот берувчи маълумотларни бериш бажарилади.

8-тадбир. Йиғма жадваллар, марказлаштирилмаган ҳисботларни ишлаб чиқиши. Бу тадбир республика даражасидаги кўпгина АЭИЧларда бажарилади ва ҳисботлари статистика идораларида марказлаштирилмаган бир қатор вазирликлардан йиғма жадваллар қабул қилишни кўзда тутади. Бу ҳолда қўйидагилар амалга оширилади: вазирликлар бўйича йиғма якунларни қабул қилиш, уларни ЭХМга киритишга тайёрлаш, назорат қилиш ва тузатиш киритиш билан ёзиш ҳамда йиғма жадвалларини машинада босиб чиқариш.

Марказлаштирилмаган вазирликлар бўйича тадбирлар натижасида олинган ахборотлар машина манбаларига киритилади, улардан юқорида баён қилинган 7-тадбирни бажаришда пастки даражада олинган манбалар билан бир қаторда фойдаланилади.

9-тадбир. Маҳаллий раҳбарлик идоралари учун жадвалларни олиш. Операция вилоят, туман ёки бирлашма даражасида бажарилади. Бирлашма даражаси ахборотларни тизимли ишлаб чиқиш талабларини қондирувчи ҳисоблаш техникасининг зарур воситалари бўлмаган бир қатор статистик ҳудудий идоралар учун ташкил қилиниши мумкин. Бу даражада маҳаллий раҳбар идоралар учун маҳсус жадвалларнинг маълумоларига эга оралиқ рақамли матрицалари шакллантирилади ва жадвалларни босиб чиқариш амалга оширилади. Кўпгина АЭИЧларда йиғма жадвалларни олиш ва бу жадвалларни босиб чиқариш мақсадида 3-тадбирни амалга ошириш жараёнида дастлабки маълумотлар массиви кўринишида тайёрланган бирламчи ҳисботларни қўшимча ишлаб чиқариш ўтказилади.

АДП йиғма гурухлаштирувчи характерга эга бўлган тартибга соловчи вазифаларни ечиш учун мўлжалланган дастурий воситалар мажмуасидан иборат бўлади. Пакет аниқ акс эттирилган моделли тизилмага ва ўзаро бошқарилувчи дастурлар ёрдамида алоқа қилишнинг стандарт воситаларига эга ҳамда автоном бажариладиган дастурлар мажмуасидан фарқланади:

иқтисодчиларга йиғма дастурлар олишнинг имкони борича ягона чизмасини беради;

дастурловчиларни янгидан лойиҳалаштирилаётган АЭИЧ ҳар бири учун ноёб дастурий воситаларни яратиш заруриятидан ҳосил қиласиди;

дастурий воситаларни ўзгартирмасдан вазифаларни ечишини ўзгартиришга йўл қўяди;

АЭИЧ ишлаб чиқиш муддатларини қисқартиради;

АЭИЧ лойиҳалаштиришни кўп турларга ажратади.

АЭИЧни автоматлаштириш учун турли хил пакетларни ишлаб чиқиш асосига куйидагилар киритилган:

- турли тартибга соловчи вазифалар учун маълумотларни ишлаб чиқишининг таъминловчи дастурий модулларнинг ягона мажмуасидан фойдаланишга асосланган ташкилий услубиёт бирлиги;
- ахборотларни ишлаб чиқиша иқтисодчилар, операторлар меҳнатининг энг кам сарфланиши ва ЭҲМ ресурсларидан оқилона фойдаланишга эга иқтисодий технология;
- вазифалар параметларига қайта дастурламасдан айрим ўзгартиришларни киритиш имкониятини асослаб берувчи статистик вазифалар қўйилишидаги ўзгаришлар ва қўшимчаларга нисбатан дастурий таъминланишнинг мослиги ва кўп вариантилиги;
- барча тартибга соловчи вазифалар учун маълумотлар ишлаб чиқиш жараёнини қуришнинг ягона услубиётини асослаб берувчи турларга ажратиш ва бир шаклга келтириш;

- ахборотлардан қўп марта ва қўп вазифали фрайдаланиш мақсадида уларни ҳисоблаш тизимиға бир марта киритишни асослаб берувчи маълумотларни ишлаб чиқиши.

АДПда тартибга солувчи вазифалар, модулларни ечишни тўлиқ амалга оширувчи қўйидаги намунавий дастурлар ишлаб чиқилган:

- бирламчи ҳисоботларни киритиш, назорат қилиш ва ёзиш;
- бирламчи ҳисоботларга тузатишлир киритиш;
- маълумотларни шакллантириш;
- йиғма ҳисоботларни босиб чиқариш.

АДП асосида юзга яқин тартибга солувчи статистик вазифаларни автоматлаштирилган ҳолда ечиш учун тизимли ва маҳаллий АЭИЧнинг ишчи лойиҳалари ишлаб чиқилган ва тадбиқ этилган. Ушбу пакетлар туфайли меҳнат харажатлари 2-3 мартаға қисқаради ва яқин АЭИЧларни лойиҳалаштириш учун қийматли харажатлар анча камаяди ҳамда статистик ахборотлар ишлаб чиқишининг намунавий ахборот технологияларини ишлаб чиқиши ҳисобига улардан фойдаланиш ҳам соддлаштирилади.

Ахборот хизматини кўрсатиш вазифаларини ечишни ташкил қилиш. Ахборот хизмати кўрсатиш вазифаларини ечиш учун ахборот технологияларининг икки тури: кўрсаткичлар бўйича маълумотлар банки ва тайёр ҳужжатлар банкидан фойдаланилади.

Кўрсаткичлар бўйича маълумотлар банки (КМБ) дастурий, технологик, ташкилий воситалар йиғиндиси кўринишида амалга оширилган ва статистиканинг турли соҳалари бўйича маълумотлар базалари, уларнинг мажмуаларини яратиш учун фойдаланилади. КМБ маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва масофадан кириш усулида маълумотларни ишлаб чиқиши ва тақдим этишнинг ривожланган воситаларига эга.

Тайёр ҳужжатлар банки (ТХБ) баъзи ахборотлар ва жадвалли статистик материалларга эга маълумотларнинг ҳужжатли – график базаларини яратиш учун қўлланилади. ТХБ турли обьектлар учун маълумотлар базаларига киришни таъминловчи телекоммуникацион воситаларининг кенг сервисли салоҳиятидан иборат бўлади.

КМБ ва ТХБ дастурий мажмуалари Lotus 1-2-3 ва Excel билан пакетли интерфейсга эга, бунинг натижасида уларнинг ўзаро бирга бўлишилиги таъминланади.

Ахборот технологиялари маълумотларидан фойдаланиш хусусиятларини кўриб чиқамиш.

Курсаткичлар бўйича маълумотлар банки. КМБда ахборотларни сақлаш бирлиги қўйидаги уч таркибий қисмлар билан белгиланадиган миқдордан иборат бўлади:

- © кўрсаткич ва унинг аломати билан;
- © кузатиш обьекти билан;
- © тадқиқ қилинаётган обьект бўйича ҳисоботнинг даврийлиги билан.

КМБ ёрдамида ишлаб чиқилган статистик маълумотлар базалари статисканинг соҳавий бошқармалари мутахассисларидан иборат, улар учун

ахборот усулида (иқтисодчининг АИЖда) ишлаши бўйича хизмат имкониятларининг кенг мажмуасини беради. КМБ ёрдамида ҳужжат ва бошқарув республика идоралари ҳамда бошқа ташқи фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш таъминланади: диалог усулида сўровлар бажарилади ва маълумотлар тўпламлари шакллантирилади, бунинг учун экспорт вазифалари ва энг кўп тарқатилган АДПнинг форматларидан фойдаланади.

КМБ дастурий мажмуаси ёрдамида республика даражасида қуйидаги маълумотлар базалари яратилади:

- статистик маълумотларнинг кўп соҳали тезкор базаси, улар ўз ичига юзлаб кўрсаткичларни, маълумотлар базаларининг ўнлаб бўлимларини олади. Маълумотлар базасига кейинги икки жорий йил ва ўтган йиллар статистик ҳисоботларининг кўрсаткичлари киритилган, ўтган йиллар учун маълумотлар архивга жойлаштирилади;

- тўпламларни чиқариш ва таҳлилий маълумотларни тайёрлаш бўйича тартибга солувчи ишларни тайёрлаш учун фойдаланиладиган соҳавий МБ (саноат, молия, савдо, ташқи иқтисодий алоқалар);

- муаммоли-мулжалланган МБ (умуман Ўзбекистон ва вилоятлар бўйича иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни таърифловчи ойлар бўйича индикаторлар).

Республика даражасида КМБ мухитида маълумотлар базасининг шаклланиши, фаоллашуви ва фаолият юритиши маълум технология бўйича амалга ошади.

КМБ мухитида маълумотлар базасидан фойдаланиш саноат ва молия бўйича статистик тўплам тайёрлаш ва раҳбар идораларга ахборотлар бериш муддатларини қисқартиришга имкон беради.

КМБ дастурий мажмуаси фойдаланувчиларни қуйидаги вазифавий имкониятлар билан таъминлайди:

- тартибга солувчи сўровларни бажариш;

- жадвалларнинг чиқувчи шакллари макетларини баён қилиш ва тартибга солинмайдиган сўровлар бўйича маълумотларни олиш;

- олинган жадвалларнинг катакларни танлаш ва жойларини ўзгартириш оркали замонавийлаштириш, берилган формулалардан фойдаланиш билан янги ҳисобланган катакларни шакллантириш;

- ҳисоблаш кўрсаткичларини шакллантириш ва олиш;

- маълумотларни агрегациялаш;

- маълумотларни Lotus 1-2-3, Excel ва бошқа электрон жадваллар форматларида экспорт қилиш.

Маълумотлар базалари маъмур томонидан маълумотларга мурожат қилишга тегишли пароллар ва ҳукуклар ўрнатилиши туфайли рухсатсиз киришдан ҳимояланган.

КМБни ишлаб чикиш асосида «мижоз-сервер» технологияси тамойиллари яратилган, бу маълумотлар базаларининг катта хажмлари билан ишлаш ва маълумотларга тезкор мурожат қилишда ЛХТ шароитларида ахборот ишлаб чикишнинг юкори унумдорлигини таъминлайди.

Тайёр хужжатлар банки (ТҲБ). У кўп босқичли тақсимланган тизимини яратиш учун мўлжалланган, у Статистика қўмитаси ва унинг ҳудудий идоралари томонидан ҳукуматнинг республика, вилоят идоралари давлат статистика бошқармалари ҳамда статистик ахборотлардан фойдаланувчилар кенг доираларини замонавий технологиялар асосида статистик материаллар билан тезкор таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилади[34,35].

ТҲБда тақдим этилган ахборотлар тўлиқ матнли, жадвалли, Windows операцион тизимига ўтиш билан хужжат кўринишида тақдим этиш график шаклга эга. ТҲБнинг рубрикатори статистик, иқтисодий-таҳлилий, услугбий, меъёрий ва бошқа тайёр хужжатларни ўз ичига олади.

ТҲБ телекоммуникацион воситаларнинг кенг сервисли салоҳиятга эга, бу ТҲБни алоқа каналлари бўйича бошқаришни ва унинг маълумотлар базалари фаоллашувини таъминлайди. Фойдаланувчига республика ва минтақавий босқичида фойдаланувчи маълумотлар базаларига масофадан турган ҳолда киришни тақдим этади.

ТҲБ ШКда маълумотлар базаларини яратиш ва олиб боришнинг тежкамкор технологиясини ва ахборот-телекоммуникацион узелдан фойдаланишни таъминлайди, фойдаланувчилар билан телефон каналлари ва маҳаллий тармоқда, ҳамда «on-line» усулида ишлашга имкон беради. ТҲБ билан ишлашда ахборотларни қидириш кўп босқичли рубрикатор бўйича табиий тилда амалга оширилади; фойдаланувчи сўровига жавоб бериш био секунддан ошмайди; бундан ташқари сақланаётган ахборотларни қискартирилишнинг юқори даражасига эришилади.

Иқтисодий таҳлил вазифаларини ечишни ташкил қилиш. Иқтисодий таҳлилнинг вазифалари бу таҳлилий маълумотларни ахборот технологиялари ва статистик усулларга асосланган ҳолда йўлга қўйишидир. Улар ёрдамида мамлакат ва унинг айrim минтақалари иқтисодиёти турли соҳаларининг ривожланиши доимий ва ҳар томонлама ўрганилади.

Таҳлилий мажмуаларда қўлланиладиган АДП таркибига «Олимп», «Мезозавр» ва бошқалар каби кенг фойдаланиладиган дастурий маҳсулотлар киради.

«Олимп» амалий дастурий пакети. «Олимп» пакети маълумотларни статистик усуллар асосида қайта ишлашни автоматлаштиришга мўлжалланган. «Олимп» стандарт конфигурацияли IBM PC туридаги ШКда ва MS DOS операцион тизими бошқаруви остида ишлайди. Пакетдан ҳам янги, ҳам статистик соҳадаги эксперталар фойдаланиши мумкин. Ҳозирги пайтда “Олимп” статистик таҳлил ва маълумотлар асосида башоратлаш учун мўлжалланган энг яхши АДПлардан биридир.

АДП таркиби асосий дастурлардан ташқари қўйидагилар киради:

- NCALC электрон жадвали;
- АИТ (амалий ижтимоий тадқиқотлар) амалий статистик тадқиқотлар сўровларини тайёрлаш ва киритиш дастури.

Вазифавий нуқтаи-назардан АДПга қуйидагилар киради: маълумотлар мухаррири, маълумотларни график кўринишида акс эттириш воситалари ва

ўзгаришиш утилитлари ҳамда статистик таҳлил усулларини амалга ошириш дастурлари.

Маълумотлар муҳаррири дастлабки маълумотларни киритиш, кўриб чиқиш ва тахрир қилишни таъминлайди.

Маълумотларни график кўринишида акс эттириш воситалари экранга турли графикларни чиқариш ҳамда уларни бундан кейин фойдаланиш учун магнит дискда сақлашга имкон беради.

Маълумотларни ўзгаришиш утилиталари маълумотларнинг математик ўзгаришларини, навларга ажратишнинг ҳар хил турларини, маълумотларни агрегациялашни бажаради.

«Олимп» АДП дастурлари билан статистик таҳлилининг қуидаги усуллари амалга оширилади: корреляцион, регрессион, дисперсион, дискриминантли, омилли ва компонентли қаторлар боғлиқлиги жадвалларининг таҳлили ва бошқа усуллар. Динамик маълумотларни таҳлил қилиш ва башоратлаш учун қуидагилардан фойдаланилади:

- динамик регрессиянинг моделлари;
- чизиқли регрессия асосида башоратлаш моделлари;
- гармоник, спектрли таҳлил ва частотали фильтрлаш моделлари.

Корреляцион таҳлил ёрдамида жуфт корреляцияларнинг матрицаси, хусусий корреляциялар матрицаси ҳамда кўпликдаги корреляция коэффициентлари ҳисобланади.

Регрессион таҳлил асосида боғлиқликлар: тўғри чизиқли, ижобий, салбий, тўғри чизиқли бўлмаган шаклларини белгилаш вазифаси ечилади.

Компонентли ва омилли таҳлиллар – иккита бир-биридан тубдан фарқланувчи статистик усуллардир. Дастурда улар ягона блокка бирлаштирилган, чунки бундай бирлаштириш ҳисоблаш нуқтаи назаридан ўзини оқлайди. Компонентли таҳлил тасодифий ўзгаришлар орасидаги таркибий боғлиқликни аниқлаш учун хизмат қиласи. Унинг ёрдамида дастлабки маълумотларда бўлган деярли барча ахборотларга эга ҳодисанинг қисқа баёни олинади. Омилли таҳлил дастлабки ўзгарувчиларни компонентли таҳлилга нисбатан ўзгаришининг умумийроқ усулидан иборат бўлади ва унинг вазифасига умумий омллар сонини аниқлаш, умумий ва маҳсус омиллар баҳоларини аниқлаш киради.

Вақтли қаторлар таҳлили статистик таърифларни ҳисоблаш, 16 вазифа бўйича ўсишларининг таҳлили ва баъзи мослаштирилган параметрик моделларни ўз ичига олади.

Динамик қатор автокорреляцияси таҳлили автокорреляция графика ёрдамида бажарилади. Ўсиш эгри чизиқларини ҳисоблаш жуфт регрессияни қуриш сифатида кўриб чиқилади, унда вақт асосий ўзгарувчи бўлади.

Чукурлаштирилган таҳлил башоратлашнинг мослаштирилган ва мавсумий усулларини қўллашни кўзда тутади. Частотали таҳлил вазифаларини ечиш учун частотали фильтрлаш, гармоник таҳлил ва спектрли таҳлил усулларидан фойдаланилади.

АИТ дастурий воситаси сўровлар тизимини шакллантириш ва ушбу сўровномалар бўйича маълумотларни киритишга мўлжалланган. АИТда ноёб

фойдаланиш интерфейси амалга оширилган, у АИТ билан ишлашнинг тез ва осон ўзлаштириш имкониятини беради.

«Мезозавр» амалий дастурий пакети. Пакет интерактив режимдаги IBM PC ХТ/АТ шахсий компьютерида ишлайди, унинг асосий белгиланиши – вақтли қаторларнинг таҳлилини ўтказишидир. Тадқиқотчи хоҳишига кўра мавжуд рақамли ахборотларни ишлаб чиқишининг турли усулларини қўллаб ва бунда олинадиган натижалар, уларнинг ўхшашлигини таҳлил қилиш билан “синаб кўриш” зарур бўлган вазиятга эътибор берилади. Пакет туфайли бундай тадқиқотлар ғоятда тезкор ва самарали ўтади.

“Вақтли қатор” деганда вақт давомида қадамба-қадам қилинган баъзи бир рақамли таърифлар орасида кузатишнинг изчиллиги тушинилади. Иқтисодиётда макроиктисодиёт даражасидаги бундай маълумотларга ҳар йиллик, ҳар чораклик, ҳар ойлик ишлаб чиқариш, етказиб беришлар, ташишлар, истеъмол ҳажмлари, нархларнинг индекслари ва бошқа макроиктисодий қўрсаткичлар, корхона даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари, харажатлар, ресурслар сарфланиши, сифат таърифларининг эволюцияси ва бошқалар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

АДП вақтли қаторлар таҳлили бўйича қўйидаги асосий тадбирларни: силлиқлаш, фильтрлаш, ҳамда ҳар хил регрессион боғлиқликларни амалга оширади. Барча тадбирлар турли шаклларни ўрнатиш, графикнинг исталган парчасини ошириш имконияти каби интерактив имкониятларнинг катта сонига эга қудратли график қўллаб-қувватлаш билан таъминланади.

Хулоса қилиб айтганда, статистика соҳасидаги замонавий ААТ ва ААТехни кенг тадбиқ этиш барча ҳисоб-китоб ишларини осонлаштиради, меҳнатталабликни камайтиради ва меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади.

14.2. Бухгалтерия ҳисобида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари

Иқтисодиётни бошқаришдаги ўзгаришлар, бозор муносабатларига ўтиш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва олиб боришга катта таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай иқтисодий обьект бошқариш фаолиятини асосини мураккаб қурилишга эга бўлган ахборот тизимлари ташкил қиласди, уларнинг таркиби, фаолият тури корхона, иқтисодий обьект, фирманинг қўламига боғлиқ[29].

Бошқарув жараёнида бухгалтерия ҳисоби катта рол ўйнайди, бу ерда барча ахборотларнинг 60% га яқини жамланган. Бухгалтерия ҳисобининг ахборотли тизимлари анъанавий равишда вазифаларнинг қўйидаги мажмуаларини ўз ичига олади: асосий воситалар ҳисоби, моддий бойликлар ҳисоби, меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби, тайёр маҳсулотлар ҳисоби, молиявий ҳисоблаш операцияларининг ҳисоби, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисоби, йиғма ҳисоб ва ҳисботларни тузиш.

ШК лар базасида автоматлаштирилган иш жойларининг ташкил қилинган, корхоналарда маҳаллий ҳисоблаш тармоқларини яратиш, ахборот базасини ташкил қилиш ва иқтисодий вазифалар мажмуасини шакллантиришда янги

талабларни илгари сурди. Маълумотларни тақсимлаш базалари тизимини яратиш, турли фойдаланувчилар ўртасида ахборотларни алмаштириш, компьютерда бошланғич ҳужжатларни автоматик шакллантиришнинг имкониятлари пайдо бўлди ва бошқарув масалаларининг вазифалараро мажмуалари вужудга келди.

Вазифалараро мажмуасини ташкил қилиш «материаллар» дастури ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Моддий бойликларнинг мавжудлиги ва харажатни ҳисобга олиш жараёнида учта бўлим:

- омборлар;
 - ҳисобхона;
 - моддий-техника таъминоти бўлими мутахассислари фаолият юритади.
- Дастурий мажмуа ўз ичига уч қисм:
- омборчи модули;
 - ҳисобхона модули;
 - моддий техника таъминоти бўлими модулини олади.

Бухгалтерия ҳисоби мажмуалари мураккаб ички ва ташқи алоқаларга эга. Ички алоқалар бухгалтерия ҳисобининг айрим вазифалари, мажмуалари ва участкаларининг ахборотли ўзаро ҳамкорликларини; Ташқи алоқалар – бошқарувнинг ўзга вазифаларини амалга оширувчи бошқа бўлимлари ҳамда ташқи иқтисодий обьектлар билан ўзаро ҳамкорлигини акс эттиради.

Ҳисоб вазифалари мажмуасининг ахборотли алоқаси машина дастурининг асосида киритилган ишлаб чиқишининг уч палласини фарқлашга имкон беради.

Биринчи паллада – бирламчи ҳисоб, бирламчи ҳужжатларни тузиш, уларни ишлаб чиқиш ва ҳисобнинг ҳар бир участкаси бўйича таҳлилий ҳисобнинг қайдномалари тузилиши бажарилади.

Ишлаб чиқишининг иккинчи палласи проводкаларини тузиш, уларни таҳлилий ва синтетик ҳисобнинг турли регистрлари, счетларнинг тартиб рақамлари бўйича қайд дафтари орденларига жойлаштиришдан иборат бўлади.

Ишлаб чиқаришнинг учинчи палласи йиғма синтетик ҳисобини: асосий китобнинг счётлари бўйича ҳисбот, сальдо қайдномалари ва молиявий ҳисботнинг шаклларини тузишдан иборат бўлади.

Намунавий бухгалтерия ҳужжатлари соҳалараро ва соҳавийга бўлинади. Соҳалараро ҳужжатлар барча корхона иқтисодий обьектларда қўллаш учун ягона бўлади. Соҳавий шакллар тавсияномавий ҳарактерга эга.

Барча бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ГОСТ, ҳужжатларнинг бир шаклга келтирилган тизимлари талабларини ҳисобга олиш билан ишлаб чиқилади.

Бухгалтерия ҳисобининг ҳужжатлари турли белгилари бўйича таснифланади:

- белгиланиши бўйича – фармойиш берадиган, ижроия (оқлайдиган), ҳисобли расмийлаштирувчи, мураккаб;
- хўжалик операциялари мазмуни бўйича моддий, пулли ҳисоблаш;
- акс эттирган операцияларнинг ҳажми бўйича ягона (бирламчи) ёки йиғма;
- фойдаланиш усули бўйича: бир мартали ва жамловчи;

- ҳисобга оладиган ўринларининг сони бўйича: бир қаторли ва кўп қаторли;
- тузилиш жойи бўйича: ички ва ташқи;
- тўлдириш усули бўйича: қўлди, ҳисобни автоматлаштириш воситалари ёрдамида.

Бухгалтерия ҳисобининг дастурий таъминланишига тўлиқ асосда бир қатор ахборотли маълумотли дастурлар: «Маслаҳатчи ҳисобчи», «Маслаҳатчи-плюс», «Кафолат», «Ўзбекистон соликлари», «Юридик маълумотнома»ни киритиш мумкин. Ахборотларни тўлдириш ҳукуқий ахборотларни тарқатишнинг умумдавлат тармоғи бўйича бажарилади.

Бухгалтерия вазифаларини ечишни ААТ лар асосида ташкил қилиш: бирламчи бухгалтерия хужжатларини тузиш пайтидан бошлаб якуний молиявий ҳисботни тузиш билан якунланувчи операцияларнинг йиғиндисидир.

Ҳозирги босқичда бухгалтерия вазифаларини ахборот технологияси асосида марказлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиши асосий рол ўйнайди:

- фойдаланувчининг иш жойида ўрнатилган компьютерларни қўллаш, бу ерда вазифаларни ечиш ҳисобчи томонидан бевосита унинг иш жойида бажарилади;

- корхонанинг турли хилдаги бўлинмалари иқтисодий вазифаларини интеграцияланган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминловчи маҳаллий ва кўп босқичли ҳисоблаш тармоқларини шакллантириш;

- ҳисоблаш техникасида бажариладиган бухгалтерия ҳисоблар таркибини анча кўпайтириш;

- ҳар хил ҳисоблаш бўлинмалари учун корхонанинг ягона тақсимланган маълумотлар базасини яратиш;

- бирламчи бухгалтерия хужжатларини машинада шакллантириш имкониятлари, бу қоғозсиз технологияларга ўтишни таъминлайди ва хужжатларни йиғиш ва рўйхатга олиш бўйича операциялар меҳнат талаблиги даражасини камайтиради;

- бухгалтерия вазифалари мажмуаларини ечишни интеграциялаш;

- диалогли усулда амалга ошириш йўли билан ахборот хизмат кўрсатишни ташкил қилиш имконияти.

Технологик жараённинг барча операциялари ШК да битта иш жойида ва унинг тузилишига кўра изчиллик билан бажарилади.

ШК да бажариладиган технологик жараёнида куйидаги учта жараёни:

- тайёрлов;
- бошланғич;
- асосийни ажратиш мумкин.

Тайёрлов босқичи дастур ва маълумотлар базасини ишга тайёрлаш билан боғлиқ. Ҳисобчи машинага корхонанинг маълумотномавий маълумотларни киритади, бухгалтерия счётларининг режаси ва намунавий бухгалтерия ёзувларининг тартибига тузатишлар киритади.

Бошланғич босқичи бирламчи хужжатларни йиғиш ва рўйхатга олиш билан боғлиқ. Аввал таъкидлаганидек хужжатларни қўлда ёки

автоматлаштирилган усулда шакллантириш мумкин. Ҳужжатларни киритиш дастури қуйидаги вазифаларни бажаришни кўзда тутади:

- киритилган ҳужжатларга номер бериш, кўчирманинг санаш ва бошқа аломатлари билан регистрини тузиш;
- киритилган ҳужжатларга маълумотномавий ва шартли доимий аломатларни автоматик киритиш;
- хўжалик операцияларининг қайд этиш дафтарида бухгалтерия ёзувларини автоматик бажариш;
- нотўғри ҳужжатларни чиқариб ташлаш;
- нотўғри ҳужжатларни назорат қилиш ва тузатиш киритиш;
- бирламчи ҳужжатларни босиб чиқариш.

Асосий босқич ишнинг тугалловчи босқичи бўлади ва ҳар хил ҳисобот шаклларини олиш билан боғлиқ. Уни бажариш учун «моддий бойликларнинг қайдномаси», «Айланиш қайдномаси» ва «Ҳисоботлар» менюси модулидан фойдаланилади.

Кўпгина фирмалар дастурларни икки вариантда: маҳаллий ва тармоқли ишлаб чиқарадилар. Таъкидлаш керакки, тармоқли варианtlар анча мураккаб ва қиммат.

Бухгалтерия вазифалари анаъанавий мажмуасининг таркиби янги бошқарув, савдо ва таҳлилий модулларини яратилиши ҳисобига кенгайтирилиши мумкин. Бунда асосий тамойилларга риоя қилиш зарур – АДП лар ўзаро ахборотли боғланган бўлишлари керак. Бу фақат АДПларнинг бутун мажмуасини битта фирмадан ҳарид қилингандагина мумкин.

Кичик корхоналарда БХ АТ яратишда ШК дан кенг фойдаланиш ҳисобчининг иш жойида ахборотларни ишлаб чиқиш, сақлаш ва узатиш бўйича барча тадбирларни автоматлаштиришга имкон беради. Бундай БХ АТ ларни яратишда бир нечта ёндошишлар мавжуд.

Биринчи ёндошишда фақат молиявий ҳисобни автоматлаштирувчи тизим яратилади. Бундай БХ АТ – миниҳисобхоналар синфига киради. Қоида бўйича, бу тизимда бухгалтерия ҳисоби битта одам – ҳисобчи томонидан олиб борилади.

Иккинчи ёндашишда – молиявий ҳисобдан ташқари қисман бошқарув тизими ҳам ҳар томонлама автоматлаштирилади. Бу ҳолда бухгалтерия ҳисобини иккита одам: ҳисобчи ва унинг ёрдамчиси ёки киришни чеклаш йўли билан битта иш жойи ўрнида ёки иккита иш жойларида олиб борилади.

Молиявий ва бошқарув ҳисобини замонавий компьютер технологиялари асосида автоматлаштириш учинчи ёндошишда эришилади. Бундай тизимда ишлаб чиқилаётган ахборотларнинг катта ҳажмларида кўп фойдаланувчанлик усулидан фойдаланилади. Унда бир нечта ШКлар маҳаллий тармоққа бирлаштирилади.

Кичик ва ўрта корхоналардаги молиявий ва бошқарув ҳисобини қараб оловчи бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш учун дастурий мажмуа иккита модулдан ташкил топади.

Бошқарув ҳисобининг модули. Товар-моддий бойликлари ва арzon ҳамда тез эскирувчан молларнинг ҳисоби, тайёр маҳсулотларнинг ҳисоби, иш ҳақи

бўйича ҳисоб –китоблар бўлимлари учун сўмдаги ва миқдорий акс эттирилгандаги ҳисобни олиб боришга имкон беради.

Молиявий ҳисобнинг модули бухгалтерия ҳисобининг барча счёлари бўйича ҳисоб олиб боришга имкон беради. Тахлилий регистрлар ва якуний ҳисоб регистрлари унинг асосий ҳисоб регистрларидан бўлади.

Модуллар ўртасидаги алоқани хўжалик операцияларининг қайд дафтари орқали амалга оширилади.

Белгиланиши бўйича маълумотномалар бешта гурухга бўлинадилар:

- умумий белгиланиш маълумотномалари;
- материаллар – товар бойликларининг қайд дафтари билан боғлиқ маълумотномалар (материаллар, ўлчов бирликлари, ҳаракат операциялари);
- бухгалтерия ёзувлари билан боғлиқ маълумотномалар (счёлар режаси, проводкалар);
- тахлилий ҳисоб билан боғлиқ маълумотномалар (корхона объектлари, бўлинмалар);
- валюта курслари бўйича маълумотномалар.

Тузилиши бўйича маълумотномалар оддий ва мураккабларга бўлинади.

Оддий маълумотномалар андозавий тузилишга эга: код, ном, қўшимча маълумотлар счёт бўйича хизматлар.

Мураккаб маълумотномалар ўз ичида маълумотларнинг киритилганлигининг иккита ва ундан ортиқ босқичларини олади. У ёзувларнинг катта миқдорини экранда жойлаштириб бўлмайдиган катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлаш учун мўлжалланган. Дастлабки ахборот базага бирламчи хужжатлардан киритилади.

Автоматлаштириш учун ҳисоб бўйича қўйидаги андозавий бирламчи хужжатлардан фойдаланилади.

- моддий бойликларнинг ҳаракати, қабул қилиш далолатномаси, юк хати, рўйхатдан чиқариш далолатномаси ... ;
- молиявий – ҳисоблаш операциялари тўлов топшириқномаси, кириш, чиқиш касса ордери ва бошқалар;
- асосий воситалар;
- меҳнат ва иш ҳақи (табел, норяд);
- тайёр маҳсулотлар – далолатномаси.

Бирламчи хужжатларнинг ахборотлари асосида тезкор ахборотларнинг файллари шакллантирилади, уларга тегишли маълумотномаларни ахборотлари автоматлаштирилган усулда киритилади.

Аудит фаолиятини компьютерлаштириш асослари. Аудит деганда корхона ва иқтисодий объектлар молиявий хўжалик фаолиятини текшириб бериш, уларнинг ишини иқтисодий экспертизасини ўтказиш тушунилади. Аудиторлик фаолиятининг асосий шарти – тўла мустақилликка эга бўлиш, хеч кимга қарам бўлмаслик, ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки ҳалқаро миқёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш қоидаларига биноан олиб боришдир. Аудит фаолиятининг икки тури мавжуд: ички ва ташқи аудит. Ташқи аудит холис фирма томонидан аввалдан тузилган контракт асосида бажарилади.

Ички аудит эса шу корхонада ишловчи холис мутаҳассислар томонидан корхона раҳбарларининг буюртмасига биноан амалга оширилади.

Ташқи аудит қўйидаги функцияларга эга:

- текширув-тафтиш;
- баҳоловчи – маслаҳатлашув.

Текширув – тафтиш функциясига аудит бўлими, ҳисобчи ходимлар, ҳисбот тизими ва ҳисоб – китоб ҳужжатлари киради.

Баҳоловчи – маслаҳатлашув функциясига эса, раҳбарият фаолияти ва маслаҳатлар киради.

Ички аудит функциялари қўйидагилар:

текширув – тафтиш
маслаҳатлашув – башоратлаш

Ички аудитнинг текширув – тафтиш функциясига ҳисбот тизими ва ҳисоб – китоб ҳужжатлари киради.

Ташқи аудит деганда ҳисботларнинг ишончлилиги, тўлалиги ва мавжуд қонун асосида аниқлаш мақсадида хўжалик субъектининг холисона экспертиза ўтказиш ва чоп қилинадиган молиявий ҳисоб – китобларни таҳлил қилиш, шунингдек, ҳисоб – китоб, солиқ, молия, ташкилий ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлашиш тушинилади[18,29].

Ташқи аудит бўйича шартнома қўйидаги буюртмачилар билан тузилиши мумкин:

- корхона эгалари билан;
- корхона раҳбарлари билан;
- давлат солиқ хизматчилари ва мудофаа иқтисодий объектлари билан;
- тижорат банклари билан.

Компьютер тизимларида амалга ошириш учун ташқи аудитнинг қўйидаги асосий вазифаларини ажратиш мумкин:

- таҳрирланётган муддат мобайнида раҳбариytнинг ва мохир мутаҳассислигини баҳолаш;
- корхонада қўлланилаётган ҳисбот тизими ва қисман ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини баҳолаш;
- ҳисоб – китоб ҳужжатларида молиявий – хўжалик операцияларини тасдиқлашда ҳисбот ходимларининг фаолиятини тўғри баҳолаш;
- корхона молиявий – хўжалик холатини яхшилаш ва воқеаларнинг кейинги башоратланиши бўйича маслаҳатларнинг зарурлиги.

Ички аудит ташқи аудитдан фарқли равишда корхонанинг мутаҳассислик ёки бошқарув бўлими ходимлари томонидан амалга оширилади. У корхонани молиявий холатини, сарф – ҳаражат манбаларини, бошқарув тизими назоратини, резервларни аниқлаш ва раҳбариytнинг корхона иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар билан таъминлашни ички хўжалик назоратига мўлжалланган.

Ички аудитнинг вазифасини аниқлаш корхона фаолиятининг мазмуни, мижозлар, ходимлар, инвесторларга бўлган мажбуриятларига боғлиқ.

Ички аудитнинг вазифаларини бошқариш усуллари – бу режалаштириш, ҳисоб – китоб, назорат ва тахлилдир, чунки улар ёрдамида харажатлар ва уларни қоплаш суммаси ҳисобланади.

Аудитнинг умумқабул қилинган погоналари қуйидагилар:

- режалаштириш;
- ҳисоб тизимлари ва ички назорат тизимларини баҳолаш;
- молиявий ҳисботларни текшириш;
- аудиторлик гувохнома (хулоса)сини олиш.

Бу погоналарнинг ҳар бирига мос келувчи стандартлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар уч гурухга бўлинади:

1. Умумий стандартлар.
2. Аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича стандартлар.
3. Ҳисботлар тузиш бўйича стандартлар.

Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш тизими қуйидаги компонентлардан тузилиши лозим:

1. Аудит жараёнини гавдалантириш учун иқтисодий – математик, иқтисодий – ташкилий ва ахборотлаштирилган моделлар;
2. Моделларни амалга оширишни таъминлаш учун техник, дастурний, ахборотлаштирилган ва бошқа воситалар.

Шу тасаввурлардан келиб чиқсан ҳолда компьютер тизими функционал ва таъминловчи қисмлардан ташкил топишини айтиш мумкин. Функционал қисм услугиятлар, аудитни бажариш усул ва холлари мажмуудан ташкил топади ҳамда улар ахборотлашган ва математик моделлар, стандартлар, нормалар ва ҳ.к.ларда таъминланади. Таъминловчи қисм эса аудит функцияларини амалга ошириш учун мўлжалланган бўлиб, у ахборотлашган, дастурний, техник ва бошқа таъминотлардан ташкил топиши керак.

Аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш тизимини қуришнинг ташкилий формалари эришиладиган мақсадларга боғлиқ, чунки аудиторлик масалаларининг класификациясидан кўринадики, барча тизимлар икки синфга бўлиниши мумкин:

- ташкил аудит аудиторлик фаолиятини компьютерлаштириш учун тизимлар;
- ички аудитни компьютерлаштириш тизими.

Ахборотлашган базани ташкил қилиш усулларига боғлиқ ҳолда бу синфларни компьютерлаштириш турли хил формаларда бўлиши мумкин. Ахборотлашган база қуйидаги кўринища амалга оширилиши мумкин:

- локал файллар йиғиндиси – бир турдаги ҳисбот ҳужжатлари ва ишлаб чиқилган стандарт воситаларнинг операцион тизим ва амалий дастурда ифодаланиши;
- маълумотлар базаси, маҳсус критерий ва МБТ ишлаб чиқилган дастурларга асосланган бирламчи ҳужжатларда ифодаланиши;
- қоидалар базаси, эксперт – аудиторни қоидалар ва мантиқий дастурлаш воситалари ёрдамида ишлаб чиқарилган билимларни ифодаланиши.

14.3 Банк фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари

Миллий иқтисодиётнинг янада ривожланиши банкларнинг ва банк тизимининг ролини кучайтиришни тақазо этмоқда. Банк - бу мамлакатдаги пул маблағларини бошқариш учун яратилган молия институтидир [14,18].

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг бош мақсади жаҳон талабига мос келувчи, ривожланган миллий кредит тизимиға эга бўлиш, хўжаликлар ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш, уни самарали тақсимлаш асосида аҳолининг талабларини қондириш учун замин яратиш ва яшаш шароитини яхшилашга эришишдан иборат. Бу мақсадга эришишни таъминлаш учун давлатимиз томонидан мамлакатимиз банк секторининг ривожланишини таъминловчи зарурий макроиктисодий шароитларни ҳамда банк тизими барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, банк назорати тизимини ва банклар фаолиятини бошқариш усулларини такомиллаштириш, банкларнинг депозит, кредит ва инвестиция фаолиятининг янада ривожлантиришга эришиш ва банклар ўртасида ракобат бўлишини таъминлашга асос яратишдан, нобанк ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш, молия-кредит секторининг ҳуқуқий базасини яхшилаш, уларнинг моддий-техник жиҳатдан самарали таъминланганлигига эришиш каби чораларни амалга ошириш кўзда тутади.

Мужассамлашган банк автомалаштирилган ахборот тизимлари (БААТ) маблағ киритиш ва кредит беришнинг беришнинг берилган шартлари бўйича назорат қилинадиган маблағларни ўзлаштириш, қайтарилиши ва мувафиқлаштирилишини жадаллаштириш воситаси бўлган ягона дастурий технологик мажмуудан иборат бўлади. Мужассамлашган БААТ банк вазифалари алоқаларининг бутун мураккаблигини ўзида акс эттирилган ҳолда мажмуавий қамраб олади. Бу мукаммал автомалаштирилган вазифалар мажмууси эмас, балки мураккаб тизимнинг хусусиялари: иерархик тузилишининг мураккаблиги, эмержментлик, вазифавий мақсадларнинг кўплиги; стохастик (эҳтимоллик) ҳарактерига эга жараёнларни бошқаришни таъминлашда ишнинг ўзгарувчанлиги ва кўп вазифаликка хос бўлган дастурлар мажмуасидир. Шунинг учун ҳам мужассамлашган БААТ ни ишлаб чиқиша унинг таркибий тузилиши ва мазмунига таъсир қилувчи кўп сонли омиллар:

- банкнинг умумий таърифлари, ҳозирги ва келгусидаги мақсадлари ва уни ривожланишининг стратегик йўналишларини, бошқарувнинг вужудга келган тузилишининг хусусиятлари;

- тизимнинг архитектураси ва автоматлаштириш керак бўлган вазифаларининг таркиби;

- киравчи ва чиқувчи ҳужжатларнинг миқдори;

- ахборот хавфсизлигига талабларни таҳлил қилиш талаб қилинади.

Бундай таҳлил асосида бўлғуси тизимнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилади.

Мураккаб тизимларнинг назариясидан маълумки, ҳар қандай мураккаб тизимнинг ҳар хил чуқурликка эга бўлган баъзи бир тизимларга ажратиш мумкин.

Вазифавий тизимча остида анаъанавий равища бошқарувнинг вазифавий умумлигига мувофиқ тизимнинг бъзи бир қисми тушунилади.

Банқда ечиладиган бошқарув вазифалари кўп жиҳатли бўлганлиги учун БААТ ни лойиҳалаштиришда декомпозиция аломатларини таснифлаш муаммоси вужудга келади. Бундай аломатлар сифатида қўйидагиларни ажратиш мумкин: **вазифа, давр, бошқарув объекти** ва бошқалар. Ўз таркибининг универсаллиги учун **бошқарув вазифалари** бошқарув тизимлари декомпозициясининг энг кенг тарқалган аломатларидан биридир. Банкни бошқариш тизими умуман ҳар қандай бошқариш тизимлари учун умумий бўлган вазифаларни (режалаштириш, ҳисоб ва назорат, таҳлил ва тузатиш киритишни) бажара туриб, уларнинг бошқарув тузилмасининг элементлари ўртасида тақсимлаш хусусиятига эга. Бу воситалар ўзаро чамбарчас боғлиқ ва ҳар доим мақсадли ҳарактерга эга.

Банқда **ҳисоб ва назорат** операцион, бухгалтерия ҳисобларидан иборат, улар бир-бирлари билан яқиндан алоқада, чунки таҳлилий даража банк ҳисобида шахсий счётлар остида турди. Ҳар бир иш куни балансини шакллантириш билан тугаши сабабли шахсий счётларнинг ҳолатини ўзгартирувчи бухгалтерия акс эттирилади. Статистик ҳисоб айриш кўрсаткичларни узоқ давр ичida ўзгариши ҳақида маълумотларни йиғишга имкон беради.

Таҳлил банк бошқарувининг ташқарисида, ҳам ичкарисида вужудга келадиган иқтисодий вазиятни билиб олишга имконият берадиган вазифадан иборат бўлади. Йирик банкларда иккита мустақил бўлимлар мавжудки, улардан бири банкнинг ички ҳолати таҳлилини таъминлайди, иккинчиси ташқи муҳитни таҳлил қиласи.

Режалаштириш таҳлилнинг маълумотларига асосланиб, вужудга келган вазиятдан чиқиш ва қўйилган мақсадларга эришиш учун эҳтимол бўлган ечимларни тайёрлайди.

Банкнинг бошқарув тузилмаси ҳар хил усулларда ташкил қилинган бўлиши мумкин, бу кўпроқ банкнинг катталигига, кўрсатилаётган хизмат турларининг сонлари, мижозларнинг ва банк томонидан операциялар сонига боғлиқ уни қўйидаги турлари бор: тўғри чизиқли, бошқарув штабли. Тўғри чизиқли штабли. Банкнинг технологиялари банк бизнесини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг воситаси сифатида бир қатор **асосий тамойиллар** асосида яратилади:

–банк вазифаларининг турли туманликларини уларнинг тўлиқ интеграцияси билан қамраб олишда комплекс ёндашиш тамойили;

–тизимни аниқ буюртма остида кейинчалик ўстириш билан осонликча конфигурациялашга имкон берувчи модули тамойили;

–турли хилдаги ташқи тизимлар (телеқоммуникация, молиявий таҳлил тизимлари ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорлик қилишга, дастурий техник платформани танлашни таъминлашга ва уни бошқа аппаратли воситаларга кўчиришга қодир технологияларнинг очиқлиги тамойили.

–банк тизими модулларини созлаш ва уларни аниқ банкнинг эҳтиёжлари ва шароитларига мослаштиришнинг эгилувчанлиги тамойили;

– бизнес жараёнларини ривожланганилиги сари тизимнинг вазифавий модулини кенгайиши ва мураккаблашувини кўзда тутувчи кўламлилик (масалан, филиаллар ва банк бўлинмалари ишини қўллаб-қувватлаш таҳлилни гурухлаштириш ва х.к.);

– ҳақиқий вақтда маълумотларга кўп фойдаланишлар бўйича кириш ва ягона ахборот бўшлиғида вазифаларни амалга ошириш;

– банк ва унинг бизнес жараёнларини модуллаштириш ва бизнес жараёнларини алгоритмик созлашнинг имконияти;

– тизимли бизнес жараёнларини ривожлантириш асосида узлуксиз ривожлантириш ва такомиллаштириш АДП бозорининг таҳлили шуни кўрсатадики, мужассамлашган БААТ нинг тизимчалари ва вазифаларини амалий ажратилиши уларни бир вақтда учта аломат бўйича: бошқарув тузилиши, маблағларни ўзгартириш ва бошқарув вазифалари бўйича хисобга олинади.

Банк фаолиятини автоматлаштириш хусусиятлари. БААТ ни техник таъминлаш жараёнида банк технологиялари аппарат воситалари архитектураси замонавий талаблар асосида қурилиш керак. Уларга: алоқанинг турли-туман телекоммуникацион воситалари, кўп машинали мажмуалар, «мижоз-сервер»нинг архитектурасидан фойдаланиш, маҳаллий, минтақавий ва глобал тезкор тармоқларни қўллаш киради.

«Мижоз-сервер» архитектураси банкларнинг ахборот технологияларини қурилишдаги техник ечимларга замонавий ёндошишнинг асоси бўлади.

Бу техник таъминланишни ташкил қилиш ва ахборотларни ишлаб чиқиши мижоз (ишчи станция) ва сервер деб номланган иккита таркибий қисм ўртасида тақсимланишини кўзда тутади. Иккала қисм бирлаштирилган компьютерларда бажарилади. Бунда мижоз-серверга сўровлар юборилади, сервер эса уларга хизмат кўрсатади. Бундай технология таркиблаштирилган сўровларнинг маҳсус тилига эга касбий МББТда амалга оширилади.

«Мижоз-сервер» технологиясининг амалга оширишини вариантларидан бири унинг уч босқичи архитектурасидир. Тармоқда камида учта компьютер: мижоз қисми (ишчи станция), қўлланишлар сервери ва маълумотлар базасининг сервери мавжуд бўлиши керак. Мижоз қисмида фойдаланувчи билан ўзаро ҳамкорлик (фойдаланиш интерфейс) ташкил қилинади. Қўлланишлар сервери мижоз қисми учун бизнес тадбирларини амалга оширади. Маълумотлар базасининг сервери мижоз ролини бажарувчи бизнес тадбирларга хизмат кўрсатади. Бундай архитектуранинг эгилувчанлиги мустақил ва дастурий ресурсларни алмашишидадир.

Банкларда ахборот технологияларининг дастурий таъминланиши. Банк вақт бўйича ривожланувчи обьект бўлиб, ахборот муҳитининг миқдорий ўзгаришини (ишлаб чиқарилаётган маълумотларнинг ҳажмини, фойдаланувчилар сонини ва бошқаларни кўпайишини), миқдори ўзгаришларни (ечилаётган вазифаларнинг турли туманлигини кенгайиши, уларнинг ҳарактерини ўзгаришини) вужудга келтиради. Худди шундай қурилган автоматлаштирилган тизим баъзи бир вақт давомида замонавийлаштиришларни ўтказмасдан худди шундай ривожланиши керак. Тизимнинг салоҳиятли

имкониятлари қоидага кўра, ишлаб чиқарилган асосий дастурий воситаларнинг имкониятлари билан кучли боғланган.

Тизимнинг бундай сифати аниқ ишлаб чиқарувчиларни касбий маҳоратларига боғланган ва биттагина асосий дастурий воситалар доирасида кучли турланишлари мумкин. Кейинги йилларда банк фаолиятида маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш муоммоси кучаймоқда. У ўз ичиға бир неча жиҳатларни олади. **Биринчидан**, бу фойдаланувчиларнинг ваколатларини эпчил, кўп босқичли ва ишончли тартибга солишишdir. Банк ахборотларининг қимматлилиги маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялашга, шу жумладан, жараёнларни, маълумотлар ҳолатини ўзгаришларини бошқаришни назоратига алоҳида талаблар қўяди. **Иккинчидан**, маълумотларнинг яхлитлиги ва бир-бириларига зид бўлмасликларининг қўллаб-қувватлаш воситаларининг мавжудлиги. Бундай воситалар киритилаётган маълумотлар ўртасидаги алоқаларни ушлаб туриш ва назорат қилиш, ҳамда мувофиқлаштирилган маълумотларнинг қўллаб-қувватланишини таъминловчи операциялар (мавжуд) мажмуаси усулида киритишни назарда тутади. Учинчидан, тизимли, дастурли ва аппаратли тузилишларда маълумотларни архивлаштириш, тиклаш ва мониторингининг кўп вазифали тадбирларини мавжудлигидир [14,18].

Амалий ва истеъмол хусусиятларига нисбатан АБТнинг **асосий хусусиятлари** қуйидагилардан иборат:

- вазифавий мажмуанинг етарлича кенглиги;
- тизимнинг интеграциялашуви;
- конфигурациялашиши;
- очиқлиги ва мосланувчанлиги.

Банк тизими томонидан амалга ошириладиган вазифаларнинг рўйхатини икки қисмга: мажбурий ва қўшимча вазифаларга бўлиш мумкин. Биринчиларига, қоидага кўра ҳар қандай тижорат банкида бўладиган ва тизимда у ёки бу кўринишда мавжуд бўлиши керак бўлган фаолият йўналишлари киритилади ва иккинчиларини танлаш эса банкнинг ихтисослашувига боғлик.

Банк тизимларининг функционал масалалари. Банклараро ҳисоб-китобларни автоматлаштириш. Автоматлаштирилган банк тизимларининг (АБТ) истеъмол (вазифавий) хусусиятларини кенгайтириш мамлакатимиз банк ишини ривожланишининг хусусиялари билан боғлиқ. Агар банк хизматларининг у ёки бу турларига ўсиб борувчи сўровлари оммавий ҳарактерга эга бўлса, унда АБТ бозорида банк технологияларининг янги сифатлари пайдо бўлади.

АБТлари ўз хизматларининг кенг, турли-туманлиги бўйича мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатувчига имкон беради. Тизимнинг асосий хизмат модуллари қуйидагиларни амалга оширади:

- юридик шахсларга ҳисоблаш-касса хизматини кўрсатиш;
- банк-корреспондентлари счёtlари бўйича хизмат кўрсатиш;
- кредит, депозит, валюта операциялари;

- хусусий шахслар киритмаларининг ҳар қандай турлари ва улар бўйича операциялар;

- фонд операциялари;
- пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоблар;
- бухгалтерия вазифалари;
- таҳлил, қарорлар қабул қилиш, менежмент, маркетинг ва бошқалар.

Охирги авлод АБТ «Мижоз-сервер» архитектурасидаги тармоқли технологияларга суянади. Кейинги вақтда молиявий таҳлилнинг вазифалари ва бизнесни бошқаришнинг мақсадларига катта аҳамият берилмоқда. Молиявий хавф-хатарни назорат қилишда, ресурсларни бошқаришда, операцияларнинг фойдалилигини, янги банк хизмати (маҳсулот)нинг мижоз ва бўлинмалар даромадлилигини таҳлил қилишга имкон берувчи тизимлар ишлаб чиқарилган ва ишлаб чиқарилмоқда.

Мажмуа шахсий сабаблар бўйича (хужжатларни расмийлаштирилган бухгалтерия ёзувлари бўйича) маблағларнинг ҳақиқий ва режалаштирилган ҳаракатини амалга ошириради. Хужжатлар бундан кейинги назорат операциясидан ўтади, барча параметрлар мос келганда хужжатларнинг рўйхати тузилади ва ҳисоблаш-касса марказига жўнатиш учун файл шакллантирилади. Корреспондентлик счёти орқали ўтган хужжатлар счёtlари бўйича тарқатилади.

Банкнинг операция куни дастури-технологик мажмуа сифатида банк ҳисобининг қўп меҳнат талаб қилувчи операцияларини автоматлаштиради. (14.2-расм). Мижозларнинг шахсий счёtlари бўйича операциялар тўлов хужжатлари бўйича амалга оширилади. Шахсий счёtdан кўчирма эса ҳар бир бухгалтерия ёзувларини акс эттиради.

Банк бизнесининг ривожланиши бундай қуроллардан кундалик фаолиятда фойдаланиш зарурлигига олиб келади. «Имкомсервис» фирмаси мисолида АБТ нинг асосий вазифавий тизимларининг қисқача таърифи устида тўхтаймиз.

Филиаллар фаолиятининг ҳисоби бўйича мажмуа филиалнинг ҳисобхонаси ва бошқа бўлимлардаги иш жойларини автоматлаштиришга мўлжалланган. «Банк филиаллар» даражасида филиаллардан олинган ахборотларни билиш, ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, барча филиаллар ўртасидаги ҳисоб-китоблар автоматлаштирилади. Филиаллар орасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғридан-тўғри ёки банкнинг марказий бўлими орқали ташкил қилиниши мумкин. Филиал доираларида мажмуа ўз ичига валютали ва сўмни касса операцияларини олади, филиал бўйича балансни ички бухгалтерия ёзувларини ҳисобга олиш билан ҳисоблаб чиқади. Корреспондентлик муносабатлари бўйича ҳисоб-китобларни бажаради.

Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича АБТ нинг энг кенг тарқалган тизимчалари қўйидагилардир: мижозбанк, пластик карточкалар билан ишлаш операциялари.



Киришининг телекоммуникацион муҳити


Филиал

Банк-корреспондент

Узок масофадаги мижоз

14.2-расм. Операцион кун моделининг таркиби

Пластик карточкалардан фойдаланиш мижозларга хизмат кўрсатишинг самарали шакли ҳисобланади. Пластик карталар қисқа муддатли давлат облигациялар мамлакатимиздаги давлатнинг қисқа муддатли облигацияси таъминланишининг турлари бўйича дебетли, кредитли, дебит-кредитлигига бўлинади. Унинг билан бир қатор пластик карталар асосида вазифаларни амалга ошириш ҳам мумкин: магнитли карталар, смарт-карталар, лазерли карталар, микропроцессорли карталар. Микропроцессорли карталар билан ишлаш энг илғор ва қиммат технология бўлади. Савдо шаҳобчалари тегишли дастурий-техник воситалар (савдо терминаллари) билан жиҳозланади.




14.3-расм. Банк тизимида мижозларга оддий хизмат кўрсатиш

«Мижоз-банк» дастурий-технологик мажмуаси «банк» ва «мижоз» модулларидан ташкил топган, улар банкдаги ва мижознинг иқтисодий объектларидағи коммуникацион ШКга ўрнатиладилар. Мижозга идорадан чиқмасдан туриб андозавий банк операцияларини ўтказиш имкониятлари берилади. Мажмуа одатда түлов хужжатларини жўнатиш ва олиш, счёtlар, буюртмалар қимматбаҳо қоғозлар билан операциялар бўйича кўчирмаларни олиш бўйича ва маълумотномавий материални олиш учун ўзаро ҳамкорлик вазифасини бажаради. Буни қуйдаги мисол орқали кўришимиз мумкин. Банк мисолида ЎзР ТИФ Миллий Банкини, мижоз сифатида «Квант» фирмасини оламиз. «Квант» фирмаси Миллий Банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлиб, бу ҳисоб рақамидан турли ҳаражатларга түлов тўлаши мумкин. Нақд пулсиз йўл билан түлов тўлаётганда «Квант» фирмаси ходими түлов хужжатини банкка олиб келади ва шу асосда банк унинг ҳисоб рақамидан маълум суммани товар етказиб берувчининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказади. Бу жараённинг ахборот технологияси 14.3-расмда берилган.

Оддий хизмат кўрсатишнинг ахборот технологияси қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

1. «Квант» фирмаси бухгалтери түлов хужжатини тайёрлайди. Унда фирманинг ўз муҳри ва фирмадан раҳбарининг имзоси қўйилади.
2. Бу түлов хужжатини фирмадан вакил банкка олиб келиб беради. Тўлов хужжати 4 нусхада олиб келиниши шарт.
3. Банк масъул ходими «Квант» фирмасининг бухгалтерини қабул қилиб, хужжатларини кўздан кечиради. Тўлов хужжатида муҳр ва имзолар текширилади.
4. Банк масъул ходими хужжатда хатолар йўқлигига амин бўлса, унинг ҳисоб рақамидағи маблағи тўловни амалга оширишга етарли, қарзлари йўқ бўлса, тўлов хужжатларининг бир нусхасига банк штампи ва имзосини қўйиб, «Квант» фирмаси бухгалтерига беради.
5. Қолган тўлов хужжатлари банкнинг бош бухгалтери томонидан текширилиб, имзоланади. Хужжат қабул қилинади.
6. Қабул қилинган хужжатлар банкнинг Back-office га берилади. У ерда хужжатлар автоматлаштирилган банк тизимиға киритилади.
7. Пуллар ўтказилганидан сўнг, ўтган операциялар ҳақида «Квант» фирмасининг ходими тикет ёки «Ҳисоб варагидан кўчирма»нинг бир нусхасини олиши мумкин. Иккинчи нусхаси банкда қолади.
8. Операциялар ўтказилгандан сўнг банкдаги хужжатлар банк архивига топширилади.

Банк тизимида мижозларга оддий хизмат кўрсатиш жараёнини кўриб чиқдик. Энди «Банк-Мижоз» (R-Bank) тизимида мижозларга масофали электрон хизмат кўрсатиш жараёнини (14.4-расм) кўриб чиқамиз.



14.4-расм. R-Bank тизимида масофавий электрон хизмат қўрсатиш жараёни

«Квант» фирмаси R-Bank тизимида, On-Line режимида («on-line» инглиз тилидан «ҳозир тизимда» дегани) ўз счётларининг ўзи бошкариши, турли хилдаги тўлов хужжатларини тайёрлаши, Миллий Банқдан ўз ҳисоб рақамини қолдиқлар ва пул айланишлари тўғрисида ахборот олиши, хохлаган даврга ўз ҳисоб рақамидан кўчирмаларни чоп этиб олиши, ҳамда бошқа молиявий ҳисоботларни олиши мумкин бўлади. Бу эса мижоз ва банк учун бир қанча афзалликлар келтиради. Буни 14.1-жадвалдаги солиштирма таҳлил орқали ҳам кўришимиз мумкин.

R-Bank тизимида тўлов ҳужжатларининг электрон ва қоғоздаги нусхасини солиштириш

| № | Оддий хизмат кўрсатиш | Масофавий электрон хизмат кўрсатиш |
|-----|---|--|
| 1. | Мижознинг қоғоз тўлов ҳужжатини тўлдириш; | Мижознининг электрон ҳужжатини тизимда тайёрлаш |
| 2. | Тўлов ҳужжага ташкилотнинг муҳрини қўйиш | Электрон ҳужжатга мижознинг электрон рақами имзосини қўйиш |
| 3. | Мижознинг масъул шахсининг банкка келиши | Фойдаланувчи мижознинг банк сервери билан алоқа ўрнатиши |
| 4. | Мижознинг «ўз» масъул ходимига мурожат қилиши | Янги электрон ҳужжат ҳақидаги ахборот масъул ходимга автомат равища тушиши |
| 5. | Мижознинг «ўз» масъул ходими билан ҳеч ким ҳалақит бермайдиган ҳолда гаплашиши | Банк ва мижознинг ўртасидаги олоқа каналининг ва маълумотларининг шифрланиши |
| 6. | Мижознинг масъул ходимга ҳужжатини бериши | Электрон имзоланган ҳужжатнинг автомат равища банкка узатилиши |
| 7. | Тўлов ҳужжатидаги муҳрнинг ва имзо намунаси карточкаси билан солиштириш | Мижознинг электрон рақамли имзосини текшириш |
| 8. | Тўлов ҳужжатининг тўғри тўлдирилганлигини текшириш | Электрон ҳужжат реквизитларининг тизим томонидан текширилиши |
| 10. | Масъул ходим томонидан Мижознинг картотека 2 си, овердрафт блокировка-ланганлигини текшириш | Тизим томонидан Мижознинг картека 2 си, овердрафт блокировка-ланганлигини текшириш |
| 11. | Тўлов ҳужжатининг қабул қилинганлиги ҳақида ёки қабул қилинмаганлиги ҳақида | Электрон ҳужжатга ҚАБУЛ ҚИ-ЛИНДИ ёки РАД ЭТИЛДИ мақомини қўйилиши |
| 12. | Масъул шахс томонидан ҳужжатни АБТ га киритиш | Қабул қилинган ҳужжатни сервер томонидан АБТга (қайта ишловга) юбориши |
| 13. | Тикет / квитанциянинг олиниши | Тўловнинг АБТ балансига ўтказилганидан сунг автомат равища электрон ҳужжатга ЎТКАЗИЛДИ мақомининг берилиши |
| 14. | Қоғоз ҳужжатнинг банк архивига юборилиши | Электрон рақамли имзоси бор электрон ҳужжатни банкнинг маълумотлар базаси архивида сақлаб қўйиш |

Биз ахборот технологияларининг банк тизимида мижозларга хизмат кўрсатиши жараёнида қўлланилишини қўриб чиқди. Уларнинг ишлаши, тузилиши ахборотлар узатилиши ва ахборотларнинг қайта ишланиши жараёнлари билан танишиб чиқдик. АТ ларини банк соҳасида қўллаш: банк хизматлари сифатининг ошишига, банк операцияларининг тез ва бехато бажарилишига, хужжатларни қайта ишлашга кетадиган ҳаракатларнинг қисқаришига ва вақтнинг тежалишига, иш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Шундай қилиб, банк мижозларга электрон тизимлар орқали кўрсатадиган хизмат турларига:

- «Банк-Мижоз» - мижозларга масофавий электрон хизмат кўрсатиши дастури;
- «Замонавий мулкдор»-қимматли қоғозларнинг электрон савдоси тизими;
- пластик карталар билан нақд пулсиз ҳисоб китоблар тизими киради.

«Банк-Мижоз» (R-Bank) тизими мижоз ва банк ишини енгиллаштириб, вақтни ва қатор ҳаражатларни тежайди. Бу тизим мижоз учун ҳисоб рақамини ўзи назорат қилиб туришга, банк билан алоқада бўлиш, хабарлар олиш, электрон хужжатларни юбориш имкониятини беради. Республикаизда электрон тўловлар ҳисобига пул айланиши тезлашади ва иқтисодиётни барқарор ривожланиши юзага келади. Бу эса, ҳалқ турмуш фаровонлигини оширади, келажакда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига кириб боришини таъминлайди.

14.4 Маркетинг фаолиятида автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва технологиялари

Маркетинг фаолиятининг ахборот ва коммуникацион таъминланиши. Ҳар бир корхонанинг маркетинг тизимида ахборот асосий аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай маркетинг фаолияти товарлар ишлаб чиқариш бозорида вужудга келган аниқ вазиятли билишга асосланади. Кўпгина маркетинг тадқиқотлари ва тадбирларининг мақсади ахборотларга эришишга қаратилгандир. Бу тадбирларнинг бажарилиши маркетинг фаолиятининг обьекти хақидаги дастлабки билимларни талаб қиласи, амалга ошириш жараёнининг ўзи эса жорий таъсирларга тузатишлар киритиш ва бўлғувси маркетинг дастурларини ишлаб чиқиши мақсадларида обьект билан тескари алоқани ўрнатиш учун зарур бўлган янги маълумотларни яратади. Товарни сотиш бозори томон ҳаракатлантиришни ташкил қилиш вазифаси бу ерда мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин, уни ечишдан олдин маҳсулотнинг таклиф қилинаётган турига нисбатан талабни синчиклаб ўрганиш, истеъмолчиларнинг ҳарид қилиш қобилияtlарини баҳолаш, ракобатдаги фирмаларнинг бозордаги фаолиятини таҳлил қилиш керак [20,24].

Зарур маркетинг ахборотларининг йўқлиги, ноаниқ ва муҳим бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш жиддий иқтисодий хатоларнинг сабаби бўлиши мумкин.

Маркетинг ахборотларидан фойдаланишдан мақсад бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида ноаниқликлар даражасини аниqlашдан,

камайтиришдан иборатдир. Бу эса ўз ўрнида турли – туман ахборотларнинг катта ҳажмини йиғиши, сақлаш, узатиш ва ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Ахборотларга асосланиб ва янги ахборот эҳтиёжларини яратиб, замонавий маркетинг ахборот технологияларидан фойдаланмасдан, ривожланган ахборот базаси ва коммуникация тизимларини яратмасдан самарали маркетинг фаолиятини юритиш мумкин эмас.

Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари маркетингида компьютер технологияларини қўллаш – давр талаби. Маркетинг маълумотларини доимо кузатиш ва сақлаш тизимида ахборотларни йиғиши бошқа маркетинг операциялари орасида катта ўринни эгаллайди, чунки у ахборотларнинг хусусиятлари бўйича турли-туман манбалар билан боғлиқдир.

Маркетинг корхонанинг ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини бошқариш тамойили сифатида ташкил қилинади. Шунинг учун истеъмолчиларнинг талабларини қаноатлантириш ва энг катта фойда олиш мақсадларида бозор эҳтиёжларини ҳар тарафлама ўрнатиш нуқтаи назаридан муҳитнинг қуидаги қисмлари ҳақидаги билимларга суюнади:

- товар ва хизматлар бозори;
- товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш;
- ишлаб чиқариш ва сотиш бозори билан боғлиқ ташқи мақроиқтисодий қўрсаткичлар.

Маркетинг бошқариш тизимида ахборотларни шакллантириш ва фойдаланишнинг асосий тамойиллари қуидагилардир:

1. Ахборотларнинг муҳимлиги маркетинг муҳитининг ҳолатини, вақтнинг ҳар бир лаҳзасида акс эттирилишини билдиради.

2. Маълумотларнинг ишончлилиги, ишлаб чиқариш, бозор ва ташқи муҳитни объектив ҳолати ва ривожланишини аниқ катта тикланишига асосланган.

3. Маълумотларнинг релевантлиги ахборотларни шакллантирган талабларга тўлиқ мослигини ва кераксиз маълумотлар билан ишлашдан қутилишга имкон беради.

4. Тавсифларнинг тўлиқлиги маркетинг муҳитининг ҳолати ва ривожланишига таъсирини шакллантирувчи ва қўрсатувчи барча омилларнинг объектив ҳисоби учун муҳимдир.

5. Маълумотларнинг мақсадга мувофиқлиги уларни ички ва ташқи бозорларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасидаги аниқ мақсадлар ва вазифаларга қаратади.

6. Мувофиқлаштирилганлик ва ахборот бирлиги хулосаларда зиддиятлар, бирламчи ва ишлаб чиқилган маълумотларда мослаштирилганлик имкониятини йўқотувчи қўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Корхонада маркетинг бошқарувининг ахборот тизимлари. Маркетинг ахборот тизимлари муаммо соҳасининг бутун таркибий қисмларини бутлиги ва ўзаро боғлиқлиги асосида қурилади.

МАТнинг муаммо соҳаси ўз ичига ички ва ташқи ахборотлар маркетинг тадқиқотлари ва ахборотлар таҳлилининг натижалари тизимини олади. Ички ахборотлар тизими – корхона фаолияти ва ҳолатининг ҳар хил томонларини акс

эттирувчи маълумотларга эга бўлади. Ташқи ахборот тизими – бунинг ёрдамида ташқи муҳитда вужудга келадиган ҳодиса ва вазиятлар ҳакида маълумотлар олинадиган манбалар ва услубий йўлларга мўлжалланган.

Ахборот – тижорат фаолиятининг предмети сифатида. Корхона маркетинг ахборот тизимларида коммуникацион жараёнларни аҳамияти ва хусусиятлари ахборотларни йиғиш, рўйхатга олиш ва узатиш ҳамда корхонанинг бозор ва ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солишдаги тескари алоқа вазифасини амалга оширишда энг кўп даражада намоён бўлади. Ахборотларни йиғиш ва рўйхатга олиш, ташкил қилиш босқичлари маркетинг фаолияти коммуникацион жараённинг ажралмас қисми бўлади. Уларни амалга ошириш кўп меҳнат талаб қилишни тегишли малакага эга бажарувчиларнинг мавжудлиги ва катта молиявий ҳаражатлар билан боғлиқдир.

Маркетингнинг ахборот таъминоти. Маркетингнинг ахборот таъминоти аниқ фойдаланувчиларнинг ахборотга эҳтиёжини қаноатлантиришнинг, уни олиш, ишлаб чиқиш, жамлаш ва фойдаланиш учун қулай кўринишда топширишнинг маҳсус усуслари ва воситаларини қўллашга асосланган жараёндир.

Маркетинг тадбирларини бажариш учун зарур ахборотлар мажмуасини одатда **маркетинг ахборотлар тизими** деб аталади. Уни шаклланиши ва фаолият юритиши маркетингнинг ахборотли таъминланиши тизимига суянади.

Ривожланган МАТ ўз ичига қуидаги тизимларни олади:

1. Ички ахборотлар;
2. Ташқи ахборотлар;
3. Маркетинг тадқиқотлари ахборотлари.

Белгиланиши бўйича маркетинг ахборотларини қуидагиларга бўлиш мумкин:

Маълумотномавий ахборот – таништирувчи, ёрдамчи ҳарактерга эга.

Тавсияли ахборот – маҳсус маркетинг тадқиқотлари натижасида ёки босма нашрлар ва тижорат маълумотлари банкларида келтирилган маълумотларининг таҳлили асосида шакллантирилади.

Меъёрий ахборот – асосан ишлаб чиқариш соҳасида шаклланади ва ўз ичига ишлаб чиқаришнинг турли элементларининг меъёрлари ва меъёномаларини ҳамда меъёрий қонунчилик ҳужжатларини олади.

Сигналли ахборот – одатда маркетинг муҳити обьектларининг ҳақиқий ҳулқини режалаштирилганидан четга чиқиши пайдо бўлишини боришида вужудга келади.

Четда чиқишнинг сабаблари белгилангандан кейин уларни бартараф қилиш мақсадида **тартибга солувчи ахборотда** акс эттирилган тегишли тадбирлар бажарилади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларининг ривожланиши, унинг жаҳон интеграцион жараёнларига фаол қўшилиши хорижий шериклар фойдаланилаётган энг янги технологияларини тадбиқ этишга мажбур қилмоқда. Бугунги кунда бутун жаҳон бозори компьютер технологиялари билан тўладир.

Бутун жаҳонда талаб ва таклиф бўйича ахборотлар маълумотлар базасида сақланади, чунки бозор муносабатлари бозорни баҳолаш бўйича ҳудди шундай

ахборот таъминоти жиҳатдан қўллаб-қувватлашга зарурият туғилади. Бу хусусан, ҳаммадан аввал йўлдошли алоқа коммуникацион тизимлари, маълумотларнинг йирик банкларига қаратилган глобал ахборот тизимлариdir.

Ахборотларни тижоратли тарқатиш саноати ва технологиялари.

Замонавий компьютер технологиялари бизнинг фикримизча ахборот манбаларига жадал киришга, уларни олишга, ишлаб чиқишига ва фойдаланувчи учун керакли ахборотларни белгиланган вақтда ва қўрсатилган шаклида ишлаб чиқишига имкон берувчи дастурий техник қурилмалар, коммуникациялар оргтехника ва алоқа воситалариdir.

Керакли маркетинг ахборотларини саклаш, ишлаб чиқиши ва талаб қилинган шаклида тақдим этишни таъминловчи восита маркетинг ахборот бошқарув тизими бўлади.

Ахборотлар соҳаси корхоналарида маркетингнинг техникаси ва стратегиясини тадбиқ этилиши нафақат катта ҳажмдаги тадқиқот ва ҳисоблаш ишлари сабабли, балки шаклланаётган ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг тузилиши, таркиби ва мазмунини режалаштиришда бозор вазиятларини худди шундай ҳисобга олиш мақсадида маркетинг тадқиқотлари жараёнида олинган дастлабки таҳлилий ахборотларини талқин қилишнинг бир маъноли эмаслиги ва уларни ўзлаштиришнинг мураккаблиги натижасида катта қийинчиликлари билан боғлиқ. Ушбу ҳолат ахборот маҳсулотлари ва хизматлари маркетингига замонавий компьютер технологияларини жалб қилишни талаб қиласди.

Маркетинг ахборот бошқарув тизимлари – бу ҳаммадан аввал информатиканинг замонавий ахборот коммуникацион ва дастурий воситалари асосида фаолият юритувчи интерактив хизматларнинг маркетинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида маркетинг ахборотларини йиғиш, саклаш, фаоллаштириш ва ишлаб чиқиши таъминловчи мажмуuidir.

Ҳозирги вақтда ҳар томонлама ривожланган жамиятни ахборотлашган деб атайдилар. Замонавий ахборот технологиялари туфайли инсоннинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолияти, унинг кундалик мулоқот соҳаси жаҳон цивилизацияси томонидан ишлаб чиқилган тажрибалар, билимлар ва маънавий бойликларни жалб қилиш ҳисобига ҳақиқатдан ҳам чегараси кенгаймоқда.

Инсон яшаётган дунё моддий ва номоддий объектлардан, ҳамда улар ўртасидаги алоқалар ва ўзаро ҳамкорликлардан иборатdir. Сезги органлари асбоблар ёрдамида қайд этилувчи атрофдаги дунёning далиллари маълумотлар деб аталади. Улар аниқ вазифаларни ҳал қилган тақдирда ахборотларга айланади. Вазифаларни ечиш натижасида янги билимлар тизимлаштирилади, ҳақиқий ёки текширувдан ўтган қонунлар, назариялар, тасаввурлар ва қарашларнинг бошқа мажмуалари қўринишида умумлаштирилган маълумотлар пайдо бўлади. Кейинчалик бу билимларнинг ўzlари бошқа вазифаларни ечиш ва ўтганларни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларнинг таркибига киришлари керак бўлиши мумкин.

Тижорат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўзларининг моделларида фойдаланувчиларнинг моделларини ҳам ҳисобга олишга ҳаракат қиласди.

Шундай қилиб, замонавий ахборот технологиялари ёрдамида яратилаётган ва тарқатилаётган асосий товар «ахборот маҳсулотлари ва хизматлари» дан иборат. Ўз-ўзича маълумотларнинг мавжудлиги, ҳатто ноёб бўлсада, агар фойдаланувчи уларни энг қулай шаклда ололмаса, тижорат муваффақиятини кафолатламайди.

Энг умумий кўринишда ахборотларни тижоратли тарқатишнинг замонавий технологияларида, фойдаланувчилар ўзларининг терминал қурилмалари ёрдамида ахборот маҳсулотлари билан «мулоқот» қиласидилар. Улардан асосийси маълумот базалари белгиланган муаммо соҳага тегишли машина ўқийдиган шаклдаги маълумотлар тўпламлари, ҳамда турли маълумотли директориялар МБ да фойдаланувчиларга қидиришни енгиллаштирувчи рубрикаторлар ва бошқа маълумотлардир.

Умуман МБ саноатининг асосий таркибий тузилмалари қуйидагилар:

1. Ахборот маҳсулотлари ва хизматларини шахсан ишлаб чиқарувчилар:

МБ ни ишлаб чиқарувчилар – ахборотларни йиғиш ва уларни машина йиғиш ва уларни машина ўқийдиган шаклга кўчиришни амалга оширувчи иқтисодий обьектлар.

Интерактив хизматлар – МБ га интерактив усуlda киришни амалга оширувчилар, яъни ахборот маълумотлари ва хизматларини ишлаб чиқарувчилар ва фойдаланувчилар, ҳамда интерактив хизматлар бозорининг асосий элементи бўйича иқтисодий обьектлар;

2. Телекоммуникацион хизматлар;

3. Фойдаланувчилар яқуний ва оралиқ фойдаланувчиларга ёки ўз мижозларига ахборот қидириш бўйича хизматлар кўрсатувчи воситаларга бўлинадилар.

Ахборот маркетингини ташкил қилиш. Ахборот фаолиятининг тижоратлашгани сари унга ишлаб чиқаришнинг, бошқаришнинг бозор тамойиллари сифатида маркетингнинг умумий тамойиллари асосана бошланди, бунда хўжалик қарорларини қабул қилишнинг асосида бозор ахборотлари ётади, қарорларнинг асосланганлиги эса товарларининг сотилиши билан текширилади. Бунинг натижасида ахборот маркетинги вужудга келади.

Ахборот маркетингининг элементлари қуйидагилардан иборат:

- ахборот бозорини таҳлил қилиш;
- ахборот маҳсулотлари ва хизматларининг нархларини шакллан-тириш;
- ахборот маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқарувчилар билан уларни фойдаланувчилари ўртасида ўзаро муносабатларини ўрнатиш;
- реклама – тарғибот тадбирлари.

Ахборот бозорининг таҳлили. Ахборот маркетинги дастурининг ушбу босқичи таклиф қилинаётган ахборот маҳсулотлари ва хизматлари учун уларнинг вазифавий параметрларига мос келувчи эҳтиёжларини аниқлаш орқали бозор ҳолатини белгилашга қаратилган. Уни ўтказишнинг натижаси қуйидагиларга нисбатан тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлади:

- қандай ахборот МАБга киритилиши керак?
- фойдаланувчи МАБ билан ишлашга рози бўлиши учун қандай талаблар қаноатлантирилиши керак.

Қуидаги саволларга жавоб бериш учун иккита асосий усул қўлланилади: мавжуд МАБ аналоглари ёки маҳсулотларининг таҳлили; талабнинг таҳлили, бозор сегментларига ажратиш унинг асосий элементи бўлади.

Жудаям тез ўзгариб ва ривожланиб бораётган ҳозирги даврда, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосидан фан ва илмий-техника ютуқларига асосланган замонавий билимларни мукаммал ўрганишни талаб этилмоқда.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, кишиларда иқтисодий тафаккурни шакллантирмасдан туриб, чукур ва келажакка мўлжалланган ислоҳотларни амалга ошириб бўлмайди[20,22].

Информатика, ахборот технологиялари саноати иқтисодиёт соҳаларининг ўзаро алоқалари бир-бирига ҳар томонлама кириб бориши шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг мажмуаси миллий иқтисодни ривожлантириш асосини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон ахборот технологияларини тадбиқ этиш ва ривожлантириш учун талай интеллектуал имконият ва ахборот захираларига эга.

14 -боб бўйича хulosалар

Замонавий автоматлаштирилган ахборот тизимларини ва ахборот технологияларини миллий иқтисоднинг барча соҳаларига тадбиқ қилиниши нафақат иқтисодий фойда келтиради, балки фойдаланувчи иш жойининг сифат жиҳатдан юқори даражада ташкил қилинишини таъминлайди.

Демак, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришда, иқтисодиёт ва жамият хаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ресурслардан баҳраманд бўлишни кенгайтириш – жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир.

15- боб Замонавий ахборот технологиялари ва тизимларининг ривожланиш тенденциялари

15.1 Замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг самараси

Замонавий ахборот технологияси (компьютер ахборот технологияси) – персонал компьютер ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланувчининг дўстона «интерфейси» ахборот технологиясидир (15.1-жадвал). Маълум бир турдаги компьютер учун мўлжалланган бир ёки бир неча ўзаро боғлиқ дастурий маҳсулотлар замонавий ахборот технологияларининг воситаси саналади.

15.1-жадвал

Замонавий ахборот технологияларининг асосий тавсифи

| Методология | Асосий белгиси | Натижа |
|---|---|--|
| Ахборотни қайта ишлашнинг асосий янги воситаси | Бошқарув технологиясига «жойлашиш» | Коммуникациянинг янги технологияси |
| Яхлит технологик тизимлар | Мутахассислар ва менежерлар вазифасининг интеграллашуви | Ахборотни қайта ишлаш бўйича янги технология |
| Мақсадга қаратилган ҳолда ахборотни яратиш, узатиш, саклаш ва акс эттириш | Ижтимоий мухит қонунчилигини хисобга олиш | Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг янги технологияси |

Замонавий ахборот технологиянинг **асосий элементлари** қўйидагича:

- маълум бир вақт кўламидаги ахборотни киритиш ва қайта ўзгартириш;
- тасвирни киритиш ва унга ишлов бериш;
- сигнал ахбороти пайдо бўлган ерда уни қайта ишлаш;
- оғзаки ахборотни қайта ишлаш;
- фойдаланувчининг компьютер билан фаол мулоқти;
- турли ахборот тизимларида машинали моделлаштириш;
- ахборот алмашувининг тармоқ технологияси (диалог юритиш, видео ва телекоммуникация, электрон почта, видеотека, телетека, электрон газета);
- тақсимланган тармоқ тизимларида маълумотларни мультипроцессор асосида қайта ишлаш;
- маҳаллий, минтақавий ва ҳалқаро тармоқлар бўйича ахборотни тезкор тарқатиш.

Ахборот технологиясининг базавий технологияси қўйидагилар: техник таъминот технологияси, телекоммуникация технологияси, дастурий таъминот технологияси. Бу технологиялар ҳисоблаш тизимлари ва тармоқлари

архитектурасининг аниқ варианtlари доирасида биргаликда ҳаракат қилади ва бирлашади. Уларнинг айримлари ахборот технологияси ривожланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди [18,19].

Замонавий ахборот технологиялари раҳбарларга, мутахассисларга, техник ходимларга ахборотни қайта ишлаш ва қарор қабул қилишда, ўз вақтида ишончли ва керакли ҳажмда ахборот олиш, автоматлаштирилганофислар ташкил этиш, компьютерлар ва алоқа воситаларини қўллаган ҳолда тезкор мажлисларни ўтказиш учун мўлжалланган замонавий ахборот тизимларини яратиш имконини беради.

Жаҳондаги иқтисодий вазиятни таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон иқтисодий тизими замонавий ахборотлашган жамиятга кириб бораяпти. Бундай жамият электрон меҳнат қуролларига асосланган бўлиб, сифат жиҳатидан янги бошқариш аппарати ҳамда ахборот-коммуникациялар технологияларидан кенг миқёсда самарали фойдаланиш каби жиҳатлари билан тавсифланади. Кириб келган янги асрда жаҳон мамлакатлари иқтисодий ўсишининг асосий шарти - бу уларнинг барча соҳаларни қанчалик даражада компьютерлаштириши бўлиб қолади

Хозирги кунда миллий иқтисодиётнинг банк, бухгалтерия, маркетинг, таълим, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларга замонавий ахборот технологиялари кенг кўламда кириб келмоқда.

Республикамизда ягона иқтисодий ахборот тизимини яратиш бу миллий иқтисодиёт ахборотлаштириш маконини ташкил қилувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Ягона иқтисодий ахборот тизимини яратишдан асосий мақсад ҳозирги шароитда вазирликлар, идоралар ва банк тизимини бир-бирлари билан алоқаларини замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда ташкил қилишдан иборат бўлиб, бунда ахборотни йиғиш, жамғариш, сақлаш ва таҳлил қилиш жараёнларини шакллантириш ҳисобланади.

Банк тизимида замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, ушбу соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда барча иқтисодиёт соҳалари қаторида банк соҳасида ҳам замонавий технологиялар, электрон тўловлар, мамлакатлар ўртасида электрон пул ўтказмалари каби «Банк-мижоз» тизими кенг кўлланилиб келинмоқда.

Мустақиллик даврида барча соҳалар каби банк тизимини ислоҳ қилишдаги саъӣ ҳаракатлар ва эришилган ютуқлар, тизимда ахборот технологияларининг самарали қўллаш натижасидир.

Иқтисодиётни бошқаришдаги ўзгаришлар, бозор муносабатларига ўтиш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва олиб боришга ҳам катта таъсир кўрсатди.

Корхонанинг маркетинг тизимида ҳам ахборот ва уни қайта ишловчи ахборот технологиялари асосий аҳамиятга эга, чунки ҳар қандай маркетинг фаолияти товарлар ишлаб чиқариш бозорида вужудга келган аниқ вазиятни билишга асосланади.

Шундай килиб , ахборот технологияларини турли соҳаларга қўллаш юксак самараларни беради. Масалан **бошқарув тизимиға** автоматлаштирилган ахборот технологияларини қўллаш қўйидаги натижаларни беради:

- бошқарув даражаси миқдори қисқариши;
- маъмурий ҳаражатларнинг камайиши;
- ўрта бошқарув бўғини ходимларининг ишдан озод бўлиши;
- автоматлаштириш ҳисобига ходимларни қўл меҳнатидан озод қилиш, интеллектуал фаолият учун вақт қолиши;
- математик услублар ва интеллектуал тизимларни татбиқ этиш
- ҳисобига бошқарув вазифаларини ҳал қилишнинг оқилона вариантларига эга бўлиш;
- замонавий ташкилий тузилма яратилади;
- автоматлаштирилган технология ташкилий жиҳатдан мослашувчанликни юзага келтиради;
- иш унумдорлигининг ошиши.
- вақтни иқтисод қилиш;
- бошқарувчилар малакаси ва касбий билимининг ошиши;
- рақобатчилик авзаллиги кучаяди;
- тушум, даромад кўпаяди, ортиқча ҳаражат камаяди.

Ахборот тизимиға автоматлаштирилган ахборот технологияларини қўллаш қўйидаги натижаларни беради:

- ахборот оқими тузилмасини такомиллаштириш;
- электрон почта ёрдамида самарали мувофиқлаштириш;
- ишончли ахборот билан таъминлаш;
- маълумотларни қофозда ташувчиларни оптикмагнитли ташувчиларга алмаштириш ахборотларини компьютерда қайта ишлишни оқилона ташкил этишга ва қофоздаги ҳажмининг камайишига олиб келади;

Ишлаб чиқаришга автоматлаштирилган ахборот технологияларини қўллаш қўйидаги натижаларни беради:

- лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқариш вақтининг қисқариши;
- маҳсулот нисбатан кўпроқ қайта ишланиши натижасида янада ишончли бўлади, бузилиб қолганда кўп туриб қолмайди, яъни осон таъмирланади;
- маҳсулотнинг фойдали хусусияти ва ундан фойдаланиш имконияти кенгаяди;
- иш ҳажми ва буюртмаларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва бошқариш ҳаражатлари қисқариши;
- истеъмолчиларга намунавий хизмат кўрсатиш;
- иш унумдорлигининг ошиши;
- товар ва хизмат сифатининг ошиши;
- моддий-техник таъминотни рационаллизациялаш (оқилона ташкил этиш);

Маркетинг соҳасига автоматлаштирилган ахборот технологияларини қўллаш қўйидаги натижаларни беради:

- маҳсулотни тарқатишга кам вақт кетиши;

- янги бозорларни излаб топиш;
- маҳсулот истеъмолчиларини идентификациялаш имконияти;
- ахборот олиш ва тарқатишнинг янги имкониятларини яратиш;
- савдони қўллаб-қувватлаш;
- буюртмачилар билан нисбатан самарали ўзаро ҳамкорлик қилиш;
- талабга нисбатан мослашувчанлик билан жавоб бериш қобилиятининг ошиши ва истеъмолчилар янги истакларининг қондирилиши

Таълим соҳасига автоматлаштирилган ахборот технологияларини қўллаш қўйидаги натижаларни беради:

- Таълим сифати ,самарадорлиги ошади;
- Узоқ масофадан туриб, билим олиш мумкин;
- Масофавий таълим тизимини ташкиллаштириш мумкин;
- Хоҳлаган вақтда, хоҳлаган жойда шуғулланиш имконияти. Фанни эгаллашга ажратилган вақтнинг чегараланмаганлиги.
- Бир вақтнинг ўзида ўқув ахборотларининг бир қанча манбаларига (электрон кутубхоналар, ахборот базалари, билимлар базалари ва ҳ.к.), ўқувчиларнинг кўпчилиги мурожаат қилиши. Алоқа тўрлари орқали бир-бирлари ва ўқитувчилар билан мулоқатда бўлиши.
- Ўқув хоналари, техника воситаларидан самарали фойдаланиш, ўқув ахборотлари мужассамлашган ва унификациялашган ҳолда тақдим қилиш ва унга мульти эришиш ўқув жараёнларини ташкил этиш ҳаражатларини камайтириш.
- Ўқувчининг қаерда яшашидан, соғлигининг ҳолати ва моддий таъминланганлигидан қатъи назар, таълим олиш имкониятидаги тенглик ва хакозо .

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ахборот технологияларидан иқтисодиётнинг турли тармоқларида фойдаланиш – иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим омиллардан бўлиб ҳисобланади.

15.2 Ахборот технологиялари ривожланишининг тенденциялари

Ҳориҷий мутаҳассислар ахборот технологиялари ривожланишининг бешта асосий тенденцияларини ажратиб кўрсатади:

1. Ахборот маҳсулотларининг мураккаблашуви. Ахборот воситаси кўринишидаги ахборот маҳсулоти, эксперт таъминоти хизматининг маълумотлар базаси стратегик аҳамият касб эта боради. Турли шаклдаги (нутқ, маълумот, тасвир) ахборот маҳсулотлари эшлиши, кўриш ва англаш учун фойдаланувчининг талабига кўра ишлаб чиқилади ҳамда унга қулай вақтда ва шаклда маҳсулотни етказиб бериш воситаси мавжуд бўлади. Ахборот маҳсулоти борган сари якка фойдаланувчига тақдим этиладиган ўзига хос хизмат ва ҳисбот-таҳлил ишлари натижалари ўртасидаги гиридга айланиб бормоқда.

2. Биргаликда ҳаракат қилиш қобилияти. Ахборот маҳсулотининг аҳамияти ошиши билан мазкур маҳсулотларни компьютер ва инсон ёки ахборот тизимлари ўртасида идеал тарзда алмашувини ўтказиши имконияти

илфор технологик муаммо касб этади. Ахборот маҳсулотларини қайта ишлаш ва узатиш муаммоси уларнинг келиши ва тез ҳаракатланиши бўйича тўлиқ мувофиқ бўлиши лозим.

3. Оралиқ бўғинларни тугатиши. Биргаликда ҳаракатланиш қобилиятининг ривожланиши ахборот маҳсулотлари алмашиш жараёнининг такомиллашувига, сўнгра, ахборот манбаи йўлидан истеъмолчига қараб (яъни, бу соҳадаги етказиб берувчи ва истеъмолчилар) оралиқ бўғинлар тугатилади. Масалан, муаллиф ва ўқувчи, сотувчи ва ҳаридор, қўшиқчи ва тингловчи, ўқитувчи ва ўқувчи ёки иқтисодий обьектларда мутахассислар ўртасида видеоконференция, электрон киоск, электрон почта тизими орқали бевосита мулоқот қилиш имконияти туғилади.

4. Глобаллаштириши. Иқтисодий обьект йўлдош алоқа ва Internet тармоғидан фойдаланиб ахборот технологиялари ёрдамида ҳоҳлаган жойда ва ҳоҳлаган пайтда иш олиб бориши мумкин. Айнан Internet туфайли одамлар дунёнинг ҳар қандай нуқтасидан туриб ўзаро мулоқот қилиш имконига эга. Бу ҳолатда доимий ва ярим доимий ҳаражатлар янада кенг географик минтақада тақсимланиш ҳисобига устуворликка эга бўлади.

5. Конвергенция. Конвергенция ААТнинг замонавий ривожланиш жараёнининг охирги босқичи сифатида кўриб чиқилади. Бунда маҳсулотлар ва хизматлар, ахборот ва дам олиш, шунингдек, овозли, рақамли ҳамда видеосигналларни узатиш каби иш режимлари ўртасидаги фарқ йўқолади. Моддий ишлаб чиқариш ва ахборот бизнеси соҳалари ўртасидаги тафовут ўчиб кетади, фирмалар ва корпорацияларнинг фаолият турлари диверфикацияси, саноат тармоқлари, молия сектори ва хизмат соҳалари ўзаро уйғунлашиб кетади.

Шундай қилиб, янги ахборот технологиялари – бу дунё миқёсида жамият тараққиётининг саноат асридан ахборот асрига қараб ўтиш асосидир. Мазкур тенденциянинг бизнесда қўлланилиши қўйидаги ўзгаришларга олиб келади:

- ҳар бир иш ўрнида ресурслар етарли бўлганда ахборотни қайта ишлаш учун тақсимланган шахсий (персонал) ҳисоблашларни амалга ошириш;
- хабарларни жўнатиш учун иш ўринлари бирлашганда коммуникациянинг ривожланган тизимини яратиш;
- иқтисодий обьект ахборот оқимиға уланганда, мослашувчан глобал коммуникацияларга эга бўлиши;
- электрон савдо тизимини яратиш ва ривожлантириш;
- иқтисодий обьект интеграцияси – ташқи муҳит тизимидағи оралиқ бўғинларни бартараф этиш.

15.3 Масофавий таълим - электрон таълим тизими

Масофавий таълим - ўқитишнинг универсал шакли сифатида, замонавий ахборот ва телекаммуникация технологияларига ва техник воситаларнинг кенг спектрларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, ўқувчилар томонидан ўқитиш дарсларини эркин танлаш, ўқитувчи билан мулоқот қилиш имкониятларини таъминлайди. Бунда ўқитиш жараёни

ўқувчиларнинг ҳам худудий, ҳам вақт бўйича жойлашишига боғлиқ бўлмайди.

Масофавий ўқитишнинг ахборот - таълим муҳити ўз ичига ахборотлар, ахборот ресурлари, ўзаро-муносабатлар протоколлари, аппарат-дастурлар ва ташкилий услубий таъминотлардан иборат тизимли ташкилий тўплам воситаларини олади ҳамда фойдаланувчиларнинг таълимга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришга йўналтирилади [16,17,18].

Масофавий ўқитиш анъанавий ўқитиш шаклларидан қуидаги **характерли хусусиятлар** билан ажralиб туради.

Мосланувчанилиги. Хоҳлаган вақтда, хоҳлаган жойда ва суръатда шуғулланиш имконияти. Фанни эгаллашга ажратилган вақтнинг чегараланмаганлиги.

Модуллилиги. Мустақил фанлар курсларидан модуллардан индивидуал ёки груп эҳтиёжларига жавоб берадиган ўқув режаларини шакллантириш.

Параллеллик. Касбий фаолияти ёки бошқа ўқув юртларидағи ўқиши билан параллел ҳолда таълим олиш.

Қамраб олиши. Бир вақтнинг ўзида ўқув ахборотларининг бир қанча манбаларига (электрон кутубхоналар, ахборот базалари, билимлар базалари ва ҳ.к.), ўқувчиларнинг қўпчилиги мурожаат қилиши. Алоқа тўрлари орқали бир-бирлари ва ўқитувчилар билан мулоқатда бўлиши.

Иқтисодийлиги. Ўқув хоналари, техника воситаларидан самарали фойдаланиш, ўқув ахборотлари мужассамлашган ва унификациялашган ҳолда тақдим қилиш ва унга мульти эришиш ўқув жараёнларини ташкил этиш харажатларини камайтириш.

Технологиялилиги. Таълим жараёнида ахборот ва телекоммуникация технологияларининг эришган янги ютуқларидан фойдаланиш инсонни жаҳон ахборотлар оламига кириб беришини таъминлайди.

Ижтимоий тенглик. Ўқувчининг қаерда яшашидан, соғлигининг ҳолати ва моддий таъминланганлигидан қатъи назар, таълим олиш имкониятидаги тенглик.

Интернационаллик. Таълим хизмати бозорида жаҳон ютуқларининг экспорт ва импорти.

Ўқитувчининг янги ўрни. Масофавий таълим ўқитувчининг ўрнини кенгайтиради ва янгилайди, билим олиш жараёнини мувофиқлаштиради, ўқитиладиган курсларни доимо такомиллаштиради, ижодий фаоллиги ва мутахасислиги бўйича янгиликлар ва инновацияларга бўлган талаби мос равишда ортиб боради.

Масофадан ўқитишнинг сифати таълим олишнинг кундузги шакли сифатида, кўзга кўринган ўқитувчи кадрлар таркибини жалб қилиш ва ўқув жараёнларида энг яхши ўқув-услубий ишлар ва фанлар бўйича назорат тестларидан фойдаланиш ҳисобига қолишмайди.

Ўқитиш усуллари. Масофали ўқитиш шакли беш умумидидактик ўқитиш усулларини ўз ичига олади:

- ахборотли-рецептли;
- репрадуктивли;

- муомила баён қилиш;
- эвристик;
- изланувчанлик.

Улар ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатларидағи барча педагогик актлар түпнамини ўз ичига олади.

Ўқув дастурлари бўйича ўқитиш учун зарур бўлган моддий ва техник воситалар мажмую ўз ичига ўқув ва ўқув-ёрдамчи хоналарни; лаборатория ускуналари, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув китоблари, ўқув қулланмалари ва бошқа ўқув услубий материалларни олади. Ўқув илмий материалларнинг катта қисми тингловчиларнинг узокдалиги сабабли виртуал ахборот-таълим муҳитини ташкил этади.

Масофадан ўқитиш шакли қўлланилганда **ўқитиш воситалари** анъанавийлардан ташқари бир қанча қўшимча воситаларни ўз ичига олади:

- электрон ўқув нашрлари;
- ўргатувчи компьютер тизимлари;
- аудио-видео ўқув материаллари ва бир қанча бошқа воситалар.

Ўқув жараёнига мўлжалланган электрон нашрлар, қогоз нашрларнинг барча хусусиятларига эга бўлиш билан бирга бир қанча томонлари ва афзалликлари бор. Хусусан, компьютернинг хотирасида ёки дискда компакт ҳолда сақлаш, гипертекст имкониятлари, кўпайтириш имконияти, тезкор тарзда ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш имкониятлари, электрон почтадан ахборот жўнатиш қуликлари, автоматлашган ўқитиш тизими бўлиб, ўз ичига ўқиши дастури бўйича дидактик, услубий ва ахборот-маълумотлар материалларини ҳамда дастурий таъминотни олади ва уларни мустақил билим олиши ва назорат қилишида комплекс фойдаланиш имконини беради.

Масофадан ўқитиш таълими жараёнида анъавий ўқитиш воситалари билан бирга замонавий ахборот технологиялари ва ахборот-телеқомуникация воситаларига асосланган ҳамда таълим технологияси соҳасида эришилган охирги ютуқларидан фойдаланилади.

Электрон алоқа - ахборотларни қайта ишлаш ва узатишда электрон усуслардан фойдаланишdir. Бу усул орқали босма материалларни, чизмаларни, турли хужжатларни, жадвалларни ва бошқа маълумотларни узатиш мумкин.

Электрон алоқа «қоғозсиз» алоқа муносабатларини ташкил қиласи ва хужжатлаштирилган хабарларни телефон ва маълумот узатиш тармоқлари орқали йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш тизимини ифодалайди. Телеграф бўлими, масофали алоқа ва телекс тизими биргаликда электрон алоқанинг элементлари ҳисобланади. Жумладан, телекс тизими 100 ортиқ мамлакатларда мавжуд бўлиб, 800 мингта абонентга хизмат кўрсатади. Микропроцессорларни жорий қилиниши электрон алоқа усулига янги ўзгариши киритди. Шу сабабли ҳам, электрон алоқа-объектлар ўртасидаги алоқа муносабатларини ахборотлаштириш ва электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширувчи тизим ҳисобланади.


Электрон алоқанинг ишлаш тамоили қуйидагига асосланади. Фойдаланувчи терминал орқали тегишли иқтисодий объектларга, уларнинг манзилгоҳларини кўрсатган ҳолда маълумотларни узатиши мумкин. Бу

хабарлар компьютер орқали қабул қилинади, тартиблаштирилади ва электрон кутиларга жўнатилади. Иқтисодий объектлар келиб тушган хабарларнинг рўйхатини доимо назорат қилиб турари ва тегишли маълумотларни тайёрлайди.

Электрон алоқа ёрдамида катта ҳажмдаги ахборот тўпламларини, турли маълумотларни тайёрлаш мумкин. Бундан барча ахборотлар компьютер хотирасида сақланади ва керакли нусхада тегишли маълумотлар босмага чиқарилади. 8.1-расмда электрон алоқа тизимининг тузилиши кўрсатилган. Электрон алоқа тизими ўзининг функцияларини амалга ошириш учун компьютер, магнитли баркаш хотира, масофага узатиш аппарати, тасвирларни ифодалаш ва босмага чиқариш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Электрон алоқа тизимининг асосий **афзалликлари** қўйидагилардан иборат:

- ахборот узатувчи ва қабул қилувчи ходимларнинг иш вақтини оптимал ташкил қилиш;
- узоқ масофаларга ахборотни узатиш;
- турли кўринишдаги маълумотларни узатиш;
- электрон алоқа қутисидаги хабарларни истаган вақтда олиш ва бошқалар.



15.1-расм. Электрон алоқа тизимининг тузилиши

Электрон алоқа тизими ёрдамида АҚШ да 2000 йилда 30 млн. хабар жўнатилган. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, хабарларнинг узатиш учун 15 млрд. доллар сарф қилинмоқда Ҳозирги кунда E-COM (Electro Computer Originated Mail) тизими ёрдамида электрон хабарлар жўнатилмоқда. Унинг асосини CBMS (Computer Based Massase System) тизими ташкил этади. Маълумотларни узатишда Tymnet, Telenet, Uninet тармоғидан фойдаланилади.

Телеанжуман ва видеотасвири тизим. Инсон фаолиятининг турли соҳаларида ахборот алмашиш зарурияти, янги маълумотларни олиш эҳтиёжи мулоқат, яъни анжуман, семинар, маслаҳатлашиш каби усулларни келтириб чиқаради. Ҳар бир масала турли даражада мухокама қилинади ва тегишли қарор ишлаб чиқилади.

Турли масофадаги шахслар ўртасидаги маълумотни алмашиш жараёнини келиб чиқишида телефоннинг аҳамияти жуда катта бўлди. Ҳозирги кунда бу воситалар биргаликда телеанжуман усулини яратишга асос солди. Телеанжуман асосида бир неча шахслар ўзаро мулоқатда бўлади ва турли кўринишдаги ахборотларни узатиш мумкин.


Маълумки, маслаҳат жараёнини ташкил этиш бир мунча ҳаражатларни сарф қилишни талаб қиласди. Масалан, Фарбий Европада 1990 йилда 100 мингта, 2000 йилда эса 130 мингта анжуманлар ўтказилди. АҚШда шу йиллар ичидаги 55 млрд. доллар сарф қилинди.

Ҳар бир раҳбар иш вақтининг 6 фоизини телефон орқали сухбатлашиш, 10-20 фоизини турли хужжатларни ўқиш ва ёзиш, 70 фоизини турли учрашувларда иштирок этиш учун сарфлайди. Иш вақтидан самарали фойдаланиш, уларни иш жойларидан қўзғатмаслик мақсадида мулоқат жараёнига замонавий техник воситаларни татбиқ қилишга киришилди.

Телеанжуман усулиниң асосий **афзалликлари** қўйидагилардан иборат:

- зарур масалаларни оператив мухокама қилиш ва тегишли шахсларга етказиш;
- мухокама учун турли кўринишдаги ахборотлардан фойдаланиш;
- мухокамада қатнашувчи мутахасисларнинг миқдорини кенгайтириш;
- маълумотлар базасидаги ахборотларни олиш ва анжуман қатнашувчиларига етказиш ва бошқалар.

15.2-расмда телеанжуманни ташкил қилишнинг тасвири кўрсатилган.




15.2-расм. Телеанжуманларни ташкил қилишнинг тасвири

Телеанжуман ўтказишида йўлдош алоқалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда маълумотлар 1.5 Мбит/сек тезликда узатилади. Лекин, жуда катта маблағ сарф қилинади.

Видеотасвирили хизмат хабар ва маълумотларни олишнинг янги тури ҳисобланиб, электрон алоқанинг кўринишидир. Бу усулда терминал воситаси сифатида оддий телевизордан фойдаланиш мумкин. У адаптер орқали ҳарфлар дастаси ва модемга боғланади ҳамда телефон тармоғига уланади.

Келаётган хабарларни текшириш учун маълумотлар базаси компьютерда ташкил қилинади. Натижада фойдаланувчи «мулоқат» тартибида маълумотлар базаси билан ишлайди ва тегишли ахборотларни олади. 15.3-расмда видеотасвир усулининг кўриниши берилган.



15.3-расм. Видеотасвир усулининг кўриниши

Фойдаланувчи тегишли маълумотларни ўз файлда саклаши ёки бошқа фойдаланувчига жўнатиши мумкин. Ҳар бир боғланиш маълум бир маҳфий сўзлар орқали амалга оширилади.

Видеотасвир усули интерактив тартибида ахборот хизматини кўрсатувчи тизим ҳисобланади. Бу тизим қўйидаги имкониятларга эга:

- фойдаланувчи талабига мувофиқ турли маълумотларни олиш;
- компьютер хотирасида шахсий файлга эга бўлиш;
- спорт мусобақаларини қўриш;
- турли компьютер ўйинларидан фойдаланиш;
- транспорт воситалар чипталарини банд қилиш ва бошқалар.


Видеотасвир тизими биринчи марта 1972 йилда Англияда тузилган. Унинг таркибига телевизор, телефон аппарати, модем, ҳарф-рақамли маълумотларни жамловчи воситалар кирган. Prestel тизими тижорат, спорт, маданият ва бошқа бир қатор маълумотларни узатиш учун мўлжалланган. Тизимнинг маълумотлари маҳсус бўлимлар томонидан ўзгартириб турилади.

Ҳозирги кунда видеотасвирли тизимлар Германия, Голландия, АҚШ, Япония ва бошқа бир қатор мамлакатларда мувофақиятли хизмат кўрсатмоқда.

Ахборот алмашув тизимлари. Ахборот алмашув тизими хизмат кўрсатишнинг янги тури ҳисобланиб, электрон хотиralар орқали маълумот алмашиш жараёнини автоматлаштирилган ҳолда амалга оширади. Бу тизим

электрон алоқанинг бир кўриниши бўлиб, матнли маълумотларни абонентлар ўртасидаги алмашувини таъминлайди. Ҳар бир хабар хусусий хотираларда сақланади ва автоматик тарзда тизимлар ўртасида алмашинади.


Фойдаланувчи ҳарфлар дастаси, дисплей, босгич ва бошқа қурилмалар ёрдамида матнли маълумотларни узатади ва қабул қиласди. Бунда матнлар турли муҳаррирлар ёрдамида таҳирланиши мумкин. Тегишли маълумотлар билан боғланишда махсус қоида ва қурилмалар иштирок этади. Бу жараён интерфейс буфери, хотира буфери ва маълумотларни узатиш аппарати орқали бошқарилади (15.4-расм).



15.4-расм. Телетекст тизимининг тузилиши

Телетекст тизимида ҳар бир хабар 2400 бит/сек тезликда узатилади. А4 ўлчамли қоғозларда 1500 белги жойлашади. Ҳар бир белги 8-разрядли рақамлар билан шифрланади ва сахифа 5 сек. ичидаги узатилади.

Телетекст тизими матнли маълумотларни телевизор сигналлари билан бир қаторда узатишга мўлжалланган. Ҳар бир телевизион сигнал ўртасида маълум бир вақт бўш қолади. Ана шу вақт оралиғида 36 Кбит/сек тезликда тегишли маълумотлар узатилади. Телемарказда келаётган маълумотлар ажратилади ва юборилаётган хабар вақт оралиғида қайта тақрорланади. 15.5-расмда телетекст тизимининг кўриниши тасвирланган.



15.5-расм. Телетекст тизимининг кўриниши

Матн кўрилаётган вақтда телевизор тасвиrlари кўринмайди. Телетекст тизими ёрдамида ойнома ва рўзномалардан олинган мақолалар узатилиши мумкин.

Электрон китоблар. CD-ROM русумидаги катта ҳажмли унча қиммат бўлмаган хотира-қурилмаларнинг мавжудлиги туфайли электрон китобларнинг пайдо бўлиши мумкин бўлди. Электрон китоблар атамаси саҳифалари дисплей экранида тасвиrlанадиган янги русмдаги китобни англатади. Бошқача айтганда, бу ахборот интерактив тизими фойдаланувчи (ўқувчи) учун саҳифама-саҳифа ташкил этилган ахборотга киришни тамиnlайди. 650 Мб сигимли компакт диск ахборотнинг қуидаги келтирилаётган ҳажмларидан бирини ёзишга имкон беради:

- А4 форматдаги матннинг 200.000 саҳифаси;
- 20.000 график расмлар;
- 2.000 телевизион статик тасвиrlар;
- 30 сония видеотасвир;
- 18 соат ўртacha сифатли товуш.

Электрон китоб саҳифаларидаи ахборот уч хил бўлиши мумкин: **эстетик** (китобнинг «ёқимли» кўринишини белгиловчи ва унинг ўқувчига таъсирини кучайтирувчи), **ахборот** (китоб мазмунини очиб берувчи) ва **назорат** (пиктограмма, икона, диалогли дарчалар, динамик меню ва ҳокозолар кўринишида тақтим этилган материал).

Электрон китобларни тўрт синфга: қомусий, ахборот, ўқитувчи ва имтиҳон олувчиларга бўлиши мумкин.

Электрон китобларни **биринчи хили** муаяйн мавзу бўйича улкан ҳажмдаги ахборотни ўзида сақлайди. Crolier Encyclopedia, Comptons Multimedia Encyclopedia, Microsoft Bookshelf ва бошқа шу каби машҳур маҳсулотлар бунга мисол бўла олади.

Электрон китобнинг **иккинчи хили** биринчисига ўхшамайди, бироқ бу китобларда сақланувчи ахборот унчалик кенг эмас ва мақсадга йўналтирилган хусусиятга эга. Масалан, Oxford Textbook of Medicine on Compact Disk, Elsevier's Active Library on Corrosion ва бошқалар.

Учинчи хил электрон китоблар амалиётда кўп тарқалган ва таълим жараёнида, болалар боғчаларида (масалан, Broderbund's Living Book) ҳамда ўқишдан кейинги малака ошириш курсларида фойдаланилиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур китоблар бадиий асарларни ўзида сақлаши мумкин (масалан, Herman Melville's Moby Disk, Gustave Flaubert's Madame Bovary, Michael Crichton's Jurassic Park, Adam Hitchhiker's Guide to Galaxy).

Тўртинчи хил китобларда уч муҳум компонент: масалалар (вазифалар) банки, тестлаш ва жавоблар модули, таҳлил ва баҳолаш учун ўқувчи жавобларидан фойдаланувчи эксперт тизими мавжуд.

Мультимедиа-китоблар битта ташувчида (CD-ROM ёки магнит дискда) ёзилган ва бир чизиқда (тўғри) ташкил қилинган, яъни зарур ахборот изчил равишда акс эттирилган матн аудио, статик тасвир ва видеодан фойдаланилади.

Полимедиа-китоблар, аввалгилардан фарқли равища ўқувчи ахборотни тақдим этиш учун бир неча турли ташувчилар (CD-ROM, магнитли диск, қоғоз ва бошқалар) комбинациясидан фойдаланилади.

Гипермедиа-китоблар мультимедиа – китоблар билан кўп умумийликка эга бўлсада, ўзидағи ахборотнинг нотекис ташкил этилиши билан фарқланади, масалан, ўқувчи “сичқон” ёрдамида асосий материални бир четга қўйиб, контекс ва фойдаланилаётган усул бўйича атама ва тушунчалар тизимиға тузатишлар, шарҳлар сўраши мумкин.

Интеллектуал-китоблар маъноси жихатидан илгари киритилган имтиҳон оловчи китобларга яқин ва ўқувчи қобилятлариға у билан мулоқот жараёнида жадал мослашиши мумкин.

Сўнги икки китобнинг истиқболи ҳам қизиқлиги шубҳасиздир. Телемедиа – китоблар масофадан туриб ўқитадиган тақсимловчи интерактив тизимни қўллаб-куватлаш учун телекоммуникация имкониятларидан фойдаланади. Кибернетик-китоблар ҳам математик моделлаш воситаларини ўзида сақлайди ва шу боис баён этилган ҳодисалар ва объектларни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш имкониятини ўқувчига тақдим этади.

Хорижий тилларни ўрганиш учун тизимлар. Бундай катта миқдордаги амалий мультимедиа – тизимлар орасида Learning English in Multimedia ўқитувчи тизимини ажратиб кўрсатиш мумкин. У бошловчилар учун инглиз тилини ўқитиш мақсадлариға мўлжалланган ҳамда IFAP/IRI (Италия) фирмаси томонидан ишлаб чиқилган.

Курс модули принципи бўйича қурилган, ҳар бир модул у ёки бу ҳаётий вазиятга мувофиқ келади. Кўриб чиқилаётган ҳолатлар ва уларга мувофиқ келувчи хатти-харакатлар учун тегишли сўз, тушунча, жумла ва гаплар киритилади. Шундай қилиб, тингловчилар ўз луғат бойлигини тўлдиради, грамматика ва синтаксис қоидаларни ўрганади.

Компьютер дастури ёрдамида ўқитиш оғзаки нутқни тинглаш ва талаффузини назорат этиш учун видеокассета ва аудиокассетадан, шунингдек, грамматика қоидалари берилган икки ўқув қўлланмасидан фойдаланилган ҳолда тўлдирилади. Ўз-ўзини назорат қилишнинг бундай усули ўқитиш жараёни самарадорлигини оширади.

Фан ва замонавий технологияни ўрганиш учун тизимлар. Бу катта синфдаги амалий мультимедиа – тизимлариға қуйидаги мисолларни (оддийдан мураккабга қараб) келтириш мумкин. Сингапурнинг Ngee Ann политехника институти томонидан ишлаб чиқилган СОМАРР ўқитиш дастури талабларга ҳисоблаш техникаси асосларини, яъни компьютер ишлаши принциплари ва уни қўллашни ўргатишга мўлжалланган. У Authorware Professional муаллифлик тизими ёрдамида қурилган ва турли ўқув мавзулариға тегишли модул тизимиға эга. Унинг бош менюсида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- компьютер ўзи нима?
- рақамли компьютерлар тарихи;
- компьютерлар таснифи;
- ахборотни тақдим этиш;

- микрочизмаларни ишлаб чиқиш;
- компьютер қандай ишлайди;
- микропроцессорлар;
- дастурдан чиқиш;
- муқаддима.

Кўпгина концептуал қоидаларни яхши ўзлаштириш учун кўп жой оладиган сўз баёнлари ўрнига анимация ёрдамида очиб берилади. Дастур CD-ROM да ёзилган ва ўн мингдан зиёд талаба ўқийдиган ушбу институтда кенг фойдаланилади.

15- боб бўйича холосалар

Жаҳондаги иқтисодий вазиятни таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон иқтисодий тизими замонавий ахборотлашган жамиятга кириб бораяпти. Бундай жамият электрон меҳнат қуролларига асосланган бўлиб, сифат жиҳатидан янги бошқариш аппарати ҳамда ахборот-коммуникациялар технологияларидан кенг миқёсда самарали фойдаланиш каби жиҳатлари билан тавсифланади. Кириб келган янги асрда жаҳон мамлакатлари иқтисодий ўсишининг асосий шарти - бу уларнинг барча соҳаларни қанчалик даражада компьютерлаштириши бўлиб қолади.

Масофавий таълим - ўқитишининг универсал шакли сифатида, замонавий ахборот ва телекаммуникация технологияларида ва техник воситаларнинг кенг спектрларидан фойдаланишга асосланган бўлиб, ўқувчилар томонидан ўқитиш дарсларини эркин танлаш, ўқитувчи билан мулоқот қилиш имкониятларини таъминлайди. Бунда ўқитиш жараёни ўқувчиларнинг ҳам худудий, ҳам вақт бўйича жойлашишига боғлиқ бўлмайди.

Шундай қилиб, мультимедиа-тизимлар ҳозирги пайтда таълим ва касбга таёrlаш соҳасида, нашриёт фаолиятида (электрон китоблар), бизнесни компьютерлаштириш учун (реклама, мижозларга хизмат кўрсатиш), ахборот марказларида (кутубхона, музей) ва ҳоказоларда муваффақиятли кўлланилмоқда.

Шундай қилиб, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш нафақат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ўзинигина тубдан ўзгартириб қолмай, балки малакавий мажбуриятларни бажаришда, фуқаролар хуқуқини амалда қўллаш, оиласдан муносабатда, ёшлар маънавий-маданий онгини шаклланишида ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг билан бирга жамият ижтимоий таркиби, иқтисодиёт, фан ва таълимдаги ўзгаришларида ҳал қилувчи таъсир кўрсатади.

Глоссарий

Ахборот маданияти - ахборотлашган жамият фуқароларининг ахборот билан ишлаши ва уни компьютер ахборот технологиялари ёрдамида яратиш, қайта ишлаш ва узатиш қобилиятига айтилади.

Ахборот - бу энг охиридаги фойдаланувчи томонидан олинган тушунчалар ва фойдали деб баҳоланган янги маълумот.

Ахборот ресурслари - жамиятда маҳсус қўллаш учун инсонлар томонидан тайёрланган ва машина ташувчига ўрнатилган билимлар.

Ахборот потенциали – жамият ахборот ресурсларини қўллашга имкон берувчи воситалар, ускуналар ва шароитлар тўплами.

Ахборотлашган жамият – кўпчилик ишловчиларнинг ахборот, айниқса унинг олий шакли бўлмиш билимларни ишлаб чиқиш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалга ошириш билан бўлган жамиятидир.

Ахборот маҳсулоти ва ҳизматлари – ахборот коммуникация технологиялари маҳсулоти бўлиб, уларнинг ахборот ресурсларида қўлланилиши жараёни оқибатида қандайдир янги ахборот ёки янги шаклдаги ахборот ҳосил қилинади.

Ахборот технологияси (АТ) – обьект, жараён ёки ходисанинг холати ҳақида янги сифат ахбороти олиш учун маълумотлар йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш (бошланғич ахборот) восита ва услублари жамланмасидан фойдаланадиган жараён.

Ахборот ҳавфсизлиги – қимматли маълумотлар даражасига кириш рухсатини ўзгартиришга, у ёки бу маълумотларни йўқотишга, кўринишини табиий ёки сунъий хусусиятларини ўзгартиришга қаратилган хатти-ҳаракатлардан ҳимояловчи ахборот тизими.

Ахборот фаолияти - тизимтик равишда алоҳида шахслар, шахслар грухи, ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ва ахборотни йиғиш, ўзгартириш, сақлаш, қидириш ва тарқатиш жараёнларининг тўплами.

Амалий дастурлар ва амалий дастурлар қарорлар – ишлаб чиқариш ва бизнесни YU муҳим функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган, маҳсус масалаларни ечишга мўлжалланиб яратилган дастурлар.

Амалий дастурлар пакети (АДП) – бу муайян (функционал тизимости, бизнес - илова) синф вазифаларини ҳал этиш учун мўлжалланган дастурлар мажмуи.

Автоматлаштириш даражаси – иш жойида, бўлимда, корхонада ахборот технологиялари воситаларини қўллаш даражаси.

Автоматлаштирилган ахборот технологиялари – ахборот жараёнини амалга оширувчи дастурий – техник воситалар.

Ахборот – мантиқий модел (АММ) - предмет соҳасини ва улар орасидаги боғланишларни ахборот обьектлари (моҳиятлари) мажмуасига айтилади.

Ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бозори – тижорат асосида маҳсулот ва хизматлар номенклатуроси, уларни баҳоси, тақдим этиш механизми ва шартларини ахборот маҳсулотлари ва хизматларини сотишга нисбатан иқтисодий, хуқуқи ва ташкилий тизимлар.

Ахборот индустряси – давлат органлари, юридик шахслар, жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти йўналишида ахборот маҳсулотини ишлаб чиқариш.

Ахборот обьекти - предмет соҳасини - реал обьектни, жараённи, ҳодиса ёки намоён бўлишнинг қайсиdir моҳиятини тасвиrlашга айтилади. Ахборот обьекти (моҳияти) обьектнинг (моҳиятни) сифат ва миқдорий тавсифларини кўрсатиб берувчи мантиқий ўзаро боғланган атрибуtlар(хоссалар) тўплами кўринишида шаклланади.

Ахборот жиҳатлари - ахборотни учта асосий жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин, яъни, прагматик, семантик ва синтаксис томонидан. Ахборотни айнан шу жиҳатдан кўриб чиқиш автоматлаштирилган ахборот тизимини лойихалаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Прагматик жиҳат ахборотларнинг амалий жиҳатдан фойдалиги, истеъмолчи учун қанчалик қимматли эканлиги ва қарор қабул қилишдаги аҳамияти нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Ахборотни прагматик ўрганиш бошқарувнинг турли даражаларида қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган кўrsatkiчlar таркибини аниqlаш, кўrsatkiчlar ва ҳужжатларнинг унификациялаштирилган тизимини ишлаб чиқиш имконини беради.

Семантик жиҳат ахборотларни ўрганишда ахборотнинг моҳиятини очиш ва унинг элементларининг мазмунан аҳамияти ўrtасидаги муносабатларни кўrсатиш имконини беради.

Ахборот захиралари – алоҳида ҳужжат ва алоҳида ҳужжат тўплами, ахборот тизимлари (кутубхона, архив, фонд, маълумотлар банклари, бошқа ахборот тизимлари) даги ҳужжатлар ва ҳужжатлар тўплами.

Ахборот –коммуникацион технологиялар – техник, дастурий, коммуникацион таъминот компонентлари ҳамда турли кўринишдаги техник, дастурий ва коммуникацион хизматларни ўз ичига оловчи маълумотларга ишлов беришнинг усул ва воситалари.

Географик ахборот тизимлари – шаҳар ва регионларда режалаштириш, назорат ва мониторинг жараёнларини таъминлашга мўлжалланган тизимлар.

Дастурий интерфейс – ҳисоблаш тизими доирасида қурилма ва дастурлар ўзаро таъсирини таъминловчи воситалар йиғиндиси.

Дастлабки калит (ДК) - ёзувни маъно жиҳатидан бир хиллаштирувчи бир ёки бир неча майдонлар. Агар дастлабки калит бир майдондан иборат бўлса у оддий дейилади, агар бир неча майдонли бўлса - турли таркибли калит ҳисобланади.

Дастурий маҳсулотлар – тижорат сотуви, прокат, ижарага бериш, ёки дастурлар пакети лизинги учун маҳсус йиғилган ва тизимли ёки

мустақил етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатлаштирилган маҳсулотлар.

Ёзув - мантиқан боғланган реквизитларга мос келувчи майдонлар йифиндисидир. Ёзувнинг тузилиши ўз таркибига кирувчи ҳар бир оддий маълумотга эга майдонлар таркиби ва кетма-кетлиги билан белгиланади.

Жадвал - реал олам ахборотини – моҳиятини акс эттиради, унинг ҳар бир сатри (ёзуви) эса обьектнинг аниқ бир нусхасини – нусха моҳиятини акс эттиради. Жадвалнинг ҳар бир устуни ушбу жадвалда уникал номга эга. Жадвал камида бир устунга эга бўлиши керак.

Информатика – компьютерлар ёрдами ва уларни қўллаш муҳити воситасида ахборотни янгилаш жараёнлари билан боғлиқ инсон фаолияти соҳаси.

Ишчи станциялар – муайян турдаги (график, мухандислик, нашриёт ва бошқалар) ишларни бажаришга ихтисослаштирилган бир киши фойдаланадиган қудратли микро- ЭҲМ лар.

Иерархик моделлар - дараҳтсимон структурали маълумотлар базаларини қуриш имкониятини беради. Уларнинг ҳар бир бўйими ўзининг маълумотлари турига (моҳиятига) эга.

Индексациялаш - калит билан файл ёзувларига киришнинг самарали воситаси индексациялашдир. Индексациялашда индексли қўшимча файл яратилади. У маълумотлар файли калитининг барча мазмунини тартиблаштириб ўзида сақлади.

Информатика- Ахборот хусусиятларини ўрганиш, уни йигиш, сақлаш, қидириш, қайта ишлаш, ўзгартириш ҳамда инсон фаолиятининг турли соҳаларида фойдаланиш ва тарқатиш билан шуғулланадиган фан иншаклтика, деб аталади

Иқтисодий ахборот – ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар ҳақидаги маълумотлар тўплами бўлиб, бу маълумотлар ушбу жараёнларни, ишлаб чиқари ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги инсонлар жамоасини бошқаришда фойдаланилади.

Йўқотиш аномалияси - Агар баъзи маҳсулотларни етказиб бериш тўхтатилган бўлса, маълумотлар базасида маҳсулот ва унинг баҳоси ҳақидаги (хатто у етказиб берувчиларда мавжуд бўлса ҳам) маълумотларни йўқотишга тўғри келади.

Киритиш аномалияси - Агар етказиб берувчida янги маҳсулот пайдо бўлса, маҳсулот ва унинг баҳоси ҳақидаги ахборотлар етказиб берувчи уни етказиб бермагунча маълумотлар базасида сақланиб қолиши мумкин эмас.

Кибернетика – техник, биологик, ижтимоий ва бошқа турли тизимларда бошқарувнинг умумий тамойиллари ҳақидаги фан.

Қобиқ – бирор бир дастур ва фойдаланувчи ўртасидаги қатlam ёки бошқа дастур устида усқуртма бўлган дастур.

Майдон - маълумотларни ташкил этишнинг оддий бирлиги бўлиб, ахборотнинг алоҳида, бўлинмас бирлиги бўлиши реквизитга мос келади.

Маълумотлар- Ахборот истеъмолчига етиб боргунча бир қатор ўзгариш-ларга учрайди. Оралиқ босқичларда хабарнинг моҳиятига кўра хусусияти иккинчи даражага тушиб қолади, натижада «ахборот» тушунчаси нисбатан чекланган «маълумотлар» тушунчаси билан алмаштирилади. Шунинг учун ҳам маълумотларни ахборотнинг компьютердаги тасвири деб айтиш мумкин.

Маълумотлар базалари – ўзаро боғланган маълумотлар, қоидалар тўплами бўлиб ташкил қилиниши маълумотлар билан иш олиб боришни, тасвирлашни ва сақлашнинг умумий тамойилларига асосланган бўлади.

Маълумотлар модели - маълумотлар структуралари мажмуи ва улар устида олиб бориладиган амаллардир. Боғланишларнинг ўрнатилиш усулига кўра маълумотлар ўртасида иерархик, тармоқли ва реляцион моделлар мавжуд.

Малумотларга ишлов бериш - бир хил турдаги структурали маълумотлар ёзувларини ажратиб олиш ва гурухлаш, саралаш, киритиш, саклаш билан боғлиқ масалаларни ечишнинг маҳсус синфи ҳисобланади. Ушбу синф масалалари магазин ва омборлардаги товарлар ҳисобини юритишда, иш ҳақини ҳисоблашда, ишлаб чиқаришни, молияни, телекомуникацияни бошқаришда ечилади.

Меҳнат ресурслари – жамиятда ишлаш учун умумтаълим ва касбий билимга эга кишилар;

Моддий ресурслар- жамият маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун мўлжалланган меҳнат ва хом-ашёлари мажмуидир. Масалан, хом-ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, яrim тайёр маҳсулотлар, деталлар ва ҳакозо

Мижоз (клиент) – вазифа, ишчи станция ёки компьютер тармоғидан фойдаланувчи.

Молиявий ресурслар – давлат ёки тиҷорат таркиби ихтиёридаги пул манбалари.

Меъёрлаштириш - берилган схема (ёки муносабатлар йиғиндиси)ни муносабатлари кўпроқ оддий ва регуляр тузилмага эга бўлган бошқа схема билан қадамма-қадам алмаштириш жараёни.

Предмет соҳасининг ахборот обьекти - бу муайян моҳият, яъни МБда улар ҳақида ахборот бўлиши лозим бўлган реал обьект, ҳодиса, жараён ёки воқеанинг ахборот тарзида акс эттирилиши. Ахборот обьекти ахборотнинг таркибий бирлиги саналади ва меъёрлаштириш талабларига жавоб бериши лозим.

Сенсор экранлар – тасвирлар, дастур ёки буйруқлар айрим элементларини дисплей экранида ШК га киритиш учун мўлжалланган.

Серверлар – барча станция тармоқларидан олинган сўровларни қайта ишлаш учун ажратилган кўп киши фойдаланадиган қудратли микроЭХМлар.

Сканер – қоғозли ташувчилардан автоматик ҳисоблаш ва ШК га машинада ёзилган матнлар, графиклар, расмлар, чизмаларини киритиш учун мўлжалланган мослама.

Табиий ресурслар – инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун жамият томонидан фойдаланиладиган обьектлар, жараёнлар, табиат шароитлари, жараёнлари, обьектлари.

Ташкилот – бу турғун шаклл ижтимоий структура ҳисобланиб, у ресурсларни атроф –муҳитдан олади ва уларни ўзининг фаолиятида маҳсулотга айлантиради.

Ташкилотнинг автоматлаштирилган ахборот бошқарув тизими -

Корхона мақсадларидан келиб чиқсан холда ахборотни йиғиш, қайта ишлиш, тақсимлаш, сақлаш, чиқаришга мос талаблари асосидаги маълумотлар, ускуналар, дастурий воситалар, ходимлар, стандарт муложааларнинг ўзаро боғланган тўплами.

Тезаурус – ахборотдан фойдаланувчи ёки тизимга эга бўлган маълумотлар жамланмаси.

Телекоммуникация – компьютер тармоқлари ва замонавий техник алоқа воситалари негизида маълумотларни масофадан узатиш.

Техник ва дастурий хизмат қўрсатиш – техник воситалар ва дастурий таъминотни ишчи холатда таъминлаб турувчи иш комплекси.

Узел – тармоқнинг узатиш воситасига уланган ҳар қандай қурилма.

Файл – ахборот ташувчи машинага тақдим этилган маълумотларнинг номланган йигиндиси.

Фойдаланувчи интерфейс – фойдаланувчининг дастурий ёки ЭҲМ билан ўзаро таъсиридаги дастурий ва аппарат воситаларири.

Хаёт цикли - ахборот маҳсулоти ва хизматига зарурат туғилишидан бошлаб уларни ишлатиб бўлгунга қадар кетган даврга айтилади.

Хужжат шакли - хужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилади ва тўлдирилади. Ҳар бир хужжат шакл (макет) билан аниқланадиган доимий қисмга эга. Хужжат шакли хужжатда сақланадиган ахборот структурасини акс эттиради ва хужжат таркибига кирувчи реквизитлар таркибини, номини ва жойланишини белгилайди.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборотлаштириш концепцияси
2. Офисни автоматлаштириш
3. Жаҳон ахборот бозорларининг секторлари.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни
5. Ахборот инфраструктураси ва унинг тузилиши
6. Ахборотнинг сифат хусусиятлари
7. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонуни
8. Ахборот – ресурс турлари сифатида
9. Ахборотни ҳисоблаш формуласи.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуни
11. Иқтисодий ахборотнинг умумий хусусиятлари.
12. Ахборот тизимлари ва унинг вазифаси.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонуни
14. Иқтисодий объектнинг ахборот ресурслари
15. Ахборот технологиялари иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги асосий жараёнлари
16. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон хужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуни
17. Тизимлар таснифи ва ташкилий тизим.
18. Иқтисодий объектнинг ахборот тизими ва бошқарув тизимининг поғаналилиги
19. Ўзбекистон Республикасининг Ахборотлаштириш дастури.
20. Иқтисодий объектнинг ахборот ресурсларини шакллантириш манбалари.
21. Бошқариш тизимининг ишлаши.
22. Тизим ва унинг хусусиятлари
23. Иқтисодий объектни бошқариш тизимининг тузилиши ва ишлаш тамойиллари
24. Автоматлаштириш ва автоматлаштирилган ахборот технологияси
25. Бошқарув тизими модели
26. Ахборот – коммуникация бозорининг жамият иқтисодидаги роли
27. Ахборот технологиялари тараққий этишининг асосий босқичлари
28. Ахборот технологияси моддий ресурсларни қайта ишлаш технологиясининг аналоги сифатида
29. Автоматлаштирилган ахборот технологиялари таснифи.
30. Интеграллашган ахборот технологиялари
31. Ахборот-коммуникациялар технологиялари бозори иштирокчиларининг ташкилий-иктисодий фаолиятини юритиш
32. Ахборот технологияларини ривожлантириш
33. Сервис дастурий таъминот

34. Жамият иқтисоди ахборот – коммуникация бозорини ривожланиш борасида олиб борилаётган ишлар.
35. Иқтисодий информатика ахборот инфратузилмасининг қисми сифатида асосий вазифа ва йўналишлар
36. Информатиканинг тармоқ, фан, амалий фан соҳалари сифатида тузилиши
37. Ахборотни тақдим этиш тизимининг ривожланиши
38. Ахборот технологиялари тараққий этишининг асосий даврлари.
39. Маълумотлар базасини ташкил қилиш тамойиллари
40. Ахборот технологиялари тараққий этишининг асосий босқичлари
41. Ахборот технологияси ва замонавий ахборот технологияларининг имкониятлари
42. Машина ичидаги ахборот таъминоти
43. Ахборот тизимининг таъминловчи қисм таркиби
44. Замонавий ахборот технологиялари
45. Маълумотлар базаси ва унинг имкониятлари
46. Ахборот таъминот таркиби ва унга қўйиладиган талаблар
47. Ахборот тизимининг ахборот таъминоти
48. Масоғавий таълимда ўқитиш усуллари ва воситалари
49. Машинадан ташқаридаги ахборот таъминоти
50. Маълумотлар банки тушунчаси ва унинг таркиби
51. Автоматлаштирилган иш жойларининг тузилиши ва иш режимлари
52. Автоматлаштирилган иш жойининг таърифи ва турлари
53. Ахборот тизимларининг технологик таъминоти
54. Мультимедиа технологиялари
55. Ахборот тизимларининг дастурий таъминоти
56. Бошқарув фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланиш зарурияти
57. Маълумотлар базаларини бошқариш тизими
58. Маълумотлар базасини ташкил қилишга қўйиладиган талаблар
59. Амалий дастурий таъминот
60. Реляцион маълумотлар базаси ва унинг имкониятлари
61. Амалий дастур пакетларининг таснифланиши
62. Масоғавий таълимнинг хусусиятлари
63. Мультимедиа воситаларининг қўлланилиш соҳалари
64. Электрон китоблар
65. Автоматлаштирилган иш жойларини лойихалаштириш босқичлари ва тадбиқ этиш
66. Компьютер тармоқлари ва унинг турлари
67. Замонавий ахборот технологияларининг асосий элементлариiga нималар киради?
68. Замонавий ахборот технологияларини қўллашнинг самарасини айтиб беринг
69. Ахборот технологиялари ривожланишининг тенденциялари
70. Таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш нималарни талаб этади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1717-сонли «Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури. 2012 йил 27 февраль.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги 616-сонли “Ахоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. – Тошкент: 2007 йил 6 апрель.
4. Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. //Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари. -Т.: «Шарқ», 1998. -64 б.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

5. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади: 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 36 б.
6. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъзуза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 12 ноябрь (№ 220).
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.
8. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимиидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
10. Ўзбекистон Республикаси Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар тўплами. – Т.: Адолат, 2008.
11. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги “Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлашишга муҳтоҷ шахсларни аниқлаш услубияти”. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент, 2007 йил.

IV. Асосий адабиётлар

12. Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. “Информатика” Олий ўкув юртлари учун дарслик -Т.: ТДИУ, 2007й.
13. Алимов Р.Х., Юлчиева Г.Т., ва бошқалар “Ахборот технологиялари ва тизимлари” дарслик-Т.: ТДИУ, 2010й.
14. Балдин К. В., Информационные системы в экономике: Учебник. – 3-е изд. – М.: Издательство – торговая корпорация «Дашков и К°» 2006 – 395 с.
15. Гаврилов М.В. Информатика информационные технологии: Учебник для студентов вузов. - М.: Гардарики, 2006. - 655 с.
16. Ғуломов С.С, Алимов Р.Х, ва бошқалар. “Ахборот тизимлари ва технологиялари” “Шарқ”, Т-2000 й.
17. Алимов Р.Х, Юлчиева Г.Т., Алишов Ш.А. “Ахборот технологияси ва тизимлари”. Маъруза матнлари. Т: - ТДИУ, 2005 й.
18. Alimov R.X, Begalov B.A., Yulchieva G.T., Alishov Sh.A. “Iqtisodiyotda axborot texnologiyalari”. O’quv q’llanma. Т.: - О’YUAJN, 2005 у.
19. Бегалов Б.А. Ахборот-коммуникациялар бозори: шаклланиш, тенденциялар, эконометрик моделлаштириш ва ривожланиш. Монография. – Тошкент: Фан, 2001.
20. Майоров С.И. Информационный бизнес: коммерческое распространение и маркетинг. М.: Финансы и статистика. 1994 г.
21. Вержбицкий В.В., Колесникова И.В. Проблемы разработки АОС экспертного типа по общественным наукам. —М.: НИИ ВШ, 1990. Вып.1. —48 с.

V. Қўшимча адабиётлар

22. Информационные технологии в бизнесе. /Под ред. М. Желены. – СПб.: Питер, 2002.
23. Андреев А.А и др. Пластиковые карточки. – М.: БДЦ–Пресс, 2002.
24. Хайитматов Ў.Т., Файзуллаев С.Х. ва бошқалар. Информатика ва ахборот технологиялари. – Т.: ТКТИ, 2005.
25. Локальные вычислительные сети./ Справочник в 3-х томах. М.: 1995.
26. Мамаражабов М.Э. Электрон жадваллар мавзусини ўқитишнинг методик асослари//Педагогик маҳорат.2002.№3.-74-776.
27. Арипов М. Интернет — аср мўжизаси // Ж. Физика, математика ва информатика. -2002. -№1. -Б. 38-52.
28. Абдуллаева Ш. З. Пул, кредит ва банклар. - Т., 2005 й.
29. Афонина С. В. Электронные деньги: - СПб.: Питер, 2001.
30. Лутфиллаев М.Х. Рейтинг асосидаги автоматлаштирилган ўқитиш тизимиning принциплари // Современные проблемы прикладной математики и экономики: Материалы международной конф. 18-20 ноябрь 1997. —Самарканд, 1997. 130-135 с.
31. Завгородний В.И. Комплексная защита информации в компьютерных системах. – М.: Логос, 2001.
32. Домашев А.В., Грунтович М.М. и др. Программирование алгоритмов защиты информации. учеб. пособ. 2-е изд., – М.: изд. «нолидж», 2002. – 416с.

33. Хорошко В.А. Методы и средства защиты информации. – К.: изд.Юниор, 2003. – 504 с.

34. Косимов С.С. Ахборот технологиялари // дарслик. ТАТУ, 2007. 423 бет.

35. Безлепки В.А. Применение excel в экономических и инженерных расчётах. «пропк». –м.: солон – пресс, 2005. – 192 с.:ил.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўрламлар ва ҳисоботлар

36. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

37. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари

38. “Халқ сўзи” газетасининг 2010-2012 йиллардаги сонлари

39. “Иқтисодиёт ва таълим” журналининг 2010-2012 йиллардаги сони.

VII. Интернет сай tlari

40. www.gov.uz – Ўзбекистон хукумати портали.

41. www.edu.uz – Ўзбекистон республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги сайта.

42. www.ictcouncil.gov.uz- Компьютерлаштиришни ривожлантириш буйича Вазирлар Махкамаси мувоффиқлаштирувчи Кенгашининг сайти.

43. www.ecsocman.edu.ru – Россия Федерация олий ўқув юртларида ўқитилаётган фанлар буйича ўқув-услубий комплекслар.

44. ziyonet.uz – Зиёнет интернет тармоғи.

45. www.lex.uz – Ўзбекистон қонун ҳужжатлари сайти.

Р.Х.Алимов, Ў.Т.Хайитматов, А.Ф.Хакимов, Г.Т.Юлчиева,
О.Х.Азаматов, У.А.Отажанов

АҲБОРОТ ТИЗИМЛАРИ
ўқув қўлланма
(магистратура мутахассисликлари учун)

Босмага рухсат этилди. 03.09. 2013й.
Қоғоз бичими 60 X 84 1 / 16
Хажми 15,31 б.т. адади 100 нусха Б. № 110

Тошкент Давлат иқтисодиёт
университети босмахонаси
Ўзбекистон кўчаси,49

